

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИСТИТУТИ**

З.ЭСОНОВ

ЭТНОЛОГИЯ

Ўқув-услубий қўлланма

Тошкент–2019

Ушбу қўлланмада этнология фанининг асосий тушунчалари, унинг муҳим тадқиқот методлари, илмий концепциялари ва илмий гипотезалари, этнология фани тарихи борасидаги маълумотлар баён этилган.

Қўлланма ижтимоий-гуманитар таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, 5110600 – Тарих ўқитиш методикаси таълим йўналиши талабалари учун чиқарилган Этнология ўқув фани фан дастури асосида тайёрланди.

Масъул

муҳаррир: У.С.Абдуллаев, тарих фанлари доктори,
профессор

Такризчилар: Қ.Ақбаров, тарих фанлари номзоди (ҚДПИ)

Б. Маллабаев, тарих фанлари номзоди. (НамДУ)

Кириш

Мустақиллик йилларида ўзбек халқи миллий анъаналари тарихини тадқиқ этиш борасида янги сермазмун саҳифалар очилди. Мазкур даврдан бошлаб халқимизнинг миллий ўзлигини англай ҳиссини кучайиши, миллий кадриятлар, тарихий анъаналарга бўлган эътиборнинг ортиши натижасида ўзбек халқининг келиб чиқиш ва турмуш тарзи тарихи муаммолари долзарб илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.¹ Қолаверса, жаҳон илм-фани таркибида ҳам ХХІ аср бошига келиб дунё миқёсида кечаётган улкан глобаллашув жараёнлари ва турли тарихий-этнографик, минтақалараро коммуникация тизимининг такомиллашуви натижасида этномиллий анъаналар тадқиқи масаласи муҳим аҳамият касб эта бошлади. Бунга боғлиқ равишда ушбу масалаларни чуқур тадқиқ этадиган этнологик нашрларда этнология фанининг асосий тушунчалари, унинг муҳим тадқиқот методлари, илмий концепциялари ва этнология фанининг илмий гипотезалари, этнология фани тарихи изчил талқиқ этила бошланди. Шунингдек, дунё аҳолисининг замонавий этник таркиби ва этник тарихи ҳамда турли тарихий-географик минтақалар бўйича жойлашуви, дунё халқлари анъанавий маданиятининг ўзига хос жиҳатлари, жаҳондаги халқларнинг, элатларни турмуш тарзи, этник жиҳатдан хилма хиллиги, ҳар бир халқнинг ўзининг муайян диний тасаввурлари, жаҳон халқларини халқ, элат сифатида жойлашувидаги ўхшашликлари, жаҳондаги Океания, Африка, Осиё, Америка халқлари этногенези масалаларини янгича қарашлар асосида таҳлил қилиш долзарб масалага айланди. Натижада жаҳон халқлари маданияти ўзига хос хусусиятлари, этнологиянинг долзарб муаммолари, фаннинг назариялар таҳлили, антропогенез ва этногенетик жараёнлар, миллий-этник маданиятнинг аҳамияти муаммоларини ёритиб берувчи ҳамда уларни ёш авлод тафаккурига сингдирувчи дарсликлар ва ўқув қўлланмаларга эҳтиёж ортди. Шу боисдан ҳам муаллиф томонидан юқорида қайд этилган муаммоларни яхлит бир тизимли равишда умумлаштирган ҳолда талабаларга етказиб бериш мақсадида мазкур қўлланма тайёрланди.

Ўйлаймизки ушбу қўлланма шубҳасиз бўлғуси тарихчиларни этнология фани муаммоларини мухтасар тарзда англаб етишлари учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

¹Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Ўзбекистон, 1998. 5-б.

1-модул: Фаннинг моҳияти ва кўпқиррали ижтимоий гуманитар фан сифатида унинг тадқиқот объекти

Режа:

- 1.Этнологиянинг пайдо бўлиши ва ижтимоий фанлар тизимида тугган ўрни.
- 2.Этнологияни мустақил фан сифатида шаклланиши.
- 3.Турли мактабларда этнологик терминлар талқини.
- 4.Этнологиянинг бошқа ёндош фанлар билан алоқалари.
- 5.Этнологияда янги қарашлар ва муаммолар.

Таянч иборалар: Қабила, элат, халқ, миллат, этнология, маданий антропология, халқшунослик инноватция, тарих, география, антик давр, эволюцион таълимот, расизм, микроэтнослар, макроэтнослар классификация, консолидация, ассимиляция, миграция, морфология ва гнесология, этногенез, этногеография.

Жаҳон аҳолиси бугунги кунда 7 млрд кишидан ортиқ бўлиб, ер юзидда 2 мингдан ортиқ турли халқ ва элатлар яшайди. Уларни асосини 260 та халқ, яъни 1 млн кишидан кўп аҳолига эга катта халқлар ташкил этади. Ҳозирги кунда дунё миқёсида кечаётган улкан глобаллашув жараёнлари ва турли тарихий-этнографик, минтақалараро коммуникация тузумининг такомиллашуви дунё халқлари ва улар турмуш тарзига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Сўнгги пайтда фан-техника тараққиёти билан бирга турли-туман можаролар ва миллий-этник низолар ҳам кучийиб бормоқда. Шу сабаб ижтимоий-сиёсий воқеликда шахс ва жамоа муносабатлари, замонавий цивилизацион жамиятда миллий маданиятларнинг ўрни ва аҳамияти ҳамда уларнинг сақланиб қолиш омиллари, этномиллий можаролар уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳамда мазкур жараёнларда этник факторларнинг ўрни каби муаммоларни ўрганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммоларни ечимда бошқа ижтимоий фанлар билан бирга этнос, яъни халқлар ҳаёти ва у билан боғлиқ жараёнлар тўғрисидаги тизимли билимларни берувчи фан соҳаси – **Этнология** фанининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Қадимги ва ўрта асрларда этнологик фактларни тўпланиш тарихи. Маълумки, ҳар қандай илм соҳасининг фан сифатида шаклланиши инсоният эҳтиёжи билан чамбарчас борлиқдир. Қадимги давр манбаларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1.Қаминги тош ва иероглиф ёзувли маълумотлар.Қадимги даврда Бобил, Оссурия, Эрон каби давлатларнинг ҳукмдорлари ҳузўрида қўшни давлатлар, қабилалар билан самарали савдо муносабатлари, муваффақиятли урушлар олиб бориш учун улар ҳаёти тўғрисида фактик маълумотлар тўлаб боришга ҳаракат қилганлар. Қадимги Шуммер, Оссурия ибодатхоналаридаги ёзувлар, Беҳистун тош зафарномаси ва шу каби бошқа қадимги давр маълумотлари бу фикримизни тасдиқлайди.

2. Қадимги муқаддас китоблардаги маълумотлар. Яхудий ва христианларнинг “Таврот”, “Инжил” каби қадимий муқаддас диний китобларда ҳам мил. ав XIII-X асрлардаги қабилалар номи, тарихи акс этган маълумотлар берилган. Масалан, Нухнинг ўғиллари Сом, Ҳом, Ёфас тўғрисидаги афсона, Сеннар текислигидаги “Бобил минораси” афсонаси бунга мисол бўлади..

3. Қадимги асарларда халқлар тўғрисидаги этнологик фактларни тўплана бориши. Юнон муаллифи Гомернинг “Илиада” ва “Одиссея” дostonларида мил ав. XI-X асрлардаги юнон кўшинлари тўғрисида, Гэрадотнинг 9 томлик “Тарих” асарида эса уларнинг маиший турмуши тўғрисидаги қимматли маълумотлар учрайди. Бундай маълумотлар Искандар юришлари натижасида пайдо бўлган асарларда ҳам ўз ифодасини топган. Страбоннинг (милоддан аввалги II аср) “География”, Ксенафоннинг “Анабасис”, Аррианнинг “Искандар юришлари” асарларида қабилаларнинг географик жойлашуви, машғулот, оила-никоҳ муносабатлари, урф-одатлари тўғрисида муҳим маълумотлар берилган. Қадимги давр мутафаккирлари Платон ва Аристотел асарларида афсонавий Атлантида аҳолисининг урф-одати, руҳияти, давлат тузилиши ҳақида қимматли маълумот акс этган. Римлик муаллифлар К.Татцит, Л.Кар асарларида герман, кельт, сармат, скиф қабилаларининг ҳаёти, уйлари, тарбияси, таълими, ўйинлари тўғрисидаги этнологик маълумотлар берилган.

4. Илк ўрта аср даври маълумотлар. Илк феодализм даврида Европадаги сиёсий тарқоқлик илмий билимларнинг қисқариб кетишига олиб келди. Фақат Византияда, араб халифалигида фанлар ривожланди. Византиялик муаллифлардан П.Кэсарский, Готлик Иордан, Анна Коминя, немислардан Титмар, Адам Бременский, Гелмолд, араб муаллифларидан Иби Хирдодбек, Ал-Истахрий, Ўрта Осиёлик Берунийларнинг асарларини мисол қилиб келтириш мумкин.

5. Ривожланган ўрта аср даври маълумотлари. Марказий Осиёдаги теурийлар даври муаллифлари Клавиho, Н.Шомий, А.Самарқандий, З.М. Бобур асарларида ҳам кўп этнологик маълумотлар берилган. XV асрдаги “Буюк географик кашфиётлар” даврида ҳам жуда кўп шундай маълумотлар тўплана борди. Тўпланган маълумотларни илк бор бир тизимга солиш эҳтиёжи туғилди. Натижада биринчи бор XVI аср Италиялик Петро Мартир, Мексикада роҳиб Бернардо де Саагун асарларида қолоқ халқлар ҳаётининг моҳияти, сабаби илмий жиҳатдан таҳлил этилди. Халқшунослик фанининг илк куртаклари шакллана бошлади. Бу соҳадаги тараққиёт давом этди. Жумладан, немис тарихчиси И.Г.Гердер инсониятнинг ибтидоий даврдан янги замонгача бўлган тарихини яхлит бир тизимда тасвирлашга ҳаракат қилди.

Этнологияни мустақил фан сифатида шаклланиши

Янги тарих даври. XIX асрнинг биринчи чорагига келиб бир томондан кўп этнографик билимларнинг тўпланиши, иккинчи томондан буюк давлатларнинг мустамлакачилик манфаатлари асосида бу

ўлкалардаги халқлар ҳаёти ҳақидаги билимларни бир тизимга солиш эҳтиёжи туғилди. Шу тарзда этнология фани юзага келди. Буни куйидаги босқичларда кўриш мумкин:

1. Европа мамлакатларида: дастлаб Францияда 1839-йилда Парижда “Франция этнологлар жамияти” тузилди, жамиятнинг илмий журналлар чоп этила бошлади. Этнология алоҳида фан йўналиши сифатида шаклланди.

1789 йилда Германияда Европалик бўлмаган халқларни ўрганувчи “Volkerkunde” мактаби, шунингдек, немис забон халқларини ўрганувчи “Volkerkund” номли мактаб йўналишлари юзага келди. XIX аср 30-йилларидан немис сайёҳларининг фаолияти жонланиб “Volkerkund” ва “Етнология” терминлари фанда халқлар маданиятини тадқиқ этувчи термин сифатида қўлланила бошланди. 1869 йил Германияда “Антропология, этнология ёзма тарихгача бўлган тарих жамияти” номли уюшма ташкил топган.

Англияда дастлаб инсоният, халқлар тўғрисидаги билимлар антропология (ижтимоий) фани йўналишида XVI асрда юзага келди. 1596 йилдаги О. Гусманнинг “Антропология” асари ёзилишидан сўнг. XVIII асрга келиб мустамлакачилик тузимининг ривожланиши билан инглиз антропологияси асосан қолоқ халқлар турмуши хусусиятларини ўрганишга эътибор қарата бошлади. XIX аср охирида “орқада қолган” халқларни ўрганувчи Антропологик жамиятини тузилиши этнология фанига асос бўлди. 1906-йилда Ж.Фрезернинг “Ижтимоий антропология” асарини юзага келиши билан Англияда фан “Ижтимоий антрополлогия” деб атала бошланди.

Россияда 1846-йилда “Рус география жамияти” тузилиши билан этнографик тадқиқотларга асос солинди. М.Маклайнинг Янги Гвинейдаги тадқиқотлари Россияда фанни янада ривожлантирди. Ҳозирги Россия ФАнинг этнология ва антропология институти унинг маркази ҳисобланади.

2. Америка мамлакатларида: АҚШда этнологик жамиятлар 1842-йилдан тузила бошланди. Ушбу мамлакатда фан асосчиси сифатида тадқиқотчи Г.Л.Морган ҳисобланади. XX аср бошларида Ф.Боас тадқиқотларига асосан АҚШда фан номи “Маданий антропология” деб атала бошланди. Бу мактаб вакиллари асосан халқлар маданиятидаги фарқланишларни ўрганади.

3. Италияда 1870 йил “Италия антропология ва этнология жамияти” вужудга келди. Шу асосда фан бу мамлакатда ривожлана бошлади.

4. Ўзбекистонда этнология фанини вужудга келиши: Ўзбекистон ҳудудида ҳам қадимдан этнологик маълумотлар тўпланиб келинган. Жумладан “Авесто”, қадимий туркий ва сўғдий тош битиклар, Берунийнинг “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар”, М.Қошғарийнинг “Девону луғатит-турк”, “Насатномаи ўзбек”, З.М.Бобурнинг “Бобурнома”, М.Солиҳнинг “Шайбонийнома” асарларидаги маълумотлар бунга мисол бўлади.

Ўзбекистонда илк бор 1870-йилда рус тадқиқотчилари Н.Н.Карзин, Н.Е.Симёновлар Самарқанд, Бухоро, Урганчда илмий этнологик экспедиция уюштирдилар.

1895-йилда Тошкентда “Археология ҳаваскорлари Туркистон тўғараги”ни ташкил этилиши фан асосларини юзага келишида муҳим рол ўйнади.. Унда Саттархон Абдуғаффор, Мирзо Барот, Мулла Қосимов, Муҳаммад Вафо каби маҳаллий халқ вакиллари илк ўлкашунос сифатида фаолият юритдилар. 1921-йилга “Туркистон туб аҳолисининг маиший тузилишини ўрганиш илмий комиссияси” фаолият юритди. 1930-йилларда илк маҳаллий этнографларни етишиб чиқиши соҳа ривожига жиддий таъсир этди. 1943 йил Ўз ФА Тарих ва археология институти таркибида Этнология бўлими ташкил топди. Кейинги йилларда ўзбек этнологияси ривожига К.Шониезов, Т.ФайзиЕв, Б.Аҳмедов, М.Эрматов, О.Сухарева, И.Жабборов, А.Асқаров, А. Аширов, У. Абдуллаев каби олимлар муносиб ҳисса қўшдилар. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида этнология фани янги кўламда ривожланди. АҚШ, Англия, Франция, Германия, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Марказий Осиё этнологлари билан ўзбек этнологлари самарали алоқаларни йўлга қўйганлар.

Этнологияик терминларни турли мактаблардаги талқини

1.Фан номланишидаги ўзак сўз “этнос” сўзи илк бор мил. ав. VI-V асрда Юнонистонда юнон бўлмаган уруғ ва қабилаларга нисбатан илк бор қўлланилган. XIX асрга келиб эса бу термин фанда “халқ” маъносида қўлланила бошланган.

2.Бу терминни “Этнография” ҳолида XVII аср бошларида илк бор немис ёзувчиси Иогани Зуммер, “Этнология” тарзида эса 1784-йилда тадқиқотчи А.Шаванн қўллаган. Чунончи, 1808-йилдан Францияда “Этнография” номли журнал чиқа бошлаган. Лекин бу терминни алоҳида халқлар турмушини ўрганувчи фан соҳасига нисбатан қўллашни биринчи бўлиб 1830-йилда француз олими Ж.Ж.Ампер таклиф этган.

3.Фан йўналиши XIX аср охирида Францияда “Этнография” деб аталган бўлса, кейинроқ “Этнология”деб номлана бошланди. XX аср 30-йилларидан этнология термини дунё мамлакатлари илм-фанида жаҳонга кенг ёйилди (Шу билан бирга АҚШда “Маданий антропология”, Англияда “Ижтимоий антопология” атамалари ҳам учрайди.)

Этнография халқларга дахлдор материалларни тўплаб тизимлаб ва уни тасвирлаб берса, этнология –этнос ҳақидаги барча малумотларни назарий,методологик жиҳатдан таҳлил, талқин қилади ва бу хусусда умумий хулосалар чиқаради. Демак этнография–этнология фанининг бир бўлимидир.

Этнологиянинг бошқа фанлар билан алоқалари. Этнология фани бошқа бир қатор гуманитар фан ютуқларидан фойдаланиб ўз хулосаларини бэради. Масалан:

1.Қадимги давр халқлари ҳаётини ўрганишда археология фани ютуқларидан, халқлардаги ташқи белгиларини ўрганишда антропология фани билимларидан кенг фойдаланилади. Умуман олганда Этнология ва Антропология фанлари мустақил фан йўналишлари сифатида тадқиқотчилар томонидан XIX аср ўрталаридан тан олина бошланган.

2.Этник тил хусусиятларини ўрганишда лингвистика фани ютуқларидан фойдаланади. Бунда тилларнинг келиб чиқиши, ўзгариши, қариндошлик алоқалари эътиборга олинади.

3.Халқлар турмушини ўрганишда халқ оғзаки ижоди–фолкълоршунослик фани ютуқларидан фойдаланади.

4.Этнослар маънавий маданиятини–санъатшунослик, музикашунослик фанлари; халқлар ўрнашган минтақа иқлими, рельефи, ўсимлик, ҳайвонот дунёсини ўрганишда география фани маълумотларидан фойдаланилади.

5.Социология– одамларнинг ижтимоий ҳаётини ўрганувчи фан бўлиб, этносоциология–замонавий жамиятдаги ижтимоий ва этник жараёнлар ўртасидаги алоқалар тўғрисидаги билимларни ўрганади.

Этнологиянинг тарихий ва бугунги долзарб муаммолари

Дастлабки даврларда (XIX аср) Европада этнологиянинг асосий ўрганиш мавзуси ибтидоий шароитда яшаётган халқлар турмушини тадқиқ этиш ҳисобланган. Уларни қайсидир маънода ўзларининг узок ўтмишдаги “тирик аجدодларимиз” деб ҳис қилинган. Бундай қарашлар жумладан, Л.Г.Морган “Қадимги жамият” (Иронез қабилалари), Э.Тайлор “Ибтидоий маданият” (Англия), А.Бастиан (Германия) асарларида акс этган. Лекин бугунги кунга келиб тадқиқотчилар фанни ўрганиш мавзусини ***маданий жиҳатдан тараққий этмаган халқлар турмушини ўрганиш*** билан бирга, ***замонавий индустриал жамиятдаги халқлар турмушидаги ўзгаришларни*** ҳам асосий ўрганиш мавзуси деб тадқиқ этмоқдалар.

Назорат саволлари:

1. Этнология фани ютуқларига нэра бугунги кунда эҳтиёж ортди?
2. Этнология фани қандай тарзда мустақил фан сифатида шаклланди?
3. Этнология фани қандай терминлардан фойдаланади?
4. Этнология фани бошқа ёндош фанлар билан қандай алоқада бўлади?
5. Этнология фанида бугунги кунда қандай янги қарашлар шаклланган?

2-модул: Этнология фани предмети ва тадқиқот методлари, назарий муаммолари ва асосий мактаблари

Режа:

1. Этнология фани предмети.
2. Этнология фани манбалари.
3. Этнология фани методлари.

4. Этнологиянинг асосий йўналишлари ва мактаблари.

Таянч иборалар: Халқшунослик, этнология, этник бирлик, этноним, музей фондлари, ёзма манбалар, архив манбалари, кузатиш асосида тўпланган маълумотлар, дала материаллари, фолклор манбалари, археологик, лингвистик, эволюционизм, диффузионизм, социология мактаби, функционализм.

Этнология фани предмети. Таниқли тадқиқодчилар фикрига кўра этнология фанининг асосий ўрганиш предмети бу халқ ва халқларнинг маданий ўзига хослигини ўрганиш бўлиб келган. Шундан фаннинг умумий этнология бўлими мавжуд халқлар ҳаётини, тарихий этнология бўлими эса тарих саҳнасидан йўқолиб кетган (масалан 1876-йилда тугатилган тасманлар, ёки қадимий хеттлар, мидияликлар) турмушини тадқиқ этади. Этнология фанида одатда “турмуш” дэран тушунча остида инсоннинг анъанвий шахсий ёки ижтимоий ҳаёти тушунилади. Турмуш тарзи ҳар бир халқда ўзига хос бўлиб, кўшни халқлардан фарқли шаклланади. Халқлар турмуш тарзидаги ўзига хосликни тадқиқ этиш учун аввало фандаги халқ тушунчасини аниқлаштириб олиш муҳим. Биламизки, этнология фанида “Халқ” тушунчиси фаннинг асосий ва муҳим тушунчаси ҳисобланиб, халқ тушунчаси муайян этник белгиларга эга “Этник бирлик”ка нисбатан қўлланилади. Жумладан, халққа хос этнологик белгилар: этник бирликка хос умумий тил, умумий этник ҳудуд, турмуш ва маданиятдаги ўзига хослик, келиб чиқишининг умумийлиги, этник ўзликни англаш, ўзининг номи – “этноними”га эга бўлиши кабиларни ташкил этади. Таниқли тадқиқотчилар фикрига кўра тараққиётнинг турли даврларида улардан бири ёки бир нечтаси аниқловчи омил ҳисобланиши мумкин. Шу ўринда китобхонлар эътиборини баъзи истисноларни мавжудлигига ҳам қаратишни зарур деб ҳисоблаймиз. Хусусан тил кўпинча бир халққа хос этник мансубликни белгилаб бэради. Масалан рус халқи вакили учун рус тили, япон халқи вакили учун япон тили шундай белги хусусиятига эгадир. Лекин испан тили мексикалик, кубалик, чилилик каби этник бирликлар учун шундай белги бўла олмайди. Лекин тил этник белги сифатида этнослар этник қиёфасини белгилашда асосий мезонлардан эканлигини инкор этмаймиз. Ёки этник ҳудуд ҳам этник мансубликни белгилаши мавжуд. Масалан Сўғдийлар юрти бу Амударё ва Сирдарё оралиғи, Германлар учун эса Рейн ва Элба дарёлари оралиғидаги ҳудудлар азалий она юрт бўлиб ҳисобланган. Лекин шунга қарамай Буюк Британия ороллари инглизлар учун азалий этник макон ерлари бўлсада, бугунги кунда инглизлар Австралия, Канада ва ҳоказо ҳудудларда ўрнашганлар. Уларда этник ҳудуд тушунчаси ягона эмас, турмуш ўзига хос шаклланган. Аксинча айрим этнослар азалий ватанларидан узоқлашсаларда этник мансубликни сақлаб қолганлар. Масалан лўлилар, яҳудийлар бунга мисол бўлади. Лекин этник ҳудуд белгиси этнослар этник қиёфасини белгилашда асосий мезонлардан эканлигини

инкор этмаймиз. Демак этнология фани турли халқлар этногенези ва этник тарихи, анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар, моддий ва маънавий маданият муаммоларини ўрганади, деб айтиш мумкин. Этнология фан сифатида қарор топар экан, юқорида айтилганидек, XIX аср охирида этнологиянинг асосий тадқиқот мавзуси маданий жиҳатдан қолоқ халқларни ўрганиш бўлса, XX аср охиридан бошлаб эса асосий эътибор замонавий жамиятлардаги этник жараёнларга қаратила бошланди. Ҳозирга келиб Ғарбий Европанинг бир қатор мамлакатларида этнология фанининг янги йўналишлари, яъни ижтимоий этнология, ҳуқуқий этнология, сиёсий этнология, диний этнология, иқтисодий этнология каби янги йўналишлари шаклланди.

Этнология манбалари ва методлари. Маълумки ҳар бир фан ўз манбалари таркибига эга бўлади. Этнология фанининг асосий манбалари бўлиб музей фондларидаги этнологик манбалар, ҳудуддаги этнослар ҳаёти акс этган ёзма манбалар, этнослар турмушини ёритувчи архив манбалари, халқлар турмушини бевосита кузатиш асосида тўпланган маълумотлар, этнослар ҳаётига оид олинган “дала материаллари” ташкил этади. Тадқиқотчи муайян этнос турмушини илмий жиҳатдан тўғри тадқиқ этиш учун аввало бу манбаларни синчиклаб ўрганиши зарур. Бунда изланувчилар турли хил этнологик методлардан фойдаланадилар. Шундай муҳим методлардан бири этнослар турмушини дала материаллари асосида ўрганиш ҳисобланади. “Дала материаллари” этнос ҳаётни кузатишда суҳбатни ёзиб олиш, фотосурат, аудио ва видео ёзуви олиш тизими орқали тўпланади, экспонатлар олинади. Масалан таниқли тадқиқотчилардан Г.Морган Америка Ирокез қабилалари, М.Маклай эса Янги Гвения папуаслари орасида узоқ муддат яшаб, шундай ноёб дала материаллари тўплаганлиги маълум. Дала материалларини тўёпинчиқ учун ўтказиладиган экспедиция ўз мазмунига кўра узоқ (стационар) ва қисқа муддатли (3-28 кун) бўлиши мумкин. Методлардан бири: ёзма манбаларни ўрганиш бўлиб, халқ ҳаётини ўрганишда ёрлиқлар, фармонлар, асарлар, расмий ҳужжатлар, сафарномалар, кундаликларни ўрганиш лозим. Этнологиянинг муҳим методларидан яна бири халқ оғзаки ижоди намуналарини чуқур таҳлил қилиш ҳисобланади. Чунки қадимги Турон ўлкаси қабилалари этнологиясини ўрганиш учун Сувайш, Тўмарис, Алпомиш каби фолклор манбаларини изчил ўрганиш тадқиқотчига янги муҳим маълумотлар бэради. Талабалар ҳам ўз ҳудудлари этнологиясини тадқиқ этганларида ишни маҳаллий фолклор манбаларини таҳлил қилишдан бошлашлари уларни тўғри йўлдан боришларини таъминлайди. Этнолог учун ҳудудга хос археологик, тилшунослик, статистик маълумотларни ўрганиш ҳам асосий методлар бўлиб ҳисобланади. Демак этнологиянинг асосий методлари этнос ҳаётини улар орасида яшаб тадқиқ этиш, ҳудуд фолклор манбаларини ўрганиш, минтақа археологик изланишлари материалларини тадқиқ этиш, халқлар лингвистик хусусиятларини ўрганиш, ҳудуд аҳолиси тарихига оид статистик материаллар ва уларни таҳлил қилиш кабилардан иборатдир.

Эволюционизм ва диффузионизм. XIX аср ўрталарига келиб халқлар турмушини тадқиқ этиш бўйича этнологияда бир қанча янги йўналиш, концепсия, қарашлар шаклланди. Улар асосида эса фаннинг асосий мактаблари, яъни етакчи йўналишлари вужудга келди. Этнологиянинг бундай мактаблари сирасига *эволюционизм, диффузионизм, структурализм, этнологиянинг тарихий Америка мактаби, функционализм, маданий релятивизм*ни киритиш мумкин.

XIX аср ўрталарида Европада табиий фанлар соҳасида кўплаб кашфиётлар қилинди. Натижада фанда барча нарса ва ҳодисалар бири-бирига боғлиқ ҳолда соддадан мураккабга қараб табиат кучлари асосида ривожланиши ҳақидаги таълимот – *эволюционизм* вужудга келди. Бу йўналиш асосчиси Э.Тайлор бўлиб, ўзининг 1871-йилги “Ибтидоий маданият” асари билан танилди. Шунингдек, англиялик Г.Спенсер, Ж.Фрезер, Германияда А.Бастиян, Т.Вайс, Г.Шурц, Францияда Ш.Летурно, Америкада Л.Т.Морган бу мактабнинг таниқли вакиллари бўлиб ҳисобланади. Гарчи бу мактаб узоқ вақт фанда асосий йўналиш бўлиб турсада XIX аср охирида танқидга учради. Сабаби – улар инсоният маданиятини ривожланишида умумийлик бўлсада, тараққиётда алоқанинг ўрни аҳамиятли эмас, маданият ўхшаш шароитда мустақил пайдо бўлади ва ривожлана олади, деб кўрсатадилар.

XIX аср охирида этнологик билимларнинг ривожланиши *диффузионизм* (ёйилмоқ) йўналишини вужудга келтирди. Бунда маданият юзага келган географик минтақадан бошқа ерга тарқалиши ва ўзаро алоқада ривожланиш фикри илгари сурилади. Асосчиси германиялик Ф. Раттсел бўлиб, у 1882-йилда “Антропогеография” асарини ёзди. У халқларнинг ўзаро таъсири натижасида маданиятдаги фарқлар йўқола боради, тил, ирқ белгилари аралаша боради деб кўрсатади. У этнологик билимлар ва уларнинг терминологияси билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борган. Л.Фробениус Раттселнинг шогирди бўлиб, узоқ йиллар Америка халқларини ўрганади ва 1888-йилда “Америка маданиятининг келиб чиқиши” номли асарини яратади. Лекин у маданиятни яхлит бир “тирик организм” деб тушунади ва инсон маданиятни яратувчиси эмас, балки фақат уни узатувчи (кейингиларга) деб ҳисоблайди.

Социология мактаби ва функционализм. XIX аср охирида Европа этнологиясида янги бир йўналиш – *социология мактаби* вужудга келди. Унга кўра этнологиянинг асоси жамият бўғинлари тараққиётида бўлади. Асосчиси франциялик Эмил Дюркгейм (1858-1917). Унинг фикрига кўра маданиятда турли жамият бўғинлари – жамоа, уруғ, элат, халқ, миллат каби ижтимоий тизимлардан иборат бўлиб, уларни тадқиқ қилиш орқали халқлар ўтмишини ўғаниш мумкин.

XX асрнинг 20-йилларида Англияда *функционализм* оқими вужудга келди. Бу мактаб асосчиси германиялик Р.Турнвалд бўлсада, лекин йўналишнинг асосий назариясини Б.Малиновский (1884-1942) ишлаб чиққан ҳисобланади. Б.Малиновский асли Польшада туғилган, ўқиган, Янги Гвинея, Меланезия экспедицияларида қатнашган, 1927-

1938 йилларда Англияда, сўнг АҚШда яшаган. Ел университетида ишлаган. 1944-йилда “**Маданиятнинг илмий назаряси**” номли асарини ёзган. У этнологияда маданият ва уни таркибидаги буюм, жараёнлар хусусиятини фақат уни чуқур тадқиқ этиб, бевосита кузатиб, тажриба ўтказиб ўрганиш кэрак, деб ҳисоблаган. Яъни бу бўғин қандай тарзда яратилган, нимага ишлайди, кимга тегишли? Дунёдаги маданият инсон эҳтиёжлари туфайли вужудга келган бўлиб, улар орасидаги фарқланишлар инсон эҳтиёжлари фарқлари билан боғлиқ. У маданиятни 2 та, яъни моддий ва маънавий маданиятга бўлган. Шу йўналишнинг яна бир вакили А.Р.Браун (1881-1955) бўлиб у Англияда ўқиган, Андаман ороллари аҳолиси, Австралия аборигенлари орасида яшаган, Австралия, Англия университетларида ишлаган (Оксфорд). 1952-йилда “Примитив жамиятнинг тузилиши ва функцияси” номли китоб ёзган.

Этнологиянинг яна бир мактаби бўлиб ҳисобланган Америка **этнопсихология мактаби** XX асрнинг 30-йиллида АҚШда вужудга келган. Асосчилардан бири Ф.Боас (1858-1942). Замонавий этнологиянинг асосчиси сифатида Боас этнологияни “маданият” тарзида кенг тушунчалар билан эмас, балки шу маданиятга хос индивид ва шахсни ўрганишни илгари суради. Тадқиқотчи А.Кардинер эса (1891-1981) индивид ва унинг жамоаси асарида кўрсатишича инсоннинг шахсий хусусиятлари болалигидан шаклланади ва мустахкамланади. Яъни маданият ундаги ўзига хос характерли шахслардан ташкил топар экан, болалар тарбиясини ўрганиш шахс ва маданият ўртасидаги муносабатлар орқали шаклланадиган миллий характерни очиб беришда муҳим ўрин тутди. Ф.Боаснинг шогирди М.Мид инсон хулқ-атвори биологик омил (ирқ) билан эмас, маданият билан, яъни тарбияси билан боғлиқлиги тўғрисидаги назаряни илгари суради. У 1892-1933-йиллар оралиғида Самоа, Янги Гвиния, Индонезия оролларида экспедиция ўтказди. Бу ердаги болалар тарбияси, балоғатга етиши, инсон характери шаклланиши билан боғлиқ муҳим маълумотлар тўплади. Рус этнопсихологияси вакили С.И.Королёв эса ҳар бир халқ вакилида “шаклланган этник қиёфа” ҳақида фикр юритади. У ахборот қабул қилишда тўғри олади, қайта ишлайди ва инкор қилади. Шунини айтиш кэракки, муайян этник гуруҳ маълум бир тарихий ривожланиш босқичида ўзига хос руҳий-ахлоқий ҳислатларга эга бўлиб боради. Этнопсихология мактабининг камчилиги шундаки, маданиятни ўрганишда жамият ривожланишидаги ижтимоий-иқтисодий омиллар ўрнига етарлича баҳо бермайди, психик омилларни мутлоқлаштиради. Шунга қарамай илғор дунё мамлакатлари иқтисодий-ижтимоий муаммолар ечилишида этнопсихология мактаби ютуқларидан кенг фойдаланадилар.

Замонавий этнология фанининг назарий муаммолари. Гарчи XX асрнинг 50-йилларга келиб кўплаб мустамлакаларни йўқ бўлиши Европада этнология фанини маълум маънода қисқаришига олиб келсада, фанда барибир янги оқимлар юзага келиши ва ривожланиши давом этади. Масалан, Англияда М.Глукман “Неофункционализм”, Р.Нидхем

“Ижтимоий структурализм”, дунёнинг 3-мамлакатларида АҚШлик олимлар тавсия этган “маданий релятивизм” концепсиялар юзага келди. АҚШ маданий антропологиясида “маданий экология” оқими устунлик қилмоқда. Айниқса К.Гирс (1926) Р.Тернер (1920-1983) илгари сурган “Янги герменевтика” (изоқловчи, талқин этувчи) йўналиш кенг тарқалмоқда. Бунда ижтимоий комуникациясида (мулоқатда симбол) рамз-тимсолларни замонавий маданиятларга маънавий-ахлоқий аҳамияти тадқиқ этилади. Этнологияда замонавий индустриал жамиятлар тадқиқи асосий ўринга чиқмоқда. Этносоциология, этнопсихология, этнолингвистика, этногеография каби янги йўналишлари пайдо бўлди.

Ғарб мамлакатларида ҳозир этнология фани “постмодернизм” фалсафасига асосланган бўлиб, асосий эътибор ижтимоий гуруҳлар орасидаги жараёнларга қаратилмоқда. Яна бир жиҳат эндиги тадқиқотлар аввалгидек инсоннинг пайдо бўлишидан ҳозирги давригача бўлган глобал жараёнларга эмас, балки энг долзарб деб ҳисобланган мавзуларга қаратилмоқда. Яъни этнос ичидаги ва этнослараро жараёнлар тадқиқи биринчи ўринга чиқмоқда.

Назорат саволлари:

1. Этнология фанининг предмети нима?
2. Этнология фанининг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?
3. Этнология фанининг асосий манбалари нималардан иборат?
4. Этнология фани асосан қандай методлардан фойдаланади?
5. Жаҳон халқларининг этногенези ҳақида маълумот беринг.
6. Эволюционизм мактабининг мазмуни тўғрисида маълумот беринг.
7. Дуффиционизм мактабининг мазмуни тўғрисида маълумот беринг.
8. Социология мактаби мазмуни тўғрисида маълумот беринг.
9. Функционализм мазмуни тўғрисида маълумот беринг.

3-модул: Дунё халқлари ва ўзбекларнинг анъанавий машғулоти, хўжалик фаолияти

Режа:

1. Хўжалик машғулоти турларининг пайдо бўлиши.
2. Дехқончилик маданиятини шаклланиши ва тараққиёти.
3. Чорвачилик хўжалигини юзага келиши ва ривожланиши.
4. ХМТ хусусиятлари.

Таянч иборалар: Териб-термачилик, овчилик, балиқчилик, дехқончилик, чорвачилик, тропик, субтропик минтақа халқлари, шимолий ўрмон минтақаси, овчилик, шимолий соҳиллар халқлари, арктика соҳиллари, Жанубий Сибир, Марказий Осиё, буғичилик, чорвачилик қабилалари, Марказий Осиёдан Шимолий Африкагача бўлган минтақадаги кўчманчи чорвачилик, мўътадил минтақадаги ўтроқ дехқончилик, ХМТ.

Инсониятнинг энг қадимий машғулоти. Манбалари.

Инсоният пайдо бўлгандан бери узоқ тарихий давр мобайнида турли табиий-географик шароитларга мослашиб яшаб келганлар. Хар хил хўжалик соҳаларини вужудга келтирганлар. Бу жараён билан боғлиқ турли мазмундаги идеалистик ва материалистик йўналишдаги маълумотлар ҳам юзага келган. Хусусан, диний ривоят шаклидаги турли фолклор манбалари юзага келган. Масалан, Инжилнинг "Ибтидо" китобида келтирилишича: "Одам Ато ва Момо Ҳавони Худо Эдем (Жаннат)да яшаш учун киритиши, "Яхшилик ва ёмонни билмоқ" дарахти мевасини шайтон гапи билан ейишлари, жаннатдан уларни қувилиши, уларнинг фарзандлари Қайини ерда деҳқон ва Ҳавелни чўпонлик касби билан шуғулланиши, уларни худога тўхфа олиб бориши, Қайини укасига ҳасад қилиб уни ўлдириш билан боғлиқ маълумотлар берилган. Шу тарзда инсоният илк машғулотларини юзага келиши диний мазмунда келтириб ўтилган.

Ушбу тармоқларни юзага келиши тўғрисида археологик манбалар, ёзма манбаларда муҳим маълумотлар беради.

Териб-термачилик. Инсоният дастлаб табиатда мавжуд тайёр маҳсулотларни териб-термачлаб истеъмол қилган. Ер юзининг Африка, Осиё ҳудудлари турли емишли илдизларга, ёввойи меваларга бой бўлган. Териб-термачилик илк палеолит даврида содда кўринишда юзага келиб, неолит давригача инсониятнинг асосий машғулоти сифатида тараққий этиб борган. Бугунги кунгача тропик ва субтропик минтақадаги қоқоқ қабилалар—Австралия аборигенлари, Шарқий Африка бушменлари, Жанубий Америка ботокудалари, Конго пигмейларининг хўжалигида асосий соҳа бўлиб келмоқда.

"Ўзлаштира хўжаликнинг" муҳим тармоғи бу ***овчилик***дир. Илк палеолит давридан инсонлар қўл чўқмори, ёғоч сойил ёрдамида йирик ҳайвонларни ов қилиб хўжалик тармоғига асос солганлар. Бу даврни ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши совуқ, ёғингарчилик кам бўлган. Ўрта Осиёдаги Селунгур, Кўлбулоқ манзилгоҳлари маълумотлари буни тасдиқлайди. ***Ўрта палеолит*** (Тешиктош манзилгоҳи) даврида ҳаво совиган. Инсонлар қўл чўқмори, тошпичоқ, тош нуклеус (ўзак) каби меҳнат қуролларини яшашни ўзлаштирганлар. Улар ёрдамида кўпчилик бўлиб йирик ҳайвонлар — мамонт, ёр шерларини овлаганлар, истеъмол қилганлар. ***Сўнги палеолит даврига*** келиб инсонлар қурол яшаш техникасини ривожлантириб гарпун қуролини ясаганлар ва овчилик янада ривожланган. Бу даврда овчиликда мамонт, от, бизон каби йирик ҳайвонларни овлаш устун турган. Франциядаги шу даврга оид Дордони манзилгоҳида топилган ҳайвон суяқларининг 80% ёввойи бизонга тегишли эканлиги буни тасдиқлайди. Шунингдек, Испаниядаги Алтемир манзилгоҳи қоятош расмларидаги маълумотларига кўра инсон ёввойи асалари асалини тўёпинчикни ўзлаштирган. Овчиликни ривожланиши қурол яшаш техникасини ривожланиши билан тараққий этиб борган. Агар овчи ўша даврда суяк учли найзани овда 30-40 мга ирғитган

бўлса, энди найза ирғитувчи махсус мослама яратилиб, найзани 70-80 м гача ирғитган. Унинг тузилиши: ёғоч асос, охири стержинсимон илмоқли бўлган. Тадқиқотчи Чеслинг маълумотига кўра абориген овчи бу мослама билан отган найза 6 дюмли ($2,5\text{см} \times 6 = 15\text{см}$) палма танасини тўғридан-тўғри тешиб ўтган. Сўнгги палеолитда инсоният содда шаклда бўлсада балиқ овлашни ҳам ўзлаштирган.

Мезолит даврида иқлим исиб, майда ҳайвонлар тури юзага келди. Тош қуролларни яшаш тараққий этиб, микролит қуроллар юзага келди. Ўқ-ёй кашф этилди. Овчилик энди жамоавий бўлмай, индивидуал характериға ўтди. Овчилик инсониятининг асосий тирикчилик манбаиға айланди. Бундай анъаналар ибтидоий қабилалар хўжалигида кейинги даврларда ҳам сақланган. Хусусан, европалик мустамлакачилар маълумотиға кўра энг мохир камончилар Америка Апачилари бўлиб, улар 300 қадамдан отган камон ўқлари инсон танасини тешиб ўтган. Аляска эскимослари отган камон ўқи эса буғи танасини тешиб ўта олган. Цейлон веддлари ерда чалқанча ётиб, оёғиға камон дастасини тираб, қўл билан ёйни тортиб, маҳорат билан нишонға ола билганлар. Австралияликлар ирғитувчи қурол— бумэрангни кашф этганлар. Аборегенлар бумэрангни 150 м гача ирғита олган. Бу даврда қармоқ, тўр, қайиқни ихтиро қилиниши билан балиқчилик асосий машғулот турлари қаториға ўтган. Бугунгача балиқчилик сибирлик Невхилар, Нанай, Улчи, Камчатка ительменлари, Шимолий Америка соҳилбўйи ҳиндулари қабилалари хўжалигида асосий машғулот бўлиб келган. Бу даврда инсон ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргата бошлади. Олимлар сўнгги палеолит давридаёқ Жанубий-Ғарбий Европа аҳолиси итларни қўлга ўргатганларини аниқлаганлар.

Дехқончилик маданиятини шаклланиши ва тараққиёти.

Дехқончиликни келиб чиқиши. Инсоният сўнгги палеолит даври охиридан Осиёда ёввойи буғдой, Марказий Америкада ёввойи шоли каби бошоқли ўсимликларни истеъмол қилишға катта этибор бэра бошланганлар. Жамоа кулбалари ёнида ўсиб чиққан ўсимликларни аёллар парваришлаши натижасида экинларни хонакилаштириш келиб чиқди. Умуман олганда жамиятда матриархат муносабатлар устун турган даврда хўжалик соҳасидаги кўпгина ихтиролар аёллар томонидан яратилган. Инсоният тарихида дехқончилик илк бор Олд Осиёда XI-IX-минг йиликларда юзага келган бўлса (Фаластиндиги Иерихон манзилгоҳи топлмалари), Марказий Осиёда у неолит даврида шаклланди, Америка диёрида дастлаб туганакли экинлар: ямс, таро, батат, маниока, картошка; Жанубий Осиёда шоли, Жанубий-Ғарбий Осиёда арпа, буғдой, тарик, Африкада тарик, Америкада маккажўхори экинлари хонакилаштирилиши тармоқни янада ривожланишини таъминлаган. Дехқончилик барча халқларда дастлаб мотиға типиди пайдо бўлган. Жумладан, ҳозиргача Африка, Океания, Тропик Америкада бу тип дехқончилик тури учрайди. Чопқи дехқончилиги эса Индонезияда кенг тарқалган.

Ҳайдов ва суғорма деҳқончилиқни келиб чиқиши. Деҳқончилик ривожланиб "ерни ҳайдаб ишлов беришга асосланган деҳқончилик" типига ўтди. Ҳайдов восита қуроллари – омон, плуг яратилди. Тадқиқотчилар "ҳайдов деҳқончилиғи" илк бор милoddан аввалги IV-III минг йилликларда Жанубий-ғарбий Осиёда, Икки дарё оралиғида ва Мисрда шаклланган деб таъкидлайдилар. Кейинчалик у Жанубий ва Шарқий Осиёга, Шимолий Америкага ва Европа минтақаларига тарқалган, Австралия ва Океания ҳудудларига эса ҳайдов деҳқончилиғи XVIII-XIX асрлардагина кириб борган. Дашт ва тоғ олди этаклари халқлари энеолит ва бронза даврида суғорма деҳқончилик типини кашф этганлар. Бронза даврида деҳқончилик тармоғи ривожланган. Ўзбекистон ҳудудидаги деҳқончиликка оид илк маълумотлар III-II минг йилликка оид Замонбобо ёдгорлиғида қайд этилган. Чустда эса сунъий суғориш деҳқончилик маданияти ривожланган. Айниқса эраמידан аввалги I- минг йилликларда Хоразмда йирик магистрал каналлар қуриш, ҳар хил сув тақсимлаш, сув чиқариш иншоотларини қуриш авж олади. Қадимий Оқчадарё ҳавзасидаги манзилгоҳлар топилмалари бунни тасдиқлайди. Каналларга махсус қурилмалар, тўғон қуриш орқали сув чиқариш классик кўринишига етган.

Чорвачилик хўжалиғини юзага келиши ва ривожланиши. Чорва ҳайвонларини хонакиллантирилиши. Маълумки мезолит давридаёқ аёллар овланган ҳайвон болаларини кўлга ўргата бошладилар. Даниядаги Маглемос маданияти топилмалари. Европада дастлаб ит, сўнгра чўчка ва эчки хонакиллантирилган бўлса, Ўрта Осиёда аввал эчки, қўй, сўнг қорамол кўлга ўргатилган. Неолит даврига келиб чорвачилик хўжалиғи деҳқончилик билан бир қаторда жамоалар ҳаётида муҳим рол ўйнай бошлаган. Бунини Марказий Осиё жанубидаги Жойтун ёдгорлиғи мисолида гувоҳи бўламиз.

Бронза кашф этилиши билан дунёнинг жуда кенг минтақаси бўйлаб, жумладан Осиё, Африка ва Европада **I-йирик меҳнат тақсимоти юз беради:** яъни деҳқончиликдан чорвачилик хўжалиғи ажралиб чиқди. Энди айрим қабилалар деҳқончилик билан, бошқалари чорвачилик билан шуғулланишга ўтадилар. Жамиятда патриархат муносабатлар юзага келди. Ўрта Осиёнинг чўл, дашт ҳудудлари бўйлаб чорвадор қабилалар жойлашганлар. «Тозабогёп маданияти». Мил.авв II- минг йилликда Ўрта Осиёда қозоқлар, туркманлар, қорақалпоқлар аجدодларининг "горизантал" чорвачилиғи – даштда туя, қўй, от, қорамол боқиши, қирғизлар аجدодларининг "вертикал чорвачилиғи" – тоғ яйловларида қўй, от боқиш турлари асослари юзага келган. Қадимдан Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм ҳудудларида чорвачиликнинг қимматбаҳо қорақўлчилик, Қашқадарё, Фарғонада йилқичилик, Бухорода туячилик турлари ривож топганлиғи ҳам маълум.

Хунармандчилик машғулотини. Неолит даврида инсон ўтроқ яшаш тарзига ўтиши билан хўжалиқни янги соҳаси –хунармандчилик яъни сопол буюмлар тайёрлаш тармоғи вужудга келди. Достколоскопик (бармоқ излари) тадқиқотлари тармоқни аёллар кашф этганлиғини

кўрсатади. *Бронза даврига* келиб кулолчилик чархидан фойдаланиш бу тармоқни инсониятнинг асосий машғулотларидан бирига айлантирди. Бу даврдан тармоқ билан эркаклар шуғуллана бошлади. Милоддан аввалги I- минг йилликда хунармандчиликни деҳқончиликдан ажралиб чиқиши **иккинчи йирик меҳнат тақсимотини** вужудга келтирди.

Хўжалик-Маданий-Типлар (ХМТ) хусусиятлари. Дунё халқларини қадимдан ер юзининг турли хил табиий шароити эга географик минтақаларига жойлашуви ва бу ерлар шароитига мослашган ҳолда хўжалик тармоқларини вужудга келтириши натижасида турли – ХМТ ларни вужудга келтирганлар. ХМТлар халқларни моддий маданияти ва ишлаб чиқариш муносабатларига кўра ўзаро фарқланади. ХМТларда халқларнинг машғулоти, ишлаб чиқариш куруллари, турар-жойлари, уй-рўзгор жиҳозлари, таомлари, кийимлари, транспорти хусусиятлари акс этади. Тадқиқотчилар қуйидаги ХМТ типларини қайд этадилар:

1.Тропик, субтропик минтақа халқларининг –овчилик, балиқчиликка асосланган ХМТси.

2.Шимолий ўрмон минтақасидаги халқларининг– овчиликка (эвенк, кет, юкагир, атапаск, алгоник) асосланган тХМТси.

3.Шимолий соҳилбўйи халқлари(улчи, нанай, итилмай, керяк)нинг– ўтроқ балиқчилик хўжалигига асосланган ХМТси.

4.Арктика соҳиллари халқлари(эскимосалеутлари)нинг– денгиз овчилига асосланган ХМТси.

5.Жанубий Сибир, Марказий Осиё халқлари(чукча, курак, неней)нинг – буғи чорвачилигига асосланган ХМТси.

6.Марказий Осиёдан Шимолий Африкагача бўлган минтақадаги халқларнинг- кўчманчи чорвачиликка асосланган ХМТси.

7. Мўътадил минтақадаги ўтроқ халқларнинг– деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчиликка асосланган ХМТси.

(Изоҳ: ХМТ типларини талабаларга тушунтиришда халқларнинг ўтроқ, яримўтроқ, кўчманчи, яримкўчманчи типдаги турмуш тарзини ҳисобга олишларига эътибор қаратиш керак).

Назорат саволлари:

1. Инсониятнинг энг қадимий машғулотлари қандай шаклда пайдо бўлган?
2. Деҳқончилик маданияти қандай шаклланган ва тараққий этган?
3. Чорвачилик хўжалиги қандай юзага келган ва ривожланган?
4. Хунармандчилик хўжалиги қандай юзага келган ва ривожланган?
5. Дунё халқлари ХМТ типлари тўғрисида маълумот беринг.

**4-модул: Этнологияда “маданият” тушунчаси
ва анъанавий моддий ҳамда маънавий маданият**

Режа:

1. Этнологияда “маданият” тушунчаси. Этник маданиятга таъсир этувчи омиллар.
2. Дунё халқлари тарихида моддий маданият тараққиёти.
3. Инсоният тарихида маънавий маданият белгилари ривож.
4. Ўзбек халқи миллий маданияти.

Таянч иборалар: “Маданият”, “култура”, моддий маданият, маънавий маданият, анъанавий маданият, этник маданият, географик омил, лингвистик омил, диний омил, турар-жойлар тараққиёти, турар-жойлар типологияси, кийим-кечаклар тараққиёти, дунё халқлари таомлари, маънавий маданият намуналари, наврўз, қадриятлар, бағрикенглик, менталитет, жамоавийлик.

“Маданият” тушунчаси. Фандаги маданият атамаси лотинча “культура” сўзидан олинган бўлиб, у дастлаб Юнонистонда қишлоқ хўжалиги экинлари ёки уй паррандалари ва ҳайвонларини маданийлаштириш жараёнига нисбатан қўлланилган. XVI асрга келиб илм-фан ривож туфайли ушбу сўзнинг маъноси кенгайди ва у инсоният тараққиётига, онгнинг маданийлашувига нисбатан қўлланиладиган атамага айланди. XVIII аср охири – XIX аср бошларида французлар, инглизлар томонидан у илмий муомалага кенг татбиқ этилган.

Этнологияда маданият тушунчаси. Этнологияда ҳам маданият тушинчаси кенг маънони қамраб олиб инсон фаолияти давомида яратилган барча ютуқлар тушунилади. Маданият бир-бирига боғланган моддий ва маънавий маданият турларига бўлинади. Моддий маданият таркибига турар-жойлар, кийим-кечаклар, транспорт воситалари, уй-рўзгор буюмлари, таомлар киритилади. Маънавий маданиятга эса халқларнинг диний тасаввурлари, санъати, халқ оғзаки ижоди, мусикаси, ўйинлари, илм-фани ютуқлари, ахлоқи ва шу қабилар киради.

Анъанавий ва этник маданият тушунчалари. Дунёдаги барча халқлар ўз маданиятига эга. Анъанавий маданият дэранда *узоқ тарихий давр маданиятида этноснинг ақлий-ижодий фаолияти асосида тараққий этган, халқ аъналарини ўзида мужассамлаштирган халқ маданияти* тушунилади. Дунё халқлари эришган маданият даражаларининг турлича эканлиги билан ҳам ўзаро фарқланади. Этнослар тараққиётида ўзига хослик халқ маданиятининг ёки “миллийлик” хусусиятини таъминлайди. Демак этник маданият бу маълум бир этносга хос маданият кўринишидир. Гарчи этник маданият одатда маълум бир этносга мос маданият кўринишини ташкил этсада, баъзан бу кўринишлар бир вақтда бир неча этносларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Мисол учун қадимий чорвадорларнинг уйи ҳисобланган *ўтов* турли халқларда турли номлар билан юритилсада, уларнинг шакли ва тузилиши қозоқлар, қирғизлар, қарақалпоқлар орасида деярли бир хил ва улар бундай уйни ўзларининг этник маданиятининг ажралмас қисми деб ҳисоблайдилар.

Этник маданиятни шакллантирувчи омиллар. *Географик омил.* Бундай омил халқларнинг маънавий ва моддий маданиятини шаклланишига таъсир этади. Жумладан, табиий шароит халқлар моддий маданиятига: турар-жойи, кийими, таоми, транспорт воситалари шаклларига таъсир ўтказади. Шунингдек, табиий шароит халқлар маънавий маданиятига таъсир этади. Масалан, жанубий минтақа халқларининг деҳқончилик анъаналари шимолий минтақа халқларининг анъаналаридан бирмунча фарқ қилган. Ёки нисбатан яқин ҳудудлар ҳисобланган, лекин табиий шароити фарқ қилувчи Фарғона ва Хоразм деҳқончилик анъаналарида ҳам айрим ўзига хосликлар бор. Этник ҳудуд ландшафти одамлар тафаккуридаги “она замин” туйғусини шаклланишига ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, бунда японлар—сакуруни, голландлар — лолани, руслар — оқ қайинни тасаввур қилдилар. Жой номлари шаклида эса японлар Фудзияма тоғини, ҳиндлар Ганг дарёсини, ўзбеклар кўпинча Амударё ва Сирдарё оралиғидаги яшнаган водийлар, воҳаларни этник мансублик белгиси ҳисоблайдилар.

Лингвистик омил. Халқларининг этник маданиятини шаклланишида халқларни ўзаро фарқланишга олиб келувчи биринчи омил — лингвистик ўзига хослик ҳам муҳим ўрин тутди. Масалан, Осиё халқларида мисолида бунга гувоҳ бўламиз.

Диний омил. Халқларининг этник маданиятини шаклланишида халқларни диний эътиқод мансублиги ҳам муҳим рол ўйнайди. Масалан, Бельгияда немис тилли фламанд ва француз тилли валлонлар яшасада, уларни ягона дин — католицизм мустаҳкам бирлаштириб туради. 1815-йилда Бельгия Вена конгрессини қарорига кўра Голландия тасарруфига ўтади. Лекин орадан 15 йил ўтиб Бельгиядаги бу икки халқ диний эътиқод умумийлиги асосида бирлашиб, ўз мустақиллиги учун курашадилар ва мамлакат яхлитлигини сақлаб қолганлар.

Умуман олганда этнологлар дунё халқлари этник маданияти ўзига хослиги ва умумийлиги қонуниятларини ўрганади.

Моддий маданият намуналари тараққиёти. *Дунё халқлари турар-жойлари тараққиёти.* Илк палеолит даврида ибтидоий одамлар дастлаб очиқ жойларда, дарахт кавакларидида яшаганлар. Ўрта палеолитда асосан ғорлар инсонларга турар-жой бўлган (Тешиктош манзилгоҳи мисолида). Сўнгги палеолитга келиб инсонларни ўтроқлашуви бошланади. Инсон биринчи марта доимий кулбалар (ертўла кўринишида) қуришни бошлаганлар. бунда Ўирик хайвон суякларидан қурилиш материали сифатида фойдаланилган.

Европа ва Сибирда сўнгги палеолит давридаги кулбалар айлана ёки овал шаклида бўлиб, ўртасига ўчоқ қурилган. Мезолит даврида кўчиб юриш овчилар учун яна одат тусига кирди. Ўша пайтдаги одамлар кўпроқ ғорларда (Мачай ғори топилмалари), дарё соҳилларида чайлаларда яшаганлар. (Обишир—Сўх манзилгоҳи топилмалари). Бугунги кунда ҳам мезолит даври босқичида турган Австралия аборегенлари, Африка бушменлари, Цейлон веддалари турар-жойлари бунга мисол бўлади. Бундан 8-10 минг йил муқаддам инсоният тарихида паҳса ва

гувалакдан, энеолит ва мис даврларига келиб эса хом ғиштдан қурилган турар-жойлар пайдо бўлган.

Турар жойлар типологияси. Этносларнинг турар-жойлари тузилишига табиий шароит, халқларнинг ҳўжалик йўналиши, этник анъаналари, уй соҳибининг моддий шароити каби омиллар таъсир этган. Масалан, Европа турар-жойлари анъанавий равишда жанубий Европа яъни тошли иншоотлар ва шимолий Европа яъни ёғоч асосли турар-жойларга бўлинган. Умуман олганда Европадаги турар-жойларни этнологик типологияга кўра 12 типга бўлиш мумкин. Бунга мисол кельтирамиз:

1. Ўрта Ер денгизи типи: Турар-жой тошдан 2-3 қаватли, фасад қисми кўп қаватли конструкцияга кўринишда қурилган. Юқори қаватга ташқи зинадан чиқилган. У тузилиши мураккаб, том черепицалари билан икки томонга нишобли қилиб қурилган. Бундай уй типлари Ўрта ер денгизи соҳилининг шимолий қирғоқларида кенг тарқалаган.

2. Алп типи: Турар-жой катта, икки қаватли, юқори қисми ёғочдан, пастки қисми тошдан қилиб қурилган. Иккинчи қават атрофи галарея (яъни ёғоч айвон), том икки нишобли, том балан, катта ҳажмли қилиб қурилган. Шу сабаб бу уйларда томдаги чордоқ алоҳида хонани ташкил этган. (Қолган турар-жой типлари ҳам шу тарзда айрим қурилиш элементлари билан бир-биридан фарқ қилган).

Этнологияда уйнинг манзилгоҳдаги жойлашуви, типологияси (ўзига хослиги), қурилиш материали, конструкцияси (асос тузилиши), ички планировкаси(режалаштирилиши), ўчоқнинг жойлашувига кўра ҳам фарқланган. Фанда турар-жойларнинг шу хусусиятлари кўпроқ тадқиқ этилади. Этнологияда ўтроқ ва кўчманчи халқлар уйлари орасидаги фарқланишларни ҳам тадқиқ этилади. Масалан, а) ўтроқ халқлар доимий турғун уйлар: синчли, пахсали, гуваладан қурилган уйларда истикомат қилганлар; б) чорвадор халқлар “кўчириладиган”: қора уй, ўтов, қапа, чайла, олачиқ каби уй типларида яшаб келганлар.

XIX аср охири–XX аср бошларида Марказий Осиёдаги ислом динига эътиқод қилувчи халқлар ҳовлилар икки қисмли – ички ва ташқили қилиб қурилган. Одатда бундай улар асосий уй (хона), даҳлиз ва айвондан иборат бўлган.

Дунё халқларининг кийим-кечаклари тараққиёти тарихидан. Илк палеолит даврида инсонлар дастлаб кийим ўрнида иқлим шароитига кўра барг, похол, қамиш, парранда патлари ва ҳайвон терисидан белига, пешбанд, ёпинчиқ сифатида фойдаланганлар. Ўрта палеолит давридан инсонлар ҳайвон терисидан йирик ёпинчиқлар тайёрлай бошлаганлар. *Неолит даврида* инсоният томонидан тўқимачиликни кашф этилиши билан юнгдан турли хил кийимлар тайёрлаш бошланган.

Европа халқларидаги қадимий кийим намуналаридан бири антик даврдаги юнон “хитони” ҳисобланади. Хитон матони икки буклаб, бош учун йирмоч очиб, икки ён томонидан тикиб тайёрланган. Шунингдек, римликларнинг “туника”си ҳам Европадаги қадимий либос турларидан ҳисобланган. Рим туникаси узун этакли ва энгли кийим тури бўлган.

Унга дунё халқлари айрим ўзгаришлар киритган ҳолда ўз миллий либосларини яратганлар. Шу билан бирга уст кийим тарзида юнонларда хаматион, римликлар того юзага келган. Римликларнинг тогаси бутун танани ўраб, елкада запонка (тўғноғич) билан танғиб қўйилган.

Тадқиқотларга кўра тикиладиган кийимларни биринчи марта шимолдаги халқлар ва кўчманчи халқлар ихтиро этганлиги аниқланган. Чунончи, антик манбаларда скиф (сак), дак, словян, герман, кельт каби чорвадор қабилалар қоятош суръатларида калта тикилган тери постин ва қисқа шимларда тасвирланган. Дастлаб римликлар шим кийишни варварларга хос одат деб қабул қилганлар. Буюк халқлар кўчишидан сўнг бундай бичмдаги кийимлар бутун Европага тарқалган. Ўрта асрларга келиб Европада ҳар бир табақанинг ўз кийимлар мажмуаси шаклланган. Фақат XIX асрга келиб табақалар имтиёзи тугатилганидан сўнг “Умумий Европа либоси” таркиб топади ва кейинчалик дунёга кенг тарқалади. Марказий Осиёдаги ўтроқ халқлар одатда ип матодан, ипак газмолдан, кўчманчи халқлар эса кўпроқ жундан йигирилган ипдан тўқилган матодан кийим тайёрлаганлар. Этнологияда либослар *эркаклар, аёллар ва болалар* либосларига бўлиб ўрганилган.

Дунё халқлари таомлари тарихидан. Таомларнинг юзага келишига халқ турмуш тарзи, урф-одати, ҳўжалик йўналиши, иқлими ва этномаданий алоқалари кўпроқ таъсир этади. Масалан, ҳўжалик йўналиши таъсирида қадимдан ўтроқ халқлар ошхонасида тандирда ёпилган нон, деҳқончилик маҳсулотлари, яъни ёрмали таомлар (гуруч, мош, ловиядан тайёрланган), хамир овқатлар устун турган. Чорвадор халқлар ошхонасида эса сут ва сут маҳсулотлари, гўшт маҳсулотлари етакчилик қилган. Халқлар тоамномасига этномаданий алоқаларни таъсир этишини ўзбеклар тоамномасини уйғур ошхонаси ҳисобига бойиганлигини мисол келтириш мумкин. Уйғур ошхонасидан ўзбек тоамномасига “**манти**” таоми (хитойча ман–хамир, ту–юмалоқ яъни “юмалоқ хамир”), шунингдек, “**лағмон**” таоми– (хитойча ман – хамир, лоғ – чўзаман, узун яъни “узун хамир”)номли таом турлари кириб келган.

Маънавий-маданият намуналари. *Диний эътиқод:* Халқлар маданиятида илк диний эътиқод шакллари муҳим ўрин тутган. Анимизм–лотинча “руҳ”–“жон” маъноларини билдирган қадимий эътиқод шакли ҳисобланади. Унинг мазмуни табиатдаги барча жисмлар ўз руҳига эга. Анимизмга оид дунё халқларидаги кўплаб турли ўзига хос диний тасаввурларни кейинги даврларгача етиб келганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, америкадаги ирокезлар дарахтни кесишдан аввал “дарахт шарбати”ни ичиб, гўё у билан биродарлашган, сўнгра уни кесганлар. Энди гўё дарахт унга зиён етказмайди деб тушунилган. Уларнинг диний қарашларига биноан гуллаган дарахт ҳомиладор аёл тимсолида қабул қилинган. Агар хиндулар бехосдан уни туртиб юборсалар ундан кечирим сўраганлар. Индонезиянинг Калимантан оролидаги–кайяллар қўлга тушган тимсоҳни ўлдиришса, унинг руҳи ғазабланади ва ўч олишга келади деб тушунганлар. Шу сабабдан улар

тутиб олинган тимсоҳни дарров ўлдирмаганлар, балки боғлаб қўйилган ҳолда қолдирганлар. Сабаби табиий равишда ўлган тимсоҳнинг руҳи овчидан ўч олмайди деб тасаввур қилинган. Шимолий Америкадаги ҳиндулар эса айикни ўлдиргач, ўлик айик оғзига турибка тикиб, тутатиб гўё бирга чекканлар. Шу орқали овчи наздида улар биродарлашганлар. Овчи айикни гўё тасодифан ўлдириб қўйганлигига айик руҳини ишонтирмоқчи бўлган.

Қадимий одамлар инсонни “рух” ва “жон” иборат жонзод деб тасаввур қилганлар. “Жон” тушинчаси турли халқларда инсоннинг турли аъзоларида бўлади қаралган. Кўпчилик халқларда уни қонда бўлади деб тушунилган. Шу сабаб жангчилар кўп қон кетганда инсонни ўлишини қон билан жонни чиқиб кетиши билан боғлаганлар. Шунингдек, ўзаро биродарлашаётган икки кишини қонларидан ичишлари уларни жонларини бир-бирига ўтиши билан боғланиб, уларни қондош қилган. Масалан, папуас, араб, яҳудий халқларида “жон”, “қон” тушунчалари бир сўз билан ифодаланган. Айрим қабилаларда жон кўзда бўлади деб ишонганлар. “Кўз тегиши” жонни руҳий қуввати билан боғлиқ вужудга келади дэран тасаввурлар шаклланган. Шунингдек, айрим халқларда инсоннинг киприк, соч, тирноқ каби аъзолари ҳам жон олиб юривчи аъзолар деб ҳисобланган. Ибтидоий қабилаларда киприкни, қонни ўзаро аралаштириш яқин иттифоқ бўлиш белгиси саналган.

Ўзбек халқининг миллий маданияти. Ўзбек халқининг миллий маданиятини ўзига хослиги ҳақида сўз юритишдан олдин шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ўзбек халқи 4 та катта диний-мафкуравий босқични (зардуштийлик, будда, ислом, коммунистик) ўз бошидан кечирганлиги ва ҳар бир мафкуравий-диний таъсирлар даври тугагунча неча авлодлар алмашганини ва бу жараёнларнинг миллат маданиятида ўчмас из қолдирганини унутмаслик кэрак.

Ўзбеклар ўзига хос шаклланиш жараёнига эга халқдир. Тарих гувоҳлик бэрадики, ўзбек халқи мазкур ҳудудда яшаган туб ерли этнослардан томир олган; иккинчи илдизи эса қадимий туркий халқлардан бошлаган. Ҳар иккала асосий илдизларнинг бирикиши – ўзаро синтези ўзбек элатини ва кейинчалик ўзбек миллатини шакллантирган. Ўзбек халқининг этник жиҳатдан кўп тармоқли ва сертомир эканлиги унинг маданиятида барча уруғ ва ижтимоий қатламлар учун умумий жиҳатлар, жамоа манфаатларини ҳимоя қилувчи фазилатнинг айниқса ривож топишини тақазо этиб келган. Халқимиз феълидаги *бағрикенглик, ҳотамтойлик, меҳмондўстлик, ўзаро ҳамкорликка мойиллик*, ғам-андухли пайтларда ночор кимсаларга *ҳамдардлик, елкадошлик* фазилатлари ана шу жамоавий якдилликни таъминлаш, тил ва дил, фикр бирлигини сақлаш эҳтиёжларидан туғилган ва сайқал топгандир.

Ўзбекларнинг Мовароуннахр ва Хоразм ҳудудида ҳамда уларга туташ минтақалардаги ўтроқ деҳқончилик ва хунармандчилик маданиятига эга автохтон халқ эканлигига халқимизнинг она табиатга, ерга, сувга, ҳавога, оловга бўлган чексиз ҳурмати ва уларни эъзозлаш

билан боғлиқ турфа хил урф-одат ва маросимлари, анъанавий деҳқончилик ва ҳунармандчилик удумлари, кўп асрлик ислом шароитидан қатъий назар, ўзбек халқининг турмуш-тарзида, урф-одатларида сақланиб келаётган сон-саноксиз зардуштийлик элементларида айниқса яққол ифодаланган. Шунингдек бугунги кунда ўзига хос тарзда ривожланаётган шаҳарсозлик ва меъморчилик анъаналаримиз, бой фольклор намуналаримиз, ёзма мерос, адабиёт, санъатга бўлган қизиқишларимиз, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, коинот ва замин, инсон ва ҳаво, ўлим ва абадият ҳақидаги асотир ва ривоятларимизда, асосан ўтроқ маданият соҳибларига тегишли бўлган Наврўз, Меҳржон, Сада, Гул сайллари, Ҳосил байрами каби байрам ва сайлларнинг давомийлиги ёки инсоннинг қайғули онлари – мотам маросимларида, махсус ўлик хизматчилари – ғассоллар, гўрковлар иштироки билан боғлиқ удумларимиз, расм-русмларимиз давом этиб келаётганлиги фикримиз далилидир.

Ўзбекларнинг асосий илдизи туркийлардан бошлаганлигига (туркийликка хос *жанговарлик, мардлик, лафз ҳалоллиги*) *бағрикенглик, саҳоватпешалик, ҳожатбарорлик* каби ҳислатларимизда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Биз буни айниқса халқимизнинг тўй-тантаналарга ўта ўчлигида, йиллар мобайнида йиғиб-териб элга тарқатишдан завқ-шавқ олишида, аза ва йўқлов маросимларини уюшган ҳолда ўтказишда, бола туғилишидан тортиб то мотам маросимларимизгача бўлган барча маросим ва урф-одатларимизда кенг жамоатчилик ва маҳалла аҳлининг доимо бош-қош бўлиши каби удумларимизда кузатамиз. Миллий маданиятимизда туркийларга хос жиҳатлар, маънавий маданиятимизда чиллак, чавгон, улоқ, кўпкари, кураш каби миллий ўйинларимизда, «қулоқтишлар», «бешиккетти», «қалин», «тўққиз» каби расм-русм ва удумларимизда, қолаверса, отга бўлган ўзига хос меҳр ва отни мотам маросимларда иштироки билан боғлиқ удумларимизда ҳам ўз ифодасини топган, дэсак хато эмас.

Ғарбда шахс жамоага ўзлигини юзага чиқариш, истеъдоди ва имкониятларини намоиш этиш, муайян мақсадларга эришиш воситаси сифатида қарайди. Жамоа инсоннинг ички, ботиний дунёси, руҳияти ва шахсий ҳаётига мутлоқ аралашмайди. Шарқда эса буткул бошқача манзарани кузатамиз. Шарқда жамоага асосий эътибор берилади. Ҳар бир урф-одат, маросим жамоа, маҳалла аҳли иштирокида ўқзилади. Жамоа инсонни ижтимоий назорат остида тутиб туриш, шахснинг жамоадаги мунтазам иштироки унинг умумий ахлоқий меъёрлар доирасида иш тутаётганининг исботи сифатида талқин этилади. Жамоадан ажралган ҳолда иш тутиш инсоннинг ижтимоий бегоналашуви сифатида баҳоланади. Дарҳақиқат, ўзбек халқи жамоа манфаатлари, жамоатчилик фикри доирасида, анъана ва урф-одатларга содиқлик негизларида бирлашишга мойил ва шунга интилувчи халқдир. Зеро, анъаналарнинг ўзи ҳам жамоатчилик фикрининг барқарорлашган ифодасидир.

Назорат саволлари:

1. Маданият тушунчасининг мазмуни қандай?
2. Маданият тушунчаси тарихий даврларда қандай ривожланиб борди?
3. Анъанавий маданият дэранда қандай маданият назарда тутилади?
4. Этник маданият дэранда қандай маданият назарда тутилади?
5. Дунё халқлари моддий маданияти тарихига нималар киради?
6. Дунё халқлари маънавий маданияти тарихига нималар киради?
7. Қадимий эътиқод шаклларини қандай кўринишларда бўлган?
8. Ўзбек халқи миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини нималардан иборат?
9. Ўзбек миллий менталитетининг асосий белгилари нималарда кўринади?

5-модул: Жаҳон халқлари классификацияси тамойиллари

Режа:

1. Географик тасниф тўғрисида тушунча.
2. Лингвистик таснифнинг мазмуни.
3. Хўжалик-маданий типлари бўйича гуруҳлаш.
4. Антропологик таснифнинг моҳияти.

Таянч иборалар: Географик тасниф, африка халқлари, ойкумена, миграцияси, туб жой аҳоли, лингвистик таснифлаш, грамматик тузилиш, генеологик тасниф, ҳинд-европа тил оиласи, хўжалик-маданий тасниф, антропологик тасниф.

Географик тасниф. Ҳар бир халқ ўз этник худудига эга. Этнографик хариталар ҳам шунга асосланади. Халқлар шу этник худудларга кўра: “Африка халқлари”, “Европа халқлари” ёки янада кичикроқ кўринишда “Ғарбий Европа” халқлари каби гуруҳланади. XIX аср охирида кенг тарқалган .

1. Халқларни бундай жойлашуви узоқ тарихий жараён – инсонни ер юзасини ўзлаштириб бориши, этник аралашуви натижасида вужудга келган. Ерни инсон томонидан эгалланган қисми “ойкумен” деб аталган (юнонча ойкео-яшамоқ). Ойкуменалар тарихан ўзгариб турган масалан: одамзод палеолит даврида жанубий-шарқий Осиё ва шарқий Африкани, неолит даврида шимолий Европа, Америка, шимолий Осиё, Африка ичкараси, Австралия, Ғарбий Океанияни ҳам ўзлаштирди.
2. Шунингдек қабилаларнинг қўшни худудларга иккиламчи кўчиши ҳам халқларнинг жойлашувини доимо ўзгартириб турган. Масалан: эрамизнинг II-минг йилликда Индонезия халқлари негро-астролоидлар таркибига Ҳиндхитойдан янги уруғ-қабилаларни кўчиб келиши натижасида, маҳаллий аҳолини бир қисмини сиқиб чиқарган, қолганларини ассимиляция қилган. Ёки эрамиздан аввалги II-I минг йилликларда Европага ҳинд-европа қабилалари кириб келиб маҳаллий

- аҳоли ўрнини эгаллаганлар. Қадимий қабилалардан Европада тоғли Пренийдаги басклар келган холос деб тахмин қилинади.
3. Айниқса буюк кашфиётлардан сўнг аҳолининг ер юзи бўйлаб миграцияси жуда кучайди. Бу жараёнлар Америка, Австралия аҳолиси этник таркиби ўзгариб юборди.
 4. Демак халқларни географик таснифи бизга ер юзасини инсон томонидан ўзлаштирилиши, кўчиши тўғрисида маълумотлар бэради.
 5. Бунда муайян давлат аҳолисининг қайси қисми туб жой аҳолиси, қолган қисми келгинди этнослар эканлигига ҳам аҳамият бериш кэрак. Масалан: Америкада эскимослар ва ҳиндулар маҳаллий аҳоли, европаликлар, негр (қуллар авлоди) келгинди аҳоли тоифасини ташкил этади. Шундан ҳиндулар бу ерга азалдан яшаб келган, эскимослар эса 2000 йил аввал кўчиб ўтганлар. Ёки Ҳиндистонда дравидлар қадимги маҳаллий аҳолининг авлоди, орийлар эса 3-4 минг йил аввал келган аҳоли, мусулмонлар янада кечроқ келган аҳоли, инглизлар энг кеч келган аҳоли ҳисобланади.
 6. Лекин келиб чиқиши узоқ бўлган халқлар ҳам узоқ давр ёнма-ён яшаса ўхшашлик юзага келади. Масалан: Кавказ халқлари мисолида буну гувоҳи бўламиз.
 7. Лекин географик таснифлаш одатда катта минтақалар мисолида қўлланилади, ички вилоятлар ҳусусиятлари бунда ҳисобга олинмайди. Лекин халқлар этногенизи ва тарихий алоқалари ва муаммоларини чуқур ўрганишга бу таснифлаш усули тўла жавоб бермайди. Бундай вазиятларда бошқа таснифлаш усуллари қўлланилади.

Лингвистик таснифлаш. Тил халқларнинг энг муҳим этник белгиси бўлиб, халқларни шу белги асосида таснифлаш тўғри ҳисобланади. Одатда дунё халқлари тил тузилишининг икки ҳусусияти: марфологик ва гениологик тузулишга кўра ўрганилади.

1. Морфологик таснифда халқлар тили – грамматик тузилишига кўра гуруҳланади. Лекин бундай усулда гуруҳланишда халқлар этнологиясига оид кам маълумот олинади. Чунки грамматик тузулиши яқин тиллар масалан: Ветьнам ва Судан тиллари, Инглиз ва Полинезия тиллари бу халқларни этник жиҳатдан ҳеч қандай яқинлигини билдирмайди. Аксинча келиб чиқиши бир бўлган немис ва инглиз халқларининг тиллари тузилишига кўра фарқланади.
2. Генеологик тасниф—бу тилнинг тарихан келиб чиқишига асосланиб халқларни тўғри таснифлашига ёрдам бэрадиган усулдир. Масалан: ўзбек ва уйғур халқлари тиллари тузилишига кўра бир-бирига жуда яқиндир. Олтой тил оиласига кирувчи бу халқлар тилларининг келиб чиқиши тарихан бир ўзакка бориб тақалади. Рус ва поляк халқларининг тиллари генеологик жиҳатдан эса бир-биридан узоқроқдир. Улар тилларининг яқинлиги анча узоқ тарихий давр яъни илк ўрта асрлардаги “умумславян” даврида бўлганлигини кўрсатади. Рус ва немис халқлари тиллари эса келиб чиқиши бўйича жуда узоқ даражага эга. Уларнингқариндошлиги бронза давридаги ҳинд-европа халқларини кириб келиш даври билан боғлиқдир. Рус ва ветьнам халқлари тиллари

тузилиши бўйича умуман бир бирига яқин келмайди яъни бу халқлар тарихини ўзаро яқинлигини аниқлаш жуда қийин.

Шу сабаб лингвистлар узоқ даражада бўлсада келиб чиқишида яқинлиги бор тилларни бир “тил оиласига”га киритадилар. Бир тил оиласи ичидаги ўзаро келиб чиқиши яқин бўлган тиллар “тил гуруҳлари”га киритилади. “Тил гуруҳлари”нинг ичидаги тиллар яна алоҳида тилларга бўлиниб кетади.

Дунёда 6 мингдан ортиқ тиллар бўлиб, бу тиллар асосан 15 та тил оиласига бўлинади. Масалан:

1.Ҳинд-Европа; 2.АфроОсиё-(Семит-хамит); 3.Олтой; 4. Хитой-тибет; 5.Австронезия; 6.Дравид; 7.Австралия; 8.Анд; 9.Кавказ; 10.Картвели (грузин);11.Нигер-кордофан;12.Нил-сахро;13.АвтроОсиё;14.Мяо-яо;15.Паратай;

1. Ҳинд-Европа тил оиласи. (дунё аҳолисининг 45% сўзлашади). Бу тил оиласида сўзлашувчилар Ҳиндистондан Европагача бўлган минтақаларга ёйилганлиги учун шу ном билан аталган. Лекин бу тилларнинг шаклланган жойи ва ва даври тўғрисида маълумотлар етарли эмас. Лекин тадқиқотчилар бу тилларни III-II минг йилликларда шаклланганлигини билдирадилар. Олимлардан бир қисми бу тилларни шаклланиш минтақаси Кичик Осиё деб, қолганлари Дунайбўйи ёки шимолий Қора денгиз бўйи деб кўрсатадилар. Тил оиласининг ғарбий қаноти Европа қисмига: Славян, летто-литва, герман, роман, кельт, албан, грек тил гуруҳлари киритилади.

2.Семит-хамит тил оиласи. Бу тил оиласида дунё аҳолисининг 5% сўзлашади.Тил оиласи тиллари асосан Яқин Шарқ, Шимолий Африкага тарқалган.Тил оиласи номи ривоятларда кельтирилган Нух пайғамбар ўғиллари Сом ва Ҳом исмларидан олинган. Тахминан мил. ав. IV-III минг йилликда Осиё ва Африка оралиғида шаккиланган. Тил оиласи 3 та тил гуруҳи: семит, бербер, кушит-чад тил туркумига бўлинади. Семит тил туркумига эса: бобил, оссурий, яҳудий, финикия, сурия, араб тиллари киритилади. Ушбу тил жаҳондаги энг қадимий тиллардан бири бўлиб, бу тилга доир ёзма ёдгорликлар милоддан аввалги IV-минг йиллика оид.

3.Олтой тил оиласи.Қадимий ёзма ёдгорликлар I-минг йиллика оиддир. Тил оиласи 5та тил гуруҳи: туркий, мўғил, тунгус, манжур, корейс тиллари гуруҳига бўлинади.Олтой тилларида дунё аҳолисининг 6% сўзлашади. Жаҳонда туркий тиллар энг кенг тарқалган тиллардан бири бўлиб асосан Кичик Осиё, Узоқ Шарқ ёқутлари, Марказий Осиё халқлари, айрим Кавказ, Волга бўйи, жанубий Сибир халқлари киради.

4.Хитой-тибет тил оиласи. Бу тил оиласида дунё аҳолисининг 23% сўзлашади. Асосан жанубий-шарқий Осиёда тарқалган тиллардир.Хитой тил оиласининг Хитой тил гуруҳига: качин, миджу, тибет-бирма, жимал тиллари киради.Энг қадимги ёзма ёдгорликлар II мингйиллика оид. Бу тил оиласи ичида 13 та тиллар туркуми мавжуд.

5.Австронезия тил оиласи. Дунё аҳолисининг 5% сўзлашади. Мадагаскардан то Тинч оканидаги Пасха оролигача бўлган ҳудуддаги

халқлар тиллари киради. Бу тилларнинг келиб чиқиши жанубий – шарқий Осиё минтақаси билан боғлиқ деб ҳисобланади. Қадимий ёзма ёдгорликлари тўғрисида маълумот йўқ.

6. Дравид тил оиласи. Дунё аҳолисининг 4% сўзлашади. Жанубий Ҳиндистон, Цейлонда тарқалган. Қачонлардир бутун тил оиласи тиллари бутун Ҳиндистонни эгаллаган эди. Милоддан аввалги II- минг йилликда Орийлар кириб келиб уларни жанубга сиқиб чиқаришганлар. Тил оиласи ичида Тамил, Телугу, Каннара, Малаяли тил гуруҳлари бор.

7. Нигеро-Кордофа тил оиласи. Бутун Жанубий Африкага тарқалган. Тахминларга кўра Африканинг Судан ҳудудидан жануб томонга ёйилган. Дунё аҳолисининг 6 % сўзлашади. 2 та конго ва кордофа тил гуруҳларига бўлинади.

8. Шимолий Кавказ тиллари тил оиласи. Дунё аҳолисининг 0,1 % сўзлашади. Абхаз-адыгей, нах-доғистон тиллари киради.

9. АвстроОсиё тиллар оиласи. Олимлар бу тил оиласи жанубий-шарқий Осиё ва Австралия тилларини боғловчи кўприк деб ҳисоблайдилар. Дунё аҳолисининг 1,6 % сўзлашади. 5 тил гуруҳига : мон-кхмер, аслий, никобар, кхаси, мунда тилларига бўлинади.

10. Австралия тиллари оиласи. Австралия аҳолиси тиллари киради. Бу тил оиласи 22 та тил гуруҳига бўлинади.

11. Анд тиллари оиласи. Ҳинду халқларининг тил оиласи бўлиб дунё аҳолисининг 0,3 % сўзлашади. 6 тил гуруҳига: ураина-ваорани, кауана-сапаро, шимолий кечуа, аймаара, жанубий тилга бўлинади.

12. Картвел (грузин) тил оиласи. Грузиядаги халқлар тили киради. Кам сонли аҳоли сўзлашади.

13. Нил саҳро тил оиласи. Африка қитъасининг марказида яшовчи халқлар тиллари киради. Дунё аҳолисининг 6 % сўзлашади. 9 та тил гуруҳига бўлинади.

14. Мяо-яо тил оиласи. Асосан Шарқий Осиё жануби ва Жанубий-Шарқий Осиё шимолида тарқалган. Дунё аҳолисининг 0,2 % сўзлашади. Мяо, яо тилларига бўлинади.

15. Паратай тил оиласи. Жанубий-Шарқий Осиёда тарқалган тиллар. Дунё аҳолисининг 1,4 % сўзлашади. 6 та тилларга: тай, ким-суйс, онг-бе, ли, лакк, гэлаога бўлинади.

Шимолий Осиёнинг “Палеосиё” халқлари чукча, корияк, юкагирлар тиллари кичик тиллар гуруҳини ташкил этади. Африкаликлар койсан тиллари-буш-менлар, готтемонлар тиллари ҳам.

Ҳозиргача бошқа халқлар тиллари билан қариндошликни аниқланмаган: японлар, айин (шимолий япон), корейс, андаман, (Бэнгал бўғози), кетлар (Енесей), Периней басклар тиллари ҳам бор. Сўнги йилларда йирик тиллар кичик тилларни синдириб юбормоқда.

Хўжалик-маданий тасниф:

Лингвистик тасниф халқларнинг ўтмишдаги келиб чиқиш тарихида кўп маълумот берсада, лекин замонавий аълоқалар ҳақида маълумот бермайди. Масалан: келиб чиқиши яқин венгерлар ва қуйи Обдаги ханти-мансилар билан тили ўхшаш бўлсада, лекин уларнинг яшаш тарзи

умуман ўзгачадир. Халқларнинг турмуш тарзини шаклланиш тарихини бошқа белгиларига кўра, масалан хўжалик укладига кўра таснифлаш кэрак. Инсон ер юзасининг турли табиий географик шароитларидаги жойларга ўрнашар экан шу жойга хос хўжалик йўналишини вужудга келтирганлар. Шу тарзда турли ишлаб чиқариш поғаналарида турган хўжалик-маданий типлар вужудга келган. Тадқиқотчилар халқлар хўжалигини ХМТга кўра 7 та типи мавжудлигини 3-модулда айтиб ўтган эдик. Бу саҳифада ушбу ХМТларнинг айримлари тўғрисида батафсилроқ тўхталаиз.

1.Энг архаик ХМТ тропик ва субтропик минтақадаги қолоқ қабилалар хўжаликда акс этади. Бу ХМТ типига овчилик ва териб-термачилик билан шуғулланувчи Австралия абаригенлари, Жанубий Америка ботукадалари хўжалик соҳаларини киритиш мумкин. Улар доимо озуқа излаб кўчиб юрганлар. Куроллари найза, (Австралияда бумэранг), ўқ-ёйдан иборат бўлган. Уйлари чайла типиди, кийими оддий шкалда тайёрланган бўлган. Жамиятда уруғ жамоачилик муносабатлари устун турган. Бу хўжалик типиди палеолит даврида пайдо бўлиб, кейинги тарихий давларда фақат цивилизациялардан узоқ, табиий шароити ноқулай ҳудудларда сақланган.

2. Нисбатан ривожланган ХМТ типиди шимолий ўрмон (Америка қитъасидаги Атапаск, алгонкинларга) овчиларига хос типидир. Маскур ХМТ типиди неолит даврида шаклланган. Асосан йирик туёқли ҳайвонларини овлашга асосланган овчилар хўжалиги. Бу халқлар конусимон-ўтовларда яшаган, иштимой тартиби уруғ жамоачилик бўлган. Жамиятга капиталистик муносабатлар кириб келиши билан мўйна товар ҳолига келган.

3. ХМТ типиди. Намли тропик ва субтропик минтақадаги иссиқ иқлимдаги мотиға деҳқончилиги, ёрдамчи овчилик, термачилик бўлган халқлар хўжалиги.

4. ХМТ типиди: Мотиға деҳқончилик билан чорвачиликнинг қўшилишидан юзага келган ХМТ типиди.

XX асрга келиб фан техника ривожиди товар деҳқончилиги, интенсив чорвачиликка, плантацияли қишлоқ хўжалигини вужудга келтирди. Тарихий ХМТ типлари йўқола борди.

Антропологик тасниф.

Ирқий белгиларга кўра олиб борилсада, ҳеч қачон халқларни илмий жиҳатдан тўла таснифланиши қоидаларига мос келмайди.

1. Ирқий тасниф кишининг ташқи белгилари: физик тана тузилиши каби мерос ўтувчи белгилари бўйича таснифланади. Бу белгилар-соч тузилиши, юздаги мўйлар, соч, тери ва кўзнинг рангиди-пигментацияси, бўй, калла суягиди шакли, юз суяқларини тузилишига кўра белгилари ҳисобланади. Инсон ирқлари сўнгги палеолит даврида турли минтақалардаги табиий шароит таъсирида вужудга келган. Тадқиқотчилар ҳозир тўртта ирқни ажратиб кўрсатадилар. Булар Европoid, Монголоид, Негроид ва Австролоид ирқларидир.

Монголоид ирқи –тўғри, қаттиқ сочи, юз мўйлари кам, ясси юз, яноқлар бўртган, юқори қовоқ ривижланган, кўзнинг ички чэрараларини беркитувчи махсус қавоқ қатлами “экипантус”га эга, пучук бурун, юпқа лаб, ўрта, паст бўй, сарғиш тери ранги билан ажралиб туради..

Австролоид ирқи – қора тўқинсимон соч, қош ва ёноқ суяклари бўртиб чиқан, қалинроқ лаб, қорамтир тери, катта бурун, танаси тукли белгиларига эга.

Негроид ирқи –бурама соч, тўқ қора тери ранги, қалин лаб, кенг бурун. Ривожланган гавда тузилиши билан ажралиб туради.

Европоид ирқи –энгил тўлқинсимон, қора, малла рангли соч, юзда мўйлар ривожланган, бош чаноғи чўзинчоқ, қирра бурун, тери ранги оқ, буғдойранг, мовий кўз, ёноқлари текис,ривожланган гавда тузилишига эга белгиларга эга.

Ушбу ирқларнинг ўзи яна белгилари кўра кичик ирқий гуруҳларга ажралади. Масалан:Мўғил ирқи: Шимолий Осиё, Узоқ шарқ, Жанубий Осиё, Арктика, Америка типларига бўлинади. Умуман олганда дунёда 25 та кичик ирқлар борлиги қайд этилган.Икки ирқий тузилишга эга ирқ вакиллари учрашган жойда оралиқ ирқлар шаклланган. Масалан: Жанубий Ҳиндистонда (Евро+Австрол), Шарқий Африкада эфиоплар (Негро+Евро), Урал халқлари (Евро+Мўғил), Полинезияда (Мўғил+Негро+Евро).

Ирқий белгилар ер юзининг турли табиий шароити туфайли юзага келган. Масалан, мўғиллардаги қовоқ қатлами Марказий Осиё чўлларидаги кучли шамоллар, қиш мавсумидаги қор юзасидаги қуёш нурини аксланишидан кўзни ҳимояланиши, иссиқдан сақланишга мослашиш тарзида шаклланган.Негроид ирқидаги тўқ тери ранги, қалин лаб, бурма соч тропик иқлим таъсирида юзага келган. Шу билан бирга кейинги ирқий белгиларини шаклланишида айрим этник гуруҳларнинг алоҳида яшаши ёки аралашуви ҳам маълум маънода ўз тасирини кўрсатган.

Назорат саволлари:

1. Халқларни географик жиҳатдан таснифлаш дэранда нимани тушинаси?
2. Географик таснифлаш усулининг камчилиги нимада?
3. Абориган аҳоли ва келгинди аҳолига мисол кельтиринг?
4. Дунё халқларини тилларини грамматик тузилишига кўра таснифи қандай?
5. Дунё халқларини тилларини келиб чиқишига кўра таснифи қандай шаклга эга?
6. Дунё халқларини антропологик таснифи тўғрисида маълумот беринг?
7. Халқлар ХМТ ларига кўра қандай таснифланади.

6-Модул: Австралия ва Океания халқларининг табиий географик шароити, этногенези ва этник тарихи муаммолари.

Режа:

1. Австралия ва Океаниянинг маъмурий-худудий бўлиниши ва демографик жараёнлари.
2. Австралия ва Тасмания халқларининг этногенези ва этник тарихи
3. Австралия ва Тасмания халқларининг моддий ва маънавий маданияти.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР: Архаик, ибтидоий, австралия, тасмания, экваториал, ведда-австролоид, негритослар, вадяккеллар, аронда, эвкалипт, буня, экзогамия, эндогамия, фратрия, секция, тотемизм, фетишизм, анимизм, орро-бори.

Австралия қитъаси- Тасмания ороли ҳамда Ҳинд ва Тинч океанларининг бир қанча оролларида ташкил топган давлат бўлиб, у Британия миллатлар ҳамкорлигига киради. Майдони 7,7 млн км. Аҳолиси 22,2 (2013 й) млн. киши пойтахти-Канберра шаҳари. Ҳозирда Австралия маъмурий жиҳатдан олтита штатга яъни Янги Жанубий Уэлс, Викториа, Квинсленд, Жанубий Австралия, Ғарбий Австралия ва Тасманияга бўлинади. Энг йирик шаҳарлари: Сидней, Мельбурн, Ашеззит ва Бресбен. Давлат тузуми-Конституцияли монархия. Конституцияси 1900 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи Англия қироли (1952 йилдан бошлаб қиролича Елизавета II. 2000 йили 100 ёшга кирди). Хокимиятни парламент тавсия этган ва қирол тайинлаган генерал-губернатор бошқаради.

Австралия ва Тасмания аҳолисининг 90%ини Буюк Британия, қолганларини Италия, Греция ва Германиядан кўчиб келганларнинг авлодлари ташкил этади. Ерлик аҳоли 1%ни ташкил қилади, кўпчилиги қириб ташланган, қолганлари эса мамлакат ичкарасидаги чўлларга қувғин қилинган. Тасмания оролининг туб аҳолиси-тасманлар XIX асрнинг 1-ярмида умуман қириб юборилган.

Австралия аҳолисининг келиб чиқиши ҳозирги кунда фанда жуда мураккаб муаммо бўлиб келмоқда. Чунки бу ернинг туб аҳолиси жуда қадимги ибтидоий маданият илдизларини ҳозирга қадар сақлаб келган. Айниқса Тасмания оролидаги халқларни жисмоний тузилиши, тили ва маданияти дунёнинг бирон бир халқига қиёс қилиш имконияти йўқ. Шу муносабат билан бу халқларнинг келиб чиқиши ҳозирга қадар фанда муаммо бўлиб келмоқда. Лекин Австралия қитъаси антропогенезга кирмаслиги, яъни одамзоднинг ватани эмаслиги маълум. Сабаби бу ерда ҳеч қандай юксак тузилишга эга сут эмизувчилар яшамаган. Натижада австралиялик ва тасманияликларнинг қадимий аجدодлари келгиндилар бўлган дэран хулосага келинган. Рус тадқиқотчиси Иван Симонов XIX асрнинг 20-йилларида Сиднейга саёҳат қилиб австралияликларни кўрганда, улар Жанубий Ҳиндистонликларнинг авлодлари, дэран тахминни маълум қилган эди. Ҳозирда ҳам

антропология фани Австралиянинг туб аҳолиси Жанубий Осиёнинг қадимий халқлари билан тарихан боғлиқ эканлигини тасдиқламоқда.

Шу билан бирга айрим ўтган аср сайёҳлари (Э.Эйр, Ж.Причард) австралияликларни африкаликларни авлодлари дэран бўлса, баъзилари Малайя архипелаги ва Янги Гвинея ерларидан кўчиб ўтган дэран фикрларни маълум қилгнлар. Лекин 1870 йилда буюк рус тадқиқотчиси ва сайёҳи Н.Н.Миклухо-Маклай ўзининг жиддий кузатишлари асосида бешинчи қитъа аҳолисини мустақил ирқ дэран хулосага келган.

Шундан сўнг олиб борилган антропологик тадқиқотлар ҳам бу фикрни маълум даражада тасдиқлаб, Австралияликлар ўзига хос ирқни ташкил қилади дэран хулосага тўхталган. Яъни қитъанинг туб аҳолиси негроид ва европеоид ирқлар оралиғида пайдо бўлган дейишса, айрим олимлар уларни катта негра-австралоид «экваториал» ирқнинг махсус тип деб ҳисоблайдилар. Масалан, уларнинг сочлари қора, европеоидларникидек тўлқинсимон, соқол-мойловлари ва бадан туклари қалин, терисининг ранги негроидларникига ўхшашроқ тук жигарранг, калла суяги узунчоқроқ, пешонаси нишаб, қош усти суяги чиққан, лаби қалин ва бурни кенгроқ, бўйи ўртача ёки баландроқ бўлади.

Бу халқлар тилларига ўхшаш тилларни Австралиядан ташқари Индонезияда, Ҳиндинстоннинг жанубидаги қабилаларда (масалан, Шри-Ланкадаги веддалар) учратиш мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур тилни фанда баъзан «ведда-австролоид» деб ҳам юритилади. Сўнгги антропологик классификацияга биноан катта австролоид ирқига Австралиянинг туб аҳолиси, папуаслар ва меланезияликлар, негритослар ва веддоидлар киради. Бундан хулоса қилинадиган бўлса, австралиялик ва тасманияликларнинг аجدодлари бир замонлар Жанубий-Шарқий Осиёда айниқса Индонезияда яшаганлар. Ява ороли (Вадяк)да топилган иккита австролоид типдаги калла суягининг қолдиқлари бунга далил бўла олади.

Бундан ташқари Австралия ҳудудининг Шарқий ва Жанубий-Шарқий қисмларидан топилган қадимий калла суяги қолдиқлари Вадяк топилмаларига ўхшашлиги этногенез масалаларига анча аниқлик киритган эди. Айниқса, Кейлар (1940 й) маконидаги калла суяги тузилиши жиҳатидан ҳозирги австралияликларга яқин туради.

Тасманияликларнинг келиб чиқиши фанда ҳали тўлиқ аниқланмаган. Улар сочининг жингалаклиги, бадани рангининг тўқ жигарранглиги, паст бўйлиги билан австралиялардан фарқ қилганлар. Улар антропологик тузилиши жиҳатидан меланезияликларга, айниқса, Янги Калидонияликларга ўхшаб кетади. Аниқроғи эса ҳозирда уларни Австралиядан сиқиб чиқарилган туб аҳолининг авлодлари деб қаралмоқда.

Бешинчи қитъага аҳолининг кўчиб келиши сўнгги маълумотларга қараганда юқори палеолит даврида амалга ошган. Тахминан бундан 10 минг йиллар муқаддам Австралия Осиё билан қўшилган бўлиб энг қадимий австраликлар Жанубий-Шарқий Осиёдан қуруқлик орқали кўчиб ўтганлар. Кейинчалик эса океан сувларининг кўтарилиши натижасида бешинчи қитъа пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам бу ер аҳолиси ўша давр ижтимоий тузуми ва маданиятини то ўтган асргача мустаҳкам сақлаб келганлар.

Европа мустамлакаси даврида (XVIII-XIX асрлар) Австралия ва Океания халқлари ўзларининг хўжалиги ва ижтимоий тузумида, тили ва ирқий қиёфасида қадимийликларини яна бир бор намоён этдилар. Айниқса маҳаллий тилларида бу ҳолат ёрқин исботланган. Австралияликларнинг тиллари, ҳеч бир бошқа тилларга ўхшамайди ва яқинлашмайди ҳам. Уларда ҳар бир қабила ўз тили ёки шевасига эга бўлиб, ирқий ва маданий жиҳатдан яқин бўлса ҳам бир-бирини тушунолмаганлар, баъзи тиллар эса бир неча шевалардан иборат бўлиб, махсус туркумни ҳосил қилган. Шунинг учун ҳам австралия тилларининг сони қабилалар сингари 500 дан ортиқ деб белгиланган. Масалан, аронда тилида 10 мингдан ортиқ сўз мавжуд. Яна бир томони шуки австралияликларда оғзаки сўзлардан ташқари инсон аъзоларини турли йўсинда қимирлатиш йўли билан ифодаловчи имо-ишора тили ҳам мавжуд бўлган. Бундан ташқари, улар мулоқатида ўзига хос «сигналлар тили» ҳам мавжуд бўлиб, бирон ахборотни аниқ буюмлар, белгилар ёрдамида ифодалаганлар.

Юқорида таъкидланганидек, бу қитъага XVII аср охирларигача европаликлар оёқ босмаган. Аёкин бу қитъа XVI асрларда маълум бўлсада, уни мустамлакага айлантириш 1770 йилдан бошланган. Бу ер дастлаб Англия жосусларини сургун жойига айланган. XIX асрнинг ўрталаридан эса турли ер остки қазилма бойликлар топилганидан сўнг бу ерга эркин «оқ танлилар» кўплаб кела бошлаган. Тасмания ерларига европаликлар 1803 йилдан кела бошлаганлар. Шундай қилиб, қисқа муддат ичида асосан Британия ва Ирландиядан келган мустамлакачилар туб аҳолига нисбатан ҳукмронлик мавқеига эга бўлганлар. Яқин даврларгача австралияликлар ва кирилиб кетган тасманияликлар овчилик ва териб-термачилик билан шуғулланиб келганлар. Уларнинг хўжаликлари асосан «ўзлаштириш» характерида эга бўлиб, табиат маҳсулотларини ишлаб чиқармасдан тайёр ҳолича истеъмол қилганлар.

Ҳайвонот дунёси анча камбағал бўлган. Австралияда туб аҳолиси неки жонзод бўлса, ҳаммасини ов қилиб, тановул қилганлар. Масалан, улар йирик халтали ҳайвонлар (кенгуру) ва туяқуш (эму) дан тортиб то майда чувалчанггача овлашган. Улар баланд эвкалипт дарахтларига тирмашиб чиқишда

жаҳонда тэнги йўқ бўлганлар. Австралияликлар гўшт ва балиқни хом ҳолда истеъмол қилмаганлар, албатта ўтда ёки чўғда қовуриб эранлар. Бу ҳудудларда тарик, ямс ва бошқа илдиз мевали турли ўсимликлар, нон дарахти (буня) ёввойи ҳолда ўсган.

Улар чорвачилик, кулолчилик ва металлни билмаганлар. Аммо тош, суяк, ёғоч, ўсимлик толасидан турли қурол, буюм ва идишлар ясашни яхши билганлар.

Австралияликларнинг кийимлари ниҳоятда ибтидоий бўлган. Кўпчилик қабилалар мутлақо кийимсиз, яланғоч юрганлар. Аммо байрам вақтларида эркагу аёл турли безаклар-бошига, танага, кўлига, билакузук, бўйнига мунчоқ, бурнига булоки, сирға тақишиб, баданларини бўяб ҳар хил патлар ёпиштириб юрганлар. Кўпчилик қабилалар дайдиб юрганлари учун муайян қишлоқларга эга бўлмаганлар. Яъни улар тайёр маҳсулотлари тугагунча бир ерда, сўнг эса иккинчи жойга кўчиб ўтганликлари учун улар вақтинчалик шох-бутоқлардан чайлалар тиклаб кун кечирганлар. Шимолий ҳудудларда эса тропик ёмғирлар кўп бўлганлиги учун қозқоёқларга ўрнатилган уйларда 12-15 кишидан бўлиб яшаганлар. Дарёлар ва денгизда сузишда аҳоли содда қайиқлар ва соллардан фойдаланганлар.

Бу китъада хонакилаштирилган ҳайвонлар аввалги даврда бўлмаган. Ярим ёввойи ит-динго ҳам бу ерга одамлар томонидан олиб келинган. Австралиялик ва тасманияликларнинг ижтимоий тузуми ҳам ниҳоятда оддий, ибтидоий даражада бўлган. Уруғ ичида никоҳга йўл қўйилмаган, Яъни экзогамия никоҳ тартиби ҳукм сурган. Уруғлар қабилаларга бирлашиб, муайян ҳудуд доирасида бир-биридан ажралган ҳолда кўчиб юрганлар.

Ҳар бир қабила жойлашувига кўра айрим локал группаларга бўлинган. Қабила тузилишининг бундай икки паллага бўлинган шакли фратрия системаси деб аталган. Фратрия (грекча «биродарлик» дэран маънони англатади). Улар орасида иқтисодий табақалиниш бўлмаган. Ҳар бир локал группа бир авлод сифатида ёшига ва жинсига қараб бўлинган ва меҳнат тақсим қилинган. Масалан, эркаклар ишлаб чиқариш қуроллари ясаганлар, ов қилганлар ва оиласини кўриқлаганлар, аёллар эса теримчилик қилиб бола боққан ва тарбиялаган.

Оила-никоҳ муносабатларида фратриал ва уруғ чекланишлардан ташқари турли секцияларга бўлиниши мавжуд бўлган. Масалан, австралиялик абориген ёзган биографиясида «Менинг дадамнинг ака-укаси менинг тоғам эмас; улар ҳам мэнга дада. Уларнинг фарзандлари ҳам мэнга қариндош, ака-ука ва опа-сингилларим ҳисобланади, ёки дадамнинг опа-синглисини мен амма дейман, уларни болаларини аммавача дейман. Ойимнинг опа-синглисини эса мен ойи дейман, уларнинг болаларини ака-ука ва опа-сингил дейман. Ойимнинг ака-укалари мэнга амаки бўлиб, мени эркаклар қаторига

ўтказиш (инициация) маросимига тайёрлаш ва тарбия қилишга жавоб бэради» дейди. Шунинг учун ҳам уларда фақат аммавачча ва амакивачча сингилларига уйланиши мумкин бўлган. Шундай қилиб, Австралияда йигит ака томонидан ака-укасининг қизига уйланиши мумкин бўлган, аммо дадасининг синглиси қизига уйланиши қатъиян ман этилган.

Бундай тартибни бузган қабила аъзоси жуда катта гуноҳ қилган ҳисобланиб, уни ё қатл қилишган, ёки уруғдан ҳайдашган. Вояга етган ўспиринларни катталар қаторига ўтказишда махсус инициация маросими орқали амалга оширилган. Бундай маросимларни ўтказишга тажрибали ва ҳурматли, ёши катта муйсафидлар раҳбарлик қилганлар.

Австралияликларнинг маънавий маданияти, диний эътиқоди ишлаб чиқариш кучларининг даражаси, уларнинг ижтимоий тузумига мос келган. Уларнинг тасаввурида бутун теварак-атроф ғайритабиий кучлар, турли маҳлуқ ва арвоҳлар билан тўла деб ҳисобланган. Шунинг учун ҳам Австралияни тотемизм ватани деб атаганлар. Бу дин ибтидоий динлардан бири бўлиб, одамлар айрим жониворлар ёки ўсимликлар билан яқин қавм-қариндош, дэран тасаввурни ўзида мужассамлаштирган. Ҳар бир тотемистик группа ўзининг **чўринги**(Марказий Австралиядаги халқларда аждодларнинг арвоҳлари рамзи муқаддас буюмларда акс этиши тўғрисидаги тасаввурларни ўзида ифода этган, сеҳрли белгилар чизилган тахтача-тумор номи)си яширинган муқаддас жойга эга бўлган. Ўша ерда йилда бир марта махсус маросим интуцима ўтказилган.

Австралияликлар орасида турли *сеҳргарлик, дуогуйлик, зиён етказиш* магияси ҳам кенг тарқалган, Анимизм эса кам тарқалган. Бу ерда халқ оғзаки ижоди дастлаб ривоятлар, афсоналар ва эртаклар, ашула ва рақсларда намоён бўлган. Афсона ва ривоятлар асосан тотемистик тасаввурлар билан боғлиқ бўлган.

Уларнинг рақслари кўпроқ жамоа шаклида (орро-бори) бўлиб, турли маъноларни тасвирлаган. Австралияликларнинг билимлари теварак-атрофдаги табиий шароитга мослашган бўлиб, ишлаб чиқариш тажрибасига буйсундирилган. Масалан, улар ибтидоий тиббиёт қўлга киритган барча билимлардан кенг фойдаланганлар, махсус тайёрланган таркибли дориларни ҳам, ўсимликлардан қайнатиш билан дориларни ҳам тайёрлашни, қон оқишини тўхтатишни, синган жойни тузатишни билганлар. Ўз ватанининг флора ва фаунасини жуда яхши ўзлаштирганлар.

Назорат саволари: :

- 1.Австралия ва Тасманиянинг кашф этилиши ҳақида маълумот беринг.
- 2.Австралия ва Тасмания халқларининг шаклланиши ҳақида маълумот беринг.
- 3.Австралия ва Тасмания халқларининг антропологияси тўғрисида маълумот беринг.

4. Австралия ва Тасмания халқларининг қандай хўжалик машғулоти мавжуд?
5. Австралия ва Тасмания халқларининг маданияти ҳақида сўзлаб беринг?
6. Австралия ва Тасмания халқлари қандай диний эътиқод шакллариغا эришганлар?

7-Модул: Полинезия, Янги Зеландия, Меланезия, Янги Гвинея, Микронезия халқлари.

Режа:

1. Полинезиянинг географик жойланиши, табиати ва аҳолиси.
2. Меланезия халқларининг географик жойланиши, хўжалиги ва маданияти.
3. Микронезия халқларининг географик ўрни, табиати ва аҳолиси.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР: Меланезия, папуас, негритос, пешбанд, инициация, коко қабиласи, мана, микронезия, маржон, вулқон, палау, полинезия, антропологик ирқлар, маори, таити, тонгаи, бўйра, чиғаноқлар тизими.

Полинезия-Тинч океанининг марказий қисмидаги бир неча катта-кичик ороллардан иборат бўлиб, Шимолда Гавай архипелаги, жанубда Янги Зеландия ва шарқда Пасха учбурчаги билан чэараланиб туради. Юқоридаги бу ороллар вулқон ва маржонлардан пайдо бўлган.

Тахминий маълумотларга қараганда бундай майда оролларнинг майдони 26 минг кв.км.ни ташкил этади. Шундан 17 минг кв.км. қисми Гавай архипелагига тегишлидир. Ороллар тўпламини асосий ҳудудини Янги Зеландия ороли майдони ташкил этади. 220 та оролнинг майдони жуда кичик бўлиб, айримларининг майдони 1 кв.км.ни ташкил этади. Полинезия ҳудудига Янги Зеландия билан бирга 9 та катта архипелаг-Гавайя, Самоа, Жамият (2025 йилда аҳоли сони 5,5 млн етиши кутилмоқда) ва бошқалар киради.

Ўртача ёш Полинезияни турли оролида ҳар хилдир. Масалан, Янги Зеландияда 73/79. Самоада 65/70, бошқа оролларда 68/72 деб маълум қилинган. Полинезиянинг табиати ва ҳайвонот дунёси ҳам микронезияга ўхшаш анча қашшоқ бўлиб, ҳудудининг кўп қисмлари абадий яшил тропик ўрмонзорлар ва саванналарни ташкил этади.

Океан ҳавзасида минглаб майда орол ва рифлар давр ўтиши билан пайдо бўлиб баъзан эса йўқолиб кетади. Сўнгги йилларда Полинезияликларнинг Океания оролларида жойлашишлари тўғрисида олиб борилган археологик тадқиқотлар маълум даражада аниқликлар киритди. Антропологик жиҳатдан улар асосан монголоид, австроло-негроид ва оз миқдорда европеоидлар аралашмасига оиддир. Энг кўп тарқалган фикрга кўра мазкур тиллар Полинезияга Фиджи архипелаги, сўнг Тонга ва Самоа ороллари орқали миллоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб кириб келган. Улардаги маиший турмуш тарзи ва маданияти *Полинезия этник бирлигини*

шакллантирган бўлиб, эрамизнинг биринчи ва иккинчи минг йиллиги давомида бутун Полинезияни эгаллаб олган. Бундай хулосага узоқ йиллар Полинезияликларнинг ривоятлари, тили, маданияти ва ирқий тузилишини ўрганган олим Те Ранги Хирао келган. Бундан ташқари айрим Европа олимлари масалан, норвег олими Тур Хердал ҳам изланишлар олиб бориб, Полинезияликларни Жанубий Америкадан яъни Анд тоғларидан келиб ўрнашган дэран ғояни илгари сурган. Ўз фикрини исботлашга ҳаракат қилган. Мустамлакачилар келгунига қадар, (XVI аср бошларида) оролликлар асосий тирикчилиги деҳқончилик билан денгиз овчилиги орқали ўтказилган. Лекин кейинчалик ҳунармандчилик деҳқончиликдан ажралиб чиққан. Чунончи, кэмасозлик ривожланган. Полинезияликлар ниҳоятда моҳир денгизчилар ҳисобланган. Масалан, Маори, Гаити, Тонган ва Фиджилар ясаган елканли катта кемалар 10-100 лаб кишиларни узоқ сафарга чиқишига бардош бэра олар эди.

Уй ҳайвонларидан товуқ, чўчка ва ит кўп сақланган. Чорвачилик хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича Янги Зеландия дунёда юқори ўринни эгаллаган. Масалан, сарёғ ишлаб чиқаришда дунёда биринчи ўринни, гўшт ишлаб чиқаришда эса иккинчи ўринни эгаллаб келган.

Полинезияликлар кийими ҳам бошқа Океания халқларига ўхшаш турли ўсимликлардан тўқилган ёпинчиқлар бўлган. Масалан, Гавайи аҳолиси кушларнинг тери ва патларидан ёпинчиқ кийиб, бош ва оёқ кийимсиз юрганлар. Ҳозирга келиб ноқулай бўлсада европача кийинишга одатланиб бормоқдалар.

Уларнинг ижтимоий ҳаётида қўшничилик ва қишлоқ жамоаси муҳим аҳамиятга эга бўлган. Асосий ишлаб чиқариш воситалари-ер, ўрмон ва денгиз бойликлари, катта кема, тўрлар жамоа мулки ҳисобланган. Меҳнат, бурч ва ҳуқуқ, жинс ва ёшига қараб тақсимланган. Поғонанинг энг юқорисида 30-40 кишилиқ оила жамоаси туриб, у жамоа мулкига эга бўлган.

Жамоа ва қабилалар ўртасида турли моддий буюмларни айирибошлаш яхши йўлга қўйилган. Уларда пул вазифасини чиғаноқлар тизимчаси, туз бўлаги, чўчқанинг йирик тиши, тош болта ва бошқа буюмлар бажарган.

Полинезияликларнинг маънавий маданияти ҳам ўзига хос бой бўлган. Улар теварак-атрофни яхши билганлар. Денгиз оқими, шамол, қуёш, ой ва юлдузларга қараб узоқ масофаларга бемалол саёҳатга чиқа олганлар. Уларда 1 сутка ҳисоби кечага қараб белгиланган. Пасха оролида 20 та тахтага битилган иероглиф ёзув сақланган. Махсус мактабларда асосан зодагонларнинг болалари ўқитилган. Уларга астрономия, денгиз оқимлари, ота-боболарининг илм-тажрибалари, мифология, кема ҳайдаш маҳорати ва бошқа амалий билимлар ўргатилган.

Бутун Полинезияда тўртта бош худо-Тане, Ту, Ронго, Гангарао тимсоллари-табиат кучларини ифодалаган. Полинезияда-ҳар бир инсон

туғилиши билан ғайритабий куч-Манага эга бўлади деб тасаввур қилинган. “Мана”-тушунчаси “табу” сўзи билан боғлиқдир. Яъни Манага тегиш жуда хавфли ҳисобланиб, унга тегиш ман этилган. Табу сўзи асли Полинезияда пайдо бўлиб, уни дастлаб Европага денгиз сайёҳи Ж. Кук келтирган. Бу система жамиятда каста (табақаланиш) тизимини ифодалайди.

Бадий санъат намуналари ёғоч ўймакорлиги, ҳайкалтарошлик, татуировка қилиш, қуроллар, уй жиҳозлари ва қурилиши, нақшлари, ҳар хил афсонавий ривоятлар, ашула ва рақслар, пантомима, маросимлар ва оғзаки ижод кенг ривожланган.

Юқорида таъкидланганидек Меланезия Тинч океанининг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган тарихий-этнографик минтақа ҳисобланади. Бу ҳудудга Янги Гвинея, Бисмарк архипелаги, Янги Гебрид, Янги Каледония, Фиджи ва бошқа майда ороллар киради. 2012 йилги маълумотларга асосан ҳудудий майдони 192 минг км.кв. ни аҳолиси эса 5,5 млн. дан ошиқроқни ташкил этади.

Ҳозирги тадқиқотчи олимларнинг фикрича Меланезияга дастлабки одамлар бундан 10-15 минг йиллар муқаддам жойлаша бошлаганлар. Яъни Меланезия дастлаб «папуас ирқи»га хос халқлар томонидан эгалланиб, сўнг Океания ҳавзасига тарқалганлар. Уларнинг энг қадимий қисми негритос ва папуаслар ҳисобланади. Уларнинг ўчоғи Янги Гвинеянинг марказий қисми билан Янги Гебрид ороллари ҳисобланади.

Меланезияликлар ўрта бўйли, негритосларга қараганда ҳам қорароқ танли бўлган. Шунинг учун ҳам бу ороллар «Қора ороллар» деб аталган. Уларнинг хўжалигида асосий соҳа тропик типдаги деҳқончилик ва денгиз балиқчилиги бўлган. Ҳайвонот дунёси қашшоқ бўлганлиги учун овчилик суст ривожланган.

Тирикчилик деҳқончилик маҳсулотлари-илдизмевали ўсимликлар ва мевали дарахтлар ўстиришдан иборат бўлган. Масалан, кокос хурмоси, нон дарахти, банан, кейинчалик пайдо бўлган кофе, какао, шоли, чой етиштиришдан иборатдир. Уй-рўзғорида асосан ёғоч ва бамбукдан, кокос, қовокдан ясалган идиш-товоқлар қўлланилган. Уй-жойлари ҳар хил типдаги энгил устунларга қурилган, томлари палма ёки бошқа дарахт япроқларидан ёпилган тузилишда бўлган.

Оддий турар жойлардан ташқари эркаклар бўш вақтларини ўтказадиган эркаклар уйи номли катта уйлар бўлиб, улар серҳашам безатилган, жиҳозланган. Транспорт кемалари бўлиб уларда 2 кишидан 40 кишигача овчи жойлашган. Уларнинг кийимлари тропик иқлимга мослашган ҳолда турли ўсимликлардан пешбанд, этак, юбкалар тўқиб кийилган. Мустамлака арафасида бу ер аҳолиси она уруғининг охириги даври тузумини сақлаб қолган эди.

Бу ерда ҳам Австралияга ўхшаш инициация маросимлари турли шаклда ўтказилган. Масалан, ўспиринлар фақат «эркаклар таоми»-банан, шакарқамиш ва ўрмон меваларини истеъмол қилишлари шарт

бўлган. Ўғил болани онасидан ажратиб, эркаклар даврасида тарбиялашган. Коко қабиласида маросим охирида турли насиҳатлар берилган. Яъни «ўғирлама, фоҳишалик қилма, бировнинг полизидан мева олма, адолатли бўлсанг-узоқ яшайсан» дейилган. Ёки: Торресова оролларидаги қабилада: Ота-онангга қўполлик қилма, ота-онанг сенинг қорнингдаги таоминг, агар улар ўлса, сен оч қоласан! Яна бир одат ўспиринни эркаклар қаторига ўтказишда индивидуал тартибда, она қонидан қутулиш учун бурундан қон оқизиш, тилни сал кесиш, ҳатна қилиш ҳам фарз ҳам қарз деб ҳисобланган.

Ўлим маросимларда ҳам турли одатлар ўтказилган. Яъни эри ўлган хотин анча вақт мотам тутган, кейин эрини жасадини қабрдан кавлаб олиб, калла суягини ариқда ювган, сўнг махсус тўр халтага солиб ўзи билан олиб юрган. Айрим қабилаларда боласи ўлган аёл бир бармоғини мотам белгиси сифатида кесиб бўйнига осиб юрган.

Папуас ва Меланезияликларда диний эътиқодда “Мана” тушинчаси бўлган. Унда турли табиат ҳодисаларига, арвоҳларга сиғинганлар.

Янги Каледония Меланезиянинг жанубида жойлашган бўлиб, 2012 йил маълумотига биноан ҳудудий майдони 18 минг кв.км., аҳолиси 200 минг кишини ташкил қилган. 26/6-2025 йилларда аҳоли сони 300 минг, ўртача ёш 71-77 га етиши тахмин қилинган. Бу оролнинг маркази Нумея бўлиб, бу ерга одамлар бундан 10 минг йил муқаддам бориб жойлашган. Милоддан аввалги III- минг йилда бу ерга Меланезиялик қабилалар келиб жойлашганлар. Милоддан аввалги XXIII аср охирида полинезияликлар уруғларидан бир гуруҳи Луаёто оролига келиб жойлашган. Шунинг учун ҳам уларни тили бу ердаги халқлар тилига асос бўлиб хизмат қилган.

Оролни 1774 йилда инглиз денгиз сайёҳи Ж.Кук кашф этган. 1853 йилдан буён Франция ҳукмронлик қилди. У ерга Франциядан махбуслар ва Париж коммуначилари сургун қилинган. Расмий тил француз тилидир.

Янги Каледонияни ҳозирги аҳолиси уч гуруҳга бўлинади:

1. Абориген-Меланезияликлар 30,8%
2. Французлар-32,2%
3. Сўнгги йилларда Осиё ва Океаниядан кўчиб ўтганлар.

Аҳолининг асосий қисми католик-христианлардир. Шу билан бирга Протестант-калвинистлар ҳам бор. Фиджи ороли давлат сифатида 1970 йил 10 октябрдан мустақил давлат бўлган. Бунгача Британияга мустамлакаси бўлиб, ҳамдўстлик аъзоси ҳисобланган. Ҳудуди 18 минг кв.км., аҳолиси 800 минг кишини ташкил этган. Аҳолисини 25/5 2025 йилга бориб 1,1 млн.га етиши мумкинлиги тахмин қилинган. Ўрача ёш 64/65 ёшдир. Маълумотларга қараганда бу ерларга одамлар милоддан аввалги II-минг йилликда Янги Гебрид оролларида келиб жойлашган. Бу орол 1643 йили Голланд Абел Тасман томонидан кашф этилган. 1874 йилдан Британияга мустамлака бўлган. 1879 йилда эса бу оролга ҳиндулар олиб келиниб ишлатиш

авж олган ва бу ҳолат 1916 йилга қадар давом этган. Кейинчалик оролга европаликлар ва хитойликлар ҳам кўплаб кириб келганлар. Шунинг учун ҳам Фиджи аҳолиси икки гуруҳга бўлинади. 46,3 % фиджилар, 50,0 % ҳиндулардир. Қолганлари майда элатлардан иборат. Давлат тили – инглиз тили. Бундан ташқари фиджи ва ҳинду тиллари ҳам кенг ёйилган. Дини христиан-протестантлар. Аҳолини диний эътиқодига кўра 40 % ҳиндулар, 8 % ни мусулмонлар ташкил этади.

Микронезия-микро-майда ва юнонча нестс-орол демакдир. У Океаниядаги 1500 га яқин ороллар архипелагидан иборат бўлиб, бу ороллар тўпламига Мариана ороллари, Каролина ороллари ва Маршалл ороллар (АҚШ васийлигида), Гилберт ороллари ва Ошен ороли (Буюк Британияга қарам), Науру (1968 йилдан мустақил давлат) ва бошқа ороллар киради. Асосан ҳудудий майдони Тинч океанининг ғарбий қисмида жойлашган 3,2 минг кв.кмни ташкил этади. 2012 йилги маълумотга аҳолиси 1,1 млн киши.(2013 й). Оролларнинг аксари қисми маржон ороллари, қолганлари вулқон натижасида ҳосил бўлган. Энг йирик ороли-Гуам (АҚШ мулки) ва Марианна оролларида отилиб турадиган вулқонлар бор.

Микронезияни иқлими экваториал ва субэкваториал иқлим. Ойлик ўртача ҳарорат январда 26°, июнда 28°ни ташкил этади. Ёғингарчилик йил давомида бир меъёрда ёғади. Каролин оролларида тез-тез кучли тропик довуллар бўлиб туради. Вулқон оролларида табиат доимий яшил тропик ўрмон, қисман саванналардан иборат. Маҳаллий ҳайвонлардан каламуш, калтакэсак, кўршапалак, тимсоҳ, илонлар кўп учрайди.

Микронезия аҳолиси антропологик жиҳатдан Меланезия ва Полинезия ҳамда қисман Индонезияликларнинг аралашуви натижасида пайдо бўлган деб таърифланади. Улар ўрта бўйли, жигарранг танли ва бир оз жингалак сочли бўлган.

Микронезия тиллари-австронез тиллари оиласининг Малай-полинез тиллари гуруҳига мансуб. Ҳозирда бу тилда 214 минг киши гаёпинчиқади. Бундан ташқари бу тил Сонсорол, Яп, Трукпоначе каби ўнлаб майда тилларга ҳам бўлинади.

Микронезликлар Европалик мустамлакачилар келгунига қадар (XVII аср) тарихий тараққиётининг матриархат босқичида турган. Масалан, Палау оролларида уруғ ва қабилавий муносабатлари кучли бўлган. Айниқса, она уруғи тартиб қолдиқлари сақланган. Яъни аёллар эркаклар билан тэнг ҳуқуқли бўлган. Айрим оролларда эса синфий жамият муносабатлари элементлари шакллана бошлаган эди.

Микронезия аҳолиси XVII асрдан-XX асрнинг ўрталаригача испан, немис, инглиз, япон мустамлакачилари зулми остида яшади ва кескин камайиб кетди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бу ҳудудлар АҚШ васийлигига ўтди. Улар хўжалигида серуним ерлар кам бўлганлиги туфайли у ерда фақат кокос палмаси, шакарқамиш, нон дарахти ўстирилган. Аҳолиси асосан балиқчилик билан кун кечирганлар. Палау оролларида эса шоликорлик ва қулолчилик билан шуғулланганлар.

Диний эътиқодда улар қадимий анимистик тасаввурларга сиғинганлар. Шу билан бирга жамоада фолбин ва коҳинлар ҳам бўлган. Ҳозирда кўп ерлардаги аҳоли орасида христиан динининг католицизм оқими кенг тарқалган.

Назорат саволлари:

1. Меланезия ҳақида умумий тушунча беринг.
2. Меланезияда жойлашган йирик ороллар аҳолисининг тили, ирқи, маданияти тўғрисида маълумот беринг.
2. Меланезияда ҳозир қандай этник жараёнлар юз бермоқда?
4. Микронезиянинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши қандай?
5. Микронезия оролларидаги халқларнинг этногенези ҳақида маълумот беринг.
6. Микронезия халқларининг маданияти тўғрисида тушунча беринг.
7. Полинезия аҳолисини таркиби ва жойлашуви ҳақида маълумот беринг.
8. Полинезияликларнинг турмуш тарзи ва оилавий муносабатлари ҳақида маълумот беринг.
9. Полинезия халқларининг маданияти ҳақида маълумот беринг.

8- Модул.1-мавзу:Ғарбий Осиё халқлари.

Режа.

1. Ғарбий Осиёнинг географик ўрни, табиати ва бу ерда жойлашган давлатлар.
2. Антропологик ва лингвистик қиёфаси.
3. Этногенези ва этник тарихи.
4. Хўжалик машғулоти.
5. Моддий ва маънавий маданияти.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР: Флораси, фаунаси, питекантроп, синантроп, фергантроп, неандертал, европоид, монголоид, австролоид, этнолингвистика, арманоид, хамит-семит, оромий, деспотик давлатлар, аграр хўжалик.

Ғарбий ёки Олд Осиё Осиёнинг бир қисми бўлиб, Кичик Осиё, Арманистон тоғлари ва Эрон тоғлигининг катта қисмини, Арабистон ярим ороли, Месопотамия, Фаластин ва Ўрта Ер денгизи атрофининг шарқий ҳудудларини қамраб олади. 2013 йилги маълумотларга асосан ҳудуди 4.707 кв.кмни, аҳолиси эса 193 млн.ни ташкил этади.

Табиий-географик жиҳатдан Ғарбий Осиёнинг минтақалари турлича шароитга эга бўлиб қуруқ иқлими субминтақага бўлинади: Арабистон, Месопотамия, Кичик Осиё ва Эрон ясситоғликлари. Месопотамия минтақаси Дажла ва Фрот дарёларининг таъсири туфайли серсув субтропик иқлими деҳқончиликка мос, лекин, одам яшаши учун табиати анча ноқулай.

Минтақадаги катта давлатлардан бири Туркия ҳудуди Шимолий ва Жанубий Қора денгиз бўйлаб Понтий тоғ тизмалари, Марказда Анатолий ясси тоғликлари Арман тоғликлари билан чатишиб кетган. Муҳим хўжалик аҳамиятига эга бўлган текисликлар мамлакатнинг 20 % га яқин қисмини эгаллайди. Арабистон ярим оролининг 3/2 қисмини эгаллаган Саудия Арабистони ҳам тоғ тизмалар билан ўралган ва бепоён саҳролардан иборатдир. Бу ерда жаҳондаги энг катта қум саҳролардан бири Руб-ал-Хали жойлашган.

Ғарбий Осиёнинг флора ва фаунаси ҳам хилма-хилдир. Лекин энг қадимий даврга нисбатан албатта ўзгаргандир. Асосан ўсимлик дунёси камбағаллашган йирик ўрмонзорларни йўқ қилиниши, айрим ҳайвонларни қириб кетишига олиб келди. Фақат Қора денгиз соҳилларидаги ҳудудлар бирмунча қадимий кўринишларини сақлаб қолган.

Ҳозирги даврда бу ерда 20 га яқин катта ва кичик мамлакатлар жойлашгандир. (сўнги йилларда аҳоли рўйхатларига асосланган ҳолда тахминий киши сонига қараб давлатларни бирин-кетинлигини аниқлаш мумкин. Масалан, Туркия Республикаси Осиё ва Европа қитъаларида жойлашган давлатдир. Уни Осиё билан Европадан Мармар денгизи билан Босфор ва Дарданел боғозлари ажратиб туради. Ҳудуди 769 минг кв.км. Аҳолиси 2013 йил маълумотларига кўра 66,3 млн киши. Асосан турклар ва қисман курдлар, араблар, грузин ва лазлар яшайди. Пойтахти-Анқара. Давлат тили- турк тили, давлат дини- ислом-сунний мазҳаби.

Ироқ Ресубликаси-Жанубий-Ғарбий Осиёда, яъни Дажла ва Фрот дарёлари оралиғида жойлашган. Ҳудуди 437 минг кв.км. Аҳолиси-2013 йил маълумотида кўра 23,6 млн бўлиб, аҳолининг араблар-75% ни, курдлар-20% ни ташкил этади. Бундан ташқари бу ерда қисман туркман, оссурияликлар, арман, форс ва бошқа халқлар яшайди. Пойтахти-Боғдод шаҳри (аҳолиси 3-5млн), тили-араб ва курд. Дини ислом дини бўлиб, 62% шиа ва 34% сунний мазҳабида, қолганлари бошқа дин вакиллари ташкил этади.

Саудия Арабистони Қиролиги Арабистон ярим оролида жойлашган. Ҳудуди-салкам 2,200 млн кв.км. Аҳолиси 21,1 млн, асосан араблар. Пойтахти Ар-Риёд (аҳолиси 2млн) тили араб, дини ислом. Сурия Араб Республикаси Яқин Шарқда жойлашган. Ҳудуди-185,2 минг кв.км аҳолиси 17,1 млн, асосан араблар ва арман курд, арман, оссурия, яҳудий ва бошқалар яшайди. Пойтахти —Дамашқ. тили-араб, дини 85% ислом, Шундан-сунний, шиа, алавий, дрозлар), 15% -христианлар.

Яман Республикаси. Арабистон ярим оролининг Жанубий-ғарбида жойлашган. Ҳудуди—528 минг кв.км, аҳолиси 18 млн., асосан араблар ва қисман яманликлар яшайди. Пойтахти-Сана (аҳолиси-1млн) тили-араб, дини-ислом, Шимолда-зайдлар, жанубда-шиалар ҳам бор. Озарбайжон Республикаси. Ҳудуди 86,6 минг кв.км. аҳолиси 9,1 млн. пойтахти-Боку. Исроил давлати-Яқин Шарқда жойлашган. Ҳудуди-20 минг кв.км. аҳолиси 6,4 млн, яҳудийлар-5 млн, араблар 5 млн. Грузия Республикаси-

Ҳудуди-6,9 минг кв.км, аҳолиси 5,5 млн. Пойтахти-Тбилиси. Иордания Ҳошимийлар қироллиги-Яқин Шарқда жойлашган. Ҳудуди 89 минг кв.км. Аҳолиси-5,2 млн. Араблар ва қисман черкез, чечен ва арман. Пойтахти-Оммон. (аҳолиси-2млн) Тили-араб, дини-ислом, сунний мазҳаби. Ливан Республикаси Ўрта Ер денгизининг Шарқий соҳилида жойлашган. Ҳудуди-10,4 минг кв.км. Аҳолиси-2001 йил маълумотига кўра 4.3 млн. 90% араблар-ливиялик, қолгани арман, курд, оссурияликлар ва бошқалар. Пойтахти-Байрут-2 млн. Тили араб, дини ислом, кўпроқ-сунний ва озроқ дўзлар: християналарни православ, католиклари бор. Арманистон Республикаси-Ҳудуди 28.9 минг кв.км, аҳолиси 3,8 млн, Пойтахти Ереван. Уммон султонлиги-Арабистон Ярим оролининг жанубий-Шарқий қисмида жойлашгандир. Ҳудуди-306 минг кв.км, аҳолиси-2,4 млн (2013) 90% дан ортиғи араблар. Пойтахти Маскат. Аҳолиси 120 минг, тили араб, дини-ислом.

Бирлашган Араб Амирликлари-Арабистон ярим оролининг таркибий қисмида, Форс ва Уммон кўрфазлари соҳилида жойлашган 7 та Абу-Даби, Дубай, Шаржа, Рас-ал-Хайта, Ал-Ғутайра, Ажман ва Ун-ал-хайвонийлар амирликларини бирлаштирган. Ҳудуди-83 минг кв.км. Аҳолиси —3,3 млн (2013) асосан араблар яшайди. Пойтахти Абу-Даби. Аҳолиси 400 минг, тили-араб, дини-ислом. Қувайт давлати-Форс кўрфазининг шимолий-ғарбий соҳилларида жойлашган. (Бир нечта ороллар ҳам бор) Ҳудуди-17 минг кв.км. Аҳолиси 2,3млн. Араблар 90 % лекин шундан 40% асл қувайтликлар, 300 мингга яқин фаластинликлар бор. Бундан ташқари Эрон, Покистон ва Шарқий Африкадан келганлар ҳам бор. Пойтахт-Ал-Қувайт, аҳолиси 1млн. Тили-араб, дини-ислом. Кипр Республикаси-Ўрта Ер денгизининг шарқий қисмидаги Кипр оролида жойлашган. Ҳудуди 9.25 минг кв.км. Аҳолиси 900 минг, шундан 78% греклар, 18 % турклар. Пойтахти-Никосия, аҳолиси-200 минг. Тили-грек ва турк. Дини-Православ ва ислом.

Баҳрайн давлати-Форс ва қўлтиғадаги Баҳрайн архипелагида жойлашган. 33 та оролдан иборат бўлиб, 1 минг кв.км ни ташкил этади. Аҳолиси 720 минг (2013 йилги маълумот), 2025 йилга бориб аҳолиси 1,1 млн. бўлиши мумкин. 60 % га яқин араблар, қолгани қўшни давлатлардан келиб ўрнашганлар. Пойтахт-Манама, аҳолиси-280-300 минг, тили-араб, дини-ислом. Қатар давлати-Форс кўрфазидagi Қатар оролида жойлашган. Ҳудуди-11 минг кв.км. аҳолиси 600 минг (2013 йилги маълумот), 2025 йилга бориб 700 мингдан ортиши мумкин. Пойтахти-Доха. Аҳолиси 250 минг. Тили-араб, дини-ислом. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, минтақанинг тахминан 80 % аҳолиси Туркия, Ироқ ва Саудия Арабистонида истиқомат қилади.

Антропологик жиҳатдан эса Ғарбий Осиё халқлари асосан Европoid ирқининг 3 типига мансубдир. 1- Ўрта денгиз типиде белгилари: сочи ва кўзи қора, буғдой ранг, бурни ўртача, лаби кичкина ёки бир оз қалинроқ. 2-тип Арmanoид типига мансуб аҳолининг бош суяғи ва бурни катта юзи ва бадани сермўйлиғи билан ажралиб туради. Бундай белгиларни акси 3- тип Ҳинд-помир типига мансуб. Буларнинг:

1-тип Ўрта денгиз типига ғарбий турклар билан кўчманчичи араблар киради.

2-Арманоид типига-ўтроқ турклар, араблар, курдлар, арманлар ва яхудийлар киради.

3- Ҳинд-помир типига эса- форслар, пуштунлар, ва бошқалар киради.

Бундан ташқари Афғонистон билан Эронда яшаётган брагунларда **австралоид** белгилари сезилади. Баъзи, хазарий, турк, арабларда монголоид белгилари ҳам бор.

Лингвистик жихатдан эса, барча араб тилида сўзлашадиган хамит-семит тил оиласининг семит тил гуруҳига мансубдир. Улар 3 та шева сурия, ироқ ва арабистонга бўлинади. Араблар Ғарбий Осиё аҳолисини 30 % ни ташкил этди. Ҳинд-Европа тил оиласининг Эрон гуруҳида-форслар, пуштунлар, тожиклар, курдлар, балужийлар, лурлар, бахтиёрлар, хазарийлар кирадилар. Улар бутун аҳолининг 40 % ни ташкил қилади. Аҳолининг 20 % дан ортиқроғи Олтой тил оиласининг туркий тил гуруҳида сўзлашадилар. Қолган халқлар турли тил оиласига мансуб гуруҳларга кирадилар. Минтақанинг қадимги давр тарихига эътибор бэрадиган бўлсак бу ерларда дастлаб шумер, эламит, кассит, лулибей, каспий ва кавказ тилларига яқин хетт-хуррит ва урарту тиллари юзага келган. Бу ерга семит-хамит тиллари милoddан аввалги IV- минг йилликларда шимолий Африкадан кириб келган деб қаралади ва улар III- II минг йилликларда аккад тили ва шевалари-Бобил, Оссурия ва Оромий тилларида намоён бўлади. Оромий тили милod бошларида бутун Ғарбий Осиёга умумий тил сифатида ёйилган, ҳатто Ўрта Осиёгача етиб келган, кейин уни ўрнини араб тили эгаллаган. Оромий ёзувидан-сурия, пахлавий, уйғур, мўғул ёзувлари пайдо бўлган. Ўша даврларда Болқон ярим ороли ва Кавказ худудлардан Ҳинд-Европа тиллари ўта бошлаган. Ўрта асрлардан эса бу ерларга шарқдан туркий қабилаларини кириб келиши муҳим рол ўйнади. Мазкур тилларнинг пайдо бўлиши, ўз навбатида маҳаллий аҳолининг этногенези ва этник тарихига таъсир кўрсатди. Тарихий манбалардан маълумки, бу икки дарё оралиғидаги юртлар жаҳоннинг энг қадимий маданият ўчоқларидан бири ҳисобланади. Масалан, Фаластинда милoddан аввалги IX-VIII минг йилликларидаёқ деҳқончилик ва чорвачилик ривожлана бошлаган. Месопотамияда эса милoddан аввалги 5-4 минг йилликларда суғорма деҳқончилик пайдо бўлган. Худди шу даврларда бу ерда йирик кулдорлик давлатлари ҳам ташкил топа бошлаган. Масалан, Кавказорти ўлкаларида Урарту, Месопотамияда-Бобил, Эронда-Элам, Кичик Осиёда-Хетт, Левантда- Финикия. Бу давлатларда турли элат ва халқлар яшаб, улар ўртасида ассимиляция жараёни тинимсиз давом этган.

Милoddан аввалги I минг йилликларда Ҳинд-Европа тилларидаги халқлар Ғарбий Осиёнинг катта қисмини босиб олиб, у ерда Мидия, Форс, Парфия ва Бактрия каби деспотик давлатларни ташкил этганлар. Оқибатда кўпчилик Эроний тилларида сўзлашувчи халқлар шаклланган. Масалан, форслар, пуштунлар, курдлар ва тожиклар.

Кейинчалик эса милодий VII-VIII асрларда кириб келган араблар таъсирида ҳозирги араб миллати пайдо бўлган. Милодий XI-XII асрларда Кичик Осиёга салжуқийлар кириб келиши билан туркий халқларнинг шаклланишига асос солинган. Баъзан бундай кўчишлар мажбуран ҳам амалга оширилган. Масалан, XVI асрда Эронга арман ва грузинлар шу тарзда кўчирилган. XVIII асрда курдларни Хуросонга ва Марказий Анатолияга кўчиши амалга оширилган ёки 1915-1922 йилларда Туркия давлати арман ва айсерлар устидан оммавий қирғин ўтказган, натижада 1,5 млн дан ошиқ аҳоли ўлдирилиб, 1,5 млн. киши қувғин қилингандир. (1987 йил Арманистондаги зилзилада ҳам кўп киши ҳалок бўлди). 1948 йили Исроил давлати пайдо бўлганидан кейин араблар зўрлик билан мамлакатдан чиқарилган. (асосан фаластинлар).

Араб мамлакатларидан Ливан, Сурия ва Ироқда бутун аҳолини 10-15% бошқа миллат вакиллари ташкил этади. Масалан, Ливанда араблардан ташқари арман, курд, грек, турк, форс ва черкеслар яшайди. Ироқда 20% курд, қолгани форс, оссуриялик, турк, арман, туркман ва бошқалардир. Саудия Арабистони аҳолисининг тахминан 10-15% ни тропик Африкадан келтирилган негрлар ташкил этади. Юқорида таъкидланганидек, бу ҳудуд энг қадимги аграр хўжаликка эга бўлган давлатлар минтақасига киради. Сунъий суғориш деҳқончилиги ва лалмикор деҳқончилик ривожланган. Меҳнат қуроллари темир тишли омон, мола, кетмон, белкурак ва ўроқдан иборат бўлган.

Туркия, Эрон ва Афғонистонда асосан буғдой, арпа, шоли, пахта, қанд лавлаги, чой, тамаки ва полиз экинлари экилади. Араб мамлакатларида эса асосан цитрус экинлари бўлиб булар ичида хурмочилик кенг ривожланган. Масалан, Ироқ жаҳон хурмо экспортининг 80% ни ташкил қилади ёки жаҳонда 4-ўринда турган Сауд Арабистонида 70 га яқин хурмо тури бўлиб, экиладиган майдоннинг 75% ташкил қилади. Ғарбий Осиё халқлари хўжалигида чорвачилик ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Масалан, Эрон, Афғонистон ва Арабистондаги кўчманчичи ва ярим кўчманчичи аҳолининг кундалик ҳаёти чорвачилик билан ўтади. Бунга араб бадавийлари мисол бўлади. (Бадавий-арабча «сахро», сахрода яшайди ёки «сахроий» демакдир. Ҳозирда Арабистонда 10 млн га яқин бадавий яшайди).

Ҳунармандчилик соҳаси қадимдан ривожланган бўлиб, минтақада соҳанинг заргарлик, мисгарлик, кулолчилик, ипакчилик, айниқса ип йигирув ва тўқимачилик, кигиз босиш, бўйрачилик ва гилам тўқиш тармоқлари ривожланган. Бу ҳудуд давлатларида замонавий саноат ҳам тараққий этмоқда. Масалан, Туркияда ёқилғи, металлургия, химия ва энергетика саноати ривожланган. Эрон ҳам аграр-индустриал мамлакатга айланмоқда. Араб мамлакатларидан Қувайт ўзининг нефт бойлиги билан жаҳонда юқори ўринда туради.

Ғарбий Осиё халқларининг моддий маданиятининг ҳам ўзига хос. Уларнинг асосий аҳолиси қишлоқларда истиқомат қилган. Одатда бундай қишлоқ марказида бозор, мачит ва чойхона жойлашган эди. Афғонистон билан Эронда эса катта патриархал оилаларга мўлжалланган катта қўрғонлар ҳам бўлган. Уйлар асосан лойдан, пахса ёки сомон аралаштирилган гуваладан, ёки хом гиштан қурилган. Томлари қамиш ва тупроқ билан ёпилган. Айрим ерларда сомонли лой билан ҳам сувалган. Қисқаси уй қурилиши ва жиҳозлари социал шароитига қараб, ҳар хил бўлган. Кўчманчичи аҳолиси эса жун матодан туқилган турли хилдаги чодирларда ёки қора уй (ўтовга) ўхшаш чайлаларда яшаганлар.

Бу ер халқларининг миллий кийимлари ҳам ўзига хосликка эга. Миллий кийимларга иқлим, диний эътиқод, анъаналар таъсир этган. Масалан, эркаклар, кўйлак ва, энгсиз нимча, чопон, бошларига салла, куфя, оёқга этик ёки маҳси-калиш, аёллар кенг ва узун кўйлак, тўпигига кенг иштон (ҳозирги Сўх аёллари каби) кийганлар, Эрон ва Афғонистонда юзларига паранжи ёки чодир ёпинганлар. Шунини айтиш керакки бундай анъанавий кийимларни ҳозирда қишлоқ ва тоғли ҳудудлар аҳолиси кийиши. Шаҳарларда эса европа усулидаги кийимлар урфга кирган.

Ғарбий Осиё халқларининг таомларида ҳам анчагина умумийлик бордир. Яъни асосий озуқа нондир. Миллий таомлар бу угра, бўтқа ва паловдир. Паловнинг 2 хил тури мавжуд:

1) Қайнатилган сувга туз билан гуруч солиб пиширилгандан сўнг, сарёғ кўмиб дамланади.

2) Совуқ сувга гуруч, туз ва ёғ қўшиб бирга қайнатилади, гуруч пишгандан кейин унга гўшт, зираворли қайла кўмилади. (Покистон оши).

Чой ва кофе асосий ичимлик ҳисобланади. Меҳмон кутганда дастухонда нон сероб бўлиши шарт, акс ҳолда меҳмонга ҳурматсизлик бўлади. Арабларда асосан хурмо, нон, гуруч ва сут (туя, қўй ва эчки) билан озиқланадилар. Буларда гўштли овқатлар кам истеъмол қилинади, фақат байрамларда ейилади. Покистонликлар кубба-гўшт ва балиқ билан зираворли пиширилган таомни хуш кўради. Зайтун ёғини овқатга ёки нон билан истемол қилиш, ўзини ичиш тарқалган. Зайтун дарахти мевасида 80% гача мой бўлиб, ҳар тупидан 20-40 кг ҳосил олинади, ёғочидан дурадгорлик буюмлари тайёрланади. Арабларда меҳмонга аввало қахва (кофе) тақдим этилади, энг юқори сифатли нави Яманда етиштирилади. Ғарбий Осиё халқларининг ижтимоий тузумда патриархал феодал ва қисман қулдорлик муносабатлари сақланган. Айниқса бутун оилавий ҳаёт диний ақидаларга тўлиқ бўйсундирилган. Масалан, Афғонистонда қалин олиш жуда юқори бўлганлиги туфайли бу ерда кўпроқ алмашув никоҳ ҳукм суради, ҳамда левират никоҳ ҳам сақланган. Оилада ўғил туғилиши ноғора ёки милтиқ овози билан эълон қилинади. Эрондаги гилёнларда матриархал анъаналари анча сақланиб қолган. Масалан, аёллар эркин ҳуқуққа эга бўлиб, нотаниш кишилар билан очик

муомалада бўлади. Бу ерда деҳқончилик, мол боқиш, шоликорлик, пиллачилик билан аёллар, аксинча сут соғиш эркаклар шуғулланган. Туркияда диний ақидаларнинг айримларига Мустафо Камол Ота Турк ислохотлари барҳам берди. Масалан, бу ерда мусулмон мамлакатлари ичида биринчи марта полигамияга чек қўйилди. Аёллар эркаклар билан тэнг ҳуқуқликка эга бўлдилар. Никоҳ ўғил болалар учун 18 ёшдан, қизларга 17 ёшдан деб таъкидлаб қўйилди. Ғарбий Арабистон бадавийларида, суннат қилиш, ибтидоий инициация тартиб қоидалирига амал қилган ҳолда бажарилади. Яъни 16,17 ёшда ўспиринни эркаклар қаторига ўтказиш одати бўлган. Бу удум «ас-салҳ», яъни «терини шилиш» деб аталган.

Маънавий маданиятда тармоқлари ҳам қадимдан шаклланган. Умумий маданий анъаналар ҳозиргача сақланиб келмоқда. Масалан, турк ва курдлардан ташқари барча Ғарбий Осиёликларда араб ёзуви ва тили ҳукмронлик қилиб келмоқда. Жаҳонга машҳур арабларнинг «Минг бир кеча» эртаклари. Гўрўғли номи билан боғлиқ тарихий дostonлар, Эронликлар классик поезияси (Фирдавсий, Умар Ҳайём) асарлари, Афғонларнинг ҳарбий рақслари (Атан) ва бошқалар мисол бўлади. Бу худуддаги (Кипр, Исроил ва Ливандан ташқари) деярли барча мамлакатларда ислом динини турли мазҳаблари ҳукмронлик қилиб келмоқда. Масалан, юқори табақа вакилларида дафн маросимларида турли хил худодарга ва йиғига чек қўйиб, ўрнига жаноза ўқиш, ўлим мусибатини матонат ва сабр-тоқат (ас-сабр) билан ўтказишни яхши фазилат ҳисоблаганлар.

Назорат саволлари:

1. Ғарбий Осиё худуди аҳолисининг этнологик таҳлили қандай?
2. Ғарбий Осиё халқларининг антропологик тузилиши қандай тузилишга эга?
3. Ғарбий Осиё халқларининг лингвистик тузилиши ҳақида сўзланг.
4. Ғарбий Осиё халқлари хўжалигида қайси соҳалар анъанавий тармоқлар бўлиб келган?
5. Ғарбий Осиё халқларининг маданияти қандай кўринишга эга?

8-Модул. 2-мавзу: Жанубий Осиё ва Жанубий-Шарқий Осиё халқлари.

Режа:

1. Географик ўрни ва табиати.
2. Антропологик ва лингвистик классификацияси.
3. Этногенези ва этник тарихи.
4. Хўжалиги ва ижтимоий тузуми.
5. Моддий ва маънавий маданияти.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР: Флора, фауна, веддиоид, дравид, австралоид, этнолингвистик таснифи, маданият, малайя архипелаги, меконга,

антропологик қиёфаси, лингвистик таркиби, маданияти.

Осиёнинг ушбу минтақалари ўзининг табиий-географик ва тарихий этнографик жиҳатлари билан ер куррасининг бошқа ерларидан тубдан фарқ қилади. Мазкур ҳудуд асосан Ҳиндистон ярим оролидан иборат бўлиб, шимолда Ҳимолай-Ҳиндикуш тоғ тизими, жанубда Ҳинд океани, ғарбда Дёкан ясси тоғликлари, шарқда эса Аравалли тоғ тизмалари билан чэрараланади. Табиатини ўзига хослиги шундаки, Ассам, Ҳимолай тоғлари жанубий этаклари жаҳондаги энг сернам ҳудуд бўлса, Синд даштида деярли ёгин ёғмайди. Бироқ, Брахмапутра, Ҳинд, Ганга, каби Осиёнинг буюк дарёлари, ҳамда Жамна, Маханади, Кистна, Годовори каби йирик дарёларининг бўлиши, қадимдан суғорма деҳқончилиқни ривожига қулай шароит яратган.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳам жуда бой бўлиб, ўтмишда кенг ҳудудни эгаллаган эди. Лекин ҳозирги даврга келиб қисман бу жараёнлар инсон томонидан ўзгартириб юборилган. Шри Ланканинг ҳам табиати, флора ва фаунаси ўзига хосдир. Ҳиндистон ярим оролидан кичкина бўғоз билан ажратиб турган оролнинг 5/4 қисмида унча баланд бўлмаган тоғлиқлар ўраб туради. Иқлими экваториал муссонлидир.

Жанубий Осиёнинг ҳудуди 4,5миллион кв.км ва аҳолиси 1,505 млн.ни ташкил этади. Ҳиндистоннинг ҳудуди 2,972 минг кв.км. Аҳолиси-2013 йилги маълумотга кўра 1,1 миллиард киши. Пойтахти-Деҳли (пойтахт аҳолиси 10 млн). Давлат тили-ҳинд тили ва инглиз тили. Аҳолисининг 85 % индуизмга, 11 % ислом динига эътиқод қилади.

Покистон. Ҳудуди-796 минг кв.км. Аҳолиси 145 млн. Пойтахти-Исломобод (аҳолиси 500 минг). Давлат тили-урду (расмий тил-инглиз тили) дини-ислом.

Непал Қироллиги. Ҳудуди 147 млн кв.км. Аҳолиси 23,5 млн. Пойтахти-Катманду. Тили-непал, дини-индуизм.

Бутан Қироллиги. Ҳудуди 47 минг кв.км. Аҳолиси 900 минг. 2025 йилга бориб 1.5 млн.га бориши мумкин. пойтахти-Тхимпху. Тили-Дозонг-ке ёки Бохотия (Тибет-Бирма группаси) Дини-буддизм.

Малдив Республикаси (Шри Ланкадан 640 км жануби-ғарбда жойлашган) Архипелаги 1196 та оролни бирлаштирувчи 19 та оролдан иборат. Шулардан 200 тасида одам яшайди. Ҳудуди 298 кв.км. Аҳолиси-0,3 млн. Пойтахти-Мале(аҳолиси 40-60 минг). Давлат тили Дивехи (Малдив), дини-ислом.

Бундан ташқари бу минтақага Бэнгал бўғозидаги Андаман ва Накобар ороллари ҳам киради.

Антропологик жиҳатдан Жанубий Осиё халқлари асосан европоид ирқига мансуб бўлиб, унинг жанубий ирмоғини ташкил этади. Масалан, улар қора, қўнғирроқ соч, қўй кўз, қирра бурун, чўзиқ юзлиларни ташкил этадилар. Бундан ташқари бу ерда негроид ва монголоид ирқи аралашмаси, жанубий Ҳиндистон ва Шри Ланкада эса веддиоид, дравид

ва ҳатто австралоид-негритос типлари ҳам мавжуд. Андаманликлар эса ўзларининг паст бўйлилиги, пигмей тиллари билан ҳам ажралиб туради.

Жанубий Осиё халқларининг **этнолингвистик** тузилиши ҳам ниҳоятда мураккаб, яни кўп тиллар, юзлаб шевалар учрайди. Жанубий Осиёда 200 га яқин халқ мавжуд. Масалан, фақат Ҳиндистонда 187 тил мавжуд бўлиб, улардан 23 тасида аҳолисининг 97%и сўзлашади. Шулардан энг асосийси ҳиндарий группаси бўлиб, унга: ҳиндистонликлар, бэнгалликлар, панжобликлар, беҳарлар, маротхлар, гужаротлар, ражайхонлар, синдхилар, Шри-ланкалик сингаллар, непалликлар ва хоказолар киради. Қолгани, хитой-тибет-бирма, дравид, эроний тилларда сўзлашадиган халқларни ташкил этади.

Ҳозирги кунда Жанубий Осиё ҳудудидаги давлатларнинг аксарияти Ҳинд-европа тил оиласига тааллуқлидир. Масалан, ҳинди, урду, бэнгал, непал, сингал ва бошқа.

Халқларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси жуда фарк қилади. Масалан, айримлари капиталистик муносабатлар даражасида бўлса, айримлари эса ҳали ибтидоий жамоа тузуми даражасида турганини кўрамиз.

Жанубий Осиё халқларининг этногенези ечими муаммоли. Бу ерда гоминидлар қолдиқлари топилмаган ҳам лекин тадқиқотлар бу ерда одамлар 1 млн йил муқаддам яшаганлигидан гувоҳлик беради.

Милоддан аввалги III-II минг йилликларда бу ерга мунда ва дравид тилларида сўзлашувчи этник группалар ўрнашиб юксак маданиятга асос солганлар. Тадқиқотларга кўра дравид ва мундаларнинг маҳаллий веддоидлар билан аралашмасидан ҳозирги **Жанубий ҳинд дравид** ирқий группаси шаклланган. Австралоид ва монголоид ирқларини аралашмаси бўлган мундаларни веддоидлар билан аралашмасидан марказий Ҳиндистоннинг **мунда** халқлари шаклланди. Ажододларининг хотираси фақат ўлик тиллар ёзуви–ведда ва санскрит тилларида сақланиб қолган.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталаридан минтақага шимолдан орий қабилалари кириб келади. Улар панжоб вилоятига ўрнашиб, чорвачилик, кейинчалик эса ўтроқ деҳқончилик билан машғул бўлиб, маҳаллий аҳолиси билан аралашиб кетдилар. Милоддан аввалги I минг йилларда Шимолий Ҳиндистонла дастлаб бир неча кулдорлик давлатлар пайдо бўлади. Шу билан бир қаторда айрим шаҳар-давлатлар ҳам вужудга кела бошлади. Масалан, Мохенжадаро ва Ҳараппа.

Милоддан аввалги III-II асрларга келиб Чандрагупта II раҳбарлигида Маурия кулдорлик давлати ташкил этилиб, бутун Ҳиндистонни бирлаштиради. Милодий I асрларида мамлакат Кушонлар салтанати қўл остига ўтади. XI асрларда туркий қабилалар бостириб кела бошлайди (Маҳмуд Ғазнавий-Ҳуросон ҳукмдори). XIII аср бошларида Деҳли султонлигини ўрнатадилар.

XVI-XIX асрларда тарихда “Буюк мўғуллар империяси” деб ном олган Бобурийлар давлати юзага келди. Бу давлатга турли хил халқлар форслар, тоҳарийлар, тожиклар, туркий халқлар кириб кела бошлайди.

Бу даврда минтақага Европа таъсири кучаяди. Аввал португал, голланд, сўнг инглизлар 350 йилдан кўпроқ мустамлака сиёсатини олиб боради. Фақат II-жаҳон урушидан сўнг 1947 йили Ҳиндистон мустақилликка эришди. Ундан Покистон Ислом Республикаси ажралиб чиқди.

Шри-Ланка оролида аҳоли милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида пайдо бўлган. Улар ҳиндарий тилларида сўзлашадиган ҳозирги сингаллар ва тамилларнинг аجدодлари бўлган. Шри Ланка (Цейлон) ҳам дастлаб, португал, голланд, сўнг инглиз мустамлакасига айланиб, 1948 йили мустақилликка эришади. Иккинчи давлат тили инглиз тили.

Жанубий Осиё халқларининг тахминан 80% қишлоқ хўжалик билан шуғулланадилар. Бу ерда асосан буғдой, тарик, арпа, шоли, макка, кунжут, пахта, дунёга машҳур чой ва кофе, хурмо (палма) дарахтлари экилади. Ҳиндистонада ҳосил икки марта олинади. Уй ҳайвонлари сақлашда (йирик ва майда шохли мол) Ҳиндистон жаҳонда 1-ўринда туради. Бу диний эътиқод билан боғлиқ. Диний эътиқодга кўра улар мол гўштини эмасдан, уни кучи ва сути учун парвариш қиладилар. (Индуизм динида шундай) Мусулмон юртларда аксинчадир.

Бутун Жанубий Осиёда қадимдан ҳунармандчилик ниҳоятда ривожланаган. Ҳиндистонда ҳунармандчиликда, айниқса ип газлама ишлаб чиқаришда дунёда биринчи ўринда турган. Ҳиндистон мустамлакачилик даврида Англиянинг катта бозори ва хом ашё базаси вазифасини бажарган.

Қисқаси, бу ерда қишлоқ хўжалиги, ижтимоий-социал, оилавий маиший турмушда феодал-патриархал ва кастачилик муносабатлари ҳали ҳам ҳукмронлик қилади. Масалан оила қуришда, уй-жой бино этишда, кийим-кечак кийинишда ва бошқалар таъсири кучлидир. Баъзан никоҳлаш 2-4 ёшда, уйланиш маросими 6-8 ёшда белгиланади.

Жанубий Осиё халқларининг кийимларин икки турга бўлиш мумкин: тикилган ва ўрама. Эркакларида *дохоти* ва аёлларида *сарри* асосий кийим вазифасини бажаради.

Таомлари ҳам турлича бўлиб, асосан ҳамир маҳсулотларидан турли пишириқлар тайёрланади. Ҳар хил зираворлардан фойдаланиш қадимдан тартибга қўйилгандир. Масалан: чойни сут билан ширчай қилиб ичилади; гўшт ва мол ёғи истеъмол қилинмайди; аёл ва эркак алоҳида бўлиб қўлда овқатланади; тўйларда сопол идишлар бир марта фойдаланиб, кейин ташлаб юборилади.

Энг қадимги дostonлар Ҳиндистонда мавжуд. Масалан, «Махабхарата» ва «Рамаяна», «Панчатантра» масаллари, «Катакали» номли театрлашган томошалари махшурдир. Лекин ҳозирда аҳоли ўртасида саводсизлик жуда юқори. Масалан, Покистон, Бангладеш ва бошқа ерларда 80%га яқин аҳоли ёзиш ва ўқишни билмайдилар. Бунинг сабаби мустамлакачилик сиёсатининг оқибатидир.

Бу ерлардаги аҳолининг диний эътиқоди ҳам турличадир. энг йирик динлар индуизм, ислом ва буддизмдир. Масалан, Ҳиндистонда 83%

индуст, 11% мусулмон, 3% христиан, 2 % сикхалар қолганлари буддист ва жайнистлар. Брахманизм ҳиндларнинг энг қадимий диний эътиқодлари бўлиб милоддан аввалги IX-VIII асрларда вужудга келган. Бунда худо Брахма оламни ва одамни яратган ва у қуйидагича кастага бўлинган: оғзидан Брахман (Коҳинлар), қўлидан Кшатриялар (Ҳарбийлар), қовурғасидан вайшилар (Дехқон ва хунармандлар), товонидан шудралар (Хизматкорлар) пайдо бўлган.

Буддизм ҳам Ҳиндистонда пайдо бўлган бўлиб (асосчиси Гаутама) милоддан аввалги VI-V асрларда ташкил топган. У брахманизм таълимотига қарама-қарши ғояни, яъни ер юзида барча инсонлар тэнг ҳуқуқлидир дэран ғояни илгари сурган.

Евроосиё қитъасининг жануби-шарқий қисмига Ҳиндихитой ярим ороли ва Малайя архипелагидаги ороллар киради. Бу ҳудуднинг табиий шароити ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг кўп қисми нам тропик минтақадан иборат бўлиб, тоғлиқ қисми эса бир оз қурғоқ иқлимни ташкил этади. Энг узун дарёси 4500 км Меконга бўлиб, у Хитой, Бирма, Лоас, Таиланд, Кампучия ва Ветнам ерларидан оқиб ўтади. Дарё Тибет тоғларидан бошланиб, Хитой денгизига қуйилади.

Минтақа ер остки ва устки бойликларга ҳам бой: нефт, кўрғошин, волфрам, хромит, уран ва бошқалар. Хромит билан кўрғошин қазиб олишда жаҳонда биринчи ўринларда ҳисобланади.

Бу ҳудуд ўсимлик дунёси билан ҳам ажралиб туради. Масалан, биргина Калимантан оролида 11 мингдан ортиқ гуллайдиган ўсимлик турлари мавжуд. Ваҳоланки Африка қитъасида атиги 13 минг ўсимлик тури бор. Фақатгина бамбукнинг юзга яқин тури бўлиб, қурилишда фойдаланилади. Ҳайвонот олами тубдан ажралиб туради. Масалан, маймунларнинг кўплаб турлари (орангутан каби одамсимон маймунлар ҳам бор), фил, йўлбарс, каркидон, илон, тошбақа, тимсоҳларнинг тури кўпдир.

Жануби-Шарқий Осиёда қуйидаги давлатлар жойлашган:

Индонезия Республикаси-Малайя архипелагида жойлашган. Малайя архипелаги 15 мингдан ортиқ оролларни ўз ичига олади. Унинг 2013 йил маълумотларига кўра аҳолиси 206,1 млн, ҳудуди 1 млн 919 минг 400 кв.км. ни ташкил этади. Пойтахти-Жакарта. Давлат тили-индонез. Дини-мусулмонлар (87%), протестантлар (6%), католиклар (3%), буддистлар (3%). Пул бирлиги-индонезия рупияси.

Ветнам Респу́бликаси (Ҳиндихитой ярим оролида жойлашган). 2001 йилги маълумотларга кўра Аҳолиси 78,8 млн. Пойтахти Ханой, ҳудуди 329,6 минг кв.км. Давлат тили-ветнам. Дини–буддавийлар (55%), мажусийлар (23%), даосийлар (12%), католиклар (10%)ни ташкил этади. Пул бирлиги–донг.

Филлипин Республикаси. Пойтахти-Манила. 2013 йилги маълумотларга кўра аҳолиси 77,2 млн. Ҳудуди 299 минг кв.км. Давлат тили–Филиппин. Дини–католик. Пул бирлиги–Филиппин песоси.

Таиланд қироллиги. Пойтахти-Бангкок. 2013 йилги маълумотларга кўра аҳолиси 62,4 млн. Худуди 624 минг кв.км. Давлат тили–тай. Дини–буддавийлик (95%). Пул бирлиги–бат.

Мянма иттифоқи. (Бирма). 1948 4 Январда Бирма давлатлари федератсияси асосида ташкил топган. 1989 йили мамлакат Мянма иттифоқи дэран янги ном олди. Пойтахти-Янгон. 2001 йилги маълумотларга кўра худуди 676 минг км², аҳолиси 47,8 млн. Давлат тили–бирман. Дини–буддавийлик (90%), христиан, индуизм, ислом. Пул бирлиги–чжа (кят).

Малайзия. пойтахти-Куала-Лумпур. 2013 йилги маълумотларга кўра худуди 332 минг кв.км. Аҳолиси 22,7 млн. Давлат тили–Малайя. Дини–ислом (50%), буддизм, конфуцийлик, хиндуизм, таоизм, христианлик. Пул бирлиги–рингит.

Камбоджа Қироллиги. 2013 йилги маълумотларга кўра худуди 181 минг кв.км, аҳолиси 13,1 млн, пойтахти Пномпъен. Давлат тили-кхмер. Дини–тхеревада (буддавийлик). Пул бирлиги–риел.

Лаос Халқ Демократик Республикаси(ЛХДР) худуди 236,8 минг кв.км, аҳолиси 5,4 млн. пойтахти-Вентян. Давлат тили-лаос. Дини–буддизм. пул бирлиги–кип.

Сингапур Республикаси-худуди 622 кв.км. аҳолиси 4,1 млн, пойтахти-Сингапур. Давлат тили-инглиз, хитой (мандарин лахжаси) малай, тамил. Дини–буддавийлик (30%), христианлик (20%), ислом (18%), конфуцийлик (15%), индуизм, таоизм. пул бирлиги–сингапур доллари.

Антропологик жиҳатдан бу ердаги халқларнинг деярли барчаси монголоид типдаги Жанубий Осиё кичик гуруҳига мансубдир. Лекин палеоантропологик тадқиқотларга қараганда палеолит ва мезолит даврларида маҳаллий аҳолининг бир қисми австролоид гуруҳини ташкил қилган ёки ўзига хос аралашма типдан иборат бўлган. Ҳозирда Филиппинда аета, Малаккада сенон ва семанга, Суматра ороларида кубу ва қисман сакая, Калимантанда пунан ва букитлар тирикчилиги тариб-термачлаш ва майда ҳайвонларни овлашдан иборат.

Лингвистик жиҳатдан эса юзга яқин халқ мавжуд бўлиб, уларнинг 96% австронезия тил оиласига мансубдир. Яъни, Яваликлардан; сунда, мадур, буғу, маккасара; Филиппинликлардан тагал, илок бикол, висайя ва бошқалар. Мон-кхмер тил оиласида эса, Кампучия, Ветнам, Лаос ва Таиланд халқлари сўзлашадилар. Хитой-тибет тил оиласига буржаликлар ва уларга яқин карен, кая, качин ва ҳоказолар киради. Индонезия халқлари австронезия оиласи таркибидаги Осиё тил гуруҳида сўзлашадилар.

XX асрнинг 40-50 йилларидан бошлаб, бу худудларда йирик миллатлар шакллана бошлади ва ҳозирги этник қиёфа пайдо бўлган.

Маълумки, бу минтақа одамзод пайдо бўлган худудга киради. Масалан: Ҳиндихитой ярим оролида қадимдан Мон-кхмер тилида сўзлашадиган халқлар яшаб келади. Индонезия ва Филиппин ороларида эса негро-австролоид халқлари жойлашган бўлиб, улар

папуас ва меланезия қабилалари билан чатишиб кетган. Ява ва Суматра оролларига эранинг бошларида Жанубий Осиёдан аҳоли келиб жойлашганлар ва сиёсий-маданий ҳаётда муҳим рол ўйнаганлар. Масалан, индуизм ва буддизм динлари ёзув ва бошқа маданий анъаналарнинг кенг тарқалишига олиб келган. VII-VIII ва айниқса XIV асрлардан Индонезия, Малайзия, ва Филлипинга ислом дини тарқалган. XVI асрдан бошлаб эса бу ерларга португал, голланд, инглиз мустамлакачилар кириб келган.

Қадимдан бу ерларда дайди овчи ва теримчи халқлар истиқомат қилиб келганлар. Масалан, Малаккадаги семанга ва сенонлар, Суматрадаги кубу ва сакая, Калемантан оролида пунан ва бугунлар, Филлипиндаги аета ва Янги Гвинеядаги папуаслардир. Сўнги илмий маълумотларга қараганда Таиланднинг тоғ водийларида (арвоҳлар ғори) милoddан аввалги IX-VIII минг йилларда илк деҳқончилик бўлганлиги аниқланган.

Жанубий-Шарқий Осиёнинг серунум тупроғи, намли ва иссиқ иқлими қадимий даврлардан деҳқончилик хўжалигини, айниқса шоликорликни кенг тарқалишига сабаб бўлди. Шоликорлик бу ерда неолит даврида пайдо бўлиб, дастлаб уни тай ва австронезия қабилалари томонидан ўзлаштирилиб, кейинчалик бутун минтақага тарқалган. Энди суғорма омоч деҳқончилиги Жанубий-Шарқий Осиё аҳолисининг асосий машғулоти бўлиб, улар кўп жойларда йилиги икки марта ҳосил олганлар. Улар шолдан ташқари дуккакли ва илдизмева ўсимликлар, макка, боғдорчилик ва сабзавот экинларини экканлар. Техник экинлардан каучук ва кофе дарахтлари, кокос палмаси экилган. Ишлаб чиқариш куроллари деярли бир хил: оддий ёғоч омоч ва тишли мола билан ерга ишлов бэрадилар. Хайдалган ерга ёғоч билан ковлаб уруғ солиб, тайёр кўчатни экадилар. Асосий экинлардан, масалан Ветнамда шоли, макка, каучук, чой ва пахта экилади. Лаосда қизил силлиқ шоли, чорвачилик ва балиқчилик ривожланган. Бирмада полиз экинлари қишлоқ хўжалиги асосини ташкил қилади. Чой, кофе дарахти, шакарқамиш, банан экилади. Кампучияда шоликорлик билан балиқчилик муҳим соҳа ҳисобланади. Қимматбаҳо дарахтлар ҳам етиштирилади. Индонезия ва Филиппинда шоли, макка, ловия, сабзавотлар, кофе каби экинлар кенг тарқалган. Оролларида эса балиқчилик муҳим рол ўйнайди. Гуруч, балиқ, ёғ каби маҳсулотлар маҳаллий аҳолининг тирикчилигидир. Гўшт асосан байрамларда истеъмол қилинади, кўпроқ парранда, номусулмон аҳоли эса чўчка гўштини истеъмол қилади. Кўп ерларда мотиға деҳқончилиги ҳозиргача сақланиб келмокда. Жанубий Осиё сингари бу ерда ҳам ўрмон ва бутазорларни кесиб, сўнг қуйдириб, қулиға уруғ сепадилар. Уруғни мотиға ёки таёк билан ковлаб, кўмилган. Баъзи қабилалар чуқурчаларға ташлаб кетаверганлар (Калимантандаги даяклар). Шундан сўнг бу экинға бошқа ишлов берилмаган. Оқибатда жуда паст ҳосил олинган. Қуйдирилиб экиладиган далалар икки-уч йилдан сўнг янгиланган.

Улар қўшимча овчилик балиқчилик ва теримчилик билан шуғулланиб келганлар. Масалан, илон ови анча даромад келтирган.

илон териси қиммат баҳоларга сотилган. Ўтган асрнинг охирлари ва бошларида кўп оролларнинг ботқоқ ва тоғли ҳудудларида дайди овчи ва теримчи гуруҳлар яшашган. Малаккадаги семанга ва сенонлар, Суматрадаги кубу ва қисман саккаялар, Калимантандаги пунан ва букитлар, Филиппиндаги аета ва бошқа қабилалар асосий тирикчилиги ўрмонлардаги емишли ўсимликларни териб майда ҳайвонлар овлашдан иборат бўлган. Ниҳоятда оғир шароитда яшаган дайди қабилалар сийрак емишли ўсимлик ва илдизмевалар, озиқ-овқат ахтариб доимо ҳаракатда бўлганлар. Ҳар бир гуруҳ муайян ҳудудда кўчиб юрганлар. Улар овчилик ва термачиликдан ташқари уй-рўзғор буюмлари, оддий қурол, безаклар, чипта ва бўйра ишлаб чиқариш билан шуғулланганлар. Металлни ва кулолчиликни билмаганлар, аммо кўшни халқлардан савдо-сотик орқали олганлар. Дайди қабилалар ўз маҳсулотларни муайян жойга қўйиб кетган, қарама-қарши гуруҳ келиб, зарурини олиб, ўрнига маҳсулотни қолдирган. Ҳозир бундай қабилалар кам сақланган, анча қисми ўтроқ турмуш тарзига ўтган. Улар ҳозирда мотиға деҳқончилиги билан шуғилланишган.

Ҳозирги кунда каучук асосан Малайзия ва Индонезияда етиштирилади. Жаҳон бозорида ёғ палмаси, шакарқамиш, чой, кофе, зираворлар муҳим аҳамиятга эга. Аҳолининг кўп қисми плантация хўжаликларида банд.

Яйловлар етишмаслиги туфайли Жанубий-Шарқий Осиёда чорвачилик кам ривожланган. Аммо денгиз хўжалиги ҳозиргача муҳим соҳа ҳисобланади. Барча мамлакатларда ўрмон кўп бўлганлигидан ўрмончилик катта даромат берадиган хўжалик тармоқларидан биридир.

Ҳунармандчилик ҳозирда ҳам кенг тарқалган. Ветнамда меҳнат қуроллари газлама, бадий буюмлар, заргар маҳсулотлари ишлаб чиқариш, чипта, елпиғич, шляпа тўқиш каби касб-ҳунарлар қадимдан машҳур. Бирма ва Кампучияда лак, заргарлик, металл буюмлар яшаш, ҳайкалтарошлик анча ривожланган. Махсус миллий мато-батик фақат Явада зўр маҳорат билан тўқилади. Бадий ўймакорлик машҳурдир.

Деҳқон хўжалигидаги таомлари асосан ўсимлик маҳсулоти (гуруч, тарик, маккажўхори, сабзавот)дан тайёрланади. Гуруч турли усулларда пиширилади, катта идишларга сузилиб, қайла билан тортилади ва қўл билан ейилади. Ҳиндихитой аҳолиси ит гўшти, балиқдан пиширилган таомларни истеъмол қилади. Таиландда қурбақа, кўршапалак, илон, қисқичбақа, ипак қурти каби жониворларни ҳам истеъиол қиладилар. Оролликлар кўпроқ ўсимлик, балиқ, парранда ва турли меваларни истеъмол қиладилар. Носвойга ўхшаш бетелни чекиш кенг тарқалган.

Кўл, денгиз, дарё соҳилларида жойлашган деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли режали қурулган қишлоқларда яшайди. Ҳозиргача аҳолининг бир қисми сувдаги кемаларда истиқомат қиладилар. Тоғли минтақаларда яшовчи аҳоли атрофи бамбук ёки тиканли девор билан ўралган кичкина қишлоқларда жойлашган. Кўп халқларнинг уйлари умумий характерда бўлиб, бамбук ва хурмо ёғочлардан тикланган, турли япроқлар билан ёпилган ва ердан бир мунча кўтарилган. Бетак, даяк каби қабилаларда жамоат жойлашадиган ҳашаматли уйлар бўлган. Уйлар асосан

полга тўшалган чипта, деворларга осиладиган буюмлар билан жиҳозланган.

Илгари Жанубий-Шарқий Осиёликларда ўрама кийим кенг тарқалган. Масалан, Ветнамда илгари кенг шим, калта нимча ёки халат эркакларнинг анъанавий кийими бўлган бўлса, аёллар кўкраги очик кофта, узун иштон, кишда куртка ёки халат, бошига сомон шляпа, оёғига эса сандал кийганлар. Лаосликлар асосан хитойлар каби кийинганлар. Таиландликлар кенг матони белга ўраб, учини бутини орасидан ўтказиб иштонга ўхшатиб кийган, бирмаликларнинг эркак ва аёли кенг матони этак қилиб ўраганлар.

Узоқ вақтлар Ҳиндихитой ва Индонезияда патриархал оила ва турмуш муносабатлари сақланиб келган. Айрим қолоқ элатлар—овчи-теримчи қабилаларда уруғ-жамоа муносабатлари хали ҳам сақланиб қолган. Батракларда “уч уруғ иттифоқи” номли ижтимоий иттифоқ шакли, даяк, нага, таражи каби қабилаларда уруғ қишлоқлари ва ибтидоий динлар ҳам сақланиб қолган.

Қадимдан Ветнамда турли эпик асарлар, Таиландда ҳар хил халқ театрлари, Кампучияда ва Бирмада балет жуда машҳур, турли эпосларга асосланган халқ томошалари, соя театри (Индонезияда ваянг-пурво дейилади) катта обрў қозонган. Анъанавий халқ тиббиёти ҳозиргача ҳам ўз таъсирини йўқотмаган.

Диний нуқтаий назардан бутун Ҳиндихитой оролида энг кўп тарқалган дин Буддизмдир. Бирманинг 83%, Кампучия ва Лаоснинг 90%, Таиландда эса 94% аҳоли буддист ҳисобланади. Буддистларнинг бир неча мазҳаблари (хинояна, махаяна) мавжуд. Филиппинда аҳолининг 90% христиан, Индонезияда 99% аҳоли мусулмон-ислом дини ҳукмронлик қилади. Кўп майда ажралиб қолган оролларда уруғ қабилавий динлар учраб туради.

Назорат саволлари:

1. Жанубий Осиёда жойлашган давлатларни кўрсатинг?
2. Жанубий Осиё халқлари этник таркибини тахлили қандай?
3. Жанубий Осиё халқларининг тили, ирқи қандай тузилишга эга?
4. Жанубий Осиё халқларининг маданияти ҳақида сўзланг.
5. Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган давлатларни аниқланг.
6. Ҳиндихитой ярим оролида қандай халқлар яшаган?
7. Малайя архипелагидаги халқларнинг эътиқоди ҳақида гапириб беринг.
8. Жануби-Шарқий Осиё халқларининг маданияти қандай бўлган?.

8-Модул. 3-мавзу: Шарқий ва Шимолий Осиё халқлари.

Режа:

1. Географик ўрни, табиати ва давлатлар жойлашуви.
2. Шарқий ва Шимолий Осиё халқлари этногенези.
3. Шарқий ва Шимолий Осиё халқларининг хўжалиги.
4. Шарқий ва Шимолий Осиё халқларининг маданияти.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР. Флораси, фаунаси. Лингвистикаси, антропологик, этногенез, синлян, яншао, чосон, хитой-тибет, тибетлик, дунган, монголоид ирки, хуанхе дарёси, шан, чжоу, япон, мўғул, корейс.

Ҳорижий Осиё китъасининг энг кўп сонли халқлари Шарқий-Осиёда жойлашган. Бу минтақа жуда кенг географик ҳудудни эгаллаган. Унинг табиати ва иқлими ранг-баранг бўлиб, турли хилдаги хўжалик-маданий соҳаларининг ривожланишига сабаб бўлган. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳам ўзига хосдир. Қисқаси, Марказий Осиёнинг бепоён қумлик, сахро ва даштлари махсус этнографик областни ташкил этади. Жуда кенг ҳудудни эгаллаган бу минтақада Хитой, Япония, Корея ва Монголия давлатлари жойлашган.

Хитой Халқ Республикаси. Ҳудуди 9,597 млн км. кв. Аҳолиси 2013 йилги маълумотга кўра 1 млрд. 273,3 млн киши. Пойтахти-Пекин шаҳри. Давлат тили-хитой тилининг мандарин диалекти. Дини-конфуцийлик, даосийлик, буддавийлик, христианлик, ислом. пул бирлиги-Юань.

Япония. Ҳудуди 377535 км. кв. 2013 йилги маълумотга кўра 127.1 млн аҳолиси бор. Пойтахти-Токио шаҳри. Давлат тили-япон. Дини-синтоизм, буддавийлик, христианлик. пул бирлиги-иена.

Жанубий Корея (Корея Республикаси)) Ҳудуди 98480 кв.км. 2013 йилги маълумотга кўра аҳолиси 48.8 млн. Пойтахти-Сеул шаҳри. Давлат тили-корейс. Дини-христианлик (48%), буддавийлик (47%). пул бирлиги- вона.

Шимолий Корея (Корея Халқ Демократик Республикаси) Ҳудуди 120538 кв.км. 2013 йилги маълумотга кўра аҳолиси 22 млн. пойтахти-Пхеньян. Давлат тили-корейс. Пул бирлиги-вон.

Монголия Республикаси. Ҳудуди 1 млн 566 минг кв.км. Аҳолиси 2 493 615 киши. Пойтахти Улан-Батор. Давлат тили-монгол. Пул бирлиги-тугрик.

Минтақанинг табиати ва иқлими ранг-баранг бўлиб, турли хўжалик маданий типларнинг шаклланишига сабаб бўлган. Шимолий қисми Сибирдаги қаҳратон совуқли континентал иқлимдан жанубий тропик соҳилларгача чўзилган бу катта ҳудудда жуда бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёси мавжуд. Бепоён қумлик, сахро ва даштлар, совуқ иқлимли тоғли ва ноёб водийларга эга. Марказий Осиё қисми ҳам махсус этногеографик ҳудудни ташкил қилади.

Бу ҳудудларда қадимдан олтой тил оиласига мансуб мўғуллар билан туркий халқлар (Синзян аҳолиси) ва хитой-тибет тилларида сўзлашадиган тибетликлар ва дунганлар ҳам яшаб келадилар. Шарқий Осиё аҳолиси эса асосан хитой-тибет тил оиласига мансубдир. Японлар билан корейслар эса ўзига хос тил оиласига эгадирлар. Қолган турли халқлар эса мон-кхмер, тай ва бошқа тил оилалари вакиллари.

Антропологик жиҳатдан эса бу ер халқларининг аксарияти монголоид иркининг айрим шаҳобчаларига оиддир.

Бу ер халқларининг этногенези ва этник тарихи ҳам мураккабдир. Сўнгги йилларда олиб борилган антропологик ва тарихий-археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича милоддан аввалги V-IV минг йилликларда бу ҳудудларда бир неча неолит даври маданий марказлари аниқланган. Масалан, Синлян ва Яншао маданиятлари. Қадимдан Хуанхе дарёсининг бош шоҳобчаси Вейхе водийсида машҳур Яншоа энеолит деҳқончилик маданияти пайдо бўлди. Милоддан аввалги IV минг йиллик ўрталарига келиб Яншоа маданияти асосчилари икки қабилаларга бўлиниб кетди. Натижада ғарбий Яншаолардан тибет-бирма халқлари, шарқий Яншаолардан эса Хитой халқи шаклланган. III минг йилликларга келиб, шарқий Яншаоликлар жанубий қабилалар билан аралашиб илк Хитой тилига асос солганлар. Кейинчалик илк қабилавий иттифоклар (Ся ва Шан) вужудга келди. Дастлабки синфий жамиятдаги давлатлар (Шан кейин Чжоу) вужудга келган. Шан даврида иероглиф типигаги ёзув пайдо бўлган. Кейинчалик бу ёзув Япония ва Кореяга ҳам тарқалган. Жез идишларига ёзилган ёзув намуналари ва фолбинлар фол очадиган махсус суякларга ёзилган ёзувлар бизгача етиб келган.

Шундай қилиб, милоддан аввалги I минг йиллиكنинг бошларига келиб ўрта-Хитой текисликларида узоқ давр давом этган хитой халқининг шаклланиш даври тугайди ва улар ўзларини “хуася” деб атаётган бўшлайдилар. Милоддан аввалги III асрга келиб марказлашган Син ва Хан салтанатлари вужудга келган.

Япон халқининг этногенези фанда аниқ ёритилмаган. Япон тили мустақил тил туркумига кирмайди. Лекин айрим фикрларга қараганда, Япон оролларида илгари одам яшамаган. Японларнинг энг қадимги маданияти неолит даврига оид умумий “Дземон” номи билан маълум бўлиб, келгинди аҳолиси–айнлар Индонезия оролликлари ва қитъадан келган корейслар билан аралашиб мураккаб этник гуруҳни ташкил этган. Эрамининг I асрларида Японияда жамоа-уруғ тузими ўрнига синфий жамият пайдо бўлади ва VII асрга келиб, ягона давлат ташкил топади. Ўша пайтларда хитойларнинг таъсири жуда кучли бўлган, ёзуви ва маданий белгилари таъсир қилган. Асли Япон ва корейс халқи мустақил миллат сифатида VII-XII асрларда шаклланган.

Корейсларнинг аجدодлари милоддан аввалги II минг йилликка келиб жойлашганлар. Улар жанубий Манчжурия ва Шимолий Хитойдан қуруқлик ва денгиз бўйлаб келганлар. эрамининг бошларидан бошлаб ҳар хил қабила ўзаро урушлар олиб бориб, охири X асрга келиб Чосон давлати ғолиб бўлди. Бунда Ко-Рё сулосаси ҳукмронлик қиларди. Уларга хитойларнинг таъсири жуда кучли бўлиб, хитой ёзуви таъсирида ўз алифболарини яратганлар. XIII асрларда Хитой ва Корея ерлари ҳам мўғуллар томонидан таланган. (Фақат Японлар бундан сақланиб қолган). Японлар турли истилочиларнинг юришларидан омон қолганликлари учун бу миллат тараққиётга тез чиқиб олди.

Мўғуллар анча кейин пайдо бўлган. Уларнинг аجدодлари–кидонлар эрамининг I-II минг йилликда Марказий Осиёда ўз империясини ўрнатган ва ўз ичига ҳозирги Мўғулистон ва Шимолий Хитойни қамраб олган.

Уларнинг этногенезларида милоддан аввалги минг йилликда яшаган хунн, сяньбий қабиллари ҳам иштирок этганлар. XII асрда Мўғилистон чўлларида татар, найман, меркит каби мўғул қабилалари иттифоқи таркиб топди. XIII асрларда мазкур иттифок Темучин (Чингизхон) раҳбарлигида мўғул халқига асос соладилар. XVII асрларда мўғуллар манжур-хитой феодалларига бўйсундилар ва 1911 йили халқ курашлари натижасида озод бўладилар.

Ушбу ҳудуддаги энг қадимги хўжалик-маданий типларидан овчи, балиқчи ва теримчи гуруҳлар мезолит даврида пайдо бўлиб, соф ҳолатда сақланмаган. Ўрмон теримчилари ва овчилари Хитойда мон-кхмер халқларида қисман (кава, бандун, булан) сақланган. Хитойда яшовчи тунгус-манчжур халқларида тайга овчилик-хўжалик маданий хусусиятлари сақланиб қолган. Иккинчи хўжалик типи қўл ёки мотиға деҳқончилиги, ўрта-Хитой текисликларида эраиздан аввалги V минг йилликларнинг охирида пайдо бўлган. Улар чумиза ва тариқ каби экинлар экиб, тош ёки сопол пичоқлар ёрдамида ўриб олганлар. Чўчка ва ит боққанлар. Мазкур хўжалик типи анъаналари ҳозиргача Тайван гаошанларида, Хайнандаги ли, қисман мяо, ва яо элатларида сақланган. Итсзу ва Тибет халқларида баланд тоғли ерларга мослашган деҳқончилик-хўжалик маданий типи мавжуд. Улар асосан арпа, сули ва қорабуғдой (гречха) экиб кун кўрганлар. Темирдан меҳнат курулларининг пайдо бўлиши милоддан аввалги минг йилликнинг ўрталарига келиб учинчи хўжалик-маданий типи шудгор деҳқончилигининг пайдо бўлишига замин яратилди. Дастлаб бу маданият типи шимолий Хитойда вужудга келди. Тўртинчи хўжалик-маданий типи чорвачилик билан боғлиқ бўлиб, асосан мўғул, туркий ва қисман тунгус-манжур халқларида тарқалган. Бу тип милоддан аввалги минг йилликларда ҳозирги Мўғулистоннинг мўътадил иқлимли зонасида пайдо бўлган. Хитойнинг шимоли-шарқий қисмида (Катта Хинган минтақасида) ўзига ҳос тайга буғучилиги хўжалик-маданий типи (орогон, эвенк каби этник гуруҳларда) ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хитойларнинг асосий машғулоти қадимдан деҳқончилик бўлиб, милоддан аввалги III минг йилликда пайдо бўлган ва юқорида таъкинланган Яншао маданияти билан боғлиқ. Шу билан бирга чорвачилик ҳам деҳқончиликка қўшимча сифатида ривожланган. Ҳунармандчиликда ипак, қоғоз, чинни, бўёқ, металл буюмлар ишлаб чиқарилган. Икки ғилдиракли одам ташийдиган коляска–рикша, елканли қайиқ (жонка) уларнинг асосий транспорт воситалари бўлган.

Мўғуллар асрлар давомида чорвачилик билан шуғулланиб келганлар. Эски жамоа тузуми–хотон ҳозирда янгича маъно-моҳиятга эга. Қадимдан эркакларнинг сеvimли машғулоти ов ҳисобланган.

Корейсларнинг асосий касби деҳқончилик бўлиб, буғдой, шоли, арпа, гаолян, ловия ва ёғли экинлари, картошка ва батат экадилар. Чорвачилик кам ривожланган.

Иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий қилган Японларнинг ярим аҳолиси қишлоқ хўжалигида банд бўлган. Хоккайдо оролида от,

йирик шохли мол, чўчка боқилади. Балиқчилик энг йирик хўжалик ҳисобланади. Шунингдек, Японияда марварид овлаш ҳам анча кенг ривожланган. Бу билан асосан аёллар шуғулланадилар.

Хитойларда эркак ва аёлларининг анъанавий кийимлари кам фарқ қилган. Асосан кенг шим, яхтак кўйлак ва энгсиз камзул кийганлар. Корейсларда эркаклар кенг шим, калта куртка, оёқларига сандал, бошларига сомон шляпа кийганлар. мўғулларда асосан узун халат ва тери этик кийганлар. Японларнинг асосий кийими узун, кенг энгли, белбоғли халат-киманодан иборат. Кўпнча бошланг юрадилар.

Шарқий ва Марказий Осиё халқларининг таомлари ўтроқ деҳқон аҳоли билан кўчманчи чорвадор аҳоли кескин фарқ қилган. Хитойларда қадимда таомлар ҳам ижтимоий характерга эга бўлган. Яъни бойлар ва камбағаларнинг таоми бир-биридан фарқ қилган. Хитой таомлари икки қисмга бўлинган: чжуши (асосий таом) ва фуши (иккинчи даражали таом).

Назорат саволлари:

1. Шарқий Осиёда жойлашган давлатларини аниқланг.
2. Шарқий Осиё халқларининг этногенези ва этник тарихи ҳақида сўзланг.
3. Шарқий Осиё халқларининг антропологик тузилиши қандай бўлган?
4. Шарқий Осиё халқларининг тил тузилишини кўрсатинг?
5. Шарқий Осиё халқларининг хўжалик соҳалари қандай бўлган?
6. Шарқий Осиё халқларини маданияти тўғрисида маълумот беринг.

9-Модул.1-мавзу: Шимолий Америка халқлари.

Режа:

1. Шимолий Америка халқлари таркиби.
2. Шимолий Америка халқлари этногенези ва этник тарихи.
3. Шимолий Америка халқлари маданияти.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР: Артика овчилари, балиқчилари, шимоли-ғарбий соҳил ҳиндулари, ўрмон овчи қабилалари, калифорния ҳиндулари, шарқий ва жануби-шарқий деҳқончилик, ўрмон овчи қабилалари, прерия (дашт) овчи қабилалари.

Сўнгги чорак аср давомида тўланган археологик маълумотлар Шимолий Америка территориясида кетма-кет изчил алмашиб, тараққий қилиб келган ҳиндулар жамиятининг тахминан 11 минг йиллик тарихини аниқлаб олиш имконига эга бўлинди. Археологлар қитъада иккита энг қадимий палеохинду маданий анъаналарини аниқлаганлар:

- 1.Марказий дашт зонада жойлашган йирик куш овчилари маданияти.
- 2.Шимолий-ғарбий Тинч океани овчи, териб-термачловчи, Кордилер маданияти.

Бу маданиятлар эрамиздан аввалги 8 минг йилликкача давом қилиб келган ва кейин бутун қитъага кенг территорияга тарқалган турли локал маданиятларнинг негизини ҳосил қилган.

Айниқса, ҳиндулар тарихи қитъанинг шарқий қисми ва жанубий ғарбида Шимолий Американинг ўрмон зонасида (ҳозирги Аризона ва Нью-Мексика штатларида) жиддий ўрганилган. Айни шу ерда ҳозирги тарихий ва этнографик манбааларга кирган юксак даражадаги маданиятли шимолий Америка ҳинду қабилаларининг шаклланиш маркази бўлган. Уларнинг кейинги тараққиётига зўр таъсир кўрсатган. Шарқий ўрмон зонасида яшаган ҳиндуларнинг тарихига оид 3 та давр аниқланган. Бу биринчидан, мўътадил иқлимли ўрмон ва сув ҳавзалари маҳсулотларини овлаб ва териб-термачлаб ўзлаштириш хўжаликга эга бўлган архаик давр (эрамиздан аввалги 8-1 минг йилликлар) шу заминда пайдо бўлган. Иккинчи маданият-жанубий Канададан то Мексика бўғозигача, Атлантикадан то Америка даштларигача катта территорияга тарқалган Вудленд маданияти илгариги маданий анъанани давом эттириб, ўзининг янги деҳқончилик ва кулолчилиги билан ажралиб туради. (Эрамизнинг VII асрларига келиб, айниқса Огоё дарёсининг воҳасида, бу маданият ниҳоятда гуллаб ва дашт минтақаларда X асрларгача, шимолий-шарқий қисмида европаликлар келгунча сақланган). VII асрнинг охиридан бошлаб маданият маркази аста секин Миссисипи дарёсининг ўрта ва пастки оқими водийларига ва Мексика бўғози соҳилларига кўча бошлайди. Миссисипи маданияти деб аталган бу давр (VII-XV асрлар) илгариги маданий ютуқларни ўзида мужассамлаштирган ўтроқ деҳқончилик хўжалик, қалъали шаҳар ва кўрғонлар, ибодатхона ва сарой типдаги иншоотлар билан ажралиб туради. Вудленд маданиятидан Миссисипиликлар ўзининг сопол буюмлари ҳамда янги формадаги нақшлар, ёғоч, тош ва чиғаноқлардаги юксак бадиий ўймакорлик ва наққошлик санъати, металл буюмлар ясаш маҳорати билан фарқ қилганлар.

Демак, европаликлар шимолий Америкага келгунга қадар ҳиндулар юксак маданият яратганлар. Ҳиндулар жамияти бу даврдан бошлаб синфий тузумга ўта бошлаганлар. Тадқиқотчилар бу даврни икки муҳим босқичга бўладилар: энг ривожланган ибодат кўрғонларини тиклаш босқичи (VII-XII асрлар) ва кўрғон иншоотларининг прерия минтақаларига тарқалиш босқичи, яъни юксак ҳиндулар маданиятининг бошқа шарқий ўрмон зонаси ва дашт, дарё водийларига зўр таъсир қилиб, ўз ҳукмронлигини тўлиқ ўрнатган босқичи (XII-XV асрлар). Мазкур маданият маҳаллий анъаналар билан қўшилиб ҳиндуларнинг ўзига хос ривожланган деҳқончилик хўжалигини ҳосил қилган.

Археологик тадқиқотларга қараганда, шимолий Американинг жанубий-ғарбий минтақаларида деҳқончилик даставвал эрамиздан аввалги 3 минг йилликда пайдо бўлган. Шу асосда археологлар «кочиз», «моголон», «хохокам» ва «анасази» деб аталган ҳинду маданиятининг локал типларини ажратадилар. Энг биринчи деҳқончилик маданиятини шимолий Америкада кочизликлар яратган бўлиб, улар

дастлаб маккажўхори, кейинроқ қовоқ ва ловия экканлар. Кочизликлар ғорларда яшаб, ёввойи ўсимликлар йиғиш ва овчилик билан ҳам шуғулланганлар.

I минг йилликка келиб кочизлар маданияти анча ривожланган, улар макканинг янги навларини яратганлар, ертўлаларга кўчган ва тўртбурчак ҳам доирасимон уйлардан иборат қишлоқга эга бўлган моголон (милоддан аввалги III асрдан эрамизнинг XV асрларигача) маданияти пайдо бўлади. Аризонанинг жануби-ғарбий қирғоқ минтақаларидан такомиллашган суғоришга асосланган дехқончилик системасини яратган. Ўндан ортиқ макка турлари, пахта, қовоқ, ловия, тамаки, қалампир етиштирган хохокам маданияти (I-XVI асрлар) яна ҳам юқори даражага кўтарилган. Уларнинг лой ва тошдан қурилган катта (жамоа) уйлардан ташкил топган яхлит қишлоқлари (испанлар «пуебло» деб атаганлар) зўр маҳорат билан яратилган, бадий сопол буюмлар ва ҳайкалчалар, пахта, ип газламалар тўқиш санъати марказий Америка ҳиндуларининг юксак маданиятига яқин эканлигидан далолат беради. XIV асрга келиб бирданига бу маданият вакиллари бутунлай йўқолиб, фақат бўм-бўш пуебло (қишлоқ)ларини ва тошдан ишланган кўп тармоқли суғориш иншоотларини қолдирганлар, холос.

Хохокам ва монголон маданиятидан 300-700 йиллар кейин пайдо бўлган анасази номли ривожланган дехқончилик маданияти анча такомиллашган ва қўшни элатларга зўр таъсир ўтказган. Мазкур маданият излари ҳозирги АҚШнинг Аризона, Нью Мексика, Юта ва Колорадо штатларида ва қўшни минтақаларда топилган. Анасази маданияти тарихи икки даврга: «ривожланган пуебло (эрамизнинг 7-10 асрлари) ва «буюк пуебло»(10-13 асрлар)га бўлинган. Биринчи давр ҳиндулари макка, қовоқ, ловия, пахта экканлар, илгариги сават идишлари ўрнига геометрик орнаментли сопол идишлар яратганлар, кўп хонали (6-14 хужрали) тошдан ва хом ғиштдан катта уйлар тиклаганлар.

«Буюк пуебло» даврида қурилиш техникаси яна ҳам юксак даражага кўтарилади. Ҳиндулар бу даврда кўп каватли ва кўп хонали 1000 ва ундан ҳам кўп киши сиғадиган катта уй (асли шаҳар)лар тиклаганлар. Бундай бир уйдан ташкил топган шаҳарлар қумтош ёки тоғ қояларда, дарёларнинг катта дараларида пайдо бўлган. Улар асосан Колорадо ва Сан Хуан дарёларининг дараларида қурилган. Баъзан табиий ғорлардан ҳам фойдаланилган. Оилалар ўсган сайин хонага хона қўшилиб ари уясидек шаҳар катталашиб бораверган. Бунга мисол, Колорадо дарасидаги 200 хонали ва 36 ибодатхона(кива)ли «қоякўшки» (XII аср) харобалари, ёки ҳозиргача сақланиб қолган Чака дарасидаги (XII асрга оид) девор билан ўралган 650 хужрали ва марказида 20 ибодатхона жойлашган ҳовли-қаср ҳам мазкур юксак маданият намунасидир. Аммо XII асрга келиб ҳиндулар ўзларининг қоя, уй-қасрларини ташлаб текис адирларга кўчиб ҳовли-қишлоқларини тиклай бошлаганлар.

Мазкур археологик кашфиётлар XIX аср охири-XX аср бошларида буржуа фанида тарқалган ҳиндулар маданиятининг

камситиш, уларни мустамлака арафасида ниҳоятда ибтидоий примитив даражасида турган қоқоқ қабилалар, дэран фикрларни бутунлай рад қилди. Энди яхши аниқ бўлдики, шимолий Американинг туб аҳолиси қитъа кашф этилишидан ва мустамлака қилинишидан олдин узоқ ва мураккаб юксак маданият яратган даврни босиб ўтганлиги илмий жиҳатдан тасдиқланди. Мустамлака арафасида, яъни 15-аср охирларида шимолий Американинг ҳинду аҳолиси тахминан 9-10 млн. кишига етган ва жуда кўп турли тилдаги қабила ва элатлардан иборат бўлган.

Маҳаллий ҳиндуларнинг хўжалик фаолияти ҳам турли хилда бўлиб, олимларнинг аниқлашига қараганда, ўша даврда шимолий Америкада 6 хўжалик маданий типлари ташкил топган. Булар:

- 1) Денгиздаги мойнали ҳайвонлар ва Арктика соҳилларидаги ҳайвонларни овлайдиган эскимос ва алеутлар;
- 2) Шимолий-ғарбий соҳилларда ва Жанубий Флорида штатида жойлашган ўтроқ балиқчи, денгиз овчилари, моллюска, ёввойи ўт ва мевалар йиғувчи тлинкит, ҳайда, квакуитли, нутка, калуза каби қабилалар;
- 3) Шимолий Канададаги тайга овчилари ва балиқчилари-атапаск ва алгонкин қабилалари;
- 4) Калифорния ва Буюк кўллар атрофидаги ёввойи дон терувчилар ва овчилар;
- 5) Қитъанинг шарқида яшовчи ирокез, алгонкин ва мусгок қабилалари деҳқончилик ва ўрмон овчилиги билан шуғулланганлар.
- 6) Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик хўжалик билан шуғулланувчи жанубий-ғарбий минтақалардаги ҳиндулар;
- 7) Америка кашф этилгандан кейин XVII-XVIII асрларда қитъанинг дашт зонасида йилқичилик ва отда бизон овлайдиган янги хўжалик-маданий (комончи, докота) тип қабилалари пайдо бўлган.

Шимолий Америка ҳинду қабилаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳам турли даражада бўлган. Уларнинг кўпчилиги мустамлака арафасида ибтидоий жамият тузумининг турли поғонасида бўлган, қитъанинг жанубий-шарқий ва ғарбий қисм минтақаларидаги қабилалар синфий жамиятга ўтиш арафасида бўлганлар. XV аср охирларидан Шимолий Америкага оқ танлилар, яъни европаликларнинг (асосан, Франция, Испания, Голландия ва Англиядан) келиши билан мустамлака даври бошланади. XVIII аср бошларидан эса қитъага кўплаб негрлар келтирилиши билан шимолий Американинг этник қиёфаси тубдан ўзгара бошлайди.

Мустамлака арафасида ҳозирги АҚШ территориясида 400 га яқин ҳинду қабилалари жойлашган. Улар 200 га яқин тилда гапирадиган 2-3 млн. кишидан иборат турли элат ва қабилалар бўлиб, мустамлакачиларга қарши жиддий курашганлар. Ҳиндуларнинг барча қаршиликлари ва кўзғолонлари ваҳшиёна ва раҳмсиз бостирилган. Оқибатда минглаб ҳиндулар қирилган, серунум ерларидан ҳайдалган, кулга айлантирилганлар. Айниқса XIX асрнинг 1-ярмида ҳозирги Жоржия, Мерилен, Жанубий Каролин Штатларидаги ҳинду қабилаларининг

тақдири фожиаи бўлган. Уларни она ерларидан кўчирилиши Америка тарихида «кўз ёшли йўллар», деб аталган минглаб ҳиндуларнинг ёстиғини қуритишга сабаб бўлган энг қора саҳифалардир. АҚШнинг тарихчиси Г.Аптекер таърифича: «Ҳиндуларни бўйсундириш ва кириш ҳокимият сиёсатини амалга оширишдаги ҳаддан ошиқ ваҳшиёна усуллар илгари ҳеч вақт ишлатилмаган».

XIX аср охирларига келиб, ҳинду қабиаларининг кўпчилиги тор-мор қилиниб, тўлиқ бўйсундирилган ва резервацияларга жойлаштирилган эди. Ҳозир шимолий Америкада яшовчи ҳиндуларнинг яъни туб аҳолининг сони 1,5 млн. дан ортиқ. АҚШ конгрессининг 1871 йилдаги махсус қарори асосида резервацияларга жойлашган ҳиндулар «ички, қарам, ҳокимият васийлигидаги миллат ва қабиалар», деб аталган. Улар Америка федерал ҳокимияти васийлиги остида ҳозиргача ўзларининг иқтисодий, ижтимоий ва ҳатто оилавий масалаларини ҳал қилишдан маҳрумлар. Ҳиндулар 1924 йилда гражданлик ҳуқуқига эга бўлсада, АҚШ ҳокимияти туб аҳолини зўрлик асосида қирғин ва ассимиляция қилиш йўли билан бутунлай йуқотиш мақсадидаги сиёсатини ҳиндулар масаласи бўйича бюро орқали амалга оширмоқда.

Аммо ҳиндулар ўз ҳуқуқлари учун доимо курашиб келмоқдалар. Айниқса сўнгги 10 йилликда уларнинг ижтимоий сиёсий фаоллиги кучайди, оқибатда ҳиндулар масаласи мамлакатнинг энг муҳим сиёсий масалаларидан бирига айланди. Ҳиндулар ҳозир ўзларини ягона этник бирлик деб тан олиш учун курашиб, уларда миллий уйғониш рўй бермоқда.

Артика овчилари ва балиқчилари Арктиканинг асосий туб аҳолиси эскимос ва алеутлар. Аляска ва Шимолий Муз океани соҳилларида, Лабрадор ярим ороли ҳамда Гренляндияда қадим даврлардан эскимослар яшайди. Улар ўзларининг инуит («одамлар») деб атайдилар. Аслида «эскимос» сўзи алгонкин тилида «хом гўшт ейдиганлар», дэран маънони англатади. Чунки қадим замонларда цинга касалидан сақланиш учун хом гўшт истемол қилинган. Улар азалдан тюлен, кит, морж, кутб айиғи ва шимол тулкисини ов қилиш ва балиқ тутиш билан шуғулланиб келганлар. Ов қилинган ҳайвонлардан зарур буюмлар, овқат тайёрлаганлар; гўшт ва ёғи таомга ишлатилган, терилари кийимга, кема ясашга ва уй-рўзғор ишларига сарфланган, тюлен ва морж ёғи билан уйларни қизитганлар ва ёритганлар, суякларидан эса меҳнат қуроллари ясаганлар, уй ва кема қуришда ишлатганлар.

Эскимослар жаҳондаги энг шимолий халқ сифатида кутбнинг оғир шароитига жуда мослашган. Уларнинг ов қуроллари махсус тюлен ва морж териларидан ясалган байдарка типидagi кичик кема (каяк) ҳамда катта кема (умиак), узун ипга боғланган ёғоч сопли санчқи, тош ёки суяк учли найза (баъзан уни отадиган махсус қурол сифатида ишлатилган) ва ўқ-ёй, турли хилдаги тузоклар ва суякдан ясалган қармоқлардан иборат. Баъзан қурол ясашда қўшни жанубий ҳинду қабиаларидан алмашиб олган мис ҳам ишлатилган.

Арктикада ўрмонлар йўқ бўлганлиги туфайли эскимослар қишда зўр маҳорат билан муздан уй тиклаганлар. Иглу деб аталган муз уйларда тюлен териси тўшалган ва деворларга осилган, ёғи билан иситилган ва ёритилган. Ҳозиргача сақланиб келган бундай уйларда энди примус, керосин ёки электр лампалар ҳам ишлатилади. Илгари гўштни, асосан хом ҳолда истеъмол қилганлар. Қутбнинг қисқа ёзида аёллар материкда ўсадиган турли емишли кўкат ва илдизлар, клюква каби тундра мева-чеваларини териб-термачлаганлар. Киши организмига ўсимлик витаминлари етмаганлиги туфайли буғу ошқозонида тўпланган ютқидан махсус таом тайёрланган. Бу таом эскимосларнинг энг сеvimли таомларидан бири ҳисобланган. Баъзи эскимос оилалари қисқа ёз фаслида материкка кўчиб конус шаклида тери ёки ёғоч пўстлғи билан қопланган чаналар тиклаганлар. Уларнинг кийимлари ҳам маҳаллий шароитга мослашган бошдан оёқ денгиз ҳайвонларининг терисидан яхлит комбинезон ёки капюшон шаклида тикилган бўлиб, эркак ва аёлларники деярли фарқланмайди. Аммо болали аёлларда эгнига осилган гўдакни солиб кўтариб юрадиган тери халтаси ҳам бўлган. Оёғига теридан тикилган пайпоқ ва этик кийганлар. Баъзан кийимлари курама, турли рангли терилар ёки жун билан безатилган.

Ҳозирги даврда эскимослар, айниқса Гренландияда замонавий жиҳозланган электр ва иссиқ сув билан таъминланган кўп қаватли уйларда яшайдилар; кийимлари ва таомлари ҳам анча ўзгариб европалаштирилган. Анъанавий транспорт воситаси сифатида чанғи ва итлар қўшилган чаналардан фойдаланилган. Сўнгги йилларда моторли кема ва чаналар, милтиқ ва темир қопқонлар ишлатилмоқда.

Эскимосларнинг ижтимоий тузумида XIX асргача уруғ жамоачилик муносабатлари сақланиб келган. Улар ота уруғига ўтиш даврида 2-3 оиладан ташкил топган кичик жамоадан иборат бўлиб яшаганлар. Аммо уруғ-қабилачилик муносабатлари оғир табиий шароит туфайли унча мустаҳкам бўлмаган. Оғир шароит эскимосларнинг динларида ҳам ўз аксини топган. Киши устидан ҳукмронлик қилиб турган табиат кучлари ҳар хил табиий ҳодисаларга, турли арвоҳларга ва «денгиз хўжайини»га сиғиниш, сеҳргарлик (магия) ва шаманизм каби ибтидоий динларни яратган. Уларда шаманийлик ибодати ва турли мифологик тасаввурлар ривож топган. Ҳозир эскимослар орасида христиан дини кўп тарқатилган.

Эскимосларда қадимий даврлардан амалий санъат тараққий қилган бўлиб, ҳозиргача суякка нозик уйма нақш бериш ва суякдан турли буюмлар ясаш сақланиб келган. Улар ўзига хос қабила ҳаётидан олинган айрим воқеалар ва ҳайвонларни овлаш манзараларини зўр маҳорат билан тасвирлаганлар. Узоқ қутб кечалари муз ва қордан тикланган қоронғи ёғ чироғли уйларда ўз халқнинг келиб чиқиши тўғрисида ривоятлар, қуёш, ой, тоғлик, ва музликлар, турли ҳайвонлар ва девлар тўғрисида афсона ва эртаклар айтишганлар.

Сўнгги чорак аср давомида рўй берган ўзгаришлар туб аҳолининг фақат моддий турмушидагина эмас, маиший ва маънавий ҳаётига ҳам зўр

таъсир ўтказди. Айниқса Гренландия эскимосларида замонавий маърифат кўртак отиб она тилида ёзма адабиётнинг турли жанрлари пайдо бўлди, газета ва журналлар чиқа бошлади, радиоэшиттиришлар олиб борилди. Аммо оролнинг Данияга қарамлиги, унинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволида ўз аксини топган, бу ҳолат данияликлар билан эскимослар орасида тэнгсизлик турмуш даражасининг пастлиги ва сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум эканлигида ёрқин намоён бўлмоқда. Аляска ва Канада эскимосларида гўшт ва ёғ истеъмол қилиш чекланган, медицина хизмати жуда кам, улар миллий ёзувга эга эмаслар. 70-йиллардан бошлаб эскимослар мустақиллик ва тэнглик учун фаол курашга киришдилар. Айниқса гренландияликларда бу кураш уюшқоқлик билан олиб борилмоқда, ҳам яхши натижалар бермоқда.

Тинч океанида, Аляска яриморолидан жанубга чўзилиб кетган Алеут оролларида ва Алясканинг ғарбий қисмида эскимос-алеут тил оиласига оид қадимий элатлар яшайди.

Эскимосларга маиший турмуш ва маданияти жиҳатидан яқин алеутлар XIX аср бошларида денгиз ҳайвонларини ов қилиб кун кечирганлар. Уларнинг ов қуроллари эскимосларникидай аммо ўзига хос теридан ясалган байдарка, денгиз ҳайвонларининг ичагидан тикилган сув ўтмайдиган ёпинчик, ёғочдан ясалган шилёпа, моддий ва маънавий маданият хусусиятлари билан ажралиб турадилар.

Алеутларнинг тарихий тақдири эскимосларники сингари шимолий Америка, айниқса АҚШ капитали билан боғлиқ. Улар XIX аср охириларида уруғчилик тузумидаги қабилалардан бўлиб, ҳар қабилла ўзига тегишли ов қиладиган жойларда ўтроқ ҳолда яшаганлар. Уйлари ярим ер тўла шаклида катта оилага мўлжалланган бўлиб, унда 30-40 қон-қариндош кишилар истиқомат қилган. Алеутларнинг озгина қисми Командор оролларида ҳам яшайди.

Шимоли-ғарбий соҳил ҳиндулари Шимолда Беринг бўғозидан то Жанубда Хуанде-Фука бўғозигача Тинч океани соҳилларида кўп асрлар давомида ҳиндуларнинг ўзига хос балиқчи ва овчи маданияти шаклланиб келган. Жуда нам ва юмшоқ иқлим, ниҳоятда бой ўсимликларга, фаунага эга бўлган бу территория инсон яшаши учун анча қулай бўлган. Бу ерда асосан тлинкитлар, квакуитли, хайда, калуза ҳиндулари яшаган ва уларнинг тирикчилиги денгизда ва дарёнинг қуйи оқимида балиқ овлашдан иборат бўлган. Улар баъзан тоғ Эчкилари, буғулар, денгиз ҳайвонлари, қушларни ов қилганлар, ёввойи ўрмон мевалари ва денгиз кўкатларини ҳам терганлар. Аммо лосос ва шанбалиқ асосий ов маҳсулоти ҳисобланган. Тлинкитлар деҳқончилик ва чорвачиликни билмаганлар, лекин овда ўргатилган итдан фойдаланганлар.

Маҳаллий ҳиндуларнинг овчилик санъати анча ривожланган. Айниқса балиқчиликда турли техника ва такомиллашган қуроолар ишлатганлар. Улар 3-4 тадан то 100 тагача киши сиғадиган яхлит ёғочдан ўйиб кема ясаганлар ва бу кемаларда саёҳатга ва овга чиққанлар. Балиқни тош, суяк, ёғочдан ва унинг толаларидан ясалган ҳар хил қармоқ, санчки, найза, тур, саватлар билан турли тўғонлар

куриб овлаганлар. Металлдан фақат мисни билганлар. Ундан баъзи куруллар ва безаклар ясаганлар, пул ўрнида ишлатганлар. Овқатни ёғоч идишларда ўтда қиздирилган тош солиб пиширганлар.

Ҳиндуларда тўқув станог (дўкони) бўлган. Улар ёввойи қўй ва эчкиларни махсус хайдаб қамаб олиб жунини қирқиб кейин бўшатиб юборганлар, ипидан нақшли ёпинчиқ тўқиганлар, қўйлақ тикканлар. Матони ўсимлик толаларидан ҳам тўқиганлар, теридан пўстин ҳам кийганлар, ёғочдан нақш берилган совут ясаганлар, кедр дарахти толасидан кенг этакли шилипалар тўқиганлар.

Хўжалик ва савдонинг ривожланиши натижасидан меҳнат тақсимооти ҳам пайдо бўлган: кема яшаш, кийим тикиш, уй-рўзгор ва бошқа буюмлар ишлаб чиқариш айрим касб ҳисобланган. 15-20 метр баландликдаги тотем устунлари зўр маҳорат билан ўйиб безатадиган усталар бўлган.

Маҳаллий хиндулар ўтроқ турмуш кечирганлари учун ёғочдан тикланган уйлардан иборат қишлоқларда истиқомат қилганлар. Уйлари ойнасиз, туйнукли ва кичкина эшикли, узунасига катта жамоа оиласига мўлжалланиб, тош куруллар билан йўнилган ёғочлардан қурилган. Ёз фаслида балиқ овлаб дарёларнинг юқори оқимида кўчиб вақтинчалик чайлалар қурганлар. Қишда қишлоқларга қайтганлар. Балиқчиликда ниҳоятда зўр маҳоратга эга бўлган тлинкитлар лосос балиқлардан тежамкорлик билан фойдаланиб зарур маҳсулотларни ғамлаганлар. Қўшимча маҳсулотни бозорга чиқариш натижасида савдо-сотиқ анча ривожланган. Оқибатда бойлик тўпланиб синфий тэнгсизлик пайдо бўла бошлаган. XVIII аср охирига келиб она уруғи ўрнига ота уруғи ташкил топа бошлаган. Патриархал типдаги катта оила жамоаси дуал характерга эга бўлиб ҳусусий мулкка таянган. Патриархал никоҳ тартиблари билан бирга турли она уруғи тартиблари ҳам сақланиб келган. Аммо уруғ ҳисоби ва мерос ота уруғига ўтган. Деҳқончилик хўжаликларида қишлоқ жамоасига ўхшаш патриархал типдаги кўп уруғли қишлоқ жамоаси пайдо бўлган.

Ҳусусий мулк пайдо бўлса ҳам асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер жамоа мулки ҳисобланган. Ҳусусий ва умумий мулк тўлиқ ажратилмаган, улар уруғ ва қабила бошлиқлари ихтиёрида бўлган. Мустамлака даврига савдо-сотиқ ва бойлик натижасида патриархал қуллик ҳам пайдо бўлган. Қуллар асосан урушларда қўлга тушган аҳолидан бўлган. Улардан балиқ овлашда, хўжалик ишларида фойдаланилган. Қуллар ўз эгаларига анча фойда келтирганлар. Уруғ бошлиқлари қулларидан ташқари ўз уруғдошларини ҳам экспулуатация қилганлар.

Қабилалар фратрий ва уруғларга бўлинган, улар тотем номи билан аталган. Махсус тотем тасвирланган ёғоч устунлар ўрнатилган. Масалан, тлинкит фратерий группалар қарға ва бўри номи билан аталган ва улар орасидаги муносабатлар экзогам никоҳ билан белгиланган. Ундан ташқари фратерийлар территориял жиҳатдан ҳам бўлинишган. Матрилокал типдаги катта оила иқтисодий жиҳатдан (10-40 кишидан

иборат) бир хўжалик бўлиб, ўз тотем номига эга бўлган уйда яшаганлар. Масалан, айиқ номли уруғга тегишли оила ҳар қишлоқда шу ном билан уй қурган. Уруғнинг муайян территорияга эга эканлиги ривоятлар билан тасдиқланган. Асосий диний тасаввурлар тотемизм билан боғлиқ бўлганлиги туфайли тотем символларидан ташқари ҳар хил диний маросим ва байрамлар ўтказилган. Уларни ўтказиш шаман ва уруғ бошлиқлари ихтиёрида бўлган.

Шимолий-Ғарбий соҳил ҳиндуларнинг ҳаётида потлач («Ўйинчоқ») номли мураккаб маросим муҳим рол ўйнайди. Асли катта базм сифатида бир неча кун баъзан ойлаб ўтказиладиган потлач маросимида бой жамоа аъзолари ва уруғ бошлиқлари ўз бойликларини тарқатиб берганлар ҳатто қулларини қурбон қилганлар. Ўз навбатида жамоа аъзолари ҳам базм эгасига катта совғалар қилишлари шарт бўлган. Умуман уруғ бошлиқларига уруғдошлари томонидан ҳар хил совғалар бериб туриш мажбурий одат тусига айланган бўлиб, уруғчилик ичида дастлабки солиқ (рента) шаклида намоён бўлади. Шу йўл билан эркин жамоа аъзоларининг ўзига қарам ва эксплуатация қилишнинг иқтисодий замини яратилган. Потлач маросимида сарфланган ҳаражат ва тарқатилган бойлик ўрнини совғалар орқали яна тўлдирилган. Ким базм ва байрамни зўр ўтказса, шу катта ном қозонган. Аслида потлач ибтидоий жамоа тузумидан синфий жамиятга ўтиш даврига хос маросим бўлиб, энди куртак отаётган иқтисодий ва ижтимоий тэнгсизлик, бойлик ва камбағалликни ижтимоий ҳодиса сифатида пайдо бўлганлигини ифодаловчи маросимдир.

Мустамлака даврида савдо-сотиқ яна ҳам ривожланиб ижтимоий муносабатлар чуқурлаша бошлайди. АҚШ ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин маҳаллий аҳолининг асосий тирикчилик манбаи ҳисобланган балиқчилик мустамлакачилар қўлига ўтиб, ўз ерларидан ҳайдалиб резервацияларга кўчирилган. Ҳиндулар қашшоқлашиб ёлланма ишчи кучига айланганлар. Ҳозир улар қаттиқ эзилиб, ирқий жиҳатдан ҳам қувғин қилинмоқдалар.

Ўрмон овчи қабилалари Шимолий Американинг шарқий қисмидаги субарктикаўрмонларида, Алясканинг ички минтақалари ва Канаданинг тайга зонасида алгонкин ва атапаск тил оилаларига оид овчи, балиқчи ва териб термачловчи қабилалар яшаганлар. Улар, асосан ёввойи буғу, (карибу), лос, айиқ, ёввойи қўй ва буқа (бизон), тюлен, кит ва бошқа ўрмон ҳам денгиз ҳайвонларини овлаганлар, ўрмонларда ҳар хил мева ва илдизмевали ўсимликларни териб кун кечирганлар.

Жониворларни овлашда асосан суяк ёки учли тош ўқ-ёй ва найза, пичоқ, палахмон, турли тузоқ, қопқон ҳамда тўрлардан фойдаланганлар. Балиқ овида кармоқ, тери ва ўсимлик толасидан тўқилган тўр ва саватлар ишлатилган. Қишда теннис ракеткасига ўхшаш чанғи ва ит қўшилган ёғоч чаналар билан кўчиб ов

қилганлар. Кўчманчичи ҳиндулар қишда тери қопланган конус шаклидаги, ёзда эса ёғоч қобиғи билан қопланган кўчишга қулай чайлаларда яшаганлар. Айрим атапаск қабилалари қишда ертўлаларда истиқомат қилганлар. Дарахт қобиғидан уй-рўзғор буюмлари ва ҳатто кемалар ҳам ясаганлар.

Карибу ва лос терисидан аёллар кийимлари, махси (мокасин) ва қўлқоплар тикканлар, майда жониворларнинг териси ва жуни билан кийимларни безатганлар, бош кийими тўқиганлар. Баъзан ишлаб чиқариш қуроллари ва уй-рўзғор буюмларига нақш берилган. Эркак ва аёллар асосан бир хилда энги узун кўйлақлар кийганлар, қишда капюшонли пўстин кийинганлар.

Шимолий ўрмон ҳиндулари мустамлака арафасида уруғчилик муносабатларини сақлаб жамоа бўлиб яшаганлар ва ов қилганлар. Қишда улар айрим группаларга бўлиниб, кўчиб юрганлар, ёзда одатда дарё бўйларидаги қароргоҳларга тўпланишиб савдо қила бошлаганлар. XVII асрлардан бошлаб мустамлакачилар билан яқин алоқалар ўрнатилиб, мойначилик махсус сохага айланади ва мойна савдоси товар айрибошлашни кучайтиради. Субарктика овчилари бошқа ҳиндулар сингари европаликлар томонидан зўрлик билан ўз ерларидан ҳайдалмаган ва қирилмаган. Чунки шимолий Америка ўрмонлари чорвачилик ва деҳқончиликка ноқулай бўлганлиги туфайли мустамлакачилар бу ерга бостириб кирмаганлар. Улар аксинча қимматбаҳо мойнага муҳтож бўлиб, мойначиликни ривожлантириш мақсадида овчи ҳинду қабилаларини ҳар томонлама қўллаб қувватлаганлар. Европаликлар келтирган темир қуроллар (пичоқ, болта, искана кейин милтиқ ва ҳ.к.) ҳиндуларнинг оғир меҳнатини анча энгиллаштирди. Шунинг учун дастлаб мойна савдоси европаликлар билан ҳиндулар орасидаги муносабатларни асосан катта фожиасиз ривожланишига сабаб бўлган эди. XVII асрнинг 30-йилларидан бошлаб, миссионерчиликнинг кучайиши бу муносабатларни яна ҳам мустаҳкамлади. Маҳаллий атапаск, кри қабилалари билан келгинди Канадалик французлар ва шотландлар орасидаги никоҳлар натижасида 1-2 аср ичида янги этник группа-метислар ҳам пайдо бўла бошлайди.

Ҳозиргача алгонкин ва атапаск қабилаларида ҳам матрилокал, ҳам патрилокал никоҳ тартиблари сақланиб келган. Бир неча жуфт оилалардан ташкил топган кичкина уруғ жамоа кўчиб юришга одатланган. Айрим вақтларда байрам ёки диний маросим муносабати билан бир муайян жойда бир неча никоҳдаги группалар тўпланишган. Одат бўйича, никоҳдан кейин маълум давр куёв хотин уруғида яшаб, келин ҳақи учун хизмат қилган. Жамоа экзогамия тадбирларига риоя қилиши шарт бўлган. Барча қабилаларда муҳим масалаларни муҳокама ва ҳал қилишда ҳамма тэнг ҳуқуққа эга бўлган. Аммо энг кекса донишманд кишилар раҳбарлик қилганлар. Ички жамоа муносабатларида «ҳар ким ўзига ўзи ҳўжайин» дэран аҳлоқ нормасига риоя қилинади.

Шимолий ўрмон овчи қабилаларида ибтидоий дин формалари-тотемизм, шаманизм, сеҳргарлик, арвоҳларга сиғиниш кенг тарқалган. Булар арвоҳлар кишиларга «куч-қувват», касалликларни даволашга, ов қилишга ёрдам беради деб ишонганлар. Алгонкин қабилаларида одамсимон худолар ва одамхўр Виндиго номли баҳайбат маҳлуқ тўғрисида тасаввурлар, мураккаб маросимлар, айиққа сиғиниш Эътиқоди муҳим ўрин эгаллаган. Кўп асрлар миссионерларнинг диний ташвиқоти ҳам зое кетмаган. Маҳаллий ҳиндулар орасида христиан дини ҳам тарқалган. Христианлик айниқса никоҳ муносабатларига зўр таъсир қилиб, ҳозир ҳиндуларда моногам никоҳ ўрнатилишига сабаб бўлган. Атапаск қабилаларида ҳинду ва христиан диний тасаввурлари, одат ва одат нормалари аралашмасидан ташкил топган диний ҳаракатлар ҳам пайдо бўла бошлаган.

Мустамлакачилик сиёсатининг амалга оширилиши натижасида, айниқса шаҳарларга кўчирилган ҳиндулар орасида салбий социал оқибатлар рўй бермоқда. Масалан, овчи қароргоҳларини ташлаб шаҳарга кўчган чинппевая қabila жамоаси сўнгги 15 йил ичида ниҳоятда оғир ижтимоий шароитда ичкиликбозлик, авлодлар адовати, майда хиёнат ва қашшоқлик, саводсизлик ва ҳурофот каби фожиали аҳволни бошдан кечирмоқда.

Калифорния индейлари АҚШнинг Калифорния ва қисман Невада ҳам Юта штатларида яқин даврларгача турли тилларда гапирадиган аммо хўжалик маданий бирликка эга бўлган қабилалар яшаганлар. Ҳиндулар деҳқончиликни билмасдан овчилик ва теримчиликка асосланган анъанавий хўжалик уларни барча зарур нарсалар билан таъмин қилиб келган. Бу ернинг табиати мевали дуб дарахтининг жуда кўп турларини, ҳар хил истеъмол қилинадиган ўсимлик ва илдизларни, ёввойи ловия, пиёз ва ёнғоқнинг, дарё ва денгиз ҳайвонлари каби ниҳоятда бой озиқ-овқат маҳсулоти етказиб берган.

Маҳаллий ҳиндулар айниқса дуб меваларини тозалаб, қуришиб, ян чиб, ундан атала пиширганлар. Дуб мевасининг уни асосий таом бўлибгина қолмай, балки қабилалар орасидаги савдо маҳсулотларининг энг муҳими ҳам ҳисобланган. Улар ҳар хил ўрмон ўсимликларининг уруғлари, денгиз соҳиллари ва ички дарёларидан тутилган моллюскалар, қисқичбақа, балиқлар ва бошқа жониворларни ҳамда сув ўсимликларини истеъмол қилганлар. Барча қабилалар учун озиқ-овқат йил бўйи табиатда мавжуд бўлсада, улар йиғиб, ғамлаб, ишлаб-чиқариш учун доимо меҳнат қилганлар. Уларнинг асосий ишлаб чиқариш қуроллари овчиликда ўқ-ёй, балиқчиликда санчқи, сават, яхлит дарахтдан ўйиб ясалган кема бўлган. Бутун Калифорнияда зўр маҳорат билан сават тўқиш кенг ёйилган. Илдиз ва уруғларни йиғиб териш учун оддий учи йўнилган ёғочдан фойдаланилган. Тошпичоқ, турли чифаноқлар, мунчоқлар бойлик ҳисобланган. Асосий касби теримчилик бўлганлиги туфайли уларда меҳнат тақсим қилинмаган. Лекин овчилик билан асосан эркаклар шуғулланган.

Шимолий Калифорния ҳиндулари айрим ертўлалардан иборат кичик қишлоқларда яшаганлар. Қолганлари кўчиб юришга қулай бўлган дарахт пўстлоғи билан ёпилган конус ёки гумбаз шаклидаги чайлаларда истиқомат қилганлар. Деярли барча қабилалар кийимсиз юрганлар. Аммо байрамларда жуда кўп безаклар таққанлар, қизлар фақат вояга етгандан кейин ўсимлик толасидан юпка ёки теридан этакча кийганлар, эркаклар эса буғу терисидан қилинган белбоғ билан чекланган. Совуқда эгнига тери ёки бошқа ёпинчиқлар кийганлар.

Шимолий ва марказий ҳиндуларнинг ижтимоий тузумида жамоа тузуми кўпчилигида фратриал тузуми сақланиб келган. Она уруғида патриархал уруғига ўтиш муносабатларига хос тартиблар кучли бўлган. Воҳалардаги ва тоғ этакларидаги ҳиндулар йирик қишлоқларда яшаб, анча ривожланган ижтимоий ва сиёсий тузумга, мураккаб диний системага эга бўлганлар. Тотемизм ва шаманизм кенг тарқалган. Шаманийлик маросимлари даволаш характерида эга бўлган. Ҳар қишлоқда маҳғий жамиятлар мавжуд бўлиб, оммавий маросимлар (ҳар ўйинлар, тантаналар, безакли кийимлар билан) намоёниш қилинган. Ибодат маросимларида ижро этиладиган ўйинларда ҳар ким Ўз бойлигини кўрсатган. Жанубий Калифорния қабилаларида ўспиринларни уруғ аъзолигига ўтказиш ва бошқа диний маросимларда қайғ ёки қайд қиладиган ўтларни истеъмол қилиш одат бўлган.

XVI асрдан европаликлар Калифорнияга кела бошлайдилар, XVIII аср ўрталарида мустамлакачиларнинг истилоси кучаяди. Улар дастлаб соҳилган яқин водийларда миссионерлик маконларини ўрнатганлар, ҳиндулар билан алоқани мустаҳкамлаб, Ўз маконларига жалб қилиб, христианлаштира бошлаганлар. Мазкур алоқалар ҳиндуларнинг турмуш тарзини емириб, антисанитария ва оғир касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлган. Айниқса юқумли касалликлар минглаб ҳиндуларнинг ёстғини курутган.

1848 йилда Калифорнияда олтин топилгандан кейин маҳаллий аҳолининг ҳаётида энг қоронғи кунлар бошланади. Кўплаб кела бошлаган олтин изловчилар ҳиндулар қишлоқларини талон тарош қилиб раҳмсиз қирғин келтирганлар. 1850-1880 йиллар ичида бўлиб ўтган «урушлар» натижасида ожиз, бегуноҳ ҳиндуларга чинакам ов бошланган ва уларни ваҳшиёна қилиб ташлаганлар. Агар 1770 йилда 138 мингдан ортиқ ҳиндулар мавжуд бўлган бўлса, ўтган асрнинг охирига келиб, деярли 10 хисса камайган. Расмий маълумотларга қараганда ҳозир Калифорнияда штатида 40 мингга яқин маҳаллий ҳиндулар (бутун штатда 18 млн аҳоли) яшайди. Қолганлари қирилиб, бошқа миллат ва элатлар билан аралашиб кетганлар.

Шарқий ва жануби-Шарқий деҳқончилик ва эрмон овчи қабилалари. Шимолий Американинг шарқий ва жануби-шарқий минтақаларида, Буюк Кўллар атрофидаги АҚШнинг Гурон, Эри, Онтарио, қисман Нью-Йорк ва Пенсилвания штатларида ирокез ва алгонкин қабилалари яшайди. Улар ўзларининг хўжалик, маданий ва ижтимоий турмуши хусусиятлари жиҳатидан бир группани ташкил

қилади. Турли тилда гапирадиган мазкур қабилалар этник тарихини таъриғловчи бой миғологияга эга. Ирокез солномачилари ўз тарихини бир неча даврларга бўлиб, турли афсона ва ривоятлар билан тўлдирган. Тарихий ва этнографик жиҳатдан ирокезлар анча батағсилўрганилган. Машхур Америка тадқиқотчиси Л.Морган ажойиб асарлари туфайли ирокезларнинг турмуш тарзи, ижтимоий тузуми, матриархал уруғининг классик тадқиқотчиси деб танилган.

Ирокезлар шимолий Американинг шарқий қисмида кейин пайдо бўлсада, археологларнинг айтишича бу ерда маданият беш минг йиллар муқаддам ташкил топган. Ирокезларнинг этногенези эраиздан аввалги I минг йилликда шакллана бошлаган. Вудленд маданияти билан боғлиқ эканлиги аниқланган.

Маҳаллий ҳиндулар қадимдан майда дарахтлиўрмон ва тўқайзорларни куйдириб деҳқончилик қилиб келганлар. Улар қирқилган дарахтларни қуритиб ёкқанлар, мотиға, ёғоч билан ерни қовлаб, ишлов бериб кул аралаш тупроққа уруғ сеъганлар. Ирокезларнинг асосий экинлари-маис (маккажўхори), ловия ва қовоқ. Бу экинлар («уч ўа-сингил») билан уларни диний тассавурлари ҳам боғлиқ. Уй олди таморқада тамаки, тарвуз, нўхат, кунгабоқар, ер ноки ва бошқа экинлар ҳам экилган. Аммо маккажўхорининг ҳамма турлари ирокезларнинг бутун зарур озиқ-овқат билан таъмин қилиб, ҳатто қўшимча маҳсулот етказиб берган. Маккадан гўшт қўшиб сопол идишларда турли таомлар тайёрлаганлар. Клен дарахти шарбатидан баҳор фаслида қанд пиширганлар. Ҳиндулар ёввойи мева, уруғ ва емишли илдизларни теришга жуда моҳир бўлганлар. Кўл бўйида яшовчи айрим алгонкин қабилалари ёввойи шолени кемада йиғиб, бошоғини янчиб, ёғоч билан туйиб гурунч олганлар.

Деҳқончиликда ерни чопиб ишлов бериш эркаклар зиммасига, бошқа барча хўжалик ишлари аёлларга юкланган. Овчилик ҳам эркаклар касби бўлиб, уларга гўшт, чарим ва тери етказиб берган. Бир гуруҳ эркаклар куз ва қиш ойларида ўрмонларга кетиб ов қилиб баҳорда қайтиб келганлар. Улар буғулар, кундуз, сувсар ва савсар кабиўрмон ҳайвонларнинг ва қушларни овлаганлар, куз пайтларида асал йиғганлар. Балиқчилик билан ҳам шуғулланганлар. Ҳунармандчилик анча ривожланган, кулолчиликни билганлар. Ҳунармандчилик қўшимча маҳсулот етказиб берган. Натижада савдо-сотиқ ривожланган.

Ишлаб чиқариш қуролиларидан деҳқончиликда асосан мотиға (кетмонча), тош болта, мис тигли пичоқ, найза ва ўқ-ёй, чўқмор таёқ (тошўрнатилган маҳсус қурол томагавк) ва палахмон, дарахт қобиғидан (пўстлоғидан) ясалган кема, санчки, тўр ҳамда саватлардан фойдаланганлар. Турли нақш берилган сопол чиннилар ирокезларга хос санъат бўлган.

Терига ишлов бериш, айниқса буғу терисидан замша ишлаб чиқариш жуда ривожланган. Кийимлари замшадан, кундуз ва сувсар терисидан тикилган. Эркакларнинг кийими замша ёпинчиқ ва юпкадан иборат.

Оёғига маҳси, тўпиғи ва белига гетра, узун юпка ва кўйлак кийганлар, ёпинчиқ кийганлар ва турли безаклар таққанлар.

Ирокез қабилаларининг жамоа уйлари бир неча оилага мўлжалланган бўлиб, тўғри бурчакли ёғочдан тикланиб дарахт қобиғи билан ёпилган. А.Морган таърифича бу «узун уйлар» 6-8 метр кенгликда, ички томони дахлиз билан иккига бўлинган, девор бўйлаб узунасига ярим метрга кўтарилган ёғоч супаларда эни 4 метр келадиган «хоналар» ҳар бир оилага ажратиб қурилган. Баъзан ундай уйларда бутун бир уруғ яшаган. Турмуш қурган янги келин-куёвларга шу уй ёнига янги хона қўшиб қурганлар. Дахлиз ўртасида тўрт оилага мўлжалланган бир неча ўчоқ ўрнатилган. Қозон меҳмондорчилик белгиси ҳисобланган. Ҳар қишлоқда мазкур «узун уйлар» сони 10-30 гача етган. Айрим алгонкин қабилаларининг уйлари эгилган махсус дарахт шохларидан гумбаз ёки тўртбурчак шаклида тикланиб ёғоч қобиғи ёки чипта билан ёпилган. Қишлоқдар 500 дан то 1000 кишигача етадиган аҳолига эга бўлган. Ирокезларнинг ижтимоий тузуми уруғчиликдан иборат бўлиб, бир неча қону-қариндош оилалар бир аёл бошчилигидаги жамоа(овачир)ни ташкил қилган. Овачир дастлаб умумий хўжаликка эга бўлган матриархат уруғ ҳисобланган. Никоҳ эгзогам тартибда бўлганлиги туфайли куёв болали бўлгунча айрим ўз уруғи билан яшаган, хотини олдиға фақат қоронғи кечаси борган. Мерос ҳам аёл уруғига ўтган. Қабилалар уруғларга бўлиниб, фратриал тартиб ўрнатилган. Уруғ ва қабилаларнинг катта ва кичиклиги қитъанинг шимоли-шарқий қисмидаги ўрмонларнинг шароитига мослашган хўжаликка боғлиқ бўлган. Асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер бутун қабила ва уруғники бўлиб, аммо ҳар бир овачирга тақсим қилинган. Кекса уруғ аъзолари муҳим масалаларни ҳал қилишда маслаҳатга тўпланишган. Уруғ оқсоқолларидан фратерий бошлиқлари тайинланган, улар қабила кенгашига тўпланиб очиқ мажлислар ўтказганлар.

Ҳинду қабилаларнинг жипслиги ирокезларнинг 1570 йилда пайдо бўлган машҳур «Бешта қабила иттифоқи» ёки «Ирокезлар лигаси»да ўз ифодасини топган эди. Бунга энг кучли қабилалардан бештаси қуйидагилар:

1. Могаук (Чакмоктош),
2. Онейда (Гранит ёки Ҳарсангтош),
3. Онондага (Тоғликлар),
4. Кайюга (Соҳилликлар)
5. Сенека (Буюк тепаликлар элати)

Иттифок 50 та уруғ оқсоқол(сахем)лардан иборат махсус умумий кенгашга эга бўлиб, унда уруш ва тинчлик, қабилалараро муносабатлар каби муҳим масалалар ҳал қилинган. Ҳарбий ишларни бошқариш учун кенгаш 2 та лашкарбоши сайланган. Ирокезлар лигаси жуда зўр кучга эга бўлган. XVIII асрга келиб унга Буюк қўллар атрофидаги бошқа қабилалар ҳам бўйсунган. Мустамлакачилар ҳам иттифокнинг фикри билан ҳисоблашганлар

ва ҳатто дипломатик муносабатлар ҳам ўрнатганлар (Англия ва Франция қироллари билан бўлган муносабатлар).

АҚШнинг мустақиллик учун олиб борган урушидан кейин Ирокез иттифоқи тугатилади. 1779 йилда бўлган урушда ирокезлар каттиқ мағлубиятга учраб ўз она ерларини ташлаб кетишга ва аста-секин махсус резервацияларга кўчишга мажбур бўладилар. Аммо айрим қабилалар фуқаролик урушини давом қилдирганлар. Уруғ-қabila муносабатлари емирилиб моногам оила муносабатлари пайдо бўлади, бир вақтлар дахшатли бўлган ирокезлар фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум ҳолда камбағал фермер ва ишчиларга айланадилар. Шимолий Американинг алгонкин ва мусгок тил оиласига оид қабилаларнинг ҳам тақдири фожиали тугаган. Мазкур қабилалардан ташкил топган иттифоқлар (айниқса кучли Крик Конфедерацияси) ҳам емирилиб, 1820 йилларда АҚШ ҳукумати томонидан улар ғарбий томондаги ноқулай жойларга зўрлик билан кўчирилган. Ирокезларнинг бир қисми Канадага кўчиб резервацияларга жойлашган.

Маҳаллий ҳиндуларнинг динлари ибтидоий эътиқодлар билан боғлиқ. Буларда кенг тарқалган тотемизм, шаманизмдан ташқари табиат кучлари, ўсимлик дунёси ва жониворлар билан боғлиқ турли анимистик тасаввурлар муҳим ўринни эгаллаган. Ирокезларда «Уч опа-сингил» (маис, ловия ва қовок) ибодати кучли бўлган. Улар йилни уч даврга бўлиб (овчилик, йиғим-теримчилик ва деҳқончилик фаолияти билан боғлиқ) турли маросимлар ўтказганлар. Энг катта байрам маросимлари қишнинг ўртасида нишонланган. Улар айнақса момақалдиروқ ва қуёшга сиғинганлар. Семинола қабилалари «сеҳри буюмлар»дан муқаддас тоғига итоат қилганлар ва шунга бағишланган йилда бир марта байрамлар ўтказилган. Чиппева қабилаларида ўсимлик ва ҳайвонларнинг арвоҳлари билан яқин алоқада бўлиш мумкин, дэран тасаввурлар кенг тарқалган. Уларнинг шаманлари дуогўйлик йўли билан яхши йўлни таъминловчи иримлар қилганлар, турли ўтлар билан касалликларни даволаганлар. Кейинги даврларда миссионерларнинг фаолияти туфайли маҳаллий ҳиндуларнинг орасида христиан дини кенг тарқалган. Ҳатто ибтидоий динлар билан христиан дин мазҳаблари арлашмасидан янги диний йўналишлар ҳам пайдо бўла бошлаган.

Халқ ижоди анча ривожланган. эртақ ва ашулаларда, тарихий афсона ва ривоятларда ҳиндуларнинг ҳаёти поетик тасвирланган. Машҳур Америка ёзувчиси Г. Лонгфелло ёзган «Гаявата тўғрисида қўшиқ» номли қисса ирокезларнинг бой эртақларига асосланган. Турли рақс ва ўйинлар, ҳайкалторошлик, тотемистик образларни тасвирлаш халқ ижодининг ажойиб намуналаридир.

Прерия (дашт) овчи қабилалари Узоқ даврлар Миссисипи дарёси тармоқларининг шимоли-шарқий қисмидаги ўзига хос табиатли бепаён дашти биёбон(прерия)да одам кам яшаган. Бу ерга XVIII аср

бошларидан Шимолий Американинг шарқий қисмида яшаган мустамлакачилар томонидан сиқиб чиқарилган ҳинду қабилалари Миссипини ғарбига кўчиб келиб, ўз навбатида маҳаллий кўп сонли ярим ўтроқ овчилик ва деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳолини сиқа бошлайди. Маҳаллий қабилалар аста-секин прерияга кўча бошлайди. Улар турли тил туркумига оид, айниқса сиу, алгонкин, юто-атцек ва атапаск қабилаларидан иборат бўлган. Мазкур элатлар тилларининг хилма-хиллигига қарамай, умумий маданий бирликка эга бўлганлар.

Мустақиллик учун курашдан кейин бошланган капитализмнинг гуркираб ўсиши натижасида кўшимча ерларга муҳтожлик пайдо бўлади. 1803 йилда АҚШ конгресси ҳатто ҳиндуларни шарқий минтақалардан ғарбга-Миссисипи орқасига кўчириш режасини тасдиқлаган. Бу режа 1816-1850 йилларда амалга оширилиб, Америка тарихида «ҳиндуларни кўчириш» даври деб аталган. Аслида ҳиндуларни зўрлик билан қabila бошлиқларини сотиб олиб ва маст қилиб турли найранглар билан шартнома тузиб «расмийлаштириб» она ерини ташлаб ғарбий дашт минтақаларига жойлаштиришга мажбур қилганлар. Шартнома тузишга қарши бўлган қабилаларга қарши «адолат урушини» эълон қилиб, қуроли кучи билан ҳайдаб чиқарганлар. Айниқса ҳозирги Жоржия, Мериленд, Жанубий Каролина штатларининг ҳиндуларини кўчириш ваҳшиёна зўрлик билан амалга оширилган. Крик, чокто, чикасо қабилаларни «кўз ёши йўли» деб аталган кўчиши Америка тарихини энг фожиали саҳифаларидан бўлиб, ҳинду халқига энг катта мусибат келтирган, йўлда очлик, совуқ ва зўрликдан минглаб кишиларни қирилиб кетишига сабаб бўлган.

Прерия ҳиндуларининг асосий касби ёввойи ҳўкиз (бизон) ларни ов қилишдан иборат бўлган. Бизон гўшти ва ёғи таомга, териси кийим, пойабзал ва чайлаларга ишлатилган. Ҳиндулар дастлаб пиёда, ит ёрдамида, қуролилардан ўқ-ёй баъзан найза билан жамоа бўлиб ов қилганлар. Шахсий ов қилиш ман қилинган, бу тартибни бузганларни қаттиқ жазоланган. Европаликлар келгандан кейин пайдо бўлган йилқилар XVIII аср ўрталаридан овчиларнинг муҳим ёрдамчисига айланади. Мустамлакачилардан ажралиб, ярим ёввойи ҳолатга тушган йилқи(мустанг)ни қайта қўлга ўргатиб, овда ва юк ташишда фойдаланганлар. Теримчилик, мойна ва қуш овлаш, балиқчилик ҳам муҳим соҳа ҳисобланган.

Металлни билмаганлар, ўқ-ёй ва найза учлари, болта ҳамда бошқа қуролиларни тош, ва суяк ва шохдан, уй-рўзғор буюмларини тери ва ёғочдан ясаганлар. Ҳайвонларни бутун ёз бўйи, баъзан бўри ёки бизон териси билан ниқобланиб, махсус тўр билан ёки чуқур қазиб ов қилганлар.

Уйлари кўчиб юришга мослашган, конус шаклида ёғочдан қурилиб, бизон териси билан ёпилган ва тўшалган. Уйнинг ўртасида ўчоқ-гулхан ёқилган. Ҳар бир оила ўзига айрим чайла қурган, қавму қариндошларнинг чайлалари бир-бирига яқин доирасимон ўрнатилиб, ўртада қabila кенгашига мўлжалланган махсус катта чайла қурилган.

Даштли овчи ҳиндуларнинг ижтимоий тузуми матриархатдан патриархатга ўтиш даврига тўғри келади. XIX аср охирларигача кўп қабилаларда матрилокал никоҳ тартиблари сақланиб келган. Европаликлар билан алоқаларнинг кучайиши, йилқичиликнинг пайдо бўлиши ижтимоий муносабатларнинг ўзгаришига жиддий таъсир қила бошлайди, ижтимоий табақаланиш ривожланиб ота уруғ ҳукмронлиги кучаяди. Овчиликда муҳим рол ўйнаган от бойлик белгиси бўлиб қолади. Юзлаб отларга эга бўлган жамоа аъзолари камбағал отсиз уруғдошларини эза бошлайдилар. Босқинчилик билан шуғулланувчи гуруҳлар пайдо бўлади, оқибатда уруш бойлик орттириш манбаига айланади. Ҳарбий ишга эътибор кучайиб, қabila бошлиғи қилиб машҳур лашкарбошларини сайлаш одат тусига кирган.

Маънавий маданиятда ҳам анча ўзгаришлар рўй беради. Кийимларга, уйларни бекитадиган териларга, уй-рўзғор буюмларига нақш бериш жуда ривожланган. Ҳар йили ўтадиган муҳим воқеаларни тасвирловчи пиктографик расмлар билан солномалар ёзиб борилган, ўзига хос календарга эга бўлганлар. Табиат кучларини илоҳийлаштирувчи арвоҳлар орасида ҳам табақаланиш натижасида энг муҳим ва иккинчи даражали авлиёлар пайдо бўлади. Энг катта маросимлар қуёш ибодати билан боғлиқ, ундан кейинги поғонада турган ер, сув, олов, ҳаво каби табиат кучларига ҳатто бизон, ит ва бошқа ҳайвонларнинг руҳларига сиғинганлар. Диний маросимларни ўтказишда дуоғўйлик ва табиблик билан шуғулланувчи шаманлар ажралиб туради. Бой фолкълор мотивлари ҳам диний ривоятлар билан суғорилган. Тасвирий санъат ривожланган. Чайлаларга ёпиладиган териларда, замш кийимларда ва бошқа буюмларда киши ва ҳайвон образлари реалистик равишда тсвирланган.

Даштли ҳиндуларнинг ерларини тортиб олиш XIX асрда кучайди. Капитализм кенгайиб ривожланиши натижасида бойликка ўч мустамлакачилар «ёввойи ғарб» деб ҳисобланган дашт минтақаларини босиб олиб, маҳаллий аҳолини ерларидан ҳайдаб, кўпчилигини қириб ташлаган. 1830 йилдан кўплаб кела бошлаган «оқ танли» овчилар милтиқ билан оммавий равишда бизонларни қириб (охирги ёввойи бизон 1881 йили ўлдирилган), ҳиндуларни асосий ҳаёт манбаидан маҳрум этиб, табиий ўлимга ҳукм қилганлар. Уларнинг барча қаршиликлари аёвсиз бостирилган. Тирик қолган ҳиндулар ноқулай унумсиз ерларга ҳайдалиб, резервацияларга жойлаштирилган.

Назорат саволлари:

1. Шимолий Америкада қандай ҳинду қабилалари яшаган?
2. Арктика овчилари ва балиқчилари ҳақида сўзлаб беринг.
3. Шимоли-ғарбий соҳил ҳиндулари қандай турмуш кечирганлар?
4. Ўрмон овчи қабилалари моддий маданияти қандай бўлган?
5. Калифорния ҳиндулари ҳақида маълумот беринг.
6. Шарқий ва Жанубий-Шарқий деҳқон ва овчилари ҳўжалиги қандай характерда бўлган?

9-Модул. 2-мавзу: Марказий Америка халқлари.

Режа:

1. Марказий Америка халқларининг географик жойлашиши ва этник таркиби.
2. Мексиканинг туб аҳолиси.
3. Майя давлати.
4. Чибча-Муисклар давлати

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР: Жаҳоннинг ҳазинаси, алмек, сапотек, тольтек, халач-виники, буюк одам, элдорадо, олтин одам, инка даласи, қуёш даласи, лотин америкаси, юкатан, шаҳар давлатлар, майя давлати, чибча-муисклар давлати.

Америка қитъасининг АҚШ билан Мексика чегарасидан жанубий қисмини одатда *Лотин Америкаси* деб атайдилар. Баъзан этнографик жиҳатдан Мексика, Марказий Америка ва Вест-Индия сифатида махсус минтақа қилиб ажратилган ва унга Мезоамерика (Ўрта ёки Марказий Америка) деб ном берилган. Бу ерда 30 та мустақил давлат ва бир неча ҳозиргача мустамлака ҳолатдаги мамлакатлар мавжуд. Лотин Америкаси 20,1 млн. кв.км. майдонни эгаллаган ва аҳоли сони 360 миллион кишидан ортиқ.

Лотин Америкаси давлатларини учдан икки қисмида испан тили расмий тил деб қабул қилинган. Бразилия (минтақа аҳолисининг қолган учдан бир қисми)да португал тили тарқалган. Фақат 3% аҳоли яшайдиган кичкина давлатларда француз (Гаити), (Гаяна, Тренидад, Барбадос, Ямайка, Багам ва бошқа оролларда) ва голланд (Суринам) тиллари ҳукмрон. Мамлакатлар тиллари ва тарихий тақдири билан умумийликка эга бўлсада ўзининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, этногеографик маданияти ва ҳўжалик хусусиятлари билан фарқ қиладилар. Масалан, Аргентина, Бразилия, Мексика ва Венесуэла анча тараққий қилган мамлакатлар қаторига киради. Аксинча энг кам ривожланган Гаити иқтисодий кўрсаткичларига қараганда юқорида қайд қилинган мамлакатларга нисбатан ўнлаб, балки юз хисса орқада қолган. Ёки энг катта территорияга эга бўлган Бразилия Салвадорга нисбатан 400 хисса кўп майдонни эгаллайди, қўшни Гаяна аҳолисига нисбатан 150 хисса кўпроқ аҳолига эга.

Лотин Америкаси аҳолисининг этник қиёфаси ҳам турлича. Узоқ йиллар давомида маҳаллий туб аҳоли билан келгинди европаликлар ва миллионлаб кул қилиб келтирилган африкаликлар авлодларининг аралашмасидан пайдо бўлган, ҳозирги мамлакатлар аҳолисининг ўзига хос миллий маданияти, меҳнат ва халқ ижоди анъаналарини шакллантирган. Минтақанинг ранг-баранг табиати, уларнинг ҳўжалик типлари маданият хусусиятларига зўр таъсир ўтказган. Ниҳоятда

зўр табиий бойликларга эга бўлган мазкур минтақани “**Жаҳоннинг ҳазинаси**” деб ҳам атаганлар.

Ҳинду қабилалари жаҳонда биринчи бўлиб картошка, помидор, макка, маниока, пахта, кунгабоқар, какао ва бошқа экинларни хонакилаштирган. Улар дастлаб каучук ширасидан фойдаланиш, кураре захарини олиш, медицинада фойдаланишни ўргатганлар, гамакни кашф қилиб жаҳонга ёйганлар.

Мексиканинг туб аҳолиси. Атцеклар ўзига хос суғориш ва мелиорация системасига асосланган деҳқончилик хўжалигини яратганлар, ловия, помидор, батата (ширин картошка), какао, тамаки ва пахта экканлар. Ер ўғитланган, йўнилган ёғоч билан ишлов бериб экилган. Махсус қамишдан сол ясаб, устига тупроқ тўкиб сузадиган оролчаларда деҳқончилик қилганлар. Пахта ва агава толасидан ип йиғириб турли мато тўқиганлар. Уй ҳайвонларидан ит ва курка сақлаганлар. Буғу, қуён ва ёввойи қушларни ўқ-ёй, найза, тузоқ билан ов қилганлар, қўл ва дарёларда балиқ тутганлар. Мис ва тошдан болта, найза учи ва пичоқлар, нақш берилган чархсиз сопол идишлар, олтиндан ҳар хил безаклар ясаганлар. Ҳунармандчилик ниҳоятда ривожланган бўлсада, аммо меҳнат тақсимооти бўлмаган. Зарур буюмлар ҳар бир оилада ишлаб чиқарилган.

Қудратли Атцеклар давлатининг пойтахти **Теночтитлан** катта қўлнинг ўртасидаги оролда қурилган ва ўзининг гўзаллиги, улуғворлиги ва ҳашаматлилиги билан испан истилочиларини ҳайратда қолдирган. Пойтахтни қўл соҳили билан учта 10 метр кенгликдаги дамба боғлаб туриб, иккита махсус тарнов орқали сув ўтказилган. Қўл атрофида асосий экин далалари жойлашган, қишлоқлар ҳам далалар билан ўралган.

Атцекларни уйлари одатда қамишдан қурилиб, деворлари лой билан сувалган, томи сомон билан ёпилган. Бой табақалар уйларини хом ғиштдан, текис томли, ички ва ташқи ҳовлили қилиб қурганлар. пойтахтдаги баъзи уйлар устунларга тикланган. перамида шаклида ибодатхона ва жамоа иншоотлари тошдан дабдабали қилиб қурилган, ҳайкаллар ва ўйма нақшли тошлар билан безатилган. Қишлоқ жамоаси (калпулли) умумий ерга эга бўлган ва бу ерларни айрим оилаларга тақсим қилганлар.

Эркакларнинг кийимлари этакли белбоғ ва ёпинчикдан иборат, аёллар юпка, энгсиз узун кўйлақлар кийганлар. Поябзал теридан тикилган ёки агавадан тўқилган сандалдан иборат. Кийимлари безатилган, билагузук ва булоқилар таққанлар, баданни бўяганлар. Таомлари ҳам турли хилда, ҳар хил зира аралаштириб, хушхўр қилинган. Тош ёрғич билан маккадан ун торттириб таом пиширганлар. Атцеклар шоколадни кашф этганлар. Аммо улар дастлаб «чоколатл» ни муқаддас ичимлик сифатида истеъмол қилганлар.

Атцек ва бошқа қабилалар мустамлака арафасида синфий жамиятга ўта бошлаган. Бутун ҳокимият ва бойлик зодагонлар ва коҳинлар қўлида бўлган. Давлат бошқарувига икки ҳоким сайланган, муҳим масалаларни қабила кенгаши ҳал қилган. Зодагон ва коҳинларга

ажратилган ерларни жамоа аъзолари экиб, йиғиб териб берган. Қулчилик одат тусига кириб, қуллар ҳарбийлардан ва қарздор уруғдошлардан тўлдирилган. Уларни ижтимоий қурилишларда, зодагон ва оқсоқоллар хўжалигида ишлатганлар. Қул савдоси кенг авж олган. Буйсундирилган қабилалар ҳам солиқ тўлаганлар. Савдо-сотик анча ривожланган. Какао уруғи ва тилла қум солинган найча пул вазифасини бажарган. Илк қулдорлик тузумига мос келадиган Атцек маданияти шаклланган. Толтеклар майя халқидан ёзувни, йил ҳисоби ва календарни, астрономия ва математик билимларни қабул қилганлар. Дин мустақил ажралиб чиқиб, диний масалаларни зодагон ва қоҳинлар бошқариб турган. Қуёш дуоси ва айниқса, қабиланинг уруш худосига бағишланган мураккаб ибодатлари ишлаб чиқилган. Катта маросимларда ҳатто одам қурбон қилинган. Бундан ташқари турли тотемистик ва сеҳргарлик тасаввурлар ҳам тарқалган.

Расмий маълумотларга кўра ҳозир Мексикада яшовчи аҳоли 70 млн. киши, шулардан ҳиндулар тахминан 30 %ни ташкил қилади, яъни 20 млн. гача етади. Марказий минтақаларда жойлашган, бир вақтлар кудратли халқ ҳисобланган Атцеклар бир миллион 300 мингдан ортиқ, жануброқда майя 650 мингга яқин, тоғ водийларида юқори маданият яратган сапотеклар 450 мингга етади.

Майя давлати эрамизнинг бошларида Юкатан ярим оролининг жанубий қисмида ҳозирги Гватемала территориясида бир канча майяда шаҳар-давлатлар пайдо бўлади. V-VI асрларга келиб бундай давлатларнинг сони яна ҳам кўпаяди ва шимолий минтақаларга тарқалади. Бу давлатлар ўзаро курашиб турганлар. Аммо жанубий давлат-шаҳарларнинг кўпчилиги XI асрга келиб бирданига бўшаб қолади. Юкатан ярим оролининг шимолида ўша даврда майя халқларининг бош шаҳри-**Майяпан** кучайиб, юксак маданият яратган кудратли давлатга айланади ва то испанлар истилосигача ўз ҳукмронлигини сақлаб келган.

Майя анча ривожланган деҳқончилик хўжалигига эга бўлиб, ўрмонларни тошболталар билан кесиб, дарахтларни куйдирганлар, қул босган далани ёғоч билан қовлаб уруғ сепганлар. Асосий экини маккажўхори ҳисобланган, ундан ташқари ловия, помидор, қалампир, қовоқ ва пахта экилган. Гўштга ит ва курка боқилган, бундан ташқари ов қилиб ҳам гўшт етказганлар. Балиқчилик ва асалчиликни билганлар. Майя ҳиндулари биринчи бўлиб какао дарахтини ўстириб, мевасидан ичимлик тайёрлаганлар.

Майя давлатида руда бўлмаганлигидан металл қуролларни, айниқса темир болта ва найза учлари, мис билан олтин қотишмасидан ёки соф олтиндан ясалган безакларни Мексикадан ва қўшни мамлакатлардан келтирганлар. Пахта ва агава толаларидан нозик матолар тўқиганлар, улардан ёпинчиқ ва бошқа кийимлар тикканлар, чархсиз сопол идишлар ясаб, уларга турли нақшлар

берганлар. Савдо-сотиқ анча ривожланган, ловия ва какао уруғлари пул вазифасини бажарган. Қул савдоси ҳам бўлган.

Қишлоқлар энгил тўқима ёпилган, чўққайган томли уйлардан ташкил топган. Қишлоқ марказида тошдан қурилган ибодатхона қад кўтарган, унда зодагон ва қоҳинлар яшаган. Жамоа ери уйланган эркакларнинг сонига қараб, яъни ҳар оилага уч йилгача тақсимланган. Зодагонларга ажртилган махсус далаларда жамоа аъзолари хизмат қилган ва ҳатто садақа бериб турганлар, урушда иштирок қилганлар. Солиқ тўлашдан бош товлаганлар худо йўлига қурбонлик қилганлар. Қуллар хўжаликда, жамоа иншоотлари, кўшк, саройлар ва йўлларни қуришда, юк ташишда ишлатилган. Қуллар асирлардан, қарздорлар, ҳукм қилинганлар ва ҳатто етимлардан тўлдирилган.

Майя давлати бошида чексиз ҳуқуққа эга бўлган ҳоким («халач-виник»-буюк одам) турган. Олий қоҳин унинг ўнг қўли ва маслаҳатчиси ҳисобланган. Халач-виник солиқ тўплаш ва қозилик қилиш учун қишлоқларга махсус бошлиқ (батаб) тайинланган. Астрономия ва бошқа билимларни яхши эгаллаган қоҳинлар катта обрўга эга бўлган.

Майялар юксак маданият яратган халқлардан. Улар ўзига хос ёзувни кашф этиб, ижобий билимларни чуқур эгаллаганлар. Айниқса аниқ билимлар, чунончи, астрономия ва математика ниҳоятда ривожланган, йил ҳисобини бир минутгача аниқлаб календар тузганлар. Уларда йил 365 кунга бўлинган, календар 20 кунлик ойдан ва 13 кунлик ҳафтадан иборат бўлган. Иероглиф сиситемасига асосланган майя ёзувларида қоҳинлар турли афсоналар, дуо ва тарихий солномалар ёзиб қолдирганлар. Шу ёзувда ҳар 20 йилда тарихий воқеалар баён қилинган махсус тош устунлар ўрнатилган. Ниҳоятда зўр санъат билан тасвирланган ўйма ва бўрттириб ясалган ажойиб расмли мураккаб ибодат ва фуқаролик иншоотлари ҳозиргача кишини мафтун қилади. Мазкур юксак маданият кўшни мамлакатларга ҳам зўр таъсир қилган.

Диний тасаввурлар, синфий муносабатлар муқаддаслаштирилган жуда мураккаб серҳашам маросим ва ибодатлардан иборат бўлган. Муқаддас китоблар фикус қобиғидан ишланган қоғозларга ёзилган ва рангли расмлар билан безатилган. Афсуски, деярли барча қўлёзмалар испан мустамлакачилари томонидан куйдирилган. Асосий эътиқодлари деҳқончилик билан боғлиқ аҳоли осмон, ёмғир, ўсимлик ва бошқа табиат ҳодисаларини ифодаловчи худоларга сиғинганлар. Коинот ва охират тўғрисида турли ривоятлар мавжуд.

Чибча-Муисклар давлати Майя давлатининг жанубида ҳозирги Колумбиянинг кўпгина қисмида чибча тил оиласига оид юқори маданиятли қабила ва элатлар яшаган. Уларнинг энг қудратлиси чибча-муиск халқи мустамлакачилар келиш арафасида синфий жамиятга ўта бошлаган, ривожланган маданиятга эга бўлган. Муисклар тропик деҳқончилик билан шуғулланганлар.

Маниока ва батата экинларини экканлар, коко дарахтини ўстириб меваси ва япроғидан наркотик ичимлик (наша) тайёрлаганлар. Озуқа учун овчилик қилганлар. Уй ҳайвонларидан фақат ит сақлаганлар. Экинлардан макка, картошка, ловия, помидор, пахта ва мевали дарахтлар экканлар.

Ишлаб чиқариш қуруллари тош ва ёғочдан ясалган мотиға, 1,2-2 метр узунликдаги найза, палахмон, болта ва пичоқдан иборат бўлган. Улар мис қуйишни билганлар, мис билан олтин қоришмасидан турли безаклар ва бадий буюмлар ясаганлар. Кулолчилик, йигирув ва мато тўқишни билганлар. Матодан этакли белбоғ, ёпинчиқлар тикканлар. Тўп газлама ва олтин тангача пул вазифасини бажарган. Савдо ривожланган.

Ижтимоий муносабатларда ота уруғи ҳукмронлик қилган, аммо матриархат қолдиқлари сақланган. Улар жамоа бўлиб жойлашганлар ва катта оилаларга бўлинганлар. Полигамия кенг тарқалган, зодагонлар ўнлаб хотин ва чўриларга эга бўлганлар. Қуллар пайдо бўлган ва синфий муносабатлар ўрнатилган. Бой табақалар безатилган кўшкларда, оддий жамоа аъзолари лой билан сувалган тўқима кулбаларда яшаганлар. Безакларни фақат зодагонлар тақишга муяссар бўлганлар. Айниқса бош ҳокимга итоат қилганлар, унга турли совға-саломлар келтириб ҳузурига кирганлар.

Ҳокимни сайлаш маросими турли афсоналар билан боғлиқ. Ҳоким смола суртилган баданига олтин қум сепиб, солга тушиб кўлнинг ўртасига сузиб бориб чўмилган. У худога атаб олтин ва зумраддан ясалган ҳайкалчаларни сувга ташлаган. Бундай ривоятлар муиск давлатини «Элдорадо» (испанча «зарҳалланган» ёки «олтин одам») деб ном чиқаришга ва мустамлакачиларни «олтинга бой» ўлкага кўплаб келишига сабаб бўлган.

Чипча халқларининг динлари деҳқончилик билан боғлиқ куёш, ой ва ер худоларига, аждодларининг арвоҳларига сиғинишдан иборат. Бойларнинг жасадлари мўмиёланган, хотинлари ва қуллари қатл қилиниб бирга дафн қилинган, қабрига қурул, қимматбаҳо буюмлар қўйилган. Коҳинлар бой табақалардан тайинланган. Табиблар даволаганлар ва фолбинлик қилганлар. Испания истилочилари тарқоқ чипча князликларини XVI асрнинг 1-ярмида босиб олиб, ўзига тўлиқ бўйсундирганлар.

Назорат саволлари.

1. Марказий Америка халқларининг этник тартиби қандай бўлган
2. Месиканинг туб аҳолиси ҳақида маълумот беринг.
3. Майя давлати аҳоли турмуши қандай этнологик хусусиятларга эга бўлган?
4. Чибча-муисклар давлати этнологияси ҳақида маълумот беринг.
5. Марказий Америка халқларининг ҳўжалиги қандай бўлган?
6. Марказий Америка халқларининг диний эътиқоди қандай бўлган?

9-Модул. 3-мавзу: Жанубий Америка халқлари.

Режа:

1. Инклар давлати халқлари этнологияси.
2. Тропик ўрмон зонасидаги ҳинду қабилалар.
3. Шарқий ва Жанубий Бразилия ҳиндулари.
4. Пампа ҳиндулари ва Оловли ерликлар.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР: Инк, кечуа, куско, такаля, 40 яқин экин тури, айлу, инка даласи, қуёш даласи, панчо, сарбакан, ботокуда, пампа.

Инклар давлати жанубий Америкадаги Анд тоғларининг ҳозирги Колумбия, Эквадор, Боливия, Перу, шимолий Чилида, яъни катта территорияда кечуа тил оиласига оид турли элатлар ва қабилалардан ташкил топган юксак маданиятли Инк давлати бўлган. Бу ерда I минг йилликда кечуа ва аймара тилларидаги кўплаб майда қабилалар яшайган. Ривоятларга қараганда, XIII асрларга келиб шу қабилалардан Куско воҳасида жойлашган Инклар кучайиб 1438 йилдан қабилалар иттифоқига бош бўлади ва олий каста деб танилади. Бошқа барча элатлар унга бўйсунуб солиқ тўлаб турганлар.

Инк давлатида аҳоли асосан деҳқончилик билан шуғулланган. Асли Анд тоғларида деҳқончилик хўжалиги милоддан аввалги III минг йилликда пайдо бўлган. Инклар милоддан аввалги VI асрда шаклланган чанапата маданиятини меросхўрларидир. Улар марказлашган суғориш системасини яратганлар, асосан макка, картошканинг кўп турларини етказиб, Европага биринчи шу ердан олиб борилган. Далалар тош билан бекитилган каналлар орқали суғорилган, сув омборлари тўлдирилган. Ерга жез учли маҳсус таёқ (такля) ва тош ёки бронза учли мотиға билан ишлов берилган, ҳосил жез ўроқ билан ўрилган. Умуман 40 яқин экин турларини билганлар.

Андлик ҳиндулар Америка қитъасига мансуб чорвачиликни билган ягона элатлардан ҳисобланган. Кечуа ва аймара халқлари лама ва алпака номли ҳайвонларни қўлга ўргатиб, юк ташишда фойдаланганлар. Гўшти, ёғ, териси, жуни ва суягидан хўжаликда кенг фойдаланганлар. Ламанинг ёввойи турини уч йилда бир марта мол қўраларга ҳайдаб, жунини олиб, кейин эркинликка чиқариб юборганлар. Гўштга денгиз чўчкаси ва ўрдакларни овлаганлар. Уй ҳайвонларидан фақат итни сақлаганлар.

Инк давлатида ҳунарманчилик ривожланган. Улар металлни руда конларидан қазиб олганлар. Мис, кумуш, олтин, симоб ва бошқа рангли металлларни, ҳатто жезни ҳам ишлаб чиқарганлар, турли қурол (ўроқ, болта, пичоқ), безаклар ва диний буюмлар ясаганлар. Чархсиз нақш берилган ажойиб сопол идишлар ва

хайкалчалар ишлаганлар, пахта ва жундан чиройли, нозик матолар тўқиганлар. Ҳеч қандай қоришмасиз йирик кесилган тош блоклардан дабдабали ибодатхона ва қасрлар тиклаганлар. Оддий кишиларнинг уйлари тошдан ёки хом ғиштдан қурилиб, қамиш ёки сомон билан ёпилган, ойнасиз ва чипта эшикли кичкина хоналардан иборат бўлган.

Инкларда ғилдиракли транспорт бўлмаса ҳам йўлларга катта эътибор берилган. Бизнинг давримизгача етиб келган денгиз соҳили ва этакларида қурилган тоғ йўллар, туннел ва кўприклар ҳозиргача кишини ҳайратда қолдиради. Улар энгил сол кемаларда узок масофаарга саёҳат қилганлар. Пулни билмаганлар, аммо натурал савдо-сотик ривожланган. Ҳокимлар энг моҳир усталарни пойтахтга тўплаганлар. Бўйсундирилган қишлоқдан ёш қизларни зўрлаб келтирганлар ва 4 йил давомида тўқимачилик ва бошқа касбларга ўргатганлар, кейин улар 30 ёшгача эрга тегмасдан инк зодоганларига хизмат қилганлар.

Асосий ижтимоий бирлик қишлоқ жамоаси (айлу) ҳисобланган. Ер бош ҳокимнинг мулки ҳисобланса ҳам, ҳар йили жамоа аъзолари(оилалар)га тақсим қилиб берилган. Олий ҳокимга («Инка даласи») ва қоҳинларга («Қуёш даласи») махсус ерлар ажратиб берилган, уни жамоа аъзолари ишлаб ҳосилини йиғиб берганлар.

Давлат тузуми ўзига хос деспотизмга асосланган кулдорлик, империя ҳисобланган. Инклар юқори табақа деб танилиб, меҳнатдан озод бўлиб бошқа қабилалар ҳисобига яшаганлар. Солиқдан кечуа қабиласи ҳам озод бўлган, бошқа қабилалар инкларга қарам бўлиб солиқ тўлаганлар, қул етказиб берганлар. Аммо уруғчилик муносабатлари (фратерийлик) сақланган. Инклар ҳатто кийим ва безаклари билан ажралиб, ҳукмрон кастага айланган, ҳокимлар ва қоҳинлар ҳам улардан сайланган. Олий Инка (Сана Инка) қуёш ўғли ҳисобланган, унга бошқалар итоат қилганлар. Инк давлатида политеистик (кўп худолик) динлар кенг тарқалган. Қуёшга ибодат қилиш энг муҳим ҳисобланган, Шунинг учун Сана Инка ҳам худо даражасига кўтарилган. Она ерга, табиатга сиғинганлар. Макка ва картошка худолари бўлган, аجدодлар арвоҳларига ҳам сиғинганлар. Катта байрамларда ёки офат келса асирлардан ёки буйсундирилган қабилаларнинг болаларидан қурбонлик қилганлар. Қоҳинлар диний маросимлардан ташқари астрономик кузатишларни ҳам бошқариб турганлар. Инкларда икки хил йил ҳисоби-Қуёш (366 кун) ва Ой (354 кун) календарии бўлган. Тарих ва генеалогия илми билан шуғулланувчи махсус донишманд (амута)лар бўлган. Табибликдан ташқари хиррургия тажрибасига эга бўлганлар, трепанация қилишни билганлар. Иероглиф ёзуви билан бирга ўзига хос рангли иплардан тизилган тугма ёзув ҳам бўлган. Аммо ноёб ёзув намуналарини испан истилочилари бутунлай йўқ қилганлар.

Испанлар Писарро бошчилигида инклар давлатини 1531-1533 йилларда талаганлар. Лекин мағрур инклар кўзғолон кўтариб қаттиқ қаршилик кўрсатганлар. Фақат 1572 йилда кўзғолон бостирилиб, бутун мамлакатни истилочилар эгаллаган. Ҳозиргача кечуа ва аймара халқлари ўз маданиятларини ва тилини сақлаб қолганлар. Улар бир неча мамлакатларга бўлинган. Масалан, кечуа халқлари 5 давлатда яшайди, айниқса улар Перу, Эквадор ва Чилида кўпроқ ўрнашган.

Чилининг жанубий минтақаларида бир неча группаларга бўлинган араукан қабилалари яшайди. Улар ҳам инклар сингари деҳқончилик қилиб картошка, маис, ловия, сули экканлар, чорвачилик ва термачиликни билганлар, қисман овчилик билан ҳам шуғуллаганлар. Кийимлари газламани иккига буклаб, ўртасини бош сиғадиган қилиб кесиб, ёпинчик (панчо) шаклида, унинг тагида теридан шим кийганлар. Ҳар хил чиғаноқ ва металлдан ясалган безаклар таққанлар. Ароуканлар қамишдан тўкилиб, лой билан сувалган конус шаклидаги сомон ёки қамиш томли уйларда яшаганлар. Ижтимоий тузуми матриархатдан ота уруғига ўтиш даврига тўғри келади. Улар инкларнинг қаттиқ таъсирида бўлиб, инк маданиятини кўп томонларини, жумладан, металл ишлаб чиқаришни, тугма ёзувни қабул қилиб олганлар. Чили давлати ароуканларини 1883 йилда катта куч билан ўзига буйсундирган. Сўнги давларгача улар баъзи жамоатчилик муносабатларини сақлаб келганлар. Ҳозир кўпчилик ароуканлар резервацияларга жойлаштирилган.

Тропик ўрмон зонасидаги ҳинду қабилалари Жанубий Американинг шимолий-шарқий ва марказий қисмларида мустамлака арафасида аравак, тупи-гуарани ва кариб тил оиласига мансуб турли қабилалар яшаган. Улар ниҳоятда қолоқ ибтидоий жамият даражасидаги ўтроқ элатлардир. Асосий касби тропик деҳқончилик бўлиб, майда бутазорларни тош болталар билан қирқиб, куйдириб, кул аралаш тупроқни ёғоч таёқ билан қовлаб макка, батата, ловия, тамаки ва пахта экканлар.

Амазонка ва Ориноко дарёларининг тропик ўрмонларида ов қилганлар, дарё ва кўлларда балиқ тутганлар. Тошболталар ҳам қурол, ҳам савдо воситаси ролини ўйнаган. Овда парли ўқ-ёй, суяк, чиғаноқ ва ёғочдан ясалган турли қуроллар ишлатилган. Маймун ва қушларни овлашда учи қураре номли ўсимлик захари суртилган бамбукдан ясалган пуфак найча қурол (сарбакан) ишлатилган. Умуман маҳаллий ҳиндулар зўр маҳорат билан ўсимлик захарларидан фойдаланганлар. Балиқ овида турли тўр ва сават ишлатилган, ёғочдан кичик кемалар ясаганлар. Балиқни ўқ-ёй ва санчқи билан ҳам овлаганлар.

Тўр тўкишда тропик ўрмон хиндулари зўр маҳорат кўрсатганлар. Ёғочга осиб қўядиган каравот-гамакни кашф қилиб бутун дунёга ном таратганлар, безгак касалини даволашда энг зарур дармон-хинин дарахтини кашф қилган ҳам хиндулардир. Улар доирасимон ёки тўртбурчакли палма япроғи ва бутоқлари билан ёпилган уйларда яшаганлар. Деворлари ҳам бутоқлар билан тўқилган ёки бўйра билан беркитиб устини лой билан суваганлар.

Амазонка ва Ориноко воҳаларидаги ҳиндулар уруғ жамоа бўлиб яшаганлар ва умумий хўжаликка эра бўлганлар. Оилалар матрилокал типдаги жуфт никоҳ тартибида бўлса ҳам группа никоҳ қолдиқлари сақланган. Ов қиладиган ва балиқ тутадиган умумий территория жамоа мулки ҳисобланган, овлаган нарсаларни тэнг тақсим қилганлар. Ҳар бир қишлоқ ўз-ўзини бошқарувчи жамоага эга бўлиб унга оқсоқол раҳбарлик қилган. Ҳар бир қабилада эркаклар иттифоқи мавжуд. Қабилалараро алоқалар табиий шароит туфайли унча мустаҳкам бўлмаган.

Диний тасаввурлари ҳам моддий шароитга боғлиқ бўлган. Теварак атроғдаги табиат яхши ва ёмон арвоҳлар билан тўла, уларни юмшатиш учун худойилар қилиб туриш зарур бўлган. Шаманизм кенг тарқалган, шаманлар арвоҳлар билан воситачи бўлибгина қолмай, табиблик ҳам қилганлар. Диний маросимлар ва байрамларда оддий мусиқа асбоблари (шоҳ, най) жўрлигида турли ўйинларга тушганлар, баданларини бўяганлар, қуш пати, ёнғоқ, тиш ва бошқа буюмлар билан безаганлар.

Европаликлар келиши билан тропик ўрмон ҳиндулари овга қулай жойларини ташлаб чангалзор ўрмонларнинг ичкарасига чекинишга мажбур бўлганлар.

Шарқий ва Жанубий Бразилия ҳиндулари Бразилиянинг қалин ўрмонларида ва қурғоқ ясси тоғлиқларида ботокуда, жес ва бошқа тил туркумига оид турли қабилалар яшаган. Улар деҳқончиликдан хабардор бўлса ҳам, асосан теримчилик, овчилик ва балиқчилик билан кун кечирганлар. Бир неча катта оилалардан ташкил топган локал группалар қирларда кичкина ерларда маниока, батата экиб ҳосилни йиғиб-териб олгандан кейин бошқа жойларга кўчиб теримчилик қилганлар. Уларнинг асосий қуролилари ўқ-ёй ва найза бўлган, аёллар оддий ёғоч билан ковлаб емишли илдизлар, уруғ ва меваларни терганлар, эркаклар буғу, страус ва бошқа ҳар хил майда ҳайвон ва қушларни овлаганлар, санчки ва тўр билан балиқ тутганлар, уларда тошдан ясалган болта ва пичоқлар ҳам бўлган.

Ботокуда қабилалари қароргоҳларида бутун группага мўлжалланган палма япроқлари билан ёпилган катта чайлалар тиклаганлар. Уларда сув сақлайдиган саватлар, махсус уй-рўзғор буюмлари бўлган. Улар кийимни билмаганлар, баданларини бўяб безаганлар, қулоғига зирак, лабига ёғоч халқа таққанлар.

Ижтимоий тузум кам ўрганилган бўлсада, мазкур қабилаларни уруғчилик тузумида яшаганлиги аниқ, улар дуал ташкилотга эга бўлганлар, группа никоҳи ва экзогамия, жамоада эса она уруғи тартиблари сақланган, аммо эркаклар иттифоқи ижтимоий ҳаётда муҳим рол ўйнаган. Улар қўшни тропик ҳиндуларидек табиат кучларга сиғинганлар.

XVIII-XIX асрларда бразилиялик ўрмон ҳинду қабилалари португаллар томонидан қирилган, резервацияларга кўчирилиб, очлик ва касалликларга чидамай ўлиб кетганлар. Иккинчи жаҳон

уруши арафасида ботокуда қабилаларида бир неча ўнлаб киши қолган бўлса, жес тил оиласига оид қабилалардан ҳеч ким қолмаган.

Пампа ҳиндулари ва Олоовли ерликлар. Жанубий Американинг жанубидаги кенг дашт минтақаларни одатда патагония, бепаён текисликларни пампа деб атайдилар. Бу территорияда ҳар хил тилда гапирадиган овчи қабилалар (асосан чон, араукан, техуелче) яшаганлар. Улар дастлаб пиёда, европаликлар келгандан кейин отда гуанака (ламанинг ёввойи бир тури)га ов қилганлар. Ов қуроллари ўқ-ёй, “бўла” (тери халтага тош солиб иккитасини арқон учига боғлаб полохмонга ўхшатиб ҳайвонга отганлар, оёғи ёки бўйнига ўралган бўла уни қўлга туширган) билан тез югирадиган гуанакани, страус ва буғуларни овлаганлар. Улар турли ўсимлик, уруғ ва илдизларни териб-термачлаганлар.

Пампа овчилари гуанака териси билан қопланган чайлаларда яшаганлар. Териларга ишлов берганлар, белбоғли ёпинчик кийганлар. Отни ёки гуанака терисини шилиб хомлигича махсига ўхшаш поябзал қилиб, совуқ ва ёмғир пайтларида устидан тери ковуш кийганлар. Шунга қараб испанлар пампа овчиларини «патагонлик» (катта оёқли)лар деб атаганлар.

Патагонликлар 30-40 оиладан иборат қавм-қариндошлар группасини ташкил қилган. Гурппа бошида оқсоқол турган ва жамоавий ўтказиладиган овни бошқарган. Қароргоҳлар патрилокал типда бўлиб, келин учун қалин тўпланган. Асосий мулки от ва қуролдан иборат бўлиб, эркакларга мансуб бўлган. Уй-рўзгор буюмлари энгил ёғоч ва теридан ясалган. Эри ўлган бева хотинга мерос қолмаган, ўликдан қолган барча буюмлар тарқатиб юборилган. Инициация маросимлари жуда тантанали байрам кийимларида (бўялган тери, пар, ҳайвон суяги ва шохлари билан), чайлаларни безатиб ва турли рақслар, ноғора ва сурнайлар билан ўтказилган.

Диний тасаввурлар тотемизм ва анимизм билан боғлиқ. Шаманийлик ҳам маълум, шаманлар вазифасини хотинлар бажарган, эркак шаманлар хотинча кийиниши шарт бўлган. Аждодлар арвоҳларига сиғиниш кучли бўлган.

XVIII аср охирларида мустамлакачилар Аргентина жанубидаги серҳашам даштларни эгаллашга киришиб пампа ҳиндуларини кириш сиёсатини амалга ошира бошлаган. 1878-1883 йилларда Аргентина ҳокимияти ўтгазган «жануб компанияси»да ҳиндуларнинг кўпчилиги қирилиб кетган, қолган озгина қисмини патагониянинг энг жанубига ҳайдаганлар. Асримизнинг бошларида бир неча ўн араукан ва пуелче вакиллари қолган холос.

Ўтган асрнинг ўрталаригача Оловли ер архипелагида ўна, алакулуф ва ямана номли қабилалар ибтидоий турмуш тарзини сақлаб қолганлар. Ниҳоятда оғир табиий шароитда яшаган мазкур қабилалар дайдичиликда гуанака, тюлен, балиқ ва қушларни овлаб, ҳар хил ўтлар ва моллюскаларни териб кун кечирганлар. Улар қароргоҳларда,

вақтинча тери ва дарахт қобиғи билан қопланган чайлаларда истиқомат қилганлар, ҳайвон териси билан кийинганлар, оловдан фойдаланганлар. Овчилик қуроли ўқ-ёй ва санчки, дарахт қобиғидан ясалган кичкина қайиқ бўлган.

Ямана қабиаларида қавм-қариндошлар группаси бир жамоа (уруғ) ҳисобланган ва уни «укур» деб атаганлар. Жамоа бошлиқлари жамоавий ов ташкил қилганлар, қўшни қабиалар билан мунозара юргизганлар. Қабиалар экзогам уруғ группаларига бўлиниб, уруғ ҳисоби ҳам она, ҳам ота томонидан белгиланган жуфт оила ҳукмронлик қилсада, полигам никоҳ тартиблари сақланиб қолган. Табиблар муҳим рол ўйнаган, улар касалларни даволаган, об-ҳавони айтиб берганлар. Тотемизм ва сеҳргарлик, ибодат ва арвоҳларга сиғиниш кенг тарқалган.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида, айниқса 1870-йилларида мустамлакачи-чорвадор европаликлар қўплаб кела бошлаган. Оловли ер нам, юмшоқ табиати билан қўйчиликка қулай бўлган, мустамлакачилар тез вақт ичида қўйчиликни ривожлантирган. Жамоа тартибларига ўрганган ибтидоий қабиалар қўйни ов қила бошлаганлар. Мустамлакачилар ўз навбатида ҳиндуларни чинакам овлашга ўтиб, ҳар бир ўлдирилган ҳинду калласига беш фунт стерлинг ҳақ тўлаганлар, Чилида эса бир фунт тўланган. Бундай ваҳшийлик сиёсати туб аҳолининг қисқа муддат ичида қирилиб кетишига сабаб бўлган.

Назорат саволари:

1. Марказий ва Жанубий Америка халқларининг этник таркиби қандай бўлган?
2. Инклар давлати қандай хўжалик соҳалари устун турган?
3. Тропик ўрмон зонасидаги ҳинду қабиалари турмуши ҳақида маълумот беринг.
4. Шарқий ва Жанубий Бразилияда қандай ҳинду қабиалари яшаган?
5. Пампа ҳиндулари ва Оловли Ерликлар қандай этник хусусиятлари билан ажралиб турганлар?

10-Модул: Европа халқлари этнологияси.

Режа:

1. Европанинг географик ўрни, табиати ва аҳолиси.
2. Антропологик ва лингвистик таснифи.
3. Европа халқларининг эътиқоди ва этник тарихи.
4. Европа халқларининг маданияти.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР: Европа, славян, роман, герман, кельт, бугдой, арпа, картошка, лавлаги, узумчилик, виночилик, чорвачилик, панталон, беретто, камича, католик, протестант, проваслав.

800 миллиондан ортиқ нуфузга эга ҳозирги Европа халқлари бутун жаҳон маданияти тарихида муҳим пол ўйнаган. Улар энг қадимги замонлардан юксак маданият яратган, айниқса кўхна Греция ва Рим даврларидан бошлаб деярли оламга тарқалган бугунги Европа маданиятига асос солган элатларнинг авлодларидир. Бу қадимий маданий мерос буюк географик кашфиётлардан кейин уйғониш даврларидан бошлаб капитализмнинг гуркираб ўсиши натижасида қайта тикланиб, бошқа қитъаларга ҳам тарқалган еди. Замонамиз маданиятини Европада пайдо бўлган қадимги ажойиб Греция ва Рим маданиятисиз тасаввур қилиш қийин.

Бутун ер юзидаги қуруқликнинг озгина қисми (4,9 млн. кв.км, яъни 4 %) ни эраллаган Ғарбий Европада 2013 йилги маълумотларга биноан 803 млн. киши, яъни тахминан жаҳон аҳолисининг 13 %и яшайди. Бу ерда ҳозирги даврда 50 дан ортиқ катта кичик халқлар мавжуд. Уларнинг этник қиёфаси ва хусусиятлари, иқтисодий ва маънавий тараққиёти табиий географик муҳит билан ҳам бевосита боғлиқ бўлган.

Табиий-географик жиҳатдан Европа қитъасининг геологик тарихи, рельеф ва иқлимнинг умумий белгилари, биологик бирлиги, сув ресурслари ва бошқа табиий шароитига қараб бир неча минтақага бўлинган. Этнографик нуқтаи назардан кейинги классификацияга биноан хорижий Европа асосан тўрт гуруҳга бўлинади: Шимолий Европа, Шарқий Европа, Ғарбий Европа ва Жанубий Европа. Тарихий жиҳатдан бу мамлакатлар ниҳоятда мураккаб турли воқеаларга бой тарихий даврларни босиб ўтган, жаҳон миқёсида Буюк географик кашфиётлар ва Уйғониш давридан, кейин бутун инсоният тақдирини белгилаб берган оламшумул ҳодисаларнинг сабабчиси ва гувоҳи бўлган. Аммо энг қадимий юксак маданият ўчоғи бу ерда эмас, эрамиздан аввалги V-III минг йилликларда Шимолий Африка, жанубий (ғарбий ва жанубий) Осиё территориясида пайдо бўлган. ўша даврларда Европада овчилик ва теримачилик билан шуғулланган ибтидоий қабилалар яшаган. Инсоният жанубий Европа ва унинг ўрта қисмини энг қадимий даврлардан ўзлаштира бошлаган. Кейинги асрда ўтказилган жуда кўп тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кўпчилик Европа мамлакатларида илк палеолит давридан одамлар яшаган. Франция ғорларида топилган тош қуроллар, археологларнинг таърифича, бу ерда кетма-кет палеолит маданияти шаклланиб келганлигини тасдиқлайди. Масалан, шелл, ашел ва мустье қуйи палеолит маданиятига оид (эрамиздан аввалги 400-300 минг йиллар муқаддам) гейдельберг ва неандерталлар яшаганлигини, кейин эса ориняк солютре, мадлен, юқори палеолит маданиятини яратган (эрамиздан аввалги 30-8 минг йиллар) қабилалар мавжудлигини исботлаб берган. Қуйи палеолит маданиятини

яратганлар тафаккурли одам (сапиенс) даражасига кўтарилган. Кейинги вакиллар деярли бутун Европага (шимолий қисмидан ташқари) тарқалган. Уларни антропологлар ирқий жиҳатдан ҳозирги европаликларга яқин кроманьон ирқий типи деб таърифлайдилар. Демак ҳозирги европаликларнинг бевосита аجدодлари тахминан эрамиздан аввалги 30 минг йиллар муқаддам пайдо бўлган. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, Европанинг жанубий минтақалари ҳатто антропогонез (одам ватанига) киради. Ибтидоий аجدодлар дастлаб йирик ҳайвонларни ов қилиб кун кечирганлар, ғорларда, чайла ва ертўлаларда яшаганлар, тошлардан, ёғоч ва суякдан турли қуроллар ясаганлар, теридан кийим тикишни билганлар. Улар кичик туркум уруғларга бўлинган, қояларга реалистик расмлар ясаганлар, турлича хўжалик типларини яратганлар. Масалан, Балтика бўйларида асосан балиқчилик (Маглемос маданияти), Шимолий денгиз соҳилларида денгиз теримчилиги (Кёккemedинг маданияти), ички ҳудудларда буғу овчилиги (Тарденауз, Свидер каби маданиятлари) хўжаликлари пайдо бўлган.

Европа маданиятининг кейинги ривожда неолит даври катта аҳамиятга эра. Эрамиздан аввалги IV-II минг йилликларни ўз ичига олган бу давр тош қуролларни ишлаб чиқаришнинг такомиллашиши, ўқ-ёйнинг кашф этилиши, қулолчилик ва тўқимачиликни пайдо бўлиши, аста секин деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликларининг вужудга келиши, ўтроқ аҳолига хос қишлоқларнинг ташкил топиши билан белгиланади. Турли минтақаларда хўжалик мутахассислаши анча кучаяди, маҳаллий табиий шароитга мослашган маданиятлар шаклланади. Аммо турли маданият яратган элатларнинг қайси тилларда гапирганлиги ҳозиргача ноаниқ. Фақат эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликдан бошлаб бутун Европа қитъасига Ҳинд-Европа тилларида гапирадиган қабилалар тарқала бошлайди. Улар аста-секин жанубда Болқон ярим оролини ва Крит оролини, кейин (эрамиздан аввалги I минг йилликларда) Италиянинг кўп қисмини эраллайди. Энг катта тўлқин (кельт қабилалари) Ғарбий Европага етиб ҳозирги Франция ва Бельгияга жойлашган. Пиреней ярим оролига келган кельтлар иберлар билан аралашиб «кельтибер» аҳолисига асос солган, Британия оролини эгаллаган.

Шундай қилиб Ҳинд-Европа тиллари эрамиздан аввалги II-I минг йилликларда бутун Европага тарқалган. Аммо бу тилларнинг асли келиб чиқиши қандай эканлиги ҳалигача қоронғи. Кейинги халқларнинг буюк кўчиши даврида Европа аҳолиси яна ҳам кўпроқ аралашиб кетган. Шарқдан кўчиб келган хуннлар, аварлар, булғор ва венгерлар маҳаллий ҳинд-европа халқларини ҳаракатга келтирган. ўша даврда герман қабилалари ғарб томон силжиб кенг территорияда жойлашган, Днепр ва Висла воҳаларида яшаган славян қабилалари эса Болқон ярим оролига ва Шарқий Европага кўчиб келиб ўрнашган. Бу этник жараён кейин ҳам давом етиб ҳозирги Европа халқларининг шаклланишига асос солган эди.

Европа халқларининг кўпчилиги Ҳинд-Европа тил оиласи-славян, герман, роман ва кельт тилларида гапирадилар.

1.Славян тил туркуми: ғарбий славянлардан чехлар, словаклар, поляклар, жанубий славянлардан серблар, болгарлар, хорватлар, словенлар, черногорлар, македонияликлар, боснийлар, шарқий славянлардан руслар украинлар, белоруслар киради.

2.Роман тил туркуми: жануб ва ғарбда яшовчи италянлар, французлар, валлонлар, испанлар, португаллар, руминлар киради.

3.Кельт тил туркуми: Бу тил туркумида гапирадиган элатларнинг авлоди ҳозир фақат Ирландияда, қисман Шотландияда, Англия ва Франциянинг Бретан ярим оролида яшайди. Кельтларнинг кўп қисми Рим империяси ҳукмронлик қилган даврда роман тиллари билан аралашиб, кейинчалик герман қабилалари тарқалиши билан герман тилига сингиб кетган.

4.Герман тил туркуми: Герман халқларига немислар, австрияликлар, голландлар, фламандлар, шведлар, норвеглар, данияликлар, исландлар, инглизлар ва қисман швецарияликлар киради. Ҳинд-Европа тилларида греклар ва албанлар ҳам гапиради.

Венгерлар ёки мадярлар, финнлар, соамлар ва лопарлар финноугор тил оиласига оид. Болқон ярим оролида яшовчи турклар ва гагаузлар эса туркий тилларда гапирадилар. Фақат Мальта оролида араб тили сақланган.

Энг йирик халқларнинг этник тарихи тўғрисида қисқача гапириб ўтиш зарур. Ғарбий славянлардан поляклар X асрларга келиб поляклар, вислаликлар, поморлар, мазовша ва силезияликлардан ташкил топган давлат территориясида халқ сифатида шаклланган. Ўша даврларда Буюк Моравия князлиги чегарасида чех, словак, морава қабилалари бирикиб ҳозирги Чех, Словак халқларига асос солган эди. Аммо XI асрларда словаклар венгер давлатига киритилади ва то XX асргача уларга бўйсунган. Чех ва морава қабилалари бирикмасидан ташкил топган чех халқи XIII-XVI асрларда немисларнинг мустамлакасига айланди, XVII асрлардан Австрия давлатига киради. Уша даврда уларга нисбатан мустамлакачилар немислаштириш сиёсатини амалга ошира бошлайди. Венгерлар ва славянларни мадярлаштиришга интилганлар.

Ҳозирги болгар халқи V-VI асрларда Болқонга келган жанубий славян қабилалари билан маҳаллий фракий аҳолиси ҳамда VII асрларда шарқдан босиб кирган ва ўз номини берган туркий тилдаги кўчманчи булғорларнинг аралашиб натижасида пайдо бўлади.

Жанубий славян халқларининг славян аجدодлари VII асрларда жуда кенг территорияда-Қора денгиз қирғоқларидан Адриатикагача-жойлашган. Улар қадимги маҳаллий иллирия ва фракиялик роман халқлари билан тўқнашиб қисман сиқиб чиқарган ёки аралашиб кетган. Аммо жанубий славян халқлари кетма-кет Византия, Венгрия, Австрия, Туркия давлатлари томонидан истило қилиниб, фақат 1918 йилда мустақил давлат бўлиб бирикадилар.

Эрамиздан аввалги I минг йилликка оид ёзма манбаларда тилга олинган Дунай қирғоқларида яшаган қадимий дакофракий қабилалари Рим империяси даврида романлаштирилган. Лекин халқларнинг буюк

кўчиши натижада руминларнинг маданиятида славянлар чуқур из қолдирган. Тил ва маданияти жиҳатидан анча ажралиб турадиган ҳозирги венгерларнинг аجدодлари асли Урал орқасида яшаган угор халқлари билан боғлиқ. IX аср охирида Паннонияда пайдо бўлган кўчманчи-чорвадор венгерлар маҳаллий турли элат ва халқлар билан аралашиб, ўзига хос этносни ҳосил қилади.

Ҳозирги энг катта миллатлардан ҳисобланган немисларнинг этногенезида қадимги элатлардан кельтлар, сўнгра сакс, бавар, тюринг, гесс, франк каби қабилалар муҳим рол ўйнаган. X асрда немислар мустамлакасига айланган Одер ва Эльба дарёлари бўйларида яшовчи славянлар ҳам немислар билан аралашиб кетиб, ўз маданий таъсирини ўтказган. Ўрта асрлар даврида тарқоқ ҳолатда яшаган немис халқи ўзига хос маданият яратган.

Герман тилига яқин инглизларни келиб чиқишида ҳам дастлаб Британия оролига кўчиб келган кельтлар, эрамизнинг биринчи минг йиллиги ўрталарида жойлашган кўп сонли герман қабилалари-англосакслар, юта ва фризлар, кейинчалик қўшилган данияликлар, норвеглар ва айниқса французлашган норманлар муҳим ўринни эгаллайди.

Француз халқининг шаклланишида ҳам кельт тилида гапирадиган галлар асосий рол ўйнаган. Улар эрамиздан аввалги I асрларда римликлар томонидан босиб олинган ва романлаштирилган. Кейин вестгот, бургунд ва франк каби герман қабилалари француз халқининг муҳим компоненти бўлиб роман элатлари билан аралашиб кетган, франк қабилаларидан эса француз халқининг номи келиб чиққан.

Италян халқига даставвал эрамиздан аввалги I минг йилликда Аппенин ярим оролига келиб жойлашган италий қабилалари, айниқса, лотинлар асос солган. Рим империяси емирилгандан кейин V асрлардан бошлаб бир неча юз йиллар давомида варвар қабилалари босиб келадилар ва юксак маданиятли италияликларга қўшилиб сингиб кетган. Эрамизнинг иккинчи минг йиллигига келиб, ҳозирги италян халқи шакллана бошлаган.

Пиреней ярим оролида энг қадимги аҳоли иберлар ва басклар яшаган. Улар билан эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда келган кельтлар, кейинчалик Рим империяси босиб олгандан сўнг лотин тилида гапирадиган элатлар аралашishi натижасида ҳозирги испан ва португал халқлари пайдо бўлади. Аммо ҳозир ҳам Пиренейда қисман Францияда яшовчи қадимий баскларнинг авлодлари ўз тилларини сақлаб қолганлар. Улар ўзига хос она тилидан ташқари қайси мамлакатда яшаса, масалан, Испаниядагилар испан тилини, Франциядаги басклар француз тилини ҳам тўлиқ эраллаганлар. Юқорида таъкидланганидек Европанинг этник қиёфасидаги миллий тузилиши мураккаб ва кўп асрлик жараён маҳсулидир. Ҳозирги даврда бу ерда 60 га яқин этнослар яшайди. Шулардан 38 таси, яъни 67,5 % бир млн.дан зиёд аҳолига эга. Европа халқлари бошқа қитъа халқларига қараганда миллий жиҳатдан олдинроқ шакллана бошлаган. ўтган асрнинг ўрталарига келиб кўпчилик халқлар

миллат сифатида асосан ўз миллий давлати чегарасида шаклланган. Айрим халқлар (масалан, италянлар ва немислар) XIX асрнинг 70-йилларига келиб, баъзилари (жанубий-шарқий Европадаги Габсбург ва Усманийлар империяси томонидан эзилиб келган элатлар) биринчи жаҳон уруши тугагач миллий шаклланиш жараёнини бошидан кечирган.

Европа аҳолисининг ярмисига яқини (Дания, Венгрия, Италия, Полша, Германия, Португалия, Исландия, Греция, Ирландия ва ҳоказо) бир миллатли, яъни 95% дан ортиғи асосий туб миллат вакиллари яшайдиган мамлакатлардир. Айрим давлатларда майда миллатларнинг йирик группалари жойлашган (Франция, Финляндия, Болгария ва Руминия), баъзилари эса кўп миллатли мамлакатлар қаторига киради. Масалан,

- Собик Югославия ҳудуди ўрнидаги давлатларда серблар, хорватлар, черногорлар, босний («мусулмон»)лар, славянлар, македонияликлар, албанлар, венгерлар;
- Бельгияда фламандлар ва валлонлар;
- Буюк Британияда инглизлар, шотландлар, ирландлар, уэлсликлар, галлар;
- Чехия ва Словакияда чехлар ва словаклар;
- Испанияда испанлар, каталонликлар, налсисийлар, басклар.

Европанинг турли қисмида, айниқса, черарадош минтақаларда, аралаш этник группалар, кўп миллатли минтақалар ҳам учрайди. Аммо кўп мамлакатларнинг миллий лингвистик тузилиши анча яхлит. Бир миллиардга яқин минтақа аҳолисининг асосий қисми (95%) Ҳинд-Европа тилларининг вакиллари бўлиб, улар тўртта тил оилаларига-герман, роман, славян ва кельт тилларига оид. Бу тиллардан энг каттаси 17 халқдан иборат Герман группаси бўлиб, унда 178 млн. га яқин киши гапиради ва у бир неча йирик шеваларга бўлинган. Нисбатан анча яхлит ҳисобланган Роман тил группасига кирадиган 15 халқлар (177 млн. киши) зич жойлашган. Славян тилларида (Ғарбий Европадаги ғарбий ва жанубий славянлар) гапирадиган 11 та элатларнинг сони тахминан 79 млн. киши. Жуда кам аҳолига эга бўлган кельтлар (7,4 млн. дан ортиқ) энг қадимий Европа халқларини авлодлари ҳисобланади.

Ҳинд-Европа тил оиласига кирадиган қадимги фракия (иллирия) ликларнинг авлодлари ҳисобланган албанлар (4,2 млн. киши) ва антик даврдаги юнонлар билан ўрта асрларда шимолдан кўчиб келган славянлар ва албанлар билан аралашиб кетган ҳозирги греклар (9 млн. дан ортиқ) мустақил группага ажралиб, тилида ва турмуш тарзида ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолганлар. Бутун Европага майда гуруҳларга бўлиниб тарқалган лўлилар (асли улар X-XI асрларда Ҳиндистондан келиб, XIV-XV асрлар давомида турли мамлакатларга жойлашган). Улар ҳам Ҳинд-Европа тилларининг вакиллари. Дайдичилик турмуш тарзига ўрганган лўлиларнинг кўпчилиги ҳозир Болгария, Руминия, Венгрия ва қисман Чехия ва Словакияда яшайди. Европа мамлакатларида яшовчи яҳудийлар асосан ўша мамлакатнинг тилида

гапирадилар, аммо диний ибодатда қадимий яхудийлар тили(иврит)дан фойдаланадилар. Бошқа тил оилаларининг вакилларидаан Урал тили оиласига оид (тахминан 18 млн.) учта халқ: финлар, венгерлар ҳамда кўчманчици лопар(саам)лар, туркий тил группасига тегишли Болқон ярим оролидаги усмон турклари ва гагаузлар ўз тилларида гапирадилар. Малта ва Сицилия жанубидаги Чоко оролларида аҳоли семит тил оиласига мансуб тунис шевасига яқин араб тил вакиллариدير. Аммо уларнинг тилларида италян ва инглиз сўзлари кўп учрайди.

Европада қадимий даврлардан маҳаллий табиий шароитга мослашган Европоид ирқининг ҳар хил типлари шаклланган. Аслида, бу ерда иккита ирқий тип фаркланади: оқ танли, малларанг сочли, мовий кўз белгилари билан ажралиб турган шимолий Европоид(блондин) ва қора сочли, қора кўзли типдаги жанубий Европоид(брюнет) типлари. Мазкур типларнинг ўрта типи (шатен) иккаласининг белгиларини сақлаган. Кейинчалик Европага мўғулларнинг кириб келиши айрим этносларда қисман ўз таъсирини қолдирган. Бунга Скандинавияда яшовчи монголоид белгиларига эга бўлган лопарлар мисол бўла олади. Кейинги йилларда Европа мамлакатларида, айниқса Англия, Франция, Германияда, кўплаб негроидлар пайдо бўлган. Уларнинг анча қисми маҳаллий халқлар билан аралашиб мулатлар группасини яратган.

Европа халқларининг хўжалиги ва маданияти. Ниҳоятда мураккаб этник жараён Европа аҳолисининг хўжалигида ва моддий маданиятида ҳам ўз аксини топган. Бу ерда яшовчи турли халқ ва элатлар ўзига хос умумий хусусиятлар билан бир қаторда умумевропа маданиятини яратганлар. Европа халқларининг хўжалик типлари деярли бир хил. Чунки бутун Европа асосан мўтадил иқлимли зонада жойлашган. Энг қадимий даврлардан неолит ва бронза замонида пайдо бўлган деҳқончилик хўжалиги барча халқ ва элатларнинг иқтисодиёти ҳамда турмушини белгилаб берган ва кўп асрлардан бериб хўжалик фаолиятини негизини ҳосил қилган.

Антик даврларда Европа ниҳоятда юксак хўжалик маданиятини яратган эди. Аммо варварлар истилосидан кейин Рим империяси емирилиб хўжалик ҳаёти бутунлай тушкунликка учрайди. Албатта ажойиб анъаналар замини кучли бўлганлиги туфайли қисқа муддат ичида ўрта асрлар экономикасида қайтадан тикланиш номоён бўлди. Масалан, Италия ва Жанубий Франция виночилиги, Англиянинг кўрғошин конлари, Венециянинг шиша ишлаб чиқариш саноати қадимий Рим ва Византия анъаналарини ўрта асрларда ҳам давом қилдирган. Лекин илк ўрта асрлардаги умумий иқтисодий тушкунлик XIV-XVI асрларга келиб муайян тарихий сабабларга кўра бутун Европада социал иқтисодий тарақиётини жуда тезлаштириб, хўжалик жиҳатдан бутун жаҳондаги мамлакатларга нисбатан олдинга ўтиб олиш имкониятининг яратиб берган эди. Шубҳасиз унинг иқтисодиёти юқорида қайд қилинганидек хўжаликда пешқадам бўлишига китъанинг қулай географик жойлашиши, кенг миқёсда денгиз соҳиллари ва жуда кўп қулай алоқа воситасини бажарувчи дарёлар, нисбатан бой табиий шароитнинг

мавжудлиги муҳим рол ўйнаган. Оқибатда Буюк географик кашфиётлардан кейин Европа мамлакатлари сўнгги тўрт аср давомида бутун дунёдаги хўжаликка бош бўлиб, жаҳон капитализмининг раҳбари бўлиб танилган. Фақат кейинги ўн йилликларда, чексиз мусибат, қирғин ва ҳаробалик келтирган иккинчи жаҳон урушидан кейин, жаҳон капиталистик хўжаликнинг авангард вазифаси АҚШ билан Японияга ўтган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европада бир неча мамлакатларни пайдо бўлиши унинг хўжалик тараққётига зўр таъсир кўрсатди. Иккита қарама-қарши социал-иқтисодий тузумларнинг хўжалик, даставвал саноат соҳасидаги жиддий мусобақаси ишлаб чиқаришнинг энг мураккаб халқ хўжалик ва социал вазифаларини ҳал қилишда ўзининг афзаллигини ёрқин намоёниш қилди.

Чорвачилик ҳамма халқлар орасида тарқалган. Италия, Карпат, Болқон ва Алп тоғли минтақаларида қўйчилик муҳим хўжалик соҳасидир. Скандинавия мамлакатларида, французлар, ирландиялар, валлонлар ва британларда қорамол чорваси ривожланган ва шу асосда сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш тараққий этган. Чорвачиликда асосан гўшт ва сут олинади, турли юқори сифатли маҳсулотлар етиштирилади. Кельт халқлари деҳқончиликда асосан ем-ҳашак етиштириш бўйича биринчи ўринни эраллайтиди. Ғарбий Европада буғучилик билан шуғулланадиган ягона халқ саамлар ҳозиргача ярим кўчманчи ҳолатда яшайди. Финларнинг ҳам анъанавий хўжалиги қорамол боқиш, гўшт-сут маҳсулотларини етиштиришдан иборат. Уларда экин далаларининг учдан икки қисми ем-ҳашак экинлари билан банд.

Денгиз соҳилларида яшовчи норвеглар, исландияликлар, голландлар, Ўрта ер ва Шимолий денгиз аҳолиси-немислар, инглиз, грек ва испанлар ҳаётида балиқчилик энг муҳим хўжалик соҳаси бўлиб, уларнинг асосий тирикчилик манбаидир. Қадимги даврларда катта рол ўйнаган овчилик ҳозир фақат спортнинг бир турига айланган. Ўрта асрларда феодаллар учун овчилик майишат ва лаззат манбаи ҳисобланган, деҳқонлар ундан маҳрум бўлган, у қонунлар билан чекланган. Ҳунармандчиликнинг бадий соҳалари ҳар бир Европа халқида қадимдан ривожланиб келган ва улар асосан шаҳарларда цех тартибида жойлашган. Қишлоқларда эса деҳқончилик эҳтиёжини қондирадиган касблар ривожланган. Капиталистик ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши билан йирик фабрика- заводлар вужудга келди.

Ҳозир анъанавий майда ҳунармандчиликнинг бадий соҳалари, масалан, кулолчилик, шиша ишлаб чиқариш, заргарлик, каштачилик, мусиқа асбоблари ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш, гилам ва палос тўқиш кабилар айрим мамлакатларда сақланган ҳолос. Норвеглар, шведлар, немислар, швейцарияликлар ва австрияликларда ёғоч

устунлар, эшик ром ҳамда уй-рўзгор буюмларига ўйма нақшлар бериш анча ривожланган.

Маиший турмушнинг анъанавий хусусиятлари кўпроқ уй ва уй-рўзгор буюмлари, кийим ва таомларида намоён бўлмоқда. Энг қадимий антик замонларда пайдо бўлиб ҳозиргача ўсиб келаётган шаҳарлар Европанинг ўзига хос маданиятини юзага келтирган ва бутун жаҳонга тарқатган. Европада урбанизациялаштириш туфайли шаҳарларда ҳозир бутун аҳолининг бешдан уч қисми жойлашган. Бельгия, Швеция ва Германиянинг шаҳар аҳолиси бешдан тўрт қисмини ташкил қилади. Жанубий Европа мамлакатларида саноат жиҳатдан кам ривожланган Португалия ва Грецияда бутун аҳолининг тахминан 40 %и шаҳарларда жойлашган. Айрим мамлакатларининг шаҳар аҳолиси иккидан бирнинг тўртдан уч қисмини, Германияда 76 %ини, Чехия ва Словакияда 67 %ни ташкил қилади. Айрим ўлкаларда шаҳар типига 5 минг аҳолига эга бўлган қароргоҳлар (Нидерландия, Австрия, Бельгияда), айрим жойларда эса (Германия, Франция ва Норвегияда) икки мингдан ва баъзиларида ҳатто 200 дан ортиқ аҳолига эга бўлган қишлоқлар (Дания, Швеция, Финляндия) киритилган. Европада қишлоқлар ҳам қадимий даврларда пайдо бўлган.

Улар ўзининг жойлашиши, қурилиш типлари ва планировкаси билан бир-биридан фарқ қилади. Тор, зич, тўп қилиб қурилган уйлардан иборат қишлоқлар ўтмишда жанубий Полшада, Германияда, Испанияда, Болқон ярим оролида ва бошқа ерларда пайдо бўлган. Чехларда, баъзан немис ва полякларда ҳам қадимги чорва аҳолисининг кўра теварагига жойлашганидек, марказида майдонли доирасимон қурилган қишлоқларни ҳали ҳам учратиш мумкин. Тўғри кўчали қишлоқлар ҳам бўлган. Айрим мамлакатларда уйлар йўл бўйида қурилган қишлоқлар, хутор типигаги айрим ҳовлили қароргоҳлар ҳам учрайди. Қишлоқ марказида қад кўтарган черков теварагида доирасимон шаклда тартибсиз қурилган уйлар ҳам сақланиб қолган.

Агар қишлоқларни қурилиш materialiга қараб классификациялаштирилса бутун Европани тахминан икки қисмга бўлиш мумкин. Жанубий қисмида уйлар асосан тошдан, шимолий қисми ёғочдан қурилган. Аммо шимолий Европанинг айрим мамлакатлари, масалан, Англияда, қадимдан тош уйлар, баъзан жанубда ҳам (айниқса ўрмонлар кўп бўлган даврда) Ўрта ер денгизи соҳилларидаги мамлакатларда, ёғочдан қурилган қароргоҳлар учрайди. Масалан, қадимги Грециянинг классик архитектурасида илгари ишлатилган ёғоч устунлар ўрнини тош устунлар эгаллаган ва ниҳоятда зўр саноат намунасига айланган. Тош қурилишнинг намуналари ҳозиргача Ўрта денгиз соҳилларидаги мамлакатларнинг баъзиларида ва Франциянинг ғарбий қисмида учрайди. Қишлоқлардаги замонавий уйлар шаҳарлардаги сингари пишиқ ғишт, бетон ва шунга ўхшаш ҳозирги қурилиш материалларидан қурилмоқда. Яшаш хоналарининг хўжалик хужраси билан бирлиги ёки хўжалик иншоотларининг айрим қурилиши билан бир

оз фарқ қилади. Масалан, Германия, Алп тоғлари ва жанубий Францияда асосан турар-жой ва хўжалик қурилиши бир жойда жойлашган. Скандинавия мамлакатлари, шимолий Франция, Болқон ярим ороли мамлакатларида хўжалик иншоотлари киши яшайдиган уйлардан айрим ҳолда қурилган.

Уйлар ҳам қурилиш материалларига, режаси ва томининг шаклига, яшаш ва хўжалик хоналарининг тузилишига қараб бир неча типларга бўлинган. Бутун Европада горизантал бир хонали планировкага эга уйлардан бир неча қаватдан кўп хонали дабдабали иморатлар кўп учрайди. Масалан, жанубий Европада, яъни Ўрта денгиз соҳилларига яқин минтақаларида тошдан қурилган катта икки-уч қаватли уйлар кенг тарқалган, одатда бундай уйларнинг пастки қавати хўжалик хоналари, Швецария, шимолий Италия, Словакия, Австрия, жанубий Германияда пойдевори тошдан, ўзи ёғочдан қурилган алп уйлари анча ажралиб туради. Хўжалик ва яшаш хоналари комплекс қилиб қурилган иморатларни Франкон ёки Юқори Немис уйлари деб атайдилар. Шимолий ва шимолий-ғарбий Германия, Дания ва Голландия томонларда бир қаватли, катта ҳовли ва дарвозали хўжалик қурилиш комплекси билан синч уйлар ёки ғишт билан қурилган Саксон уйлари ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Тоғлик минтақаларда ёғоч ва буталардан қурилган оддий уйлар ҳам учрайди. Умуман архаик қурилиш санъати асосан хўжалик хоналарида кўпроқ сақланган.

Уйларни жиҳозлаш миллий анъаналар билан боғлиқ. Умумий буюмлардан, ҳар хил ёғоч мебеллар, темир, шиша, чинни ва сопол идишлар, турли безаклар ва пардалар билан безаганлар. Европа мебел ва сервислари ҳозиргача жаҳон миқёсида замонавий маданий намуна бўлиб келмоқда.

Хорижий Европа халқларининг кийимлари энг оддий палеолит давридаги этакчалардан то ҳозирги замонавий кийимларгача бўлган даврни босиб ўтган. Энди бутун Европага тарқалган шаҳар сарполари деярли барча ерда миллий кийимларни сиқиб чиқарган, Европа костюмлари ўзини ноқулайлигига қарамай ҳатто иссиқ тропик мамлакатларга ҳам тарқалмоқда. Халқ кийимларини асосан байрамларда, фестивал ёки карнавалларда, хор ва ансаблларда учратиш мумкин. Илгари, айниқса ўрта асрларда ҳар бир табақа ўзининг кийим формасига эга бўлган. Ҳозир миллий, табақаланиш кийимларда сезилмайди, балки улар космополитик тусга кирган.

Албатта айрим халқларнинг қишлоқ аҳолисида шаҳар кийими кенг тарқалсада, миллий сарполар сақланган. Масалан, Италия қишлоқларида ҳалигача калта, тиззадан пастгача шим (панталон), оқ узун енгли кўйлак (камича), калта куртка (жакка) ёки енгсиз жилет (панчотто), бошига шилипа ёки беретто (ҳалтасимон телпак) киядилар. Аёлларда узун кенг юпка (чунна) ва этак (гребмуиле), каштали оқ кўйлак (камича), белгача калта кофта (корсетто) ва жилет (жакатто ёки жубетто), бошига рўмол (фатсолетто), Алп тоғларидатаги михли, ёғоч туфли ёки ҳом теридан тикилган енгил сандал (чочи)

кийилади. Француз аёлларининг кийимлари ҳам Италия аёлларникига ўхшаб кетади. Эркаклари эса узун тор шимлар, тик ёқали кўйлаklar, жилет ва бўйнига румол, фетра ёки сомон шилипа киядилар. Кейинги йилларда блузка кийиладиган бўлган.

Герман халқларида эркаklar энгли ёки энгсиз икки буклам матодан тикилган кўйлак, узун иштон камараста, тери кавуш кийилади. Аёлларнинг ҳам уст кийими икки буклам матодан тикилиб махсус фибула билан эгнига боғланган, кейинчалик кенг тикиладиган бўлган. Жанубий германларда энгил кийим, шимолда эса иссиқ ва қалин жун матодан корсаж, кофта, юпка-этак (фартук) тикканлар. Ҳозир ҳам Гессен (Германия) аҳолиси орасида бир ёки бир неча қаватли (баъзан йигирма қаватли) юпка кийилади. Франкония аёлларининг анъанавий кийимлари қизил ёки жигарранг матодан юпка ёки этаклар тикилиб кашталанади. Швецария аёллари аксинча қорамтир ёки франконлар сингари қизил рангли юпка ва фартук; кумуш безакли қора корсаж, кенг кашта энгли кофта киядилар. Норвегия аёлларининг байрам кийимларининг турлари 120 дан ортиқ. Бутун герман халқларида ҳозирги даврда умумий Европа кийимлари тарқалган бўлса-да, миллий элементлари (ранги, нақши, безаклари ва ҳ.к.) мустақам сақланган. Айниқса кельт элатларида байрам вақтида миллий сарполарга безаниш одат тусига кирган. Масалан, бретонликларда 66 тур аёл кийимлари мавжуд.

Ғарбий ва жанубий славянлар миллий кийимлари ниҳоятда ранг-баранг. Уларда илк ўрта асрлардан бошлаб аҳоли табақаланган ва табақаларга қараб кийимлари фарқ қилган. Ўтмишда эркак ва аёлларда кийимлари асосан канопадан тикилган тўғри ёки бурма ёқали кўйлак. Айрим халқлар (Маровия, Словакия, ғарбий Прикарпатье)да аёллар энгсиз, эгнига ип боғланган кўйлаklar кийган. Энг қадимий кийимлардан ҳозиргача этакча (фартук) сақланган. XIX аср биринчи чорагида славянларда Европа юпкаси кенг тарқалган. Қадимги славянларда устки кийим-ярим пўстин, кафтан, энгсиз жилет, ёпинчикнинг ҳар хил турлари мавжуд. Бош кийимларига қараб айрим этносларни аниқлаш мумкин (кенг славян тери телпаклари, турли рўмоллар, шилипа ва фескелар, жун мовутдан тикилган дўппилар). Поябзаллар турли хилда (бродния, тери башмоқ, юмшоқ тагли, таги ёғочли сандал, жунли ноговитса ва бошқалар). Ҳозир миллий кийимлар Марказий ва жанубий Европанинг айрим минтақаларида учрайди ва улар асосан санъат фестиваллари, фолкълор жамоаларининг бадий чиқишларида намоиш қилинади.

Ғарбий Европа халқларининг миллий хусусиятлари кўпроқ таомларда намоён бўлади. Масалан, роман халқларидан италянларда севимли таомлардан маккерон маҳсулотлари (паста) жуда кенг тарқалган. Уларда кундузги овқатга биринчи помидор қайласи ёки ёғ ва сузма, баъзан қийма гўшт солинган хўрда, деҳқон шўрваси (дзуппаси) га ловия ва сабзавот солиб пиширилади ва унга нон тўғралади. Кейин полента (маккажўхори аталаси), қовурилган сабзавот, салат, мева, сузма истеъмол қилинади. Кундузги овқатга албатта узум виноси ёки севимли

ичимлик кофе бериледи. Французларнинг миллий таомлари ниҳоятда бой ва ранг-баранглиги билан машҳур. Таомлари сабзавот ва емишли илдизли маҳсулотлар, қуён ва парранда гўшти, жанубда каптар гўшти муҳим ўринни эгаллайди. Анъанавий севимли таомлардан қайнатилган ўсимлик ёғига пиширилган гўшт билан бифштекс ва картошка, пиёзли қайнатма шўрвага пишлоқ солиш кенг тарқалган. Провансда қалампирли турли балиқлардан пиширилган шўрва (буябез) анча обрў қозонган. У ерда денгиз жонивори-улиткани саримсоқ ва нон билан истеъмол қилишни яхши кўрадилар. Жанубда ҳар хил зайтун ва дорилар таомга ишлатилади. Кунига икки марта таомга узум виноси бериш шарт. Умуман французлар вино истеъмол қилишда жаҳонда биринчи ўринни эгаллайдилар. Қадимги кельт халқлари, масалан, Буюк Британия кельт таомлари, Европа таомларида унча фарқ қилмаса ҳам, ўзига хос миллий таомлар, айниқса дон солиб пиширилган шўрвалар, сули аталаси гел ва ирландияликларда, балиқ ва сутли таомлар мавжуд. Улар шўрвага қўй ёки мол ичак-човоғи ва қатқоринларини солиб, сули уни билан пишириб (хаггис) қалампир, пиёз солиб ейишни яхши кўрадилар. Энг севимли ичимликлари пиво (эл) ва виски. Жанубий халқлар кўпроқ сабзавот (карам, помидор, саримсоқ, пиёз, сабзи, картошка) ва мевани кўпроқ истеъмол қиладилар. Венгерларда чўчка гўшtidан турли таомлар тайёрланади. Славян халқларининг таомларидан ҳамир овқат маҳсулотлари кўпроқ ўринни эгаллайди. Денгиз ва дарё соҳилларида яшовчи элатлар балиқдан турли хил таомлар тайёрлайдилар.

Кейинги икки минг йил давомида Европанинг диний урф-одатлари бир неча марта ўзгарган. XX асрнинг бошларигача бу ерда маҳаллий динлар тарқалган. Катта территорияни эраллаган Рим империясида (айниқса Италия ва Грецияда) анча ривожланган политеистик динлар ҳукмронлик қилган. Қадимги Римга баъзи шарқий диний (Исида, Митра каби бошқа шарқ худолари билан боғлиқ) ибодатлар ҳам кириб келган. Империя чегарасида жойлашган «Варвар» қабилалар орасида ибтидоий динлар тарқалган.

Рим империясининг емирилиши даврига келиб, эрамизнинг V асрлари охирида Европа динлари географиясида жиддий ўзгаришлар рўй беради. Эрамизнинг бошларида шарқий Ўрта денгиз соҳилларида пайдо бўлган христиан дини 4-5 асрларда империянинг кўпчилики минтақаларига, баъзи герман қабилалари ва ҳатто Ирландияга тарқала бошлаган. Аммо узоқ даврларгача қадимий маҳаллий динлар, айниқса қишлоқларда сақланиб келган. Фақат IX-X асрларда бутун Европа христианлашган. Лекин Пиреней ярим оролига VIII асрда араб истилочилари олиб келган ислом дини анча вақт ўз ўрнини сақлаб қолган. XV асрларда араблардан озод бўлган Пиреней қайтадан христианлаштирилган.

Европада христиан динининг тез тарқалиши асли феодализм тузумининг ташкил топиш жараёни билан боғлиқ эди. Дастлаб янги динга ҳарбий аристократия, княз ва қироллар ўтган, кенг халқ оммаси эски диний эътиқодларга итоат қилиб келган. Ҳукмрон табақага хизмат

қилаётган зиёлилар ва руҳонийлар меҳнаткаш оммани христианлаштиришни зўрлик билан ўтказишга ҳаракат қилган. Аммо христианлик ҳам яхлит дин бўлиб қолмади. У XI аср ўрталарида (1054 йил) икки қарама-қарши йўналишда-православия ва католицизмга (Шарқий ва Ғарбий) церковларга бўлинади. Шарқий (православ) церков ўз навбатида подшо ва императорларга бўйсунган ва бир неча миллий церковларга бўлинган. Феодал-крепостной тузумнинг тарихий халқаси ҳисобланган православ церковнинг бошида энг кучли **Константинопол патриархи** турган. Аксинча католицизм (ғарбий) церков марказлашган папа давлати бошчилигида Европадаги феодал тарқоқликдан фойдаланиб ўзининг қудратли ҳукмронлигини ўрнатади. У турли йўллар ва солиқлар билан катта бойлик орттириб бутун христиан дунёсини қўлга олишга, ўзининг руҳий ва сиёсий иродасини ўтказишга православ йўналиши илгари Византия империяси ва унинг таъсиридаги Европа қисми (Болқон ярим ороли ва рус давлати)га тарқалган, Европанинг бошқа минтақаларида католицизм ўз ҳукмронлигини ўрнатган.

XVI асрлардан бошлаб капиталистик муносабатларнинг ривожини, буржуа идеологиясининг ғалабаси натижасида ўрта аср схоластикасига, Рим католик черкови ва папа ҳукмронлигига қарши чиқа бошлаган. Янги оқим (протестантизм) турли диний эътиқод ва мазҳабларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Бундай янги йўналишлар Швейцариядаги Калвин, Германиядаги Лютер ва ҳоказолар фаолияти билан боғлиқ эди. Диний ибодат ва маросимларни анча оддийлаштирган, муқаддас китобларни миллий тилларга таржима қилган протестантлар айниқса Европанинг марказий ва ғарбий қисмида мустаҳкам ўрнашган. Католицизм эса Испания, Португалия, Италия, Франция, Ирландия, Бельгия ва Австрияда ҳукмронлик қилган. Полша, Чехия, Словакия ва Венгрия диндорларининг кўпчилиги католик динида бир қисми протестант динидадир. Швейцария диндорларининг 52 %и католицизм таъсирида бўлса, инглизлар орасида католиклар 7 %ни, шотландияликлар орасида 15 %ни, шимолий Ирландияда учдан бир қисмини ташкил қилади.

Протестантизм яхлит диний мазҳаб бўлмай, ундан лютеран, англикан ва калвинизм ажралиб чиққан. Ўз даврида мазкур мазҳаблар айрим сиёсий гуруҳларнинг манфаатини ифодаловчи куч сифатида намоён бўлган: Лютеранлик-феодал оқсуякларни, калвинизм-шаҳар буржуазиясининг, англикан черкови қирол ҳокимиятини муқаддаслаштирган.

Православ дини Византиядан чиқиб Европанинг шарқий ва жанубий-шарқий мамлакатларига, грек, болгар, гагауз, серб, жанубий албан ва румин халқлари орасига тарқалган. Ҳозир православ дини Грецияда ҳукмрон ва бу ерда унинг маркази жойлашган. Мамлакатларда православ черкови ўз давлатларининг тинчлик сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Ислом дини Европага дастлаб араб истилочилари томонидан келтирилган ва Пиреней яриморлига тарқатилган. Истилочилар ҳайдалгандан кейин XV асрларда христианлик қайта тикланган. Уша даврларда, яъни XIV-XV асрларда Усмон турклари Болқон ярим

оролени босиб олиб, аҳолининг анча қисмини мусулмонлаштирган ва империя вақтида ҳукмрон дин бўлган. Турклар зўрлик билан албанлар, қисман македонияликлар, болгарлар, Босния ва Герцоговина аҳолисини ислом динига ўтказган.

Бутун Европада дайдиб юрган лўлилар одатда асосий турар жойдаги динларга итоат қиладилар. Уларнинг орасида масалан, православ, католик ва мусулмон динига ўтганлар учрайди. Диндор яҳудийлар эса ҳозиргача ўзининг миллий дини ҳисобланган иудизмга риоя қиладилар.

Европа халқларида расмий черков динларидан ташқари энг қадимги, ҳатто ибтидоий эътиқод ва урф-одатлар ҳам қисман сақланиб қолган. Айниқса деҳқончилик билан боғлиқ бўлган ҳар хил русум ва расмлар, сеҳргарлик урф-одати ва иримлари ҳалигача учрайди. Ҳозир ҳам йил фасллари, экиш ва ҳосил йиғиш билан боғлиқ дабдабали карнавал байрамлар ўтказадилар, унда турли афсонавий образлар намоиш қилинади.

Албатта, энг таракқий қилган юксак маданиятли Европа халқларида профессионал ижоддан халқ ижодини ажратиш анча қийин. Чунки фолклорда ҳам, мусиқа ва тасвирий санъатда ҳам зўр маҳорат билан яратилган халқ ижоди намуналари жуда катта ўринни эгаллайди. Энг қадимги эртаклар, қаҳрамонлар ҳақида эпослар бадиий жиҳатдан профессионал ёзувчи ва шоирлар томонидан қайтадан ишлаб чиқилган. Ака-укалар Гримм, Гоффман, Андерсон, Селпа Лагерлеф, Оскар Уойлд ва бошқаларнинг эртаклари, ҳатто Гомернинг «Иллиада» ва «Одиссея»си, ўрта асрлардаги «Нибелунглар тўғрисида ашула», «Гудринг тўғрисида ашула», скандинавларнинг саглари, Карелофин эпоси, «Каливала» каби халқ достонлари аслида бадиийлаштирилган асарлардир. Тарихий воқеалар билан боғлиқ лирик эпик ашула (баллада)лар анча кейин пайдо бўлган, аммо жуда кенг тарқалган. Ҳозиргача етиб келган оилавий маросимларда айтиладиган ашулалар, севги куйлари ҳам энг қадимий фолклор намуналаридир. Фолклорнинг таркибий қисми ҳисобланган оммавий халқ театрлари ҳозирги даврда профессионал театр санъатига сингиб кетган. Европада дастлаб профессионал театр қадимги Грецияда (эрамиздан аввалги VI-V асрларда) диний маросимлар ва байрамлар муносабати билан пайдо бўлган эди. Уйғониш давридан бошлаб драма, трагедия, комедия анча ривожланган. XVI асрда дастлаб Италияда, кейин бутун Европада пайдо бўлади. Аммо Европа халқларининг кўпчилигида (поляк, чех, болгар, француз, италян ва бошқаларда) профессионал классик театр билан бир қаторда оммавий театрлаштирилган халқ ўйинлари ҳозиргача сақланиб келган. Бу ўйинлар катта диний ёки фасл байрамларида намоиш қилинади ва ниҳоятда ранг-баранг ўйин ёки кулги, ашула ва мусиқа садолари остида ўтказилади.

Ҳозирги профессионал классик театрда, кейинги йилларда пайдо бўлган романтик, натуралистик ва модернистик театрлардан ташқари оммавий театрлашган халқ томошалари анъаналари бутун Европа мамлакатларида сақланган. Масалан, поляк, чех, ва словакларда ярим диний, ярим дунёвий муқаддас байрам томошалари (полякларнинг «шапкаси», словакларнинг «бетлегмаси») ҳали ҳам кенг намоиш қилинади. Чехларда XVIII асрдан бери сатирик мавзуларда моҳир кўркмас аскиячи қаҳрамон Кашпарик образи яратилган. Кўғирчоқ халқ театри ҳозиргача сеvimли томошалардан биридир. Болгарларда янги йил ёки Масляница байрамларида махсус ниқоб(маска)лар ва кийимлар кийиб ҳушчақчақ шўх томошалар намоиш қиладилар. Швейцарияда эса Вильгелм Телли ва бошқа жасур қаҳрамонлар тўғрисида халқ тарихий драмалари қўйилади. Франциянинг турли провинцияларида ҳаваскор театрлар, Сицилияда ҳам кўғирчоқ театри омма орасида катта обрў қозонган. Қадимги баскларда диний ва тарихий мавзуларда халқ томошалари («пасторали») ҳам омма орасида кенг тарқалган.

Аммо кейинги йилларда кино санъати, радио ва телевидениенинг гуркираб ўсиши ва унинг таъсири натижасида асрлар давомида халқ севиб келган оммавий томошалар камайиб кетмоқда.

Назорат саволлари

1. Европада этнографик жиҳатдан неча қисмга бўлинади?
2. Европа халқларининг этник таркиби қандай?
3. Европа халқларининг антропологик тузилиши қандай бўлинади?
4. Европа халқларининг лингвистик тузилишини кўрсатинг?
5. Европа халқларининг келиб чиқиши тўғрисида қандай назариялар бор?
6. Европа халқларининг маданияти тўғрисида маълумот беринг.

11-Модул: Осиё ва Африка халқлари этнологияси.1-мавзу: Шимолий Африка халқлари.

Режа:

1. Шимолий Африка халқларининг этногенези ва этник тарихи.
2. Шимолий Африка халқларининг Антропологик ва лингвистик қиёфаси.
3. Шимолий Африка халқларининг маданияти.

ТАЯНЧТУШИНЧАЛАР: Африка Шимоли, араб, Мағриб, деҳқончилик, марокашлиklar, жазоирликлар, тунислик ва ливияликлар, Миср халқи, Судан халқи, Нил водийси ва денгиз соҳиллари, фаллоҳлари.

Африка Шимолида асосан араб тилида гапирадиган халқлар яшаганлиги учун араб Африкаси деб аталганлар. Аслида бу Ердаги халқ ва элатлар қадимий абориген аҳолининг авлодларидир. Ҳозирги даврда Шимолий Африка халқларига Миср, Судан ва катта Мағриб

(Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия, Мавритания, Ғарбий Саҳрои Кабир) аҳолиси киради.

Қадимий Йунон муаллифларининг асарларида Мағриб аҳолисини ливияликлар, деб тилга олинади. Уларнинг бир қисми кўчмачилик билан тирикчилик қилиб келган қабилалардан, иккинчи қисми деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳолидан иборат бўлган. Улар эрамиздан аввалги II минг йилликда финикияликлар Шимолий Африка соҳилларига асос солган Утику, Карфаген каби давлатлар билан ўз мустақиллиги учун урушлар олиб борганлар. Ливиялик қабилаларнинг тинимсиз курашлари Нумидия ва Мавритания давлатларини Йўзага келтирган еди. Рим империяси Карфагенни қўлга киритиши билан (эрамиздан аввалги II аср ўрталари) бу икки подшолик ҳам Емирилади. Шу билан латин манбаларида ливия ва нумидия номлари ҳам йўқолиб, маҳаллий аҳоли маврлари ва кейин араблар келиши билан барбарлар деб атала бошлайди.

Бу даврда барбар қабилалари икки гуруҳни ташкил қилган: Занота ва Санхаж. Занота қабилалари Жанубий Мағрибда асосан даштларда, воҳа ва ярим даштларда жойлашган кўчманчи-туякаш аҳолидан иборат. Санхаж барбарларининг коопчилиги аксинча ўтроқ деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланганлар. Айниқса XII асрдан бошлаб арабларнинг сулайм ва хилол қабилаларининг Мағрибга оммавий кўчишлари натижасида барбарларни араблаштириш кучаяди. Мағрибни тўлиқ ўзига буйсиндирган Араб феодал давлатларининг (халифалик, идрислар аглабийлар, ғатимийлар, алморавийлар ва ҳ.к.) жиддий солиқ ва диний сиёсатларнинг амалга оширилиши натижасида араб тили ва исломдиникенг тарқалган еди. XIII асрда Шимолий Африкада (ҳозирги Мағриб чегарасида, Яъни Марокаш, Жазоир, Тунисда) учта феодал давлатлар — Маринийлар, Зайянийлар Хағсидийлар пайдо бўлиб, тоXVII асргача, Яъни турк истилосигача сақланиб келган.

Мазкур тарихий жараён негизида барбар ва араб қабилаларининг аралаш иши натижасида мағриб халқлари-марокашликлар, жазоирликлар, тунислик ва ливияликлар кейинчалик мустамлакчиларга қарши фаол миллий озодлик курашига тортилиб ҳозирги миллатлар шакллана бошлаган еди.

Миср халқи энг қадимий Юксак маданият яратган этнослардир. Мисрликлар эрамиздан аввалги IV минг йилликлардаёқ суний суғоришга асосланган деҳқончиликни билганлар. Археологик кашфиётларга ва хронологик далилларга қараганда (тўлган ибтидоий кишиларнинг суяк қолдиқлари асосида) Антропологик жиҳатдан Мисрнинг энг қадимий аҳолиси эрамиздан аввалги III минг йилликда Нил водийсида пайдо бўлган дастлабки Миср давлатининг аҳолисидан фарқ қилмайди. Ҳозирги мисрликлар буюк маданият яратган аجدодларидан иркий жиҳатданкам фаркланадилар. Албатта уларнинг этник тузилишида эрамиздан аввалги II минг йилликўрталарида Мисрни босиб олган ерон истилочилари, кейин македониялик Искандарнинг истилоси туфайли

уни йунон ва рум маданияти таъсирига ўтиши ўз изини қолдирган еди. VII аср ўрталарида Мисрни босиб олган араблар туб маҳаллий аҳоли билан аралашиб, унга ўз тили ва динини сингдира бошлаган. Мазкур жараён кетма кет ҳукмронлик қилган Омейялар, Аббосийлар ва Фотимийлар халифалиги, Аййубийлар давлати даврида анча кучайиб ҳозирги миср халқининг шаклланишига замин яратган еди. 1517 йилда Мисрни Туркия босиб олиб, то XIX охириларигача ҳукмронлик қилган. 1882 йилги Англия истилоси натижасида Миср мустамлака қилиниб, инглиз капиталистларининг пахта плантациясига айланади. Турли найранглар ва Шартномалар билан Буюк Британия қадимий Мисрни ўзига тўлиқ бўйсундиришга интилиб келган. Тинимсиз мустақиллик учун олиб борилган кўп йиллик кураш натижасида мисрликлар миллат шаклида Етишиб иккинчи жаҳон урушидан кейин мустақилликка еришган еди. 1952 йил 1-Июль ойида қирол Фаррух тахтдан ағдарилиб Миср Республикаси деб эълон қилинди, ҳозирги миср миллиннинг шаклланишига кенг имконият яратилди.

Мисрдан Жанубда жойлашган Судан халқи ҳам миллий озодлик курашига фаол тортилиб, 1956 йили 1-Январь куни мустақилликка еришган ва Ўз давлатини республика деб эълон қилган. Суданликлар (қадимги Нубия) мисрликлар сингари Ўқори маданият яратган элатлардан. Нубия тўғрисидаги дастлабки маълумотлар эраиздан аввалги III мингйилликларда Миср солномаларида тилга олинди. Эраиздан аввалги XVII-XIX асрларда ҳатто Нубиянинг анча қисми Миср провинцияси ҳисобланган. Бир-икки асрдан кейин бу Ерда мустақил Наъата давлати пайдо бўлди ва эраиздан аввалги IX асрга келиб Нил водийсини босиб олиб, қисқа давр ичида Миср устидан ҳукмронлик қилади. Кейинчалик Суданда кулдорлик Мероэ давлати ташкил топади. Эраизнинг VI асрларида христиан дини тарқалиб, ўрта асрдаги Нубия давлатининг расмий дини деб эълон қилинади. Бу Ерда араблар XIII асрдан бошлаб бир-икки аср давомида аста секин араб тилини тарқатиб, христианликни сиқиб чиқаради, ислом дини ҳукмрон бўлади. Арабланиш ва исломни сингдириш анча қийинчилик билан ўтган. Шарқий Судандаги Сеннаре ва Дарғуре султонликларида араб тили узок давларигача фақат мусулмон алломалари, сарой ва зодагонлар тили бўлиб келган, аҳолини кўпчилиги XIX аср бошларида ҳам ўз она тилида гапирганлар. Судан мусулмон султонликларида XVII-XVIII асрларда кулдорлик тўзими сақланиб феодализм муносабатлари ривожлана бошлаган деҳқончиликка ўтган давлатлар еди. ўтган асрнинг ўрталарида Шарқий Суданни миср лашкарлари истило этган. Нилнинг ғарбида араб тилида гапирадиган баккара, табибиш ва кушит тилидаги айрим кўчманчичи қабилалар, Шарқий қисмида жойлашган ўтроқ араб қабилалари ҳозирги шаклланиб келаётган судан халқининг таркибий қисмига айланган.

Шимолий Африка халқларининг хўжалиги Жаҳондаги энг қадимий деҳқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ бўлиб, унинг ажойиб аъналари ҳозиргача Етиб келган. Аммо деҳқончилик билан

чорва хўжаликларининг нисбати турли минтақаларда Ўзаро фарк қилади. Нил водийси ва денгиз соҳилларидаги серунум Ерларида асосан деҳқончилик, саҳро ва ярим дашт минтақаларида эса айрим кўчманчилик, асосий хўжалик тармоғи бўлиб ва дарё ва денгиз соҳилларидан узоқлашаган сайин чорва деҳқончиликтан устун туради. Агар Мисрликлар ва суданликлар узоқ даврдан бошлаб суғорма деҳқончилик билан шуғулланган бўлса, Жанубий Суданда мотиға деҳқончилиги билан балиқчилик. Мағриб мамлакатларида (айниқса қирғоқ бўйи ва Атлас тоғларида) деҳқончилик билан боғдорчилик ва сут чорвачилиги, беъаён саҳро минтақаларида фақат майда чорвачилик билан кун кечирганлар. Йирик чорва яловлари жуда кам бўлганлигидан чорвачилик унча ривожланмаган, кўп жойларда қорамолдан ишчи кучи сифатида фойдаланганлар.

Тарихий-Этнографик нуқтаи-назардан Миср деҳқончилиги муҳим аҳамиятга эра бўлиб, униўрганиш умуман деҳқончиликнинг келиб чиқиши ва тараққиётининг билишига имкон бэради. Бу Ердаги деҳқончилик энг қадимий неолит даврида пайдо бўлган ва қисман ҳозиргача сақланиб келган суний суғориш системаси Йўқори Мисрдаги дарё тошқинларидан фойдаланиб екин екиндан иборат. Нил водийсида илгари бир неча минг гектар майдонни участкаларга бўлиб, рош билан чек солган ва 2 метргача Етадиган дарётошқини Шу Ерларни тўлдириб бир ярим ойгача сув сақланган. Сув сингиб қайтгандан кейин ажралган Ерларда Нилнинг серунум лойқасига уруғ сеъилган. Одатда буғдой, арпа, ловия ва бошқа екинлар еқилган ва қиш бўйи Ўсиб, ёзга бориб ҳосил олинган. Бундай усулдан ҳозир кам фойдаланилади, асосан бой помеШШик ва капиталистларнинг Ерларидан Шу система ишлатилади. Оддий деҳқон (фаллох)лар ўз Ерларини примитив усулда, кудукдан пақир билан сув чиқариб (Шадуф орқали) ёки махсус механизм-Хоразм чиғирига ўхшаш ҳайвон кучи билан ҳаракатга кельтирадиган сакия орқали суғориб деҳқончилик қилганлар.

XIX асрга келиб суғориш системаси анча ривожланган, Мисрни Англия ўзининг текстил саноатининг пахта базасига айлантириш мақсадида фаллохлар кучидан фойдаланиб, аср бошларидан екин далаларини кенгайтирган, плотиналар ва янги каналлар қурдирган. Суданда ҳам оқ Нил ва кўк Нил оролидаги Гезирада доимий суғориш системаси курилиб серунум Ерларда мустамлакачилар пахта плантатсияларини яратганлар.

Йил бўйи суғориш имконияти пайдо бўлиши билан қишлоқ хўжалик екинларининг турлари ҳам кўпайган. Ананавий дон, ловия ва пахта екинларидан ташқари фаллохлар Шоли, шакарқамиш, макка, сули, зотир турли сабзавот ва полиз екинлари, молга Ем учун беда (берсин)қабиларни екканлар. Ерни хайдашда қадимий темир, учли омон ишлатилган, унга хўкиз, қўтос, еШак, хачир ёки туя қўшилган. Ерга ишлов беришда мотиға (кетмон) дан

фойдаланилган, хосилўроқбиланўрилган ва махсус хода ёки чанага ўхшаш ёғочга ишчи ҳайвон қўшиб Ян чилган. Агар Мисрда асосан дон, пахта ва сабзавот екилса, Марокашда макка, Тунисда зайтун дарахти, Жанубий Маврда хурмо екилган, денгиз соҳилларида боғдорчилик ривожланган, бу Ерда узум, анжир, бодом, тситрус ўсимликлар ва сабзавотлар ўстирилган.

Мисрдеҳқончилиги қадимий ананага биноан 3 ғаслга бўлинган: қишки (Шитви), ёзги (сайғи) ва Нилнинг тошқин даврига тўғри келган кузги (нили). Шитви (ноябр, март) фаслида буғдой, арпа, пиёз, ловия ва берсин (беда) екилган, сайғи (апрел, августда) пахта, зиғир, кандир, шакарқамиш, Шоли ва макка, Нил тошқини даврида (сентябр, ноябр) да асосан Шоли, макка ва сули екилган.

Шимолий Африканинг қишлоқ аҳолиси қадимдан турли уй ҳунармандчилиги билан шуғулланганлар. Улар қўлда ва чархда сопол буюмлар ясаганлар, бўйра ва чипда тўқиганлар ва ҳоказо. чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли эса жумладан ҳар хил мато, гилам тўқиганлар, кигиз, тери поябзал, каби зарур буюмлар ишлаб чиқарганлар. шаҳарларда йирик ҳунармандчилик, айниқса, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, кўнчилик, қўлолчилик анча ривожланган. Саноат кейинги йилларда ўса бошлаган.

Арабларнинг моддий маданияти жуда коп умумийликка эра бўлсада, айрим ўлкаларда ўз хусусиятларини сақлаб келган. Миср фаллоҳлари кичик қишлоқда Нил водийсининг суғориладиган жойларда яшаганлар. Улар хом ғиштдан ёки гуваладан бир қаватли текис томли уй қурганлар. Деҳқонларнинг уйлари асосан бир ҳужрали тўртбурчак ойнасиз ва туйнуксиз, айримларини суффали печка (мўрисиз учоқ тезак билан ёқилади) эраллаган бўлиб, Шунга тўшалган бўйрада ётиб турилади. Бойлар катта ҳовлида яшаганлар.

Ўтроқ, Мағриб аҳолиси катта йўл бўйидаги қишлоқдарда тартибсиз жойлашган сомон аралаш лойлардан тўғри бурчак шаклида қурилган текис томли уйларда яшаганлар. Атлас тоғларида уйлар тошдан қурилган. Қишлоқ жамоа (жамоа) дан иборат бўлган. Мағриб аҳолисининг тўртдан бир қисми шаҳарларда яшаган. Баъзи шаҳарларда ҳозиргачаўрта асрлардаги қинғир-қийШик, тор кўчалар ичкарига қаратилган ҳовли, баланд деворли 1-2 қаватли уйлар, минорали мачитлар, марказида ҳунарманд ва савдогарлар расталари жойлашган, бозорлар сақланиб қолган. Дашт кўчманчичи қабилалари жазирама иссиқ ва изғирин Шамолдан сақланиш учун кўчишга қулай жундан тўқилган мато ёки кигиз ёпилган чодир (ғалиж) ларда яшаганлар.

Фаллоҳлар оғир турмуш Шароитларда оғиртурмуш ўтказадилар. Уларнинг таомлари асосан макка, сули ёки тарикдан ёпилган чучук нон ва атала, пиёз, қалампир ёки бодринг, баъзан қурт истеъмол қиладилар. Денгиз соҳили ва Нил водийсидагилар балиқ қовуриб Эранлар, гўшт кам ишлатилган. Сабзавот ҳам

истеъмол қилганлар, овқатланиш 3 маҳал, иссиқ овқат одатда кечки пайт Ейилади. Ичимликлардан қандсиз қора кофе, аччиқ чой, арпадан тайёрланган ъво. Мағрибда сабзавот ва мева кўпроқ истеъмол қилинган. Африка арабларнинг энг севимли таоми буғдой ёки арпа унидан Йумалоқ қилиб турли зираворлар солинган буғда ёширилган кускус. Уни тайёрлаш учун катта санат талаб қилинган. Кўчманчичи қабилаларнинг таоми хурмо, чорва маҳсулотлардан қатиқ, сузма, ёшлок ва қисман гўштдан иборат.

Фаллоҳларнинг анъанавий кийимлари оқ ёки кўк читдан (бутун бўйига) тикилган узун ва кенг Энгли кўйлак ва калтароқ иштон, совук пайтларда туя жунидан тўқилган матодан тикилган чакмон, бошида дўъби ёки салла. Аёллар ҳам кенг Энгли Йўқориси бўғма, тик ёқали узун кўйлак киядилар, бошида Шол ёки рўмол йўинадилар, турли рангдаги мунчоқлар, мисдан, кумуш ёки олтиндан ишланган узук сирға, билакузук тақадилар. Мағрибликлар, айниқса соҳилларда яшовчи шаҳар аҳолиси асосан Европа кийимига ўтганлар, аммо миллий кийимлар ҳам сақланган. Бой табақалар (руҳонийлар ва олимлар, помеШчик ва савдогарлар) қимматбаҳо матолардан тикилган бурнус (якта)ка Ўхшаш кийим киядилар, камбағаллар эса бўз ёки читдан тикилган кенг кўйлак иштон ва баъзан бурнус кийганлар. Марокашда бошига саллаўраса, Тунисда кўпроқ ҳожи дўъби (ғас) кийилади. Аёллари кенг ва узун кўйлак устига ёпинчик ёки шол, йузига оқ ёки қўлранг чачвон йўинадилар. Қишлоқларда шаҳарга нисбатан йузини камроқ беркитадилар. Туарег қабилаларида айниқса эркаклар Йузини беркитиб, аёллар эса очик йурадилар.

Шимолий Африка халқларининг ижтимоий тизимида турли укладлар мавжуд. Улар кулдорлик тузумини босиб ўтиб, мустамлака арафасида феодализмга еришганлар, аммо мағриб ва Шарқий Судандаги кўчманчичи элатлар узоқ даврларгача уруғчилик муносабатларини сақлаб келганлар. Европа давлатлари мустамлака ҳукмронлигини ўрнатганларидан кейин мамлакатлар капитализм гирдобига тортилиб, феодализм тузуми Емирила бошлади ва унинг ўрнида янги капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари куртак ота бошлади. Мустамлакачилик сиёсати халқ оммасини езишда ески ва Янги усуллардан кенг фойдаланиб, ижтимоий тараққиётнинг ғовига айланди, меҳнаткашлар қашшоқ ва қолоқ ҳолатда яшайдилар.

Фақат иккинчи жаҳон урушидан кейин миллий зодлик кураши ғалабаси туфайли Шимолий Африка халқлари, айниқса Жазоир, Миср, Ливия мустақил тараққиёт йўлига ўтиб катта йутуқларга еришмоқдалар. Улар феодализм қолдиқларига барҳам бериб, буржуа элементларининг фаолиятини чеклаб Янги тузум яратишга интилоқдалар.

Мағрибнинг ичкари минтақаларида ярим патриархал, ярим феодал муносабатлари, жамоачилик қолдиқлари ҳозиргача сақланиб келмоқда. Жамоа бошлиқлари феодалларга айланган, қишлоқ жамоаси ўз-ўзини бошқариб туради. Саҳрои Кабирдаги туарегларда жамоани жамоа кенгаши бошқариб, унда аёллар ҳам иштирок етган. Судан

кўчманчи қабилаларида ҳам ислом дини кенг тарқалган бўлса-да (баккара ва ҳ.к), матриархат муносабатлари анча сақланган. Уларда никоҳдан кейин келин икки-уч бола туфилгунча она уруғида яшайди, мерос ҳам ота томонига ўтади. Баккара қабиласида қизлар ва аёллар ҳам шахсий еркинликка эра. Нилот қабилаларида ҳам ибтидоий қабила ва уруғ муносабатлари анча мустаҳкам сақланган.

Шимолий Африка аҳолисининг 94-95 %и мусулмонлар (тахминан 87 млн. дан ошиқ киши), 4 %и христианлар (47 млн.), қолганлари ибтидоий ва бошқа динларга итоат қиладилар. Мағриб ва Судан кўчманчи қабилаларда турли сеҳргарлик урғ-одатлари ва иримлари кенг тарқалган.

Назорат саволлари

1. Шимолий Африка ҳудудига қайси мамлакатлар киради?
2. Шимолий Африка халқлари антропологик тузилиши қандай?
3. Шимолий Африка халқлари лингвистик тузилиши қандай?
4. Мағриб халқларини этник таркибларини аниқланг.
5. Барбарларнинг ётиқоди ва этник тарихи.
6. Шимолий Африка халқларининг маданияти қандай?

11-Модул: Осиё ва Африка халқлари этнологияси.2-мавзу: Ғарбий ва Марказий Африка халқлари.

Режа:

1. Ғарбий Марказий Африка халқларининг географик ўрни, табиати ва аҳолиси.
2. Ғарбий ва Марказий Африка халқларининг этногенези ва этник тарихи.
3. Ғарбий ва Марказий Африка халқларининг тили ва турлари.
4. Ғарбий ва Марказий Африка халқларининг маданияти.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР: Ғарбий Судан, банту, Волғ, мандинго, хауса, негр-а-нго, Фулбеёруба, чолвир, 24 мамлакат, деҳқончилик ва чорвачилик, Шоли, какао, кофе, банан, гевея, ананас, кокос палмаси, сукала, вуро.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Африка иқтисодий комиссияси таклифига биноан Ғарбий ва Марказий Африка табиати, этник тузилиши, тарихи ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг умумий харақатига қараб 24 мамлакат киради. Этник жиҳатдан бу Ерда яшовчи халқларнинг кўпчилиги адабиётда Ғарбий Судан ва Банту халқлари дэран ном билан аталган. Буларнинг кўпчилиги яқин даврларгача Европа давлатларининг мустамлакаси бўлиб келган. Айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейин бутун Африкани ларзага келтирган миллий озодлик ҳаракати, жуда кўп халқларнинг мустақил ривожланишига йўл очиб берди. Тарихда «Африка йили» номи билан маълум 1960 йилда Ғарбий ва Марказий Африканинг 15 мамлакати сиёсий мустақилликни

қўлга киритган еди. Шулардан энг катталари Нигерия ва Заир, кейин Сенэрал ва Мали, Мавритания ва Бенин (илгариги Дагомия), Нигерия ва Йўқори Волта, Фил суяги соҳили ва Того, Чад ва Гарбон, Марказий Африка имъерияси ва Конго халқ ресъубликаси, Камерун ва Сиерро-Леоне. 1965 йилда Гамбия, 1968 йилда Евкатория ва Гвинея, 1973 йили Гвинея-Бисау, 1975 йили Яшил ороллар бурни ва Ангола мустақил ресъублика деб еълон қилинди. Бу мамлакатларда ҳозир муҳим этник жараён рўй бермоқда.

Ғарбий ва Марказий Африка аҳолиси турли антрўология ва лингвистик группалардан иборат бўлиб, ўзларининг хўжалик фаолияти, маданияти ва динлари билан бир оз ажралиб турадилар. Ғарбий Африканинг Шимолида, Мали ва Нигер территориясида яшовчи туареглар катта Еврўеоид ирқинингўрта денгиз типига оид. Еврўеоид белгилари Марказий Африканинг Шимолий минтақаларидаги туби, канури каби элатларда ҳам биров сезилади. Қолган барча халқлар катта негроид ирқига оид. Аммо улар айрим типларга бўлинган. Масалан, баданининг ранги, лабиниң қалинлиги, прагматизми, бўйи ва бошқа белгилари билан Сенэрал типи (Волоғ халқи), нигер типи (мондинго халқи), чад типи (хауса халқи), саҳара типи (саҳара халқи), пакана бўйли негрил типи (ъгмейлар) бир биридан ажралиб туради.

Ғарбий Африканининг этнолингвистик қиёфаси жуда ранг-баранг. Бу Ерда ҳозир бир неча тил оилалари ва жуда кўп туркумларга оид этнослар яшайди. АғроОсиё тил оиласига кирадиган барбар ва туареглар ва чад туркумига оид хауслар билан бирга нигер-кардоға, нил-саҳара, бенуе-конголез тил оилаларига оид жуда кўп халқ ва элатлар кенг территорияга жойлашган. Марказий Африканинг этнолингвистик картаси анча яхлит, умумийликка эра, асосан бантутилларида гапирадиган халқлардан иборат. Банту халқлари эрамиздан аввалги II мингйилликнингўрталарида Марказий Африкада пайдо бўлиб, бу Ерда қадимдан яшаб келган ўгмей ва бушменларни сиқиб чиқарганлар. Ҳозир Марказий Африкада 32 млн. банту халқлари яшайди. Шулардан энг йириги балуба (4,4 млн. киши), баконга (4,4 млн. киши) овим бунду (2,3 млн.), бамбунду (1,7 млн.) ва ҳоказо. Ғарбий Африкада хауса ва унга яқин тилда гапирадиган халқлар 10 млн. киши, бенуе-конголез тилида ҳам 1 млн., волт тилида 8 млн., ғарбий атлантик тилида 10 млн. кишидан иборат.

Хўжалик жиҳатдан мазкур минтақа Шимолий Африкадан кейин анча ривожланган, синфий жамиятга ўтган. Бу Ерда ҳам қишлоқ хўжалик економиканинг негизини ҳосил қилади. Океандан узоқда, магистрал трансърот йўлларида чеккада жойлашган Марказий Африка халқларининг анъанавий машғулоти деҳқончилик ва чорвачилик бўлиб, 80 % ҳозиргача асосий тирикчилик манбаи ҳисобланади. Қишлоқ хўжаликда жамоачилик муносабатлари сақланиб келмоқда.

Маҳаллий деҳқончилик тропик иқлимгага мослашган, ўрмонларни чўиб, очилган Ерга қўл арлаш мотиға (бутали ёғоч ҳодага темир тиш кийгизилган кетмонча) билан ишлов бериб екин еқилади. бўз Ерга екин 5-6 йил, баъзан Ер кўп бўлса, 10-12 йилдан кейин қайта еқилади. Асосий екинлардан Шоли, макка, сули, ботота, шакарқамиш, ловия еқилади, тропикўрмонларда ямс, манокa, дарo, Ерёнғoқ (арахис), нон дарахти, банан, қовун, қовoқ тситрус ва мевали дарахтлар ўстирилади. Муҳим анъанавий «этник» маҳаллий екинлардан Шоли Гвинея-Либерия зонасида яшовчи халқларга хос бўлиб, одатда суғорилмай еқилади. Шоликoрлик Нигер ва Гамбия дарёларининг соҳилларида 3,5 минг йиллар муқаддам пайдо бўлиб, бошқа жойларга тарқалган. Уни дарё ёқасидаги пастлик, сув тошқини кўпроқ бўладиган Ерларга ёки кўнча экваториал иқлими, нам, серёмғир тропикўрмонларга еқадилар. Ғарбий Африкада Шолидан йилига 400 минг тоннага яқин ҳосил олинади.

Мустамлакачилик сиёсати натижасида айрим мамлакатлар экспорт учун махсус екинларни екишга мутахассислаштирилган еди. Доимий нам иқлими ўлкаларда, асосан Шимолий кенгликнинг 8 градус жанубида жойлашган ўлкаларда энг фойдали экспорт екинлари маданийлаштирилган. Айниқса Гвинея бўғозига яқин жойлашган мамлакатларда какао, кофе, банан, гевея, ананас, кокос палмаси каби ўсимликлар ўстирилади.

Ғарбий Африка жаҳонда Етиштириладиган кокоснинг учдан икки қисми, бутун қитадаги кокоснинг 90 %и ўстирилади. Гамбияда Ерёнғoқ, Нигерия ва Дагoмеяда хурмо, Фил Суяги соҳилида кофе (жаҳонда учинчиўринда, қипанинг 90 %и), Либерия ва Нигерия хурмо мойи ишлаб чиқаришга мутахассислашган. Марказий Африкада ҳам йирик плантатсия хўжаликларида экспорт учун хурмо ёғи, каучук банан, шакарқамиш, кофе, какао, тамаки, Ерёнғoқ (арахис) ва пахга Етиштирилади. Бу Ердаўрмон кўп бўлганлиги туфайли қимматбаҳо дарахт турлари ҳам экспорт қилинади. Жаҳон бозорида окуме, маҳогани ироко каби дарахтлар Йуқори баҳоланади. Йуқори Гвинейнингўрмонларида яшовчи ёруба, ибо, ашанти каби халқлар дон екинларига унча еътибор бермаган, асосан, ямс, маниока, тарo, арахис, банан, тситрус ва бошқа мева дарахтлари Етиштирганлар. Волоғ, серер, мандинго, хауса каби қадимий деҳқончилик касбига эра халқлар эса, асосан дон екинлари-жўҳори, сули, макка, буғдой, сув сероб жойларда Шоли екканлар. чорвачилик кам тараққий етган. Фақат Хауса, Мандинго соҳилларида яшовчи айрим этник группаларда уй ҳайвонлари сақланган. Улар овчилик ва балиқчилик билан ҳам шуғулланганлар. чорвачилик фақат Шимолий ва жанубий рёнларда Фулбе, туарег халқларида кенг тарқалган.

Кўчманчичи ва ярим кўчманчичи турмуш тарзида яшовчи бу халқлар асосан зебу, кичкина хўкиз-ндама, от, туя, қўй ва ечки боқиб кун кечирадилар. Жанубий кенгликнинг 10-градус пастида

Гвинея саваннасида қорамол боқиш мумкин эмас, чунки тсетсе пашШаси молга қирғин кельтиради. Шунинг учун Фулбе халқларининг кўчиш территорияси ҳам мазкур кенгликнинг Шимолида чекланган. Қорамоллар асосан Судан соҳили мамлакатлари – Мали, Йукори Волта ва Нигерияда мавжуд. Дехқончилик хўжаликларида ҳам қисман мол сақланади, уни фақат байрамларда ва диний маросимларда сўядилар.

Ғарбий ва Марказий Африка қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги қадимий даврлардан то ҳозиргача ишлаб чиқариш қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечак ва бошқа зарур маҳсулотларни уйда ишлаб чиқарганлар. Айниқса, Ғарбий Африкада хунармандчилик ниҳоятда ривожланган. Тўқимачилик кўнчиликда хауса халқи жуда Юксак санъатга эра бўлган. Турли газламалар, ажойиб тери маҳсулотлари- ҳар хил қў ва идишлар, поябзал, эрар, камар ва ҳоказолар зўр маҳорат билан яратилган ва узоқ Йуртларга чиқарилган. Фулбе, мандиго, хауса халқларининг темирчи ва мисгарлари омон тиши, бел, кетмон, ўроқ, пичоқ, ханжар, найза ва ҳар хил безаклар ишлаб чиқарганлар. Темирчилик энг ҳурматли касб ҳисобланган. Гвинея халқлари, Ганадаги ашанти, Нигериядаги ёруба, Камерундаги бамума каби халқларда бадий хунармандчилик ниҳоятда ривожланган. Улар сополан, жез ва фил суягидан жуд ажойиб ҳайкаллар ясаганлар. Бенин хунармандлари кичкина ҳайвон тасаввурларидан то йирик ҳажмдаги авлод-аждод ва подшоларнинг ҳайкалларини жездан қуйиш маҳоратига эра бўлганлар. Улар ҳатто кўшк ва саройларни безайдиган турли расм, безак ва ҳайкаллар ҳам қўйганлар. Банту халқлари турли хилдаги чипта ва саватлар тўқишда катта санъатга еришганлар. Ёғоч ўймакорлигида Ғарбий Африка халқларидан олдинга чиқадигани йўқ. Мустамлакачилик натижасида жуда кўп бадий хунармандчилик касблари инқирозга учраган, айримлари йўқотилиб, жуда камайиб кетган.

Ҳозир Ғарбий ва Марказий Африканинг иқтисодий тараққиётида қазилма бойликларнинг кўплиги муҳим аҳамиятга эра. Яқин давргача бу Ерда оғир саноат мутлақо бўлмаган. Мустамлакачиликка еришгандан кейин, айниқса йирик порт шаҳарларида, аста-секин йирик саноат корхоналари пайдо бўла бошлади. Масалан, Дакара, Абиджон, Жантил, Луанда, порт-Ҳаркорте ва Заррида нефт ишлаб чиқариш заводлари, Гвинеяда алйумин учун зарур лой-тупроқ заводи, Нигерия симоб еритиш заводи, Гана ва Камерунда алйумин заводи, Заирда тоғ-кон саноати ва олмос кавлаб олиш корхоналари (жаҳонда энг катта олмос кони), Конгода қўрғошин ва олтин еритиш конлари, Габонда марганец ва уран конлари, Камерунда боксит, Габон ва Конгода Йукори сифатли темир ишлаб чиқариш саноатлари пайдо бўлди. Ниҳоятда бой ва ранг-баранг минерал ресурсларнинг тўйилиши мазкур минтақада энг муҳим саноат тармоқларининг ривожини таъмин қилмоқда. Марказий Африкада

ёғоч ишлаб чиқариш, текстил ва озиқ-овкат саноати соҳалари ҳам ривожланган. Аммо оғир саноатнинг асосий маҳсулотлари чет ел, Яъни экспортга ишлайди.

Ғарбий ва Марказий Африкада аҳоли турмуш тарзи ва табиий Шароитга мослашган уйларда яшайдилар. Барча мамлакатлар асосан аграр хўжаликка мослашганлиги туфайли аҳолининг кўпчилиги қисми қишлоқга жойлашган. Аммо Ғарбий Африка қадимий шаҳар маданиятига эра бўлиб, бу Ердаўрта асрлардаёқ 70 га яқин шаҳар мавжуд бўлган. Регионда кейинги даврларда шаҳарлар кўпайиб, миграция жараёни анча кўпайди. Марказий Африка аксинча шаҳарлар асосан сўнгги вақтларда пайдо бўла бошлаган, аҳоли миграцияси жуда паст. Умуман минтақанинг 70-80 % аҳолиси қишлоқда жойлашган, айрим мамлакатларда ундан ҳам кўп (Чадда 93 %, Ангола ва Заирда 80-90 %, Нигер, Либерия Мали, Гвинея-Бисау ва Йўқори Волтада 90-95 % аҳолиси қишлоқда яшайди).

Турли шаклдаги уйлар асосан лой ва ёғочдан қурилади. Манде, хауса ва банту халқлари лойдан доирасимон, ойнасини конус шаклида қурилган, томи сомон билан ёпилган уйларда яшайдилар. Мали ва Гвинеяда яшовчи мондинго халқи 30-40 кишилик икки-уч авлоддан иборат катта оилалар бирикиб ёғоч деворлар билан ўралган бир неча уйларда истиқомат қиладилар. Бундай уй комплексига **сукала** дейилади. Ҳозир ҳам кўчманчичи Фулбе қабилалари дойра қилиб жойлашган ўртаси мол сақлайдиган қўрага айланган уйларда катта қону қариндошлар оила аъзолари бўлиб яшайдилар. Бундай қурилган уйларда **вуро** деб ном берилган. Қишлоқ ўртасида одатда жамоа мажлислари учун катта уй тикланган. Кўнча тропик ўрмонларда бундай жамоа уйларида эркаклар сават, бўйра ва бошқа буюмлар тўқиганлар, ўймакорлик ва ҳайкалторошлик қилганлар. Жамоа суди ва бошқа муҳим масалаларни ҳал қилганлар. Қишлоқларда 200-300 киши яшаган. Нигер воҳасида минга яқин кишилик қишлоқ ҳам мавжуд.

Гвинея соҳилида яшовчи халқлар ёғочдан қурилиб лойдан урилган туртбурчак шаклидаги текис сомон томли уйларда яшайдилар. Масалан, ёрубаларнинг уйлари доирасимон қурилиб ешиклари ҳовлига қараб очилади. Уйларнинг деворлари безатилган устунларга ўйма нақшлар берилган. Гана халқида уйлари ичкари ва ташқарига бўлинган, ҳовлилар девор билан ўралган. Кўчманчичи Фулбе ва туареглар кўчишга қулай тери ёки чипта ёпилган чодирлар тиклаганлар. Малидаги сонгаи халқлари ўзига хос сомон чипталар билан егилган чивикларга беркитилган уйларда яшайдилар. Бундай уйларни тошқин даврлардан кўчиришга қулай бўлган.

Маҳаллий аҳолининг кийимлари ҳам табиий Шароитга мослашган. Судан-соҳилликларининг эркаклари кенг кўйлак ва Шаровар (чолвир), аёллар йўўкага ўхшаш белдан Йўқори пасти тўйиққача бир марта ўралган рангли читдан иборат кийим киядилар. Тоғетакларида яшовчи Фулбе қабилалари совуқда кўйлак иштон кийганлар, устидан жун матодан тикилган ёпинчиқ кийинганлар. Тропик ўрмонларида яшовчи аҳолининг кўпчилиги оддий белбоғ билан чекланган. поябзал деярли

кийилмайди, фақат саҳрода иссиқ кумдаги қабилалар сандал кийганлар. Туарегларнинг эркаклари бошдан-оёқ қора матогаўранганлар. шаҳарларда Европа кийимлари тарқалган.

Дехқончилик билан шуғуланувчи аҳолининг таомлари асосан гуруч, сули, маниока ва сабзавотдан иборат. Улар таомни гуруч, қўзиқорин, сабзавот, гўшт ёки балиқ билан тайёрлайдилар, сулидан атала, маниокадан нон ёширадилар. чорвадор Фулбе асосан сут маҳсулотларини истеъмол қиладилар, сули ёки маккадан атала ёшириб ёғ қўшиб Ейдилар.

Ижтимоий-иқтисодий тузуми хилма-хил. Ҳатто энг ривожланган Гвинея туркумига кирадиган синфий жамиятга ўтган халқларда ҳам уруғчилик тузуми қолдиқлари аниқ сақланган. Масалан, XVII асрда пайдо бўлган, кейинчалик инглиз мустамлакачилари томонидан Емирилган Ашанти давлати бир неча областларга бўлиниб уларни подшо томонидан тайинланган уруғ-жамоа бошлиқлари бошқариб турган. Жамоа қону қариндошлик принтсип асосида тўзилган, тахт ва оқсоқоллар вазифаси она уруғи томонидан бошқарилган мерос ҳам матриархал типда бўлган. Бошлиқ (раис) вағот етса унинг ўасининг катта ўғли тайинланган. Диний ёртиқодига биноан ҳар бир кишига отадан жонли, онадан қонли(ген) ўтар емиш.

Ёруба мамлакатада давлат ишларида хотинлар иштирок қилган. Бош ҳоким қошида саройда олий маслаҳатчи аёл киши тайинланган. У «подшонинг онаси» деб ёллон қилинган, ҳокимнинг асли хона эса ўғли тахтга чиқиши билан қатл етилган. Бу ҳам матриархат муносабатларининг қолдиқлари. XVII асрда Дагомейда ҳатто аёллар гвардияси мавжуд бўлган. Айрим олимларнинг фикрича, Судан соҳили халқларининг анча қисми синфий жамиятга патриархатни чеклаб тўғри матриархатдан ўтган. Чунки Атлантика океани соҳиллари ваўрмон чеккаларидаги айрим қабилаларда то XIX асргача уруғ қabila тузумида матриархат белгилари аниқ намоён бўлган. патриархал муносабатларининг типик формалари эса XVII бошларида йирик сиёсий бирикма-имомат ташкил қилган кўчманчичи Фулбе қабилаларда сақланган.

Ибтидоий тузум қолдиқларидан минтақада энг кенг тарқалган ибтидоий тузум формаларидан Океаниядаги сингари маҳғий иттифоқдир. Эркаклардан ташкил топган мазкур иттифоқлар дастлаб матриархат уруғига қарама-қарши сифатида пайдо бўлиб, синғи жамиятга келиб мураккаб ғунктсияни бажаради. Маҳғий иттифоқлар жамиятга зўр таъсир қилиб келган. Масалан, либерияда пайда бўлган пор номли эркаклар иттифоқи, Камерундаги Егба ва Нгуа иттифоқлари ниҳоятда мураккаб ташкилотлардан иборат бўлиб, асосан зодагонлардан ташкил топган ва унинг бошида маҳаллий қирол турган. Синфий жамият Шароитида эркаклар иттифоқи примитив давлат (суд қилиш, политсия) вазифаларини бажарганлар. Улар қўёол кучга таяниб, дин билан ниқобланган ҳолда ҳар хил хуроғий анимистик ва сеҳргарлик билан тўла маросимлар ўтказиб аҳолини ваҳимага солиб турганлар солиқ

тўлаш бойлик орттириш, сиёсий душманларни йўқотишда зўр таянч бўлган. Ваҳимали ниқоб ва кийимларда даҳШатли арвоҳ шаклида кутилмаганда пайдо бўлиб ўз қора ниятларини амалга оширганлар. Мустамлакачилик даврда реаксион моҳиятга эра бўлган бундай иттифоқлар меҳнаткаш оммани езишда ва қул қилишда яхШИ хизмат қилган.

Маҳғий иттифоқларга кириш учун мураккаб, махсус мактабларни тугатиш зарур. Масалан, Либериядаги поро иттифоқига 12-14 ёшли болалар қабул қилинган, махсус таълим-тарбия бериб, оғип синовдан кейин аъзоликка ўтказилган. Бола бир неча ой ўқтилган, унга жасорат кўрсатиш, сабр-тоқат қилишни, ҳар-хил ҳунар ҳамда ривоятларни ўргатганлар, турли синовлардан ўтказилган. Қурол ишлатиш, ов қилиш, балиқ тутишни эраллагандан кейин ўрмоннинг энг қалин ва узоқ жойида махсус маросимлар ўтказиб ғотиҳа берганлар. Онда-сонда ваҳимали ниқобланган иттифоқ аъзолари Шовқун-суронлар билан қишлоқларда пайдо бўлиб аждодларнинг арвоҳларига бағишлаб диний маросимлар ўтказганлар. Либерия ва Суданда аёлларнинг ҳам маҳғий иттифоқи борлиги аниқданган. Унда ҳам махсус мактабларда кекса аёллар таълим-тарбия берганлар, маросимлар ўтказганлар.

Одатда Африкани аждодлар ибодатининг классик намунаси деб ҳисоблайдилар. Бу бежиз эмас, чунки бутун Африкада, айниқса унинг ғарбий ва жанубий қисмида аждодларга сиғиниш ниҳоятда кенг тарқалган. Аммо бу Ерда ислом ва христиан динлари ҳам муҳим ўринни эралайди. Ғарбий Африкага ислом IX-X асрларда кела бошлаган. Ҳозир бу Ердаги аҳолининг 32 % (61 млн. дан ортиқ киши) мусулмон, тахминан 18 %и (21,4 млн. киши) христиан динида (XIX асрда тарқала бошлаган), қолган маҳаллий диний ётиқодларга риоя қилади.

Масалан, Либерияда аҳолининг тўртдан уч қисми, Фил Суяги соҳилида учдан икки қисми, Йукори Волта ва Ганада тўртдан уч қисми, Нигерия ва Гвинея- Бисауда яримига яқин маҳаллий анъанавий динларга, айниқса аждодлар арвоҳига сиғинадилар, Сунна мазҳабидаги ислом Ғарбий Африканинг асосан Шимолида ва соҳил зонасида, айниқса Сенэрал, Гамбия, Гвинея, Мали, Нигер каби мамлакатларда ҳукмрон динга айланган. Масалан, Нигерда 96 % аҳоли, Сенэрал ва Гамбияда 80 % аҳоли мусулмон. Маҳаллий анъанавий диний ётиқод ва ибодатларга риоя қилувчилар Ғарбий Африкада 38 % (52,3 млн. дан ортиқ киши)ни ташкил қилади. Марказий Африкада эса маҳаллий диндагилар 14 %дан ортиқ аҳоли (19,2 млн. киши) ни ташкил қилади. Бу Ерда мусулмонлар асосан Шимолий ва Шарқий-жанубий қисмларда жойлашган бўлиб, тахминан 5 % аҳолини ташкил қилади. Аммо исломга нисбатан христианлик кўпроқ тарқалган ва анча мустаҳкам сақланган. Марказий Африка аҳолисининг 20 %идан ортиғи (23,7 млн. киши) христиан динида. Булардан ташқари минтақада христиан-Африка аралашма диний ётиқодлари ҳам кенг тарқалган.

Бундай синкретик динлар таъсирига Ғарбий Африканинг 26 % аҳолиси, Марказий Африканинг 17 % аҳолиси ўтган.

Ғарбий ва Марказий Африка халқларининг бадий хунармандчилик санъати нақадар юксак бўлса, унинг оғзакий ижоди, ўйин ва мусиқа санъати ҳам ниҳоятда ривожланган. Ажойиб архитектура намуналари, гўзал кўшк ва саройлар, афсонавий образлар тасвири берилган ҳайкал ва устунлар, қуйма металл ва ўйма ёғоч санъати намуналари билан бир қаторда бой оғзаки адабий меросни авлодма-авлод сақлаб келган бахши(гриот)лар, ашулачи ва раққоссалар жаҳон маданиятига зўр ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ҳозир ҳам халқ ижоди заминида пайдо бўлган профессионал архитекторлар ва адабиётчилар, актёр ва раққосалар, созанда ва ашулачилар, рассом ва ҳайкалттарошлар Ўзларининг ажойиб санъатини намоиш қилмоқдалар. Илгари ислом ман қилган тасвирий санъат (жонли нарсаларни тасвирлаш) янги дан раванқ тўди, киноматогрфия пайдо бўлди. Кўп мамлакатларда ташкил топган фолклор ансамблари ўз санъатини нафақат Африкада чет елларда ҳам намоиш қилмоқдалар.

1. Африканинг Ғарбий-Марказий ҳудудига қайси мамлакатлар киради?
2. Африканинг Ғарбий-Марказий ҳудудихалқлари антропологик тузилиши қандай?
3. Африканинг Ғарбий-Марказий ҳудудихалқларининг лингвистик тузилиши қандай?
4. Африканинг Ғарбий-Марказий ҳудудихалқларининг этник таркибларини аниқланг.
5. Африканинг Ғарбий-Марказий ҳудудихалқларининг тарихи ва этник тарихи.
6. Африканинг Ғарбий-Марказий ҳудудихалқларининг маданияти қандай?

11-Модул: Осиё ва Африка халқлари этнологияси.3-мавзу: Шарқий ва Жанубий Африка халқлари.

Режа:

1. Шарқий ва Жанубий Африка халқларининг географик жойлашуви.
2. Шарқий ва Жанубий Африка халқларининг этногенези ва тарихи.
3. Шарқий ва Жанубий Африка халқларининг маданияти.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР: Ефиоп, негроид, негрл, ѓгмей, бушмен, Сидамо, кушит, Тегигиа, дурра, нут, Сомали, Жибути, Кения, Уганда, Танзания, Руанда, Бурунди, Замбия, Малави,суахил, тукули, Сомали.

Африка қитъасининг Шарқий ва Жанубий қисмида ҳар хил ирқдаги ўзига хос маиший турмуши ва маданият яратган турли этнослар яшайди. Бу Ерда Ўз мустақиллигини сақлаб мустамлака бўлмаган якка давлат-Ефиўия ва ҳозиргача ирқчилик тузуми ва мустамлакачилик занжирида яшаб келаётган Жанубий Африка Республикаси ва Намибия ҳам жойлашган. Шарқий Африка (Ефиўиядан ташқари) Сомали,

Жибути, Кения, Уганда, Танзания, Руанда, Бурунди, Замбия, Малави мамлакатлари киради. Қитанинг энг жанубий қисмида ЖАР ва Намибиядан ташқари Ботсвана, Свазиленд, Лесото давлатлари, Мадагаскар, Комор, Сейшел, Рейунон, Маврикий оролларидаги ўлкалар жойлашган.

Қадимий ирқлардан Шарқий Африкадаги еғиў, негроид, негрил ёки ёгмей ва бушмен типлари сўнгги 12-10 минг йиллар муқаддам шаклана бошлаган. Бу Ерда деҳқончилик маданияти Нил воҳасига нисбатан кейинроқ эрамиздан аввалги 6 минг йилликларда неолит даврида Йузага келган. 4-5 минг йиллар муқаддам Ефиўия тоғетакларида уй ҳайвонларини қўлгаўргатиб, дон ека бошлаганлар. Неолитик маконлар, дала ва каналлар Шарқий Африканинг қурғоқ минтақаларида, Буюк қўллар атрофида топилган. Шимоли-Шарқий қисмида кушит тилида гапирадиган қадимий абориген аҳоли, бутун Шарқда тарқоқ ҳолда темир металлургияси билан таниш, деҳқончиликни билган банту халқлари («нту»-одам, «ба»-лар, Яъни «одамлар» дэран маънода) яшаган.

Мустамлакачилар келиш арафасида XVII-XVIII асрларда бантулар йирик илк феодал давлатлари (Китара, Караве, Рианда, ўринди, Буганда, Анколе қабиладар) ни яратганлар. Эрамизнинг I минг йиллиги охирида Ҳинд океани соҳиллари ва оролларида араб маданияти таъсирида ўзига хос **суахил** маданияти пайдо бўлади. Бу Ерда турли элатлар яшайдиган шаҳар-давлатлар (пате, Ламу, Момбаса, Кил ва ҳ.к.) ташкил топади. Асли суахил халқи бантулар билан келгинди Осиёликларнинг арлашмасидан пайдо бўлган. Улар ислом динига ўтиб Ўз маданий хусусиятларини сақлаб қолганлар. Суахил халқи ҳозир Кения ва Танзаниянинг соҳил минтақаларда, Занзибар, пемба ва Мағия ороларида яшайдилар. Шарқий Африканинг шаҳарларига Осиёлик араблар ва ҳиндлар кўплаб келибўрнашган.

Жанубий Африканинг туб аҳолиси асосан бушментлар ва гуттентотлар. Улар қадим замонларда бутун жанубий ва қисман Шарқий Африканинг чексиз тропикўрмонларида кенг жойлашган. Ҳозиргача уларнинг ибтидоий аجدодлари, яратган қоятош расмлари, сақланиб қолган. Уларда ёввойи ҳайвонлар, ов қилиш, теримчилик ва уруш манзаралари, турли маросимлар тасвирланган. Бушменлар (асли маъноси «бутазор одамлари», деб Европаликлар ном берган) на деҳқончилик, на чорвачиликни билганлар фақат овчилик ва теримчилик билан кун кечирганлар. Улар муайян территориясига эра бўлган қабиладарга бўлиниб, дайдичиликда кичик группа бўлиб овқат излаб кўчиб Юрганлар. Эркалар ўқ-ёй, чўқмор ва найзача билан ов қилганлар, аёллар эса оддий учи ўткир таёқ билан Ер қовлаб Емишли илдизлар, чувалчангларни тўйиб тирикчилик қилганлар.

Гуттентотлар бушменларга нисбатан бир оз Ўқори маданиятга эра бўлган. Улар фақат бир неча аср муқаддам чорвачиликка ўтганлар, қўй, ечки ва қорамолларни боқиб кун кечирганлар. Улар ҳам тропикўрмон аҳолисидек уйларини доирасимон қўра қилиб (краал типиди)

курганлар ва катта патриархал оилаларга бўлиниб жойлашганлар. Гуттентотлар кўшни банту халқларидан кулолчилик темир еритиш ва ишлаб чиқариш, темир қурооллардан фойдаланишни қабул қилганлар.

Ҳозир жанубий Африканинг асосий аҳолиси ҳисобланган негроид, банту халқлари Йўқорида кўрсатилганидек эраизмнинг биринчи минг йилларида Шимолдан кўчиб келиб энг серунум Ерларни, Шарқий соҳилларни эраллаб олганлар. Асосий банту қабилавий бирикмаларидан коса, зулу, басуто, тевана, Шона, розви қабила маҳаллий қабилаларни сиқиб чиқарган ва қисман ассимлятсия қилинган. 2 минг йиллик бошларида Замбези ва Лимпўпо дарёлари оралиғида Мономотапа номли Йўқори маданиятли илк синфий банту давлати пайдо бўлган.

Жанубий Африка муштамлакаси XVII асрлардан бошлаб кенг миқёсда ташкил топади. Дастлаб Мозамбик ва Зимбабве португаллар томонидан босиб олинади, XIX асрдан бошлаб Жанубий Африкага инглизлар, голландлар кўплаб кела бошлайди. Банту қабилавий бирикмалари муштамлакачиларга жиддий қаршилик кўрсатганлар. Муштамлакачилик урушлари маҳаллий демографик ва этник жараёнга катта путур Етказган еди.

Африка қитъасининг жанубий қисми этник қиёфаси анча мураккаб. Жанубий Африка мамлакатларининг беШдан тўрт қисми (61 млн. киши) турли этнослардан қурамалашиб кетган Африкаликлардан иборат. Энг кўп банту халқлари (умумий аҳолининг 78 %и), бушмен ва гуттентотлар-0,5 %, Европаликларнинг авлодлари метислар билан-19 %, келгинди Осиёликлар ва уларнинг авлодлари-2 %.

Мазкур территорияда яшовчи халқларнинг ичида энг биринчи тузумга қадам ташлаган кўп сонли (31 млн.) аҳолига эра бўлган Ефиўия этник жиҳатдан алоҳидаўринни эраллайди. Бу Ерда антИмъериялистик миллий демократик револўютсия 1974 йил сентябрда ғалаба қозониб ҳокимият муваққат ҳарбий административ кенгаш қўлига ўтган еди.

Ефиўия энг қадимий маданият марказларидан бири. Бу Ерда топилган тошдан ясалган меҳнат қуроолари 3 млн. йиллар муқаддам пайдо бўлган. Ибтидоий маконлардан полеолит ва айниқса неолит даврига оид обидалар кўп топилган. Эраизмнинг бошларида пайдо бўлган Аксум подшолиги ИВ-ХИ асрларда энг гуллаб-яшнаган, Миср, Рим-Византия имъерияси ва Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқалари ўрнатилган. В асрлардан христиан дини тарқалган еди. Жанубий Арабистон семит тилидаги қабилаларнинг кўчиб келиб маҳаллий аҳоли билан аралашishi натижасида Ефиўияда йирик халқлар (амҳара, галла, тираи ва х.к.) шакллана бошлаган. ўтган асрнинг иккинчи яримидан умумий Ефиўия давлати пайдо бўлади ва Ефиўия халқларининг бирикишига замин яратилади. Ҳозир мамлакатда йигирмадан ортиқ йирик халқлар яшайди. Шулардан энг катта амҳар бутун аҳолининг ярмини, галла-23 %ини, тиграи-9,2 %ини, сомали-7,3 %ини, сидамо-3,2 %ини ташкил қилади.

Еврўоид ва негроид ирқлариўрталигида шаклланган Еғиў ирқига тегишли халқлар асосан семит-хамит (АғроОсиё) тилларида гапирадилар. Ҳозирги Ефиўияда яшовчи энг катта халқлар амҳара ва орома, жанубий-Шарқий минтақаларидаги сомалийлар ва бошқа элатлар семит тил оиласида. Марказий қисмида ва жанубда кўп сонли галла, садамо, кушит тилида гапирадиган халқлардир. Булар асосан деҳқончилик билан шуғулланадилар.

Ефиўия энг қадимий деҳқончилик марказларидан бўлиб, унинг марказий ва ғарбий-Шимолий қисмларидаги ҳайдаладиган Ерларга асосан галла екилган. Ғарбий, жанубий қисмидаги ҳудудларда яйловли чорва хўжалиги билан мотиға деҳқончилиги бирга олиб борилган. Асосий екинлардан буғдойнинг айрим турлари, теғға (майда уруғли дон) дурра (жўхори тури), макка, арпа, сули, Шоли, ловия турлари, нўхат, чечевитса, нут, пахта екилади. Ефиўия кофе ватани (кеға провинцияси номи билан боғлиқ), энг катта севимли ичимлик ҳам кофедир. Турли сабзаёт екинлари; қалампир, пиёз, саримсоқ карам, бодринг, қовоқ ҳам Етиштирилади. Кейинги вақтларда помидор, лавлаги, рангли карам, сабзи ҳам кенг тарқалган. Боғдорчилик ривожланган, аёлсин, лимон, мандарин, анор, банан ўстирилади. Деҳқон хўжалигида кўл тўқимачилигининг кенг тарқалганлиги ва кейинги даврларга экспортнинг кенгайиши натижасида пахта энг муҳим екинлардан ҳисобланади. Фақат Шимолий областларда ва Еритрияда темир тишли плуг билан Ерга ишлов берилади. Ефиўиянинг ғарбида яшовчи галла халқи 1.5 метр узун ходанинг учига тош боғлаб Ерни ковлаб екин екилади. Асосан деҳқончилик куруллари анча примтив, оддий арготехника усуллари қўлланилади, кўнча мотиға ва йўнилган ёғоч, ўроқ ва қўл омочи ишлатилади.

Деҳқонларнинг асосий таомлари ҳар хил чучук нон ва патирлар, энг севимли таом нон билан ёғли ва қалампирли ловия қайласи-Шуро. Гўшт кам ишлатилади. Аммо Ефиўия молнинг кўплиги жиҳатдан энг биринчиўринларда туради. Масалан, 1978 йили 27 млн. қорамол, 40 млн. қўй ва ечки, 15 млн. чўчқа бўлган. Ишчи мол сақлашда ҳам Ефиўия жаҳонда биринчиўринлардан бирини эралайди. Мамлакатда от, туя, ешак жуда кўп. Асалчилик ҳам кенг тарқалган. Асалдан махсус вино-тежа ва Шам тайёрланади. Дарё ва кўлларда, денгиз соҳилларида балиқчилик мавжуд.

Ҳунармандчилик ниҳоятда ривожланган. Темир буюмлар ишлаб чиқариш, заргарлик биринчиўринда туради. Қадимий даврлардан еғиўлар темир буюмлари, билакузуқ сирға ва бошқа турли безакларни нозик орнаментлар билан ишланганлар. Ҳатто кийимлар, металл, айниқса олтин ва кумуш буюмлар қимматбаҳо тошлар билан безатилган. ўсимлик орнаментлари қадимий қўлёзмаларда ҳам ишлатилган. Кулолчиликда зўр маҳорат билан сьирал усулида чўзиб ажойиб буюмлар ишлаб чиқарилади. Сопол идишлар ўта ёшириб сирланган. чорва билан шуғулланувчи аҳолида кўнчилик ривожланган, турли тери маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Қишлоқ аҳолиси хўжалик характериға қараб жойлашган. Амҳара, галла, кеғға халқлари тартибсиз планда қурилган қишлоқларда яшайдилар. Тиграи халқида қону-қариндошлар маҳалла (квартал) бўлиб жойлашган. Уйлари доирасимон синч ёки девори тўқима лой билан урилган конус шаклидаги том сомон билан ёпилган. Бундай уйлар **тукули** деб аталган ва баланд деворлар билан ўралган. Тукули ойна-ёШикли, ўртасида ўчоқ, бир чеккада ётиш учун супа. Уй жиҳозлари аоссан бамбукдан тўқиб ишланган паст стол (хонтахта шаклида), турли чипта ва бўйралар, ғўладан ясалган скамейкалар. Дон уй ичида қурилган махсус ғўра (гота)да сақланади. Нонни Йўъқа Хоразм нонига ўхшаш қилиб инжаро деб атайдилар ва теғға унидан катта товада ёширадилар. Таомни деҳқонлар баланд доира шаклида сават столларда истеъмол қиладилар. Бундай столлар одатда ҳовлида сақланади. Фақат овқат вақтида ичкарига киритилади. Уйда сўқи, турли қовоқ сопол ва металл идишлар махсус кийим сақлайдиган саватлар мавжуд.

Ефиўиянинг Шимолий ва Шарқий минтақаларида яшовчи аҳоли тўғри бурчак шаклида майда тош ва Шағалдан тупроқ ва тезак аралаш лойдан қурилган текис томли уйларда яшайдилар. Кўчманчичи чорвадор аҳоли (масалан, сомалийликлар) ўзига хос панжара синч деворлар, тухум шаклида қалин қуруқ ҳашак билан ёпилган, устига туя ёки хўкиз териси қопланган уйларда яшайдилар. Кейинги йилларда кўчманчичиларнинг ўтроқ турмуш тарзига ўтаётган қисми **тукули** уйларни тикламоқдалар.

Ефиўияда шаҳар жуда кам. Аҳолининг фақат 10 %и шаҳарларда яшайди. Қадимий йирик шаҳарлардан Аксум., Гондар, Ҳарар. Мамлакатнинг пойтахти *Аддес-Абеба*да 1,5 млн. (1980 йил) киши яшайди холос. Бошқа шаҳарлар асли катта қишлоқларга ўхшаб кетади.

Кийимлари ананавий, эркаклар читдан узун тик ёқали кўйлақ тор иштон киядилар, устига Шамма (чўон) йўинадилар, совукда кўйушонли жундан тикилган бурнус киядилар. Аёлларнинг кийимлари ҳам узун тор Энгли кўйлақ Шамма ва бурнусдан иборат. Одатда аёл ва эркаклар бош ва оёқяланг Йурадилар. Аёллар баъзан рўмол йўинадилар. Фақат саҳрода қайноқ кунда тери сандал кийилади. Сўнгги вақтларда Европа кийимлари кенг тарқала бошлаган.

Мамлакатда револўутсиясидан илгари узоқ даврлар феодал-бюрокрахал муносабатлари ҳукмрон бўлиб келган. Расмий равишда бутун Ер имъэратор мулки ҳисобланган, капитализм элементлари пайдо бўла бошлаган. Аҳолининг 95 %и феодал ва ярим феодал зулми остида еди. Имъэратор ва феодал зодагонлари бутун економикани Ўз қўлига олган ва кенг оммани ҳар томонлама експлуататсия қилиб келган. Жаҳонда энг колоқ мамлакатлардан бири ҳисобланган Ефиўия сўнгги 15 йил ичидаўртгача ҳар йили ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг ички бозорига Етказадиган қисми 2 %дан ошмаган, натурал хўжалик асосийўринни эраллаган, ички бозорга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 20 %и тушган, қолгани хўжаликларда истеъмол қилинган. Феодал мулкчиликнинг ҳукмрон бўлганлиги туфайли узоқ даврлар феодализм

тартиблари сақланган. Мамлакатнинг серунум ҳайдаладиган Ерларининг 85 %и имъэратор, феодаллар ва черковнинг мулки хиссобланган, бу Ерларда камбағал қашШоқ чорикорлар хизмат қилган. Шу билан бирга барча правинтсияларда жамоа мулки ҳам сақланиб келган.

РеволЙутсион ҳокимиятўрнатилгандан кейин социал иқтисодий, маиший ва маданий ҳаётда зўр Ўзгаришлар рўй бэра бошлади. 1975 йилдан кейин барча йирик корхоналар давлат ихтиёрига ўтказилган, Ер реформаси амалга оширилиб феодал мулки тугатилган, Ер ҳам давлат мулки деб елон килинган. Давлат саноатни ривожлантириш, модеринизатсия қилиш ва Янги корхоналар қурилиш ишларига катта етибор бермоқда.

Ефиўия қишлоқларида ананавий турмуш тарзи, моддий ва маънави маданиятнинг қадимий хусусиятлари сақланиб келмоқда. Айрим шаҳарларда ва йирик қишлоқларда ананавий маиший турмуш формалари билан бирга Янги шаҳар ҳаёти белгилари сезилмоқда. Аёлларда нозик матолардан бурма қилиб тикилган каштали оқ кўйлақлар, ёшларда эса Йуька ва блакузуклар пайдо бўлмоқда. Байрамларда ҳамма оқ либослар (Ефиўияда оқ ранг севимли) киядилар. Бутун ҳаёт очик ҳавода ўтади. Ҳовлида овқат ўширилади, чит тўкилади, ип йигирилади, нон ёпилади ва кофе қайнатилади.

Амҳара, тиграи, орома, гураге ва бошқалар кичик оила бўлиб яшайдилар ва мустақил хўжаликка эра. Яқин даврларгача қизларни ерта 12-13 ёшларида турмушга берганлар, енди никоҳ ёши анча Йуқори. Марказий ва ғарбий Ефиўияда моногам оила кенг тарқалган. Кўчманчичи аҳоли орасида полигам никоҳ сақланган, бой чорва хўжаликларида кўпхотинлик ҳам учрайди.

Имъэратор замонасида Ефиўия аҳолиси мутлоқо саводсиз бўлган, фақат шаҳардаги эркақлар ўқиш-ёзишни билганлар. РеволЙутсиядан кейин ҳамма Ерда мактаблар очилиб, саводсизликка қарши хужум бошланган. 1975-76 йилларда мактаб черковдан ажратилиб Шахсий ўқув Йуртлари давлат ихтиёрига ўтган. 1961-йили Аддес-Абебада олий ўқув Йуртлари бирикиб (биринчи олий коллеж 1950 йилда пайдо бўлган), Миллий университет ташкил қилинган. Бахр-Дара Шаҳрида педогогика фанлари Академияси очилган. Давлатни бошқариш учун зарур кадрларни тайёрлайдиган олий ўқув Йурти Аддес-Абебадаги Сиёсий мактаб муҳим вазифани бажармоқда.

Ефиўия халқларида фолклор, мусика, ракс ва куйлар жуда ривожланган. Турли халқ ривоятлари, масал ва мақоллари ертак ва ашуллалари амҳара, тиграи, орома, ва бошқа халқларнинг турмуш тарзининг турли томонлари билан таништиради, социал ҳаётини очиб бэради. Тасвирий санъат, адабиёт, куй ва ўйинлари Яна ҳам равнақ тўмоқда. 1995 йилда пойтахтда биринчи профессионал (70-йиллардан Миллий) театр пайдо бўлган. Диний етикодларга қараб христиан ва мусулмон байрамлари тантанали нишонланади. Бутун мамлакатда Янги йил (11 сентябр), «Маскал» номи ҳосил байрами (27

сентябр), револ'ютсион байрамлар, айниқса халқ револ'ютсияси куни умумхалқ тантаналарига айланган.

Илгари соғлиқни сақлаш системаси мутлақо бўлмаган. Ҳозир револ'ютсион ҳокимияти ҳар томонлама медресина хизматини кучайтиришга катта еътибор бермоқда. Аддес-Абебада ва барча провинцияларида касалхоналар, клиника ва медресина пунктлари ташкил қилинган.

Аҳолининг 19 млн., Яъни яримидан кўъ (66,5 %) христиан динидан асосан (анҳара, тиграи, қисман орома, агоу ва бошқа халқларда), қолгани (28%) мусулмонлар (сомали, ағари, чорва, оромо, тиграи, баджа, войта, жабирти каби халқлар) ва маҳаллий анаънавий диндаги (5%) элатлар ва группалар Асосан ғарбий, Шимолий ва жанубий ғарбий минтақаларида) аجدодларга сиғиниш, анимизм каби еътиқодлари сақланган.

Сомали ярим оролида яшовчи Шу номдаги аҳолининг (3,5 млн.дан ортиқ киши) тумуш тарзи ефиўияликларга анча яқин. Эрамиздан аввалги 2-минг йилликларда бу ўлкани қадимги мисрликлар пунт мамлакати деб атаганлар. VII-асрдан бошлаб Сомали араб маданияти таъсирига ўтади. X-XV асрларда пайдо бўлган Адал султонлиги йирик транзит савдо марказий айланган ва XV-асрларга гуллаб яшнаган. Кейин Сомали соҳилидаги султонлик ва имоматлар Мисрга ва португалияга қарам бўладилар. 1869 йилда Суец канали очилгандан сўнг империалистик давлатлар страрегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эра бўлган Сомалини Ўзаро бўлиб олишган. Фақат иккинчи жаҳон уришидан кейин кўп йиллик озодлик кураши натижасида 1960 йил 1-Иул ойида бўлинган мустамлака бирикиб мустақил **Сомали республикаси** деб еълон қилинган.

Мамлакатни 96 % аҳолиси Ефиўия ирқи, сомалийликлар кушит тил группасига киради. Жанубий ғарбий қисмда негроид ирқига мансуб банту тилидаги вагоша, бажуни қабилалари яшайди. Улар асосан деҳқончилик, овчилик ва балиқчилик билан шуғулланадилар. Йирик порт шаҳарларида ва савдо марказларида қисман араблар, суахили, амҳара, ҳиндилар ва италияликлар жойлашган.

Сомалиларнинг асосий қисми (жанубий минтақаларида 60% ва Шимолда 90%) чорва хўжаликлари билан ҳамда озчилиги деҳқончилик билан шуғулланади. Айниқса туякашлик кенг тарқалган бўлиб, туя билан бойлик белгиланган. Ўндан ортиқ туя, бир-икки Ўуз кўй ва ечкига эра бўлган киши бадавлат ҳисобланган. Айрим бой оилалар бир неча Ўуз ва ҳатто мингта туяга эра. Сомалилар группаларга бўлиниб, кўнча қавму қариндошлар оилалари бирикиб кўчиб Юрганлар. Узоқ даврга мўлжалланиб қурилган макон (гури)ни қолдириб, Ўсьирин ва ёшлар туякашлик қилиб узоқ жойларга кўчиб бир неча ойгача пода билан яшаган.ўрта ҳолатда аҳолининг фақат учдан бир қисми яшайди. Булар асосанводийларда жойлашган деҳқонлар, хунармандлар, савдогарлар ва соҳиллардаги балиқчилар.

Кўчманчичи аҳолининг ижтимоий тузумида уруғқабилавий муносабатлар, деҳқончилик билан машғул аҳолининг ижтимоий тузумида феодал патриархал муносабатлари ҳукмронлик қилган. Ибтидоий уруғқабил муносабатлариқолдиқлари сомалийликларнинг ижтимоий тараққиётига ката ғов бўлмоқда. Аммо йирик шаҳарларда пайдо бўлган ишчи синғи ва миллий буржуазия кам бўлсада, баъзи Янги ликларнинг куртак очишига ҳисса кўшмоқда.

Агар миллий маҳсулотнинг қишлоқ хўжаликдаги ҳажми 80% ортик бўлса, саноатда фақат 8% ташкил қилади. Бутун мамлакатда ҳозир тахминан 3 млн. туя, 3 млн. қора мол, 2,1млн. қўй ва 4,5млн. ечки бор. Жонли мол ексьортнинг учдан икки қисмини эраллайди. Деҳқончиликда фақат хўжаликка зарур екинлар (жўҳори, макка, кунжит, арахис, ловия, пахта) еқилади. Ексьорт учун қисман плантатсиялардан банан, шакар қамиш Етиштирилади. Ҳар йили 110 тоннага яқин банан ексьорт қилинади.

Сомалийликларнинг кўчманчичи чова қисми муваққат лагёрлар тиклаб, тухум шаклидаги қисмларга бўлиниб йиғиштириладиган ўтов (акал)ларда, деҳқонлар ва балиқчи ўтроқ аҳоли тсилиндр шаклидаги томи сомон билан ёпилган конус (мундуло)ларда истиқомат қиладилар. Йирик қишлоқда тўғри бурчакли чипта деворлардан қурилган, палма яъроқлари билан ёпилган нишоб томли уй (ариш)лар тикланган. Кийимлари кўшни Ефиўияликларникидай узун яхлит читдан бутун баданини туъиғига чаўрайдиган саръо, оёғига сандал (дас), бўйинларига куръон суралари ёзилган тумор осадилар. чорва аҳолисининг асосий таоми сут, катик қурут, онда-сонда гўшт ва атала, деҳқонларнинг таоми нон, атала, сариёғ ва сут. Аҳолининг кўпчилиги диний еътиқодга таяниб «ҳаром» ҳиссобланган балиқ, парранда ва тухумни истеъмол қилмайдилар.

Сомали аҳолисининг 99,8% ислом динида. Улар барча мусулмон байрамларини ва наврўз (сомалича дабишд байрами)ни тантанали равишда нишонлайдилар. Мустақиллик еълон қилингандан кейин револйутсия куни (21-октябр), 1-май каби кунларини ҳам тантанали нишонлайдиган бўлдилар.

Шарқий Африканинг йирик мамлакатларидан Кения (15,4млн. аҳоли), Уганда (13,2 млн.), Танзания (17 млн. киши) нинг этник қиёфаси ранг баранг. Масалан, Кенияда яшовчи аҳолининг асосий қисми (95%) негроит ирқида, айниқса нилот типи кўпчиликни ташкил қилади. Бу Ерда банту, нилот, кушт тилларида гапирадиган турли элатлар яшайди. Шулардан энг кўъ (65%) банту тилидага етнослар (кикйуЙу, ембу, камба, тарака, лухя, касиқ покомо, иверине, суахили ва ҳоказо). Нилот тил туркумига оид халқлар (аҳолининг 30%) дан энг каттаси жолуо ёки луомлгари кўчманчичи чорвадорлар бўлиб кенг ўтроқ деҳқончиликка ўтган. Ҳозиргача ярим кўчманчиликда яшаб келаётган нилотлар кўп. Уларнинг тасаввурида Ерга ишлов бериш, Яъни деҳқончилик қилиш кишига номуносиб касб. Бундай фикрдан масаи, санбуру, туркана, тесо номли чорвадор қабилалар ҳозир ҳам қадимий одатларига биноан айрим яшайдилар.

Кения ресъубилкаси Ўсиб келаётган кўп тармоқли қишлоқ хўжаликга эра мустақил мамлакат. Бу Ерда капиталистик плантатсия хўжалик анча ривожланган. Аммо хўжаликларнинг тўртдан уч қисми ярим натурал типда бўлиб, барча ўзига зарур анаънавий маҳсулот ишлаб чиқаради. Ўрмон ва сованна қисмида яшовчи халқларда оғир Шароитда примитив қўл меҳнатига асосланган жамоатчи деҳқон хўжаликлари сақланган. Кенг тарқалган екинлардан макка, жўхори, монйока, ямс ва батат, банан. Емишли илдизлар ва бананни ун қилиб, қотириб ёки ўшириб истеъмол қиладилар. Кушит халқлари молни асосий бойлик деб ҳисоблайди ва кам сўяди, асосан сут истеъмол қилади. Қон аралаштирилган сут севимли таомларидан.

Нилот ва Кушит халқларининг кўпчилиги кейинги асрларда мустамлакачилик занжирида ва ундан олдин давом етиб келган кул савдоси туфайли ўзининг анаънавий маданий хусусиятларини бир оз йўқотганлар. Банту, нилот ва кушитлар ўзига хос тарихий-маданий областларга бўлинади.

Африка, Араб ва Ҳинд маданиятларининг кўп асирлик яқин алоқалари ва улар аралашмасидан пайдо бўлган ёрқин ва оригинал Суахили маданияти халқаро аҳамиятга ва жуда кўп этносларга манзўр бўлган маданиятга айланган. Уй қурилишида, кийимларида, бадий хунармандчилик буюмларида, маънавий маданиятида ниҳоятда гўзал ва ранг-баранг ўзига хос хусусиятларини сақлаб келган. Кения халқларининг соҳил қисмидаги аҳоли ҳозиргача ажойиб заргар, мисгар, ёғоч ва суяк ўймакорлиги санъати ананаларини давом еттирмоқдалар. Суахилликларнинг оқ халат (галабей)лари, кумуш билан кашталанган чиройли дўъбилари, аёлларнинг қуйук кўк ўзига хос парда ва чойшаблари, турли таомлари турли Шарқий-жанубий хосил аҳолиси ораисда кенг тарқалган.

Танзанияда маҳаллий банту халқларининг ўтроқ деҳқончилик маданияти билан хунармандчилик ҳамда соҳилдаги суахилт савдогарларининг маданий анъаналари қадимий даврлардан аралашиб шаклланиб келган ва кўп умумийликка эра қўшни Уганда, Бурунди, Замбия халқларида ҳам бу жараён сезиларли. Замбияда бир неча Ўн қишлоқлар бирикиб-бир жамоа (чигдом) ни ташкил қиладилар. Одатда 5-10 минг кишидан иборат чигдомга анъанавий оқсоқол бошлиқ қилиб сайланади. Мазкур жамоаларнинг сони мамлакатда 400 га яқин. Танзанияда бола вояга Етганда, никоҳ ва кўмиш маросимида қадимий урғ-одатлар сақланиб, уларни қўғинлар ва ғолбинлар бошқариб келган. чорва-масаи аҳолиси паст еллипс шаклидаги хашак ва чивиклардан тикланган уйлардан иборат 20-50 хонадонлик қишлоқда жамоа бўлиб яшайдилар. Уганда аҳолиси яшил банан («метакс») ни бошқа бантулар сингари қайнатиб, димлаб истеъмол қиладилар, сули ва жўхори ва кассавадан таомлар ўширадилар, чигиртка ва термит (қирчумоли) ларни ҳам қовуриб Ейдилар.

Ҳозирги Кениянинг 48 % аҳолиси маҳаллий анъанавий диний ётиқод ва ибодатларга амал қиладилар, 30 % христиан динида, 15 %

мусулмон. Танзанияда маҳаллий динларга 44 % аҳоли, ислом динига 25,7 %, христиан динига 28,8 % аҳоли итоат қилади. Уганда аҳолисининг 43,8, %и анъанавий динларга, 47,7, %и христиан, 3-5 %и мусулмон, маҳаллий дин ва ибодатга амал қилувчилар Руандада кўпроқ (55,5 %), қолгани асосан христианликка ўтган. Қўшни Брундида аксинча кўпчиликни христианлар (54,7 %), қолгани маҳаллий ибтидоий дин таъсирида. Шарқий Африкада ҳам синкретик аралаш христиан-Африка черковлари ва мазҳаблари пайдо бўлган.

Жанубий Африканинг этник қиёфаси лингвистик тузилиши ва социал тузуми ҳар хил. Туб аҳолиси Африкаликлар минтақанинг беШдан тўрт қисмини ташкил қилади (1980 й. 61 млн.), аммо энг жанубда яшовчи элатлар ирқчилар томонидан халигача қаттиқ зулмга ҳукм қилинган. Бу Ердаги Африкаликларнинг кўпчилиги банту халқлари (тахминан умумий аҳолининг 78 %и) энг қадимий этнос ҳисобланган бушмен ва гуттентотлар ярим % Осиёликлар-2 %. Ирқчилар асосий серҳосил Ерларни эралаб маҳаллий элат ва қабиаларни яшаш учун ноқулай бўлган жойларга ҳайдаб резервацияларда сақламоқдалар.

Турли маҳаллий этнослар минтақада Мозамбик Зимбабве, Жанубий Африка Ресъубликаси (ЖАР), Намибия, Ботсвана, Свазиленд, Лесот давлатлари, Мадагаскар, Комор, РеЙунон, Маврикий ва СейШел оролларида тарқоқ ҳолда жойлашган. Минтақадаги мамлакатлар орасида ўзининг ижтимоий тузуми ва этник состави жиҳатдан Мозамбик халқ ресъубликаси алоҳидаўрнини эралайди.

Йуқорида кайд қилинганидек Мозамбик территориясида эрамизнинг В-ИХ асрларда пайдо бўлган деҳқончилик чорвачилик банту халқлари маҳаллий овчи ва теримчи қабиаларни жануб ва ғабра сиқиб чиқариб Ўз ҳукмронлигини ўрнатганлар. Улар эрамизнинг II минг йиллиги бошларида Замбези ва Лимбўо дарёлари оралиғида ўзига хос йирик Мономатаба давлотини ташкил қилган. Улар темир ва мис еритишни, металл ва сопол буюмлар ишлаб чиқаришни билганлар, кесилган гранит бўлақлардан катта инШоатлар, қўшни араб, ҳинд ва хитой ўлкалари билан савдо қилганлар. XV аср охирларида Мозамбик соҳилларида пайдо бўлган атоқли денгизчи Васко де Гама бошчилигидаги португал ексьедитсиясининг қатнашчилари бу Ердаги кемалар, карта ва комъаслар Европаликларникидан Йуқори туради, деб таъкидлаганлар, жуда кўп олтин, мис, темир, фил суяги буюмлари, мунчоқ, чинни ва металлари кўриб ҳайрон қолганлар. Бундай бойликлар мустамлкачиларнинг кўплаб келишига сабаб бўлган ва ўлкани португалиянинг мустамлакасига айлантирилган. португаллар то XX асрларгача Мозамбикни талаб келганлар, минглаб қулларни зўрлаб олиб кетиб, Бразилияга олиб бориб сотганлар.

Жанубий Африканинг нисбатан ривожланган кўп тармоқли хўжаликка эра бўлган мамлакатларидан ҳисобланган Зимбабве халқларида анъанавий турмуш тарзи элементлари анча сақланиб келган. Масалан, аҳолининг учдан икки қисмини ташкил қилувчи Шона халқи ҳозиргача дэразасиз доирасимон конус шаклидаги сомон томли уйларда

яшайдилар, уларнинг бутун фаолияти ва тирикчилиги очик ҳовлида ўтади. Овқатлари дондан ёширилган атала сабзавот қайласи билан, гўшти фақат оилавий ёки диний байрамларда истеъмол қиладилар. Теридан тикилган белбоғ ёки етакча, баъзан кандирдан тўқилган етик киядилар. Уларда ҳозиргача қадимий қабилавий тартиблар сақланган. Катта этнотерриториал бирикмадан иборат қабила жамоаси- «нқиқа»ни анъанавий оқсоқоллар бошқаради. Улар муайян даврда жамоа мулки ҳисобланган Ерларни қайта тақсимлаш, хашар ташкил қилиш, маросимлар ўтказишга бош уладилар. Қишлоқ оилалари ҳар бир оила аъзоси ҳурматига қараб таом истеъмол қилишда Ўзўрнини аниқ билган. Ҳар киши дала ишларидан ташқари уйида бир касбни билиши, масалан, чипта сават тўқишни, сопол идиш ясашни, ўймакорликни ёки бошқа бир касбни эраллаши Шарт бўлган. Уларнинг сеvimли мусиқа асбоблари турли ноғоралар, най ва сурнайлар, ўзига хос ёғоч, резинаторгаўрнатилган тунукали инструмент «мбира» жуда нозик геометрик нақшлар бериган сопол буюмлар, тўқималар, аъликатсия усулида тўқилган гиламлар, Шона халқига хос декоратив санъат намуналаридир.

Зимбабве аҳолисининг кўпчилигида (64 %) анъанавий диний ётиқодларга, айниқса, табиат кучларига, уруғ ва қабила аждодларига сиғиниш сақланиб келган. Бу Ерда христиан динига аҳолининг 24,7 %, курама христиан-Африка черков ва мазҳабида, 10,7 % бўлиб, диннинг таъсири кучли. Ендигина (1980 йили) мустақилликка еришган Зимбабве Республикаси мустамлакачиликдан қолган оғириқтисодий-маданий меросни тугатиб, кенг тараққиёт йўлига ўта бошлаган ўлка.

Этник жиҳатдан ўзига хос Койсан тил туркумига оид бушменларнинг қурол ва буюмлари ўқ-ёй, ўқдон, ёғоч сўқи ва сўи, страус тухуми қобиғидан ва ёввойи ҳайвонларнинг ошқозинидан ишланган сув идишлари. Ёй ўқининг учи тошдан ёки қўшни банту ва гуттетотлардан алмашиб олган металлдан ясалган. Улар ўқ-ёйни мусиқа асбоби сифатида ҳам ишлата биладилар. Сеҳргарлик маросимларида созандалар чалқанча ётиб куй ижро этадилар. Бушменлар ота уруғидаги қавму-қариндош гуруҳларга бирикиб, дайдилик қилиб кўчиб Йурадилар. Уларда доимий уйлар бўлмасдан тураргоҳларида қумни кавлаб ёки Ертўла қилиб сомон тўшаб ётганлар, баъзан хашаклардан чайла қурганлар. Окаванго воҳасида бир неча ўтроқ бушменларнинг қишлоғи учрайди. Улар йиғим-теримчилик ва овчиликдан ташқари мотиға деҳқончилиги билан шуғулланадилар.

Ботсвана аҳолисининг кўпчилиги ҳозиргача қабила бошликлари арвохлари, табиатга сиғиниш, тотемистик тасаввурлар сақдаб келган. Турли маросимлар, айниқса, инитсиатсия билан боғлиқурғ-одатлар кенг тарқалган ва жуда тантанали равишда нишонланади. Христиан ва аралашма (христиан-Африка) динлар ҳам муҳимўринни эраллайди. Саводсизлик оммавий бўлганлиги туфайли диний ётиқод ва маросимларнинг мустаҳкам сақланишига асосий замин яратган.

Мустамлакачилик ва ирқчиликнинг охириги таянчи бўлган Жанубий Африка Республикаси ва Намибия (зўрлик билан ЖАР томонидан

босиб олиб, буйсундирилган) мамлакатларининг кўп аҳолиси энг фожиали тақдирга эра. ЖАР жуда катта территорияни эраллайди (1,2 млн. кв.км.), унинг аҳолиси 43,7, 2 млн. кишидан иборат (2013 йил), Намибия аҳолиси 1,8 млн. дан ошиқ (территорияси 824, 3 минг кв.км.).

ЖАР тараққий қилган капиталистик мамлакатлар қаторига киради. Унга ғашистик типдаги ҳокимият бошчилик қилади. Дастлаб бу Ерга XVII аср ўрталарида Голландияликлар (булар, Яъни деҳқонлар ёки Африканерлар) кела бошлайди. Булар ташкил қилган гермаларда Осиё (Ява), Мадагаскар ва Ғарбий Африкадан келтирилган қулларни ишлатганлар, кейинчалик маҳаллий гуттентотларни асир қилиб ишлата бошлаганлар. XVII-XVIII асрларда Жанубий Африкага Француз гуттентотлари ва немислар кўчиб келиб, маҳаллий аҳоли (бушмен, гуттентот) нинг серунум Ерларини босиб олиб, Ўзларини кўплаб кириб Ўйуборганлар.

1910 йили Жанубий Африка иттифоқи пайдо бўлади ва Британия империясининг доминиони, деб ёллон қилинади. ўша даврдан бошлаб Африкаликларни ҳар томонлама езиш, ирқий камситиш, социал тэнгсизлик қонуний даражага кўтарилади. Мамлакатнинг тўртдан уч қисмини ташкил қилувчи маҳаллий аҳолининг қўлида 13 % Ер қолган, холос. Бутун серунум Ерларни мустамлакачилар эралаб, туб аҳоли резервацияларга кўчирилган. Қора танлиларни барча ҳуқуқлардан маҳрум қилувчи кўп қонунлар қабул қилинган. Милитаризатсия ва босқинчилик сиёсатини амалга ошираётган ҳозирги Жанубий Африка Ресубликасининг ҳокимияти қитъанинг бошқа мамлакатларига ҳам ҳавф келтирмоқда.

ЖАР да миллий масала энг мураккаб ва жиддий характерга эра. Бу Ердаги Европалик бўлмаган барча халқ ва элатлароғиржабр зулмга ҳукм қилинибгина қолмай, тирикчилик учун энг қийин ишларда ишлашга ёки иш ахтариб бошқа Ерларга кетишга мажбур. Бутун аҳоли расмий равишда 4 группага бўлинган: Африкаликлар (1979 йил 21, 1 млн. киши), оқ танлилар (4,7 млн.), метислар ёки «ранглилар» (2,6 млн.) ва келгинди Осиёликлар (0,8 млн.). Африкаликларда энг катта этник группа банту (аҳолининг 70 %), айникса, зулус, коса, суту, тевана ва свази халқлари ўзига хос маданиятни сақлаб келмоқда. Уларнинг ижтимоий тузумида анча Ўзгаришлар пайдо бўлган, диний ётиқодлари анча Ўзгарган, кўпчилик аҳоли христианлаштирилган (47 %), маҳаллий диндаги аҳолининг учдан бир қисми (35,5 %) да сақланган, қурама христиан-Африка черкови ва мазҳаблари тарафдорлари эса 13,7 % аҳолини ташкил қилади. Ислом бу Ерга дастлаб XVIII асрда Индонезиядан мусулмон қуллар билан келган ва XIX асрнинг иккинчи ярмидан анча кўпайган. Ҳозир аҳолининг 1,4 % и мусулмон динида.

Бутун банту аҳолиси Африкада кенг тарқалган доира (қўра) шаклида қурилган қишлоқлар (краал) да катта патриархал оила бўлиб яшаганлар. Зулус ва Коса халқларида ота уруғининг классик намунаси сўнгги даврларгача сақланган бўлиб, катта оила жамиятининг

иктисодий хужайраси ҳисобланган. Ҳар бир қабилабир неча уруғларга бўлинган, ҳар бир уруғ Ер мулкига эра ва айрим сайланганоқсоқол томонидан бошқарилган. Йирик қорамол катта патриархал оиланинг мулки ҳисобланган. Тўйда қорамол билан қалин тўланган. Куёв бўлмиш қалин тўлашга уруғдошларидан мол тўълаган. Банту халқларида умуман асосий бойлик йирик қорамол ҳисобланган. Уларда сут маҳсулоти ишлатилган, гўшти кам истеъмол қилганлар. Гуттентотларда чорвачилик билан овчилик бирга олиб борилган. Бушменлар эса овчилик ва теримчилик билан шуғуллаганлар.

Гуттентотларнинг уйлари егилган дарахт новларидан гумбаз шаклида қурилиб, уларнинг устини терилар билан қўлаган ёки лой билан суваган. Уларнинг ов қуроллари, металл, учли найза, ўқ-ёй, узун чўқмор («кирри») бўлган. Жанубий Африка банту халқларининг уйлари дойра шаклида қурилиб, томи қамиш ёки сомон билан ёпилган, уйлар ҳам. доира қилиб тизилган бўлиб, мол кўраси вазифасини бажаради. Уйга яқин хўжалик чайлалари ошхона, гумбаз шаклидан чивикдан ясалган дон сақлайдиган катта сават. Зулус халқларида Шарга Ўхшаш устунлараўрнатилган тўқима уйларнинг ташқари ва ичкараси лой билан сувалган. Сотто халқининг уйлари турли хилда: конус томли тухум шаклида ёки тўғри бурчакли икки ёки тўрт нишабли бўлади. Тоғлик, минтақаларда уйлар тошдан ёки гуваладан тикланиб баъзан безак берилган. Айниқса идебеле халқининг уйлари тухумсимон бир-бирлари билан нақш берилган гумбазли ва устунли деворлар билан йўишган, деворлари қора, кулранг, қизил, сариқ ва кўк рангда геометрик орнаментлар билан безатилган. Уй-рўзғор буюмлари ёғ ва сут сақлайдиган идишлар, қовоқдан ишланган сувдонлар, дон ва гўшт соладиган саватлар, Ерга тўшаладиган чипта ва бўйралардан иборат.

Мадагаскар Ресъубликасининг аҳолиси (2001 йилда 16.4 млн. бўлган) ўзининг этник тузилиши ва турмуши билан Африкаликлардан ажралиб туради. Туб аҳоли ҳисобланган малагаси (малгаш) лар ташқи кўриниши, тили, моддий ва маънавий маданияти ва урғ-одатлари билан Жанубий-Шарқий Осиё халқларига яқин туради. Аммо уларнинг орасида ҳам монголоид, ҳам негроид типлари учрайди. Тиллари малайя-ёолинезия оиласига киради. Малагасийлар аҳолининг 97-99 % ини ташкил қилади.

Етногенези ҳамўрганилган. Аниқ маълумотларга қараганда Мадагаскарга эрамиздан аввалги X-XII асрларда жанубий-Шарқий Осиё оролларида монголоидлар кўчиб келган. Улар бу Ерга илгари келиб жойлашган бушмен ва гуттентотларга яқин аҳоли ва кейинги оқим Шарқий Африкадан кела бошлаган соҳил бантулари билан аралашиб ҳозирги малагаси халқининг шаклланишига асосий замин яратган.

Моддий маданияти жихатидан мазкур аҳоли Индонезия халқига яқин. Малагасийлар ҳудди индонезияликлар сингари Ерга ишлов бериб, Шоли екканлар. Жуда ўхшаш кийимлар кийганлар, темир еритиш, пуғак қурол ишлатиш, балансерли кема ҳам худди индонезияликларники

сингари. кўмиш маросими, сафана қуриш, қабрларга, деворларга қушларнинг тасвирлари ёки ҳайвон шохларини ўрнатиш кабилар ҳам ҳиндихитой, Филиппин ва полинезияликларникига ниҳоятда ўхшаб кетади. Малагасийларнинг жуда бой ривоятларида узок ўтмишда аجدодларининг Шарқий мамлакатлар билан боғлиқ эканлиги тўғрисида ҳикоя қилинади. Умуман Мадагаскар аҳолисининг тарихини асосан оғзаки ривоятлар, тарихий солномалар орқали тиклаш мумкин. Хуллас, малагасийларнинг аجدодлари тахминан эрамиздан аввалги II минг йилликда жанубий-Шарқий Осиёдан келиб жойлашган ва маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган.

Дастлаб Мадагаскар оролида муштамлакачилар келишдан олдин пайдо бўлган. ХИБ асрда орол марказида Имерин давлати ташкил топади ва унинг аҳолисининг кўпчилиги мерина халқидан иборат бўлган. XVII-XVъ асрларда Мадагаскарда учта муштакил турли этник гуруппалардан ташкил топган давлатлар пайдо бўлади. XIX асрга келиб улар бирикиб, «Мадагаскар қироллиги» га асос солади ва уни Имерин ҳокимлари бошқаради. ўтган асрнинг 40 йилларида Мадагаскар иқтисоди ва маданияти анча ривожланиб мамлакат раванқ топади. 1876 йилда 8-16 ёшгача болаларни мажбурий ўқитиш жорий қилинади. Савдо-сотиқ кучаяди, саноат корхонлари пайдо бўлади, капиталистик муносабатлар куртак ота бошлайди. Малагасий тилида газета ва журналлар чиқа бошлайди. Маҳаллий интелегентсия Йўзага келади.

Мадагаскарни босиб олиш нияти XVII асрлардан бошлаб ва ўтган аср охириларигача давом қилган. Европа давлатларининг ёвуз ниятлари малагасийларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келиб, пучга чиқди. Фақат 1883 йилда бошланган икки йиллик қонли урушлардан кейин ўзига бўйсундиради. Бир неча йил халқ кўзғолонлари давом етиб, 1896 йилги Шартнома асосида Имерин ҳокимлиги тугатилади, қиролича мамлакатдан ҳайдалиб, йирик давлат арбоблари ва қирол вакиллари қатл етилади.

Бутун муштамлака даврида малагасийларнинг босқинчиларга қарши озодлик кураши давом етиб келган. Бу жасуруна кураш 1960 йили муштакил Малагасий Ресўбликасини ташкил етилишига олиб келди. 1975 йили унга Мадагаскар Демократик Ресўбликаси деб ном берилади ва Янги ҳокимият Олий Револўютсион Совет мамлакатда социализм қуриш программасини ва Янги конституциясини қабул қилди.

Оролнинг 98,8 % аҳолиси малагасийлар. Улар 18 та этник гуруппаларга бўлинган. Буларнинг ичида энг йирик гуруппалардан: мерина ёки мерна (аҳолининг 23, 25 % ини), бетсими-сарака ташкил етади. Бундан ташқари мамлаката чет елликлардан французлар, ҳиндилар, покистонликлар, хитойлар, араблар, мукуа, суахил ва коморликлар яшайди. Барча элатлар Ғарбий Индонезия шеvasидаги бир бирига яқин диалектлардан иборат маласи тилида гапирадилар. Аҳолимигртсиясининг орол ичида жуда жиддий бўлганлиги туфайли

этник ва тил бирлигитез суратлар билан рўйберган. Натижада умумий малагаси халқнинг шаклланишига замин яратилган.

Ҳозир Мадагаскарда яшовчи аҳолининг 80 % и қишлоқ хўжалик билан банд. Асосан мустамлака даврида улар ҳам товар муносабати гирдобига тортилган. Бундай хўжаликларда мажбурий равишда товар маҳсулотлари (ванил, қалампир, шакарқамиш) Етиштирилган. Экспорт маҳсулотларини йирик плантатсион хўжаликларда ишлаб чиқарадилар. Ҳозиргача сақланиб келган анъанавий қишлоқ жамоаси (ғукунлуна) иқтисодий ҳаётида муҳим рол ўйнамоқда. Ижтимоий муносабатларни бошқаришда территориал ташкилот вазифасини бажарувчи ғукунлуна сайланган умумий кенгаш 5 йилгача маҳаллий олий ҳокимият ролини адо этади.

Асосий озиқ-овқат маҳсулоти шоли бўлиб, бутун суғориладиган Ернинг 95 %

ини эраллайди. Шоли кўчатларини кичик полизларда Етказиб кейин далаларга екканлар. Екинзорларга сувни каналлар, кичик плотиналар орқали Етказиб берганлар. Баъзан ёмғир сувларини ҳам далаларга тўғонлар қуриб екинга ишлатганлар. Одатда ботқоқ ҳолатига келган далаларга зебу (Ўрқачли Африка хўкизи) подасини Йубориб бостирилган сўнгра тупроққа йўғ сеъган. Оролнинг жанубий-Шарқий қисмида ҳозиргачаўрмон (чангалзор) ларни кесиби, қурийтиб, куйдирилган кумли тупроқа екин екканлар. Ерга узун дастали, темир учли мотиға (кетмон) билан ишлов берганлар. Шолини йилнинг охирида ёмғир кўп ёғадиган пайтда екиб, аърелда йиғим-терим бошланади. Хосилни кўлда йиғиб олиб тошга уриб ёки ҳирмонда мол ҳайдаб янчилади. Одатда куйдирилган Ерга икки йил екин екилади, кейин 8- 10 йил партак қилиб қолдирилади, Янги Ер очилади.

Жанубий-ғарбий минтақаларда маккжўҳори, водийларда картошка, ловия, жўҳори, маниока, банан, сабзавот, мевали дарахтлар ҳам екилади. Асалари ва ўлла Етиштирилади. Марказий адирларда Шимолий-Шарқий соҳилларда кофе, ванил, қалампир, ёғли екинлар, шакарқамиш каби товар маҳсулотлари екилади. чорва минтақаларда эса йирик қорамол зебу, чўчка, ечки, турли парранда боқилади. Мадагаскарни баъзан «зебу ороли» деб атайдилар, чунки бу Ерда 10 млн. га яқин зебу боқилади. Аммо чорва бойликни белгиловчи соҳа бўлсада, асосий рол ўйнамайди, мол гўшти кам ишлатилади, фақат тўй ва маросимларда мол сўйилади.

Аҳолининг кўпчилик қисми (90 %) қишлоқларда яшайди. Уйлари тўғри бурчакли қилиб, қамишдан қурилган томлари палма яъроқлари билан ёпилган деворлари қамишдан тўқилиб лой билан сувалган. Марказий тоғли минтақаларда тошдан ва ғиштдан қурилган уй жиҳозлари, ёғочдан ўйма нақш берилган мебеллар, чиройли тўқилган чипта ва бўйралар, чипта дастурхон ва салфеткалар, турли орнаментли ёғоч идишлар, хайкалчалар ва ҳоказо. Эркакларнинг кийими белбоғча, аёлларда газламадан тикилган Юпка. Миллий кийимлардан екак ва аёл киядиган оқ ёки гулли читдан бошдан оёқўрама қилиб кийиладиган мата-

ламба кенг тарқалган. Қизил ипакдан бичилган манба киши ўлганда кафан вазифасини бажарган.

Мадагаскар аҳолисининг ярмидан кўъ (54 %) маҳаллий анъанавий динларга, айниқса аждодларга СИҒИНИШ ибодатига амал қиладилар. Одамнинг ҳаёти тугилишидан то улимгача уруғ ибодати маросимлари ва одатлари билан тўла, ҳосил тўълаш ва молнинг болалаши ҳам турли урғ-одатлар билан нишонланади. Малгасийларнинг турмушида дағн қилиш ва хотирлаш маросимлари алоҳидаўринни эраллайди. Хотира маросимларида мусиқа, ретуал рақслар, милтиқ отишлар, катта ҳаражатли худойилар ва ҳағталаб давом қиладиган зиёғатлар жуда кенг тарқалган. Айниқса, қабр устига қўйиладиган ёдгорлик устунлари ўйма нақшлар ва ҳўкиз Шохлари билан безатилиб,ўрнатилади. Қариндошларни дағн қилиш ва улар қабрига бориб хотиралаш энг муҳим одатлардан ҳисобланади. Шунинг учун соҳил аҳолисида қабристонларни ободонлаштириш, сафана ва қимматбаҳо ҳайкаллар қўйиш кенг тарқалган. Малагасийлар Ўлимни ҳаётнинг давоми деб тасаввур қиладилар.

Орол аҳолисининг 41% и христиан динига ўтган бўлсада, асли қадимий анъанавий маросимларни ва урғ-одатларни утказадилар. Уларнинг тасаввурида аждодларнинг арвохлари бирга уйда яшайди, қолган авлодларининг турмушини, хўжаликда, кундалик ҳаётда ва диний маросимларда анъанавий удумларга амал қилишни кўзатадилар. Тахминан 10 % малагасилар сунна мазхабидаги ислом динига, озгина қисми эса Шиа мазхабига итоат қиладилар.

Малагасиларнинг тасвиррий санъати амалий характерга эра бўлиб, тош ёки ёғоч уймақрлиги, сопол идишлари ва газламлардаги тасвирлар, чипта ва саватлардаги нақшлардан иборат. Мусиқа асбобларидан бамбукдан ясалган ноёб ноҳинли қўшимча, торли инструмент, ноғўа ва найлар овози баъзан мотам муносабати билан икки-уч сутка тинмай профессионал ансамбл ижросида Ян грайди. Оғзаки ижод ҳам анча ривожланган.

Қўшни Комор, РеЙунон, Маврикий ва СейШел оролларида этник группалар ҳам ўзига хос моддий ва маънавий маданият яратганлар. Уларнинг турмушида келгинди Европаликлар билан малагасиларнинг таъсири жуда кучли бўлган. Масалан, Комор ва Маврикий оролларида жуда тантанали ва ранг-баранг ўтказиладиган анъанавий байрамларида Африка рақс ўйинларига ўхшаш жўшқин темъэраментли рақс-Шизана, жозибатор Маврики рақси-сэра кишини ўзига мағтун қилади. Маврики давлотининг ярмиси индуистлар, учдан бир қисми христианлар, 16 % мусулмонлар бўлса, СейШел ва РеЙуноннинг кўпчилиқ аҳолиси (90%) христианлар, Коморликлар эса аксинча, асосан мусулмонлар(99%). Аммо барча оролликлар орасида ҳозир кенг маърифат тарқалмоқда.

Назорат саволлари:

- 1.Шарқий ва Жанубий Африка худудида жойлашган мамлакатлар қайсилар?
2. Шарқий ва жанубий Африканинг этник таркиби.

3. Шарқий ва Жанубий Африка халқлари антропологик тузилиши қандай?
4. Шарқий ва Жанубий Африка халқларилингвистиктузилиши қандай?
5. Шарқий ва Жанубий Африка халқлари ҳўжалигитузилиши қандай?
6. Шарқий ва жанубий Африка халқининг маданияти.

12-Модул: Ўзбек халқи этнологияси.

Режа:

1. Ўзбекистоннинг географик ўрни. Ўзбек халқи тили, қиёфаси этнологияси.
2. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи.
3. Ўзбек халқи анъанавий ҳўжалиги.
4. Ўзбек халқи моддий ва маънавий маданияти.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР: *Орол денгиз, Амударё Сирдарё, воҳалар, ўзбеклар, олтой тил оиласи, қарлуқ лаҳжаси, “Ўрта Осиё иккидарё оралиғи махсус тип, сўғдийлар, хоразмийлар, бақтрияликлар, фарғоналиклар, сак-массагетлар, учта катта Этнографик гуруҳ, деҳқончилик, чорвачилик ҳўжалиги, ҳунармандчилик, синч уйлар, паҳса, хом гишт, гувала, миллий кийимлар. Алпомиш, Гўрўғли.*

Ўзбекистоннинг географик ўрни. Ўзбек халқи тили, қиёфаси этнологияси.

Табиати ва иқлимига маълум даражада Орол денгиз, Амударё Сирдарё, Зарафшон, Чирчиқ дарёлари, кўллар, Қизилкум, Мирзачўл чўллари таъсир қилади. Бутун Марказий Осиёга ҳаёт бағишлаб турган Амударё ва Сирдарё помир тоғларидан бошланиб кўҳна Орол денгизига келиб қуйилади. Кичик дарё ва сойлар тоғлардан кельтирилган сувларни воҳаларга тарқатиб кум ва саҳроларда шимилиб кетади. Серунум тупроқли воҳаларида қадимий даврлардан суғорма деҳқончилик пайдо бўлиб, дарахтзорлар ва боғу роғлар яратилган. Тоғли минтақалар, тўқайзорлар, даштлар ҳайвонот дунёсига бой. Ўзбекистон Ресъубликаси-Марказий Осиёда жойлашган давлат бўлиб ҳудуди 448,9 минг кв.км., аҳолиси 33 млн (2019 й), республикада 130 дан ортиқ миллат ва элат яшайди. Асосан Ўзбеклар. пойтахти–Тошкент.

Лингвистик жиҳатдан ўзбекларолтой тил оиласининг туркий тил туркумига киради. Қарлуқ лаҳжаси хос. Лингвистик жиҳатдан ушбу лаҳжага кирувчи уйғурлар тили ўхшашдир. **Антропологик** жиҳатдан ўзбеклар Марказий Осиёнинг алоҳида “Ўрта Осиё иккидарё оралиғи махсус тип”ни ташкил этади. Антропологик белгиларига кўра воҳа тожиклари қиёфа тузилиши билан ўхшашдир. Антропологик маълумотлар ўзбекларнинг қиёфа тузилиши асослари эрамиздан аввалги биринчи минг йилликдан шаклланган. “Қовунчи

маданияти” материаллари. Т. Хўжаев назарий қарашлари мазмуни. Антропологларнинг таърифича, бу тип иккита катта ирк-еврўоид ва монголоид оралиғидаги боғловчи кўприк вазифасини бажариб ўзига хос Марказий Осиёлик махсус антропологик типни ташкил қилган. Қадимий Европоид белгилар ғарбдан шарққа томон кам сезилади.

Марказий Осиёнинг энг кўп сонли ва қадимий халқ ҳисобланган **Ўзбеклар** ҳозирги Ўзбекистоннинг асосий аҳолиси (80% ортиқ) ҳисобланади. Уларнинг анча қисми қўшни Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркменистонда истиқомат қиладилар. Чет еллардан Афғонистонда 1,3 млн. га яқин Ўзбек, Хитойнинг, Синтсзян-Уйғур Автоном минтақайда 20 минг, Ерон ва Туркияда бир неча минг Ўзбеклар яшайди. Умуман Ўзбекистонда 1991 йили бошида 100 дан ортиқ миллатдан иборат 20,5 млн. га яқин аҳоли мавжуд эди. Шулардан 10,8 %и руслар, 4,2 %и татарлар, 4 %и қозоқлар, 3,9 %и қорақалъоқлар, 1,1 %и корейслар ва ҳоказо.

Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи.

Ўзбек халқнинг шаклланиши узок давр давомида Антропологик ва тил жиҳатдан турли хил кўчманчичи чорвадор аҳолининг ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланувчи Юксак маданиятли элатлар билан аралашиб жараёни асосида рўй беради. Ўзбек этногенезида қадимий сўғдийлар, хоразмийлар, бактрияликлар, фарғоналиклар ва сак-массагет қабилалари муҳим рол ўйнаган. Туркий қабилалар ўрта Осиёга эрамик арафасида кела бошлайди ва VI асрда турк ҳоконлиги даврида нача кўпаяди. Айниқса бу жараён XII аср ўрталарида Қорахонийлар давлати даврида ва муғуллар истилосидан кейин жуда кучайган. ўша вақтда Ўзбек адабий тилига асос қўйилган эди. Энг охириги йирик туркий қабилалар дашти қипчоққа босиб кириб қадимги маданият марказлари-Мовароуннахр, Хива, Урганч ва Тошкент, Сурхон ва Қашқадарё воҳаларини ўзига бўйсундирибгина қолмай, ҳатто «Ўзбек» номини тарқалишига сабаб бўлади. Истило қилинган жойларда кўчманчичи Ўзбеклар озчиликни ташкил қилса ҳам зўр сиёсий ва ҳарбий кучга эра бўлганлар. Улар аста-секин ўтроқ деҳқончиликка ўта бошлаганлар. Аммо ҳозир ҳам жанубий Ўзбекистонда яшовчи Ўзбеклар узок ўтмишдаги кўчманчиликнинг айрим белгиларини ва қисман уруғ қабилавий номларини сақлаб қолганлар.

XV аср арафасида Ўзбеклар асосан учта катта Этнографик группадан иборат бўлган:

1. Воҳаларда жойлашган қадимий ўтроқ аҳоли;
2. Марказий Осиёнинг икки дарё оралиғида яшаган қабилалар билан келгинди турк-мўғул ҳамда кейинги Ўғузлар билан аралашиб кетган ярим кўчманчичи турмуш тарзи ва уруғ қабилавий номларини сақлаган авлодлар;
3. Дашти қипчоқдан келган қабилалар (қипчоқ, найман, қўнғирот, манғит ва ҳоказо) нинг энди ўтроқ ҳолатга ўтиб бўлаётган элатларнинг авлодлари;

Ўзбек халқи анъанавий хўжалиги.

Минтақада яшовчи элатларнинг хўжалиги умумий географик шароитга мослашиб махсус хўжалик-маданий типни ташкил қилади. Асримиз бошларида Ўрта Осиёда уч хил анъанавий хўжалик типлари маълум бўлган, воҳаларда яшовчи ўтроқ деҳқончилик хўжалиги, дашт ва даштларда кўчиб Юрган чорва хўжалиги, воҳаларга яқинва катта дарёларнинг қуйи оқимида жойлашган ярим ўтроқ чорва-деҳқончилик хўжалик. Хўжалик-маданий типларни чегараси этник территорияга тўғри келмайди аммо тарихий жиҳатдан этник бирлик ҳам узоқ давр ичида шаклланиб келган.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан деҳқончилик хўжалиги сунъий суғоришга асосланган. Қадимий даврдан бошлаб мураккаб суғориш иншоотлари ва системалари қурилган. Бунга Хоразм воҳаси суғориш тизимини мисол келтириш мумкин. Ўзбек халқи асрлар давомида деҳқончиликнинг илғор анъаналарини шакллантирганлар ва бу соҳада юқори маданият яратганлар. Тоғ етакларидаги экин майдонлари мураккаб кариз усули билан суғорилган. Сув кам жойларда қудуқдан, қадимги воҳаларда турли механизмлар-чиғир, чарх ёрдамида экинларни суғориш усулларида ҳам фойдаланилган. Ерга ишлов беришда Марказий Осиёнинг бошқа халқлари каби оддий ишлаб чиқариш қуроллари-темиртишли омон, мола, кетмон, бел ишлатилган. Анъанавий экинлардан ўзбеклар асосан буғдой, арпа, шолі, мош, ловия, пахта, полиз экинлари етиштирганлар. Боғдорчилик, узумчилик, эллагчилик ҳам халқимиз хўжалигида муҳим рол ўйнаган.

Ўзбек халқи моддий ва маънавий маданияти.

Ўзбек халқи орасида турли ҳунармандчилик соҳалари ривожланган. Барча ишлаб чиқариш қуроллари, уй-рўзгор буюмлари, кийим-кечак ва безаклар, қурилиш материаллари шаҳар ва қишлоқларда ишлаб чиқарилган. Катта шаҳарларда косиблар ҳатто тсехларга бириккан, айримлари махсус маҳаллаларда яшаганлар. чорва минтақаларида кигиз босиш, гилам ва полос тўқиш жун маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенг тарқалган.

Ўзбек халқининг моддий маданияти ҳусусиятлари унинг хўжалик фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган. Ўтроқ деҳқончилик билан машғул бўлган аҳоли қишлоқларда истиқомат қилган. Уларнинг уйлари инқилобгача (пахса, хом ғишт, гуваладан) ёки синчдан тикланган, асосан 1-2 хонали, даҳлизли ва текис томли қилиб қурилган. Камабағалларнинг уйлари ойнасиз, бир хонали, ўртасида Ўчоқ ва туйнукли, бўйра ва ески кигиз билан жиҳозланган. Тоғли минтақаларда ҳатто ойнасиз фақат туйнукли тошдан ёки гуваладан бир хонали кулбалар тикланган.

Бойларнинг катта ховлилари кўп хонали уйлар, дабдабали кўшклар, ранг-баранг галам ва тўшаклар билан безатилган. Яримўтроқ ўзбекларнинг кўчма уйлари ҳам бир-биридан тубдан фарқ қилган:

бойларнинг кўчма уйлари янги кигизлар билан ёпилган, ҳар хил гилам ва тўшаклар билан безатилган, камбағалларники ески, хувиллаган. Одатда ўтовнинг икки хили фарқ қилинади: конус шаклидаги мўғул типи ва гумбаз шаклидаги турк типи. Шундан яримўтроқ ўзбекларда иккала тип ҳам учрайди. Ўзбек халқининг миллий кийимлари жуда ранг-баранг бўлган. Ҳар ҳудуд аҳолиси ўзига хос кийимга эра, аммо умумий белгилари ҳам мавжуд. Эркакларнинг маънавий кийимлари асосан яхтак-кўйлак, иштон, чўон, белбоғ, пўстин, дўъби, тери телъак, махси-кавуш, чорик ёки етикдан иборат. Аёллар кенг тикилган кўйлак, узун иштон, Энгсиз нимча ва узун чўон (пешмат), махси-кавуш, кийган, бошига лечак, рўмолўраган, дўъби кийган ва ҳоказо. Кўнча кийимлар ранги ва гули билан фарқланган. Инқилобгача Ўзбек ва тожик аёллари паранжи (чачвон) кийинганлар. Яримўтроқ ўзбек аёлларининг бош кийимларига қараб қабилавий белгиларини аниқлаш мумкин бўлган. Ўзбек халқи барча қабила ва элатларининг аёлларида турли-туман узук, сирға, мис ва кумуш безаклар, тумор осиш, косметика кенг тарқалган. Ҳозир улар режалаштирилган замонвий мебел, гилам ва турли буюмлар билан безатилган кўп хонали ёруғ уйларда яшайдилар. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги шаҳарликларга хос кийимларга ўтганлар. Миллий кийимларни асосан қариялар кияди, бадий ҳаваскорлар тўғарагида ундан кенг фойдаланилади. Маракалардаэркакларга чўон ва дўъби кийиш одат тусига кирган. Аммо уй ва жамоат иншоотларидаги қурилиш ишларида ва баъзи кийимларда, айниқса аёлларнинг кийимларида гўзал анъанавий миллий белгилар сақланиб қолган ҳам Янги шакл касб етган. Анъанавий декоратив санъат намуналари, ўймакорлик, каштачилик санъати сўнгги йилларда Яна ҳам равнақ тўди.

Назорат саволлари.

1. Ўзбекистоннинг географик ўрни тўғрисида маълумот беринг.
2. Ўзбек халқи тили лингвистик жиҳатдан қандай изоҳланади?
3. Ўзбек халқи қиёфаси антропологик жиҳатдан қандай тарифланади?
4. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг асосий босқичлари тўғрисида маълумот беринг.
5. Ўзбек халқи анъанавий хўжалигикандай хусусиятларга эга?
6. Ўзбек халқи моддий ва маънавий маданияти ҳақида маълумот беринг.

13-Модул: Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари.

РЕЖА:

1. Марказий Осиёнинг географик ўрни.
2. Антропологияси ватил тузилиши.
3. Хўжалик йўналиши.
4. Маданияти ва дини.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР: Ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз, қорақалъоқ, уйғур, белужий, курт, форс, олтой, хинд-европа, монголоид ирк, Ўрта Осиё

иккидарё оралиғи махсус тип, туркий тил, деҳқончилик, сунъий суғориш, ҳунармандчилик, савдо, чорвачилик, кўчманчи, яримўтроқ, ислом, христианлик, фолклор, муסיқа, амалий санъат.

Ўрта Осиёнинг географик ўрни ва аҳолиси.

Қозоғистон-Худуди-2,717 минг кв.км., аҳолиси 14,8 млн, пойтахти-Остона еди. Тили қозоқ ва иккинчиси рус тиллари. Дини-ислом. Лекин Шимолда христианлар ҳам мавжуд. Туб аҳолиси 50 % ни ҳам ташкил етмайди. Тожикистон-худуди 143 минг кв.км, аҳолиси-6,2 млн, пойтахти-Душанбе, асосан тожиқ Шимолда Ўзбеклар ҳам бор еди. Туркменистон-худуди 488 минг кв.км, аҳолиси-5,5 млн. пойтахти-Ашхабад, асосан туркманлар, дини-ислом, давлат тили-туркман тили. Қирғизистон-худуди 198 минг кв.км, аҳолиси 5,0 млн. пойтахти-Бишкек (Олдин Фрунзе еди) Аҳолиси-қирғизлар, Ўшда Ўзбеклар. Давлат тили-қирғиз ва рус тили. Дини-ислом ва Шимолда христиан. Марказий Осиёда тили ва маданияти турли бўлган ҳар хил элат, халқ ва миллатлар яшайди. Бу минтақада қадимги Юксак маданият яратган Марказий Осиё халқлари узоқ мураккаб тарихий тарақиётни босиб ўтиб, асрлар мобайнида яқин муносабатда бўлиб умумий тарихий Этнографик областни ташкил қилганлар. Марказий Осиё 4 млн. кв.км. майдонни эраллайди. Мазкур территорияда Ўзбекистон (12 вилоят ва бир Автоном Республика билан) Қозоғистон (20 вилоят), Тожикистон (3 вилоят), Қирғизистон (6 вилоят) ва Туркменистон. Минтақанинг географик Шаройити хилма-хил. Унинг кўпчилик қисми қурғоқ даштлар ва жазирама иссиқ иқлимли сахро, жанубий-Шарқий ва жанубий томондан помир, Тянь-Шан ва Кеётоғ тоғ тизмалари билан ўралиб туради. Тоғли минтақалари, айниқса, воҳалари, Юмшоқ иқлимли табиатга эра, ўсимлик дунёси жуда бой бўлиб, қадимий даврлардан одам яшаш учун қулай. Ҳозир бу Ерда ҳатто субтропик ўсимликлар Етиштирилмоқда.

Табиати ва иқлимига маълум даражада иккита денгиз-Каспий ва Орол таъсир қилади. Бутун Марказий Осиёга ҳаёт бағишлаб турган Амударё ва Сирдарё помир тоғларидан бошланиб кўҳна Орол денгизига келиб қуйилади. Бошқа катта-кичик дарё ва сойлар тоғлардан кельтирилган сувларни воҳаларга тарқатиб қум ва сахроларда Шимилиб кетади. Серунум тупроқли воҳаларида қадимий даврлардан суғорма деҳқончилик пайдо бўлиб, дарахтзорлар ва боғу роғлар яратилган. Тоғли минтақалар, тўқайзорлар, даштлар ҳайвонот дунёсига бой.

Лингвистикаси ва антропологияси.

Маҳаллий аҳоли асосан икки тил туркумига: Ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, қирғизлар, қорақалъоқлар ва уйғурлар олтой тил оиласининг туркий тил туркумига, белужийлар, куртлар ва форслар эса ҳинд-Европа тил оиласининг ероний тил туркумига киради. Бошқа этнослардан келгинди руслар, украинлар, татарлар, дунганлар, маҳаллий

яхудий ва лўлилар яшайдилар. Улар айрим, бир неча туркумга оид халқларнинг авлоди. Минтақада ҳозирги аҳолининг 60 %и туркий тилда гаълашувчи халқлар, 21 %и славян халқлари, 7 %и ероний тил оиласининг вакиллари. Ўрта Осиёда 150 дан ортиқ турли халқ ва миллатларнинг вакиллари яшайди.

Антропологик жиҳатдан ҳам Марказий Осиёнинг туб аҳолиси иккита катта ирқа: монголоид ирқага асосан қозоқ, қирғиз ва қорақалъоқлар; Ўзбек, тожик, туркман ва бошқа халқлар эса қадимги Европоид ирқига мансуб. Аммо айрим этник группаларда аралаш типлар ҳам учрайди. Асл Марказий Осиё халқларининг Антропологик қиёфаси эраиздан аввалги биринчи минг йилликдан шакллана бошлаган ва эраизнинг XIII асрдаги мўғул истилосидан кейин тугаган. Антропологларнинг таърифича, туб аҳоли иккита катта ирқа-европоид ва монголоид оралиғидаги боғловчи кўприк вазифасини бажариб ўзига хос Марказий Осиёлик махсус Антропологик типни ташкил қилган. Қадимий Европоид белгилар ғарбдан Шарққа томон кам сезилади. Мўғул истилосидан кейин турк тили таъсири анча кучайган ва XVII асрда бутун Марказий Осиёда (Тожикистондан ташқари) тўлиқ ғалаба қозонган. Бу даврнинг энг муҳим тарихий аҳамияти Шундан иборатки, Марказий Осиё халқларининг этник жиҳатдан шаклланиш жараёни тугалланган. Аммо уларнинг этногенези ва этник шаклланиши узоқ мудатда ва анча мураккаб Шароитда бўй берган. Буни тўғри тасаввур қилиш учун айрим халқларнинг этник тарихига бир назар ташлаш мақсадга мувофиқ.

Минтақадаги туркий тил гуруҳи халқлари этногенези ва этник тарихи.

Марказий Осиёда одам палеолит даврида пайдо бўлиб мезолит (неолит) давридан бошлаб бутун минтақага тарқалган. Қадимги ибтидоий аجدодлар овчилик, балиқчилик ва теримчилик билан шуғулланганлар. Археологик тадқиқотларга қараганда улар уруғ жамоа бўлиб биргаликда ов қилиб тирикчилик ўтгазганлар, катта уйларда яшаганлар. Неолит маконлари ўрта Осиёнинг кўп жойларида топилган.

Эраиздан аввалги V минг йилликдан бошлаб жанубий минтақаларда энг қадимги деҳқончилик маданияти пайдо бўлган. II минг йилликка келиб чорвачилик деҳқончиликдан ажралиб чиқди, икки мустақил Ўзаро боғлиқхўжалик соҳалари ташкил тўди. Бу даврда воҳаларда Юксак маданиятга эра бўлган Хоразм, Сўғд-Бактрия, Марғиёна каби йирик давлатлар тузилади.

Қадимги ўрта Осиёнинг узоқ давр ичида турли қабила ва элатлардан иборат Аҳмонийлар, Кушон, ЙУнон-бактрия, Турк ҳоқонлиги ва Араб давлатлари ҳукмронлигида бўлиши унинг этник таркибида чуқур из қолдирди. Айниқса V асрларда кўплаб пайдо бўлган туркий қабилаларнинг таъсири кучли бўлди. Улар Ўз

тилларини сингдириб, бир неча аср давомида кўпчилик аҳолининг туркийлаштирган. Бу жараён араб истилосидан кейин ҳам давом етди. Аммо дастлаб туркий тилдаги гун қабилалари эрамиздан аввалги II минг йиллик охирларида кира бошлади. ўша даврлардаёқ ҳозирги Ўзбек, тожик, туркман халқларининг аجدодлари анча мустақам этник бирикмаларни ташкил етган. XIII асрда бостириб кириб маданий марказларни талон-тарож қилган муғуллар ҳам маҳаллий аҳолининг этник тузулишига жиддий таъсир ўтказган ва турли-туман халқ элатларининг аралашиб кетишига сабаб бўлган. XVIII асрга келиб туркийлаштириш жараёни тугайди ва ҳозиргиўрта Осиё этник қиёфаси тўлиқ шаклланади. Мазкур жараённинг нақадар мураккаб эканлигини тасаввур қилиш учун айрим халқларнинг қисқача этник тарихи билан танишиб ўтиш зарур.

1.Минтақадаг кўп сонли халқлардан бири **қозоқлар** (2001 йили аҳоли рўйхатига биноан Қозоғистоннинг ўзида 1480000 дан ортиқ) ҳам қадимий қабилалар заминида Ўузага келган. 1920 йилларнингўрталаригача уларнинг нотўғри қирғиз-қайсақ ёки ғирғиз деб атаганлар. Қозоқлар Ўз Она Ресъубликасида, қўшни Ўзбекистон ва Туркменистон минтақааларида, Оренбург ва Челябинск обласларида яшайди. Кейинги аҳоли рўйхатига биноан Қозоғистонда қозоқлар 36 %ни, руслар 40,8 %ни, украинлар 6,1 %ни ташкил қилади. Қозоқларнинг бир қисми чет елларда, чунончи, Хитойнинг Синтсзян-Уйғур Автаном минтақаида (820 минг киши), Ғарбий Монголияда (70 минг) ва Афғонистонда (5 минг) яшайди.

Энг қадимий қабилаларда эрамиздан аввалги II минг йилликларида Қозоғистон территориясида жойлашган саклар, усунилар, аланлар, кангйуй қабилалар иттифоқ ва ҳоказо қозоқ этногенезининг дастлабки этник қатлами еди. VI-VII асрлар мазкур территорияда Ғарбий турк ҳоқонлигига оид тургеШ, қарлуқ қаби қабилалар пайдо бўлди. Кейинги 3-4 аср давомида кимак, қипчоқ ва Ўғузлар кириб келади. X-XII асрларда қозоқ ели Қорахонийлар давлатига қўшилган маҳаллий қабилаларнинг бирикишига анча туртки бўлган. ўша даврларда бу Ерга киданлар ҳам босиб кирган. Турли қабилалар ва элатларнинг Яна ҳам аралашиб кетишига мўғул истилоси сабаб бўлган. Қозоқ халқнинг шаклланишидаги охирги комъоненти ХИБ аср охирларида Олтинўрдадан келган кўчманчичи қабилаларнинг катта тўлқини билан боғлиқ

XV аср охири-XVII аср бошларида Қозоқ хонлиги пайдо бўлади ва бу хонлик доирасида қозоқ халқининг шаклланиши тугайди. XIX асрнинг 60 йилларида қозоқ Ерлари Россияга қўшилиб, ўша даврдан қозоқларнинг бирлиги кучаяди ва улар аста-секин ўтроқ турмуш тарзига ўтадилар. Қозоқларнинг таркибида ҳудудий жихатдан 3 та мустақил қабилалар гуруҳи пайдо бўлган: Катта жуз (Етти сувда),ўрта жуз (Қозоғистоннинг дашт минтақаларида, Сирдарё, Тобол ва Ишим воҳалари) ва Кичик жуз (Ғарбий Қозоғистон).

2.Марказий Осиёнинг энг қадимий халқларидан бири ҳисобланган **қирғизлар** Қирғизистон Ресъубликасида 5 млн (2001 йилги маълумот),

қўшни Ўзбекистонда ва Тожикистонда, қисман Шимоли-Ғарбий Хитойда ва Шарқий Афғонистонда яшайди. Ресъубликанинг умумий аҳолиси 5 млн. дан ортиқ Шундан қирғизлар 47,9 %, руслар-25,7 %, Ўзбеклар-12,1 %, украинлар-3,1 %.

Қирғизларнинг илк этник тарихи қадимий гунн, сак, динлин, усун қабила иттифоқлари билан боғлиқ. Эрамиздан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида Ўқори Енисей воҳаларида қирғиз давлатини тузганлар. VI-X асрларда қирғизларга қўшилган туркий қабилалар дастлаб Иртиш бўйларида, Саян-Олтой минтақаида ва Тянь-Шан етакларида жойлашган. Ҳозирги ҳудудларга IX-X асрларда кўчиб келган Енисей қирғизларининг айрим группалари қадимий даврларда ероний тилда гапирадиган кейин турклашган маҳаллий элатлар, қарлуклар ва уйғурлар билан аралашиб кетган. Хронологик маълумотларга биноан XIII асргача Тянь-Шан аҳолиси Антропологик жиҳатдан Европоид бўлган. Қирғизларнинг монголоид ирқига ўтиши ва турклаштириш жараёни асосан мўғул истилосидан кейин бўлиб берган. XVII-XVIII асрларда қирғиз этносига қозоқ-нўғойларидан чиққан қабилалар ҳам келиб қўшилади. ўша даврдан бошлаб Тянь-Шанда қирғиз халқи шаклланади. Аммо кейинги икки аср давомида жунгар хонлари қирғиз елини тўхтовсиз талон-тарож қилиб турган. XIX асрнинг биринчи ярмида қопқон хонлигига бўйсунди. 60-70 йилларга келиб қирғиз Ерларининг кўпчилиги Россияга қўшилади ва этник жараёни тезлашади.

Россиянинг пржевалск минтақаида қирғизларга қўшилиб кетган ғарб мўғул ўлат группаси-сарт-калмиқлар яшайди. XX асрда барча қабила ва элатлар қирғиз халқи билан бирикиб миллат ҳосил бўлди.

3.Туркманлар ҳозирги территориясида қадимдан шаклланиб келган. Уларнинг сони 5.5 млн. дан ортиқ (2001 йл маълумоти) асосан Туркменистонда, қўшни Ўзбекистон ва Тожикистон ресъубликаларида, Шимолий Кавказда ва Астрахан областида жойлашган. Чет елларда ҳам туркманлар кўп. Масалан, Еронда 550 минг, Афғонистонда 300 минг, Туркия, Ироқ ва бошқа Олд Осиё мамлакатларида 1,2 млн. яқин туркманлар ғуж ҳолда яшайди.

Туркман халқининг этногенези хали тўлиқ аниқланмаган. Унинг энг дастлабки этник тузилишида қадимий дах-массагет ва сармат-алан қабилаларининг роли катта. Қадимий Марғиёна, парфия ва Хоразм давлатларининг аҳолиси ҳам мазкур жараёнда қисман иштирок етган. Туркманларнинг этник шаклланиши Орол-Касбий даштларида яшовчи ероний тилларда гапирадиган қабилавий бирикмаларнинг IV-V асрларга келиб турклаштириш жараёни билан боғлиқ, дэран фикр мавжуд. Кейинчалик мазкур турклаштирилган қадимий қабилаларга Ўғўлар қўшилиб туркман халқига асос солган. Иккинчи фикр Антропологик далиллаларга асосланиб туркманлар асли эрамиздан аввал, турклаштирилган кўчманчи скифларнинг авдлоли, деб ҳисоблайди. Аммо, икки фикр ҳам тўлиқ исботланмаган. Маълумки, «Туркман» номи дастлаб X аср охирида пайдо бўлади. Кўпетдоғ етакларида деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли билан Касбий ва Сирдарё қирғоқларида яшовчи

қадимги кўчманчичи қабилалар негизда XII асрларда пайдо бўлган йирик Ўғуз туркларининг бирикмаси-салжуқийларнинг туркман халқнинг шаклланишида муҳим ролни ўйнаганлиги Шубҳасиз. Салжуқийлар ҳатто озарбайжон халқ ва яқин Шарқ туркларининг шаклланишида ҳам фаол иштирок етганлар. Асли туркман халқларининг шаклланиши мўғул-турк истилоларидан кейинги даврда, асосан XV асрларда тугайди. ўша даврда туркман этносига айрим ноЎғуз туркий қабилалар (чунончи, қипчоқлар) ҳам қисман қўшилган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Туркменистон Россияга қўшилгандан кейин этник бирикиш (консолидатсия) жараёни кучайган бўлсада, қабилавий бўлиниши мустаҳкам сақланган. Энг йирик қабилалардан така туркманлари ахал, мурғоб ҳавзаси ва Тажанда, ёвмутлар Касбий бўйларида ва Хива хонлигида, ерсарилар Амударё водийсида, салирлар, сариқлар, гукланлар ва чоудурлар Хива хонлигида яхлит ҳолда яшаганлар. Хўжалик-маданий жиҳатдан ҳам барча туркманлар, кўчма (Чорва) ва ўтроқ деҳқон (чўмур) қисмларга бўлинган. Улар тўлиқ ўтроқ турмуш тарзига ўтдилар. Чет еллардаги ватандошлари эса ҳозиргача уруғ-қабилаларга бўлинган ҳолда кўчманчичи ва ярим кўчманчичи бўлиб яшамокдалар.

4.Қорақалъоқларнинг ҳам этногенези мураккаб Шароитда ўтган. Улар ҳозир ўзининг автоном республикасига эра. Республикадан ташқари қорақалъоқлар Ўзбекистоннинг Фарғона, Хоразм ва Бухоро вилоятларидан, қисман Туркменистон ва Қозоғистонда ҳамда кўшни Афғонистонда яшайди. Қорақалъоқларнинг сони 1979 йилги аҳоли рўйхатига биноан 303 минг киши. Автоном республиканинг умумий аҳолиси 906 минг бўлиб қорақалъоқлар 31,1 %, Ўзбеклар 31,5 %, қозоқлар 26,9 %ни ташкил қилади.

Қорақалъоқлар қадимий ероний тилдаги Орол бўйи сак-массагет қабилалари (эрамиздан авалги VII-II асрлар), гуннлар (эрамизнинг II-IV асрлари) билан туркий тилдаги элатларнинг (VIII -X асрлар) аралашishi натижисида пайдо бўлган. ўша даврда орол бўйларида пачанак ва Ўғуз қабилавий группалар пайдо бўлиб қалмиқ этносига асосий комъонент бўлиб киради. Қорақалъоқ халқининг сўнгги этногенезида муҳим рол ўйнаган дашти қипчоқлар Ўз тилини берган. Уларнинг шаклланиш жараёни ва номининг пайдо бўлиши XVII-XVIII асрларга тўғри келади. XVIII асрларда қорақалъоқларнинг бир қисми Фарғона водийсига кўчади, кўпчилиги эса XIX аср бошларида қуйи Сирдарёдан қозоқларнинг сиқиши ва Хива хонларининг зулми натижасида Амударё қуйи оқимида кўчиб келиб жойлашади. Кейинги даврда Қорақалъоқлар миллат бўлиб шаклланади.

5.Уйғурлар- туркий тил туркимига оид халқ бўлиб, уларнинг келиб чиқиши аслида Марказий ва қисманўрта Осиё билан боғлиқ. Улар асосанўрхун дарёси ҳавзасида VII-IX асрларда Ўз ёзувига эра бўлган Юксак маданиятли катта давлат тузганлар. Уйғурларўрта Осиёда XVIII асрнингўрталаридан то XX аср бошларигача Хитой-манжур ҳокимияти қувғинидан қочиб келганлар. Уйғур этнонимийўрта

Осиёда фақат XX асрда пайдо бўлган. Маҳаллий уйғурларнинг турар жойига қараб, масалан, қашқарлилар, ёркандлар ёки таранчилар деб атаганлар. Ҳозир МДХ мамлакатларида 210 мингдан ошиқ уйғур яшайди.

Минтақадаги ҳинд-европа тил гуруҳи халқлари этногенези.

Шарқда ероний тил туркимига кирувчи энг катта этнос **тожиклар**дир. Улар ҳам ниҳоятда мураккаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва географик Шароитда шаклланганлар. Тожикларнинг умумий сони МДХ мамлакатларида 3 млн. га яқин Етган бўлиб, асосан Тожикистонда, қсман кўшни Ўзбекистон ва ТСирғизистонда жойлашган. Чет елларда ҳам тожиклар кўп. Энг катта тожик аҳолиси Афғонистонда (3 млн. дан ортиқ киши), кичикроқ группалар Шимолий-Шарқдй Ерон ва Шимолий-ғарбий Хитойда яшайди.

Тожикларнинг этногенези эрамиздан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликларнинг бошларига тўғри келади. Бу даврдаўрта Осиёга ЕвроОсиё даштларидан еронийтилларида сўзлашувчи қабилалар келиб маҳаллий туб аҳоли билан аралашиб (ассимиляция) жараёни рўй берган. Тожиклар шаклланган территорияда (қадимги Бактрия, Суғдиёна, Фарғона водийси) деҳқончилик билан шуғулланган элатлар билан ёнма-ён кўчманчилик саклар ҳам яшаган. Эрамиздан аввалги II асрда Бактрияда Йеужилар ва сак қабилалари бостириб кирадилар ва кудратли Кушон давлатига асос соладилар. Кейин бу Ерга егталит («оқ гунн») лар, турклар ва араблар кириб келади.

Ҳозирги тожик халқ сомонийлар ҳукмронлик қилган даврда (IX-X асрларда) қадимги суғд ва бактрия тили асосида шаклланиб келган. ўша даврда тожикларнинг адабий тили (дорий) пайдо бўлган. Аммо сўнгги даврларгача тожикларнинг орасида турли Этнографик группалар мавжуд еди. Ҳозир ҳам тоғли тожиклар билан воҳада яшовчи тожиклар орасида хўжалик ва маданий жиҳатдан баъзи этник тафовутлар сакланиб қолган. Масалан, илгари мустақил халқ ҳисобланган помир тожиклари-ишкошимлар, воҳанлар, ёзғуломлар, шуғнонлар ҳозиргача баъзи этник хусусиятлари билан ажралиб туради.

Бошқа майда миллатларнинг этногенези Марказий Осиё территориясидан ташқари ўтган. Ҳозирўрта Осиё ва Қозоғистонда ероний тил туркумига оид куртлар (асосан Туркманистоннинг Ашхабод ва Мари областларида), белужилар (Мари области ва Тожикистоннинг жанубида), форсий-еронийлар (Ўзбекистоннинг Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари ва атрофидаги минтақаларида) яшайдилар.

Ўзбекистоннинг Тошкент ва Қозоғистоннинг Олмаота областларида корейслар жойлашган. XIX аср ўрталарида бу Ерда Хитойнинг Шимолий минтақаларидан хитой Шевасида гапирадиган дунганлар келиб жойлашади. Улар ҳозир Қирғизистон ва Қозоғистондаги Чу дарёси водийсидаўрнашганлар. Асосан Ўзбек ва тожиклар билан аралашиб кетган араблар ЗарағШон дарёсинингўрта ва пастки оқимида,

Қашқадарёнинг етагида ва Тожикистоннинг жанубида кичик группаларни ташкил қилган.

Марказий Осиё (Бухоро) яхудийлари кўнча Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари: Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва қопқонда яшайди. Кейинги Ўн йилликлар ичида маҳаллий яхудийларнинг бир қисми Тожикистонга, асосан Душанбэра кўчиб ўтган. Улар тожик тили Шеваларидан бирида гапиради, турар жойдаги тилларини ҳам билади. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг турли минтақаларида учрайдиганўрта Осиё лўлилари ҳам маҳаллий тилларини яхши эраллаганлар, аммо тожик тилини она тили деб ҳисоблайдилар. Этнографик жиҳатдан айрим группалар бир оз Ўзаро фарқ қиладилар (лўли, жўги мазанг ва ҳоказо).

Барча мазкур майда миллатлар XX асрга келиб турар жойдаги асосий миллат (Ўзбек, қозоқ, тожик, туркман ёки қирғиз) нинг тили, урғодати, моддий ва маънавий маданиятини эраллаб аста-секин қўшилиб кетмоқдалар. Ассимиляция жараёни умумий иқтисодий социал, маданий ва идеология бирлиги негизида ихтиёрий равишда рўй бермоқда.

Бутун Марказий Осиёда **бошқа Ердан келган етнослардан** энг кўпчилигини ташкил қилган Шариқий славян халқлари (руслар, украинлар ва қисман белоруслар) нинг вакиллари Этнографик хусусиятларининг кўпроқ сақлаб қолганлар. Улар дастлаб XVIII асрнинг охирларидан Қозоғистоннинг Шимолий минтақаларига, XIX асрнинг иккинчи ярмидаўрта Осиёга кела бошлаган. Ҳозир руслар Қозоғистоннинг 19 областидан тўртасида абсолют кўпчиликни, 7 областда қозоқларга нисбатан кўпчиликни ташкил қиладди. Қозоғистон қишлоқ аҳолисининг ҳам кўпчилиги руслар ва украинлардан иборат. Бошқа республикаларда руслар, украинлар ва белоруслар асосан шаҳарларда жойлашганлар. Қозоғистоннинг қўриқ Ерларида Қирғизистон ва Тожикистоннинг айрим минтақаларида немислар яшайди.

Минтақа халқлари хўжалиги.

Марказий Осиёда деҳқончилик сунъий суғоришга асосланган бўлиб, қулдорлик давридан бошлаб мураккаб суғориш иншоотлари ва системалари қурилган.ўрта Осиё деҳқончилигига XIII асрдаги муғул истилоси жуда катта зарар келтирган. Истилочилар суғориш иншоотларини Емирган, аҳолининг анча қисмини асир қилиб олиб кетган, оқибатда бутун бир областлар хувиллаб қолган.ўрта аср охирларига келиб деҳқончилик бироз тикланган, суғориш систэмаси йўлга қўйилган. Аммо илгариги ҳолат тўлиқ тикланмаган, аксинча, ески консерватив деҳқончилик мустаҳкамланган. Тоғ етаклари қариз усули билан «зинаёя» шаклида ишланган даларларга сув чиқарилган. Сув кам жойларда қудукдан пақир билан сув чиқарилиб, қадимги воҳаларда турли механизмлар-чиғир ва чарх билан сув ёки ҳайвон кучидан фойдаланиб сув тортилган.

Ерга ишлов беришда оддий ишлаб чиқариш қуроли-темир ёки чўян тишли омон ва мола, кетмон ва бел, ҳосилни ўришда ўроқ ишлатилган. Ғалла ўрилгандан сўнг от ёки ешак билан Ян чилган, сув тегирмонида, мол кучи ёки қўл билан ҳаракатга келтириладиган тегирмондан дон тортилиб ун чиқарилган. Шоли Ян чадиган махсус тегирмон ва сўк бўлган. Бу оддий қуроллар то колхоз қурилиши давригача сақланиб келган. Кетмон, бел ва ўроқ ҳозир ҳам ишлатилади. Ҳозир колхоз ва совхозларда илғор агротехника, химиялаштириш ва механизатсияси асосида қўл меҳнатидан кам фойдаланиб Йўқори ҳосил олинмоқда. Ассосий анъанавий екинлардан буғдой, арпа, Шоли, мош, ловия, пахта, полиз екинлари кенг тарқалган. Боғдорчилик, узумчилик, ёллагичлик ҳам муҳим рол ўйнаган. помидор, картошка, қарам қаб екинлар пайдо бўлган.

Минтақа халқлари ижтимоий-маънавий ҳаёти.

Маҳаллий элатларнинг ижтимоий ва оилавий-маиший турмушида жамоалаштириш давригача феодал-патриархал ва анъаналар сақланган, кўп укладли хўжалик фаолиятида ижтимоий ташкилотларни турли формаларини Йўзага келтирган еди. Деҳқончилик воҳаларда ижтимоий муносабатлар, мулк формалари, жамоа анъаналари (сув жамоаси, қишлоқ ва қўшничилик жамоаси) ниҳоятда мураккаб бўлган. бой табақаларида кўп хотинлик, ота ҳукми, итоатгўйлик, бутун аҳоли орасида қалин тўлаш, хун олиш қаб ибтидоий сарқидлар кенг тарқалган еди. Жамоатчилик муносабатлари чорва аҳолиси орасида анча мустаҳкам сақланган. Айниқса барча ҳуқуқлардан маҳрум бўлган аёлларнинг ахволи оғир бўлган. патриархал оилавий муносабатлар ески одат ва Шариат орқали бошқарилган. Ниҳоят, ота-она истаги билан ҳал қилинган. Кўп халқларда левират, сорорат, ёш келиннинг ота-онаси уйига қайтиб келиш қаб ибтидоий одатлар сақланган.

Чорвачилик соҳасида бой-камбағалларга бўлинишдан ташқари социал туркумдан ажралиб турган. Масалан, қозоқларда хон ва султонлар ҳамда қабил бошлиқлари «оқ суяк» ларга қолган бутун ғуқаро «қора суяклар» ларга ажратилган. Туркманларда ҳам социал табақаланиш бўлган, Йўқори табақага оид иглар ва уларга бўйсунган қуллар фарқ қилинган. Қирғизларда ҳукмрон қабил «зодагон» ларга манаълар кирган. Ўз навбатида манаълар ҳам «бош» ва «кичик» группаларга бўлинган. Асли мазкур табақаланиш чорва аҳлида мулк тэнгсизлиги билан бевосита боғлиқ еди. Йўқори табақа вакиллари ананавий ўзаро ёрдам («ҳашар» «кўмак») одатига таяниб Ўз қабилалошларини експлуататсия қилганлар.

Ўтмишда бутун ўрта Осиё халқларига хос умумий маданий мерос мавжуд еди. Айниқса, халқ ижодида, ёйик дostonларда умумий қаҳрамонлар, сўжет ва ривоятлар кўп учрайди. Бунга ёркин мисол Ўзбек ва Қорақалъоқлардаги «Альомин» дostonи, туркман, тожик ва Ўзбеклардаги «Гўрўғли» ёйик поэмаси ёки «Шохсанам» дostonи. Ёнг қадимги даврларда Авестода ва сак ёёсида тилга олинган сўжет ва образлар бутун ўрта Осиё халқларида тарқалган «Ширин ва шакар» дostonида аниқ сақланган. Насриддин Афанди ва Алдарқўса

латифалари, қаҳрамони афсонавий ертак ва ривоятлар, турли мазмундаги лирик ашуллалар ва жозибадор лаъбарлар ҳозиргача кишига завқ бағишлайди.

Назорат саволлари:

1. Қозоқ ва қирғиз аҳолиси этногенези тўғрисида маълумот беринг?
2. Тожиқ халқининг этногенези ҳақида маълумот беринг?
3. Туркманларнинг этногенези ҳақида маълумот беринг?
4. Қозоқларнинг оила, хўжалиқ анъаналари ҳақида маълумот беринг?
5. Қирғизларнинг моддий ва маънавий маданияти ҳақида маълумот беринг?
6. Минтақа халқлари қандай диний эътиқод шаклларига амал қилган?

14. Модул: Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.

Режа:

1. Ўзбек халқининг шаклланишида иштирок этган энг қадимги аجدодлари.
2. Илк ўрта асрларда кечган этногенетик жараёнлар.
3. Ўзбек халқини тўла-тўқис шаклланиш жараёни.
4. Ўзбек адабий тили. “Ўзбек” этноними тўғрисида қарашлар.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР: Ўзбек халқи, этник жамоа, сўғдийлар, бахтарлар, хоразмийлар, фарғоналиклар, сак-массагетлар, қанлар, этногенез, туркий, антик давр, туркий ҳудудий майдон, Помир-Фарғона антропологик тип, хионий, кидарий, эфталий, жонли туркий тил муҳити, IX аср, Қорахонийлар даври, XI-XI асрлар, ўзбеклар халқ сифатида шаклланиши, ўзбек адабий тили. “ўзбек” этноними, мустақиллик, миллат, янги босқич.

Ўзбек халқининг шаклланишида иштирок этган энг қадимги аجدодлари.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг асосий қисмини ўзбеклар ташкил этади. Ўзбеклар нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёдаги энг кўп сонли халқ бўлиб, Марказий Осиё аҳолисининг 35% ни ташкил қилади. Ўзбекистонда (33 млн, 2019 йил), Тожикистонда (1.2 млн. зиёд киши), Қирғизистонда (550-600 минг киши), Қозоғистонда (332 минг киши), Туркменистонда (320-330 минг киши) яшайди. Бундан ташқари, ўзбеклар Афғонистонда (2,5 млндан 4 млнгача), Россия (123 минг киши, 2002й.), Саудия Арабистонида (550-600 минг киши), Хитой Халқ Республикасининг Синцзян - Уйғур автоном районида (13,7 мингдан ортиқ), қолаверса, Туркия, Германия, АҚШ каби узоқ хориж мамлакатларда ҳам ўзбеклар яшайди. Расмий маълумотларга кўра ўзбекларнинг умумий сони 25 млн. дан ортиқ (2000 й.). Ўзбекларнинг ёш таркиби анча навқирон бўлиб, 1989 йилги маълумотларга кўра 15 ёшгача бўлган аҳоли умумий аҳолининг 44% ни, 15 ёшдан 60 ёшгача

бўлганлар 51% ни, 60 ёш ва ундан кексалар атиги 5% ни ташкил қилган. Ўзбеклар *ўзбек тилида* гаёпинчиқадиладар.

Ўзбеклар алоҳида этник жамоа (элат) бўлиб, Марказий Осиёнинг марказий вилоятлари - Мовароуннахр, Хоразмда, Еттисув ва қисман Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақалари ҳамда Жанубий Туркистонда шаклланган. Ўзбек халқининг асосини ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимдан ўтроқ яшаб, сунъий суғорма деҳқончилик билан шуғулланиб келган маҳаллий сўғдийлар, бахтарлар, хоразмийлар, фарғоналиклар, сак-массагетлар, қанғлар каби этник гуруҳлар ташкил этган. Шунингдек, Жанубий Сибирь, Олтой, Еттисув, Шарқий Туркистон ҳамда Волга ва Урал дарёси бўйларида келган этник компонентлар ҳам Ўзбеклар *этногенезида* иштирок этганлиги тарихдан маълум. Бу қабила ва элатлар, асосан туркий ва шарқий эроний тилларда сўзлашганлар.

Кейинги йилларда археолог олимлар (*А.А.Асқаров, Ў.Исломов, Ю.Ф.Буряков, Т.Қ. Хўжайов*)нинг Ўзбекистон ҳудудида олиб борган археологик ва антропологик тадқиқотлари натижасида Амударё ва Сирдарё оралиғида сўнгги бронза давридаёқ юқорида номлари зикр этилган қабила ва элатларнинг этник жиҳатдан дастлабки аралашуви содир бўлганлиги ва ассимиляция жараёни натижасида антик даврга келиб, ўтроқ ҳаётга мослашган туркий ҳудудий майдон таркиб топганлиги ҳамда ўзбек халқига хос антропологик типнинг макон ва замони аниқланган. Маълумки, мил.аввалги III асрда Сирдарёнинг ўрта оқимида туркий ва сўғдийлар иттифоқи асосида Қанғ давлати ташкил топган. Қанғ давлати даврида Мовароуннахр ва унга туташ минтақалардаги халқларнинг иқтисодий, сиёсий ва этномаданий алоқаларнинг тобора ривожланиб бориши натижасида туркийзабон этнослар устуворлик қилиб, янги туркий этнослардан бири - қанғар элати пайдо бўлди ва ўзига хос уйғунлашган маданият шаклланди. Тарихий ваархеологик асарларда бу маданият «*Қовунчи маданияти*» номини олган. Антрополог олимларнинг таъкидлашларича, айнан шу даврларга келиб, Марказий Осиёнинг водий ва воҳаларида яшовчи сўғдийлар ва қанғарларнинг ташқи қиёфаларида ҳозирги ўзбек ва воҳа тожикларига хос Помир-Фарғона антропологик тип тўлиқ шаклланган.

Илк ўрта асрларда кечган этногенетик жараёнлар.

Ўзбеклар этногенезида қатнашган навбатдаги этник компонентлар Жанубий Олтой ва Шарқий Туркистондан кўчиб келган юэчжи қабиласининг бир тармоғи бўлиб, улар мил.ав I - милодий IV асрларда Кушон салтанатига асос солган кушонлар ҳамда милодий III-V асрларда Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларига Жанубий Сибирдан, Жунғориядан, Шарқий Туркистондан силжиган хионий, кидарий ва эфталлийлардир.

Шунингдек, ўзбеклар этногенезига фаол таъсир ўтказган туркий этник компонентлар асоси *Турк ҳоқонлиги* (VI-VIII асрлар) даврида Марказий Осиёнинг марказий минтақалари (Тошкент, Зарафшон,

Қашқадарё, Сурхондарё воҳалари, Фарғона водийси) ва Хоразмга келиб жойлашиб, маълум бир тарихий давр мобайнида, бу этник компонентнинг аксарият қисми ўтроқлашди. Турк хоқонлиги даврида кириб келган туркий компонентлар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги этник-маданий муносабатларнинг ривожини ҳудуддаги этник жараёнлар тараққиётига катта таъсир ўтказди. Ушбу туркий қатлам маданий ютуқларининг маҳаллий маданий-хўжалик анъаналар билан жадал уйғунлашуви юз берди. Бу давр туркий ва суғдий симбиозни ҳал қилувчи босқичларидан бири бўлган.

VIII асрдан араб ва ажам (араб бўлмаган яқин ва Ўрта Шарқ) халқларининг Марказий Осиёга кириб келиши минтақадаги этник жараёнларга катта таъсир этмаган. Бу даврда аҳоли этник таркибида маълум бир ўзгаришлар юз берган бўлса-да, Мовароуннаҳрдаги ўтроқ ва яримўтроқ туркийзабон аҳоли, суғдийлар ва Хоразмнинг туб ерли аҳолиси ўз ҳудудларида қолиб, араблар (VII-VIII аср), кейинчалик Сомонийлар (IX аср) ҳукмронлиги остида яшаганлар.

Ўзбек халқини тўла-тўқис шаклланиш жараёни.

Умуман олганда IX асрдан бошлаб Мовароуннаҳр минтақасида яхлит туркий этник қатлам, жонли туркий тил муҳити вужудга кела бошлади ва ўз навбатида суғдийлар ва бошқа маҳаллий этносларда ҳам туркийлашиш жараёни жадаллашган. Элшунос олим *К. Шониёзов*нинг қайд этишича, IX-X асрларда тифиз этногенетик жараён натижасида кўплаб туркий қабила ва уруғларнинг ўтроқ ҳаётга ўтиши жадал давом этган. Бу асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразмда туркий этник қатлам кучли этник асосга эга бўлган. Академик *А.Асқаров*нинг таъкидлашича, бу кучли этник қатлам асосининг аксарият кўпчилигини ўтроқлашган турғун туркий этнослар ташкил қилган.

Қорахонийлар даврида (X-XI асрлар) Мовароуннаҳр ва Хоразмда сиёсий ҳокимият туркий сулолаларга ўтиши муносабати билан ўзбек халқи этногенезининг якуний босқичи бошланди. Фарбий Қорахонийлар давлати доирасида ҳозирги ўзбекларга хос туркий этнос қарор топди ва айнан мазкур даврда элатни белгиловчи ҳудуд, тил, маданият, тарихий қисматининг умумийлиги, этник ўзликни англаш, этноснинг уюшқоқлиги маълум бир давлат доирасида бўлиши, дин умумийлиги ва бир қанча шу каби бошқа этник аломатлар шаклланган. Бу даврда ўзбекларнинг умум элат тили қарор топди. Мовароуннаҳр ва унга туташган минтақаларда яшовчи туркийзабон аҳоли; қарлук, чигил, яғмо, тухси, халач, арғин, ўғуз, қипчоқ, уз, қангли сингари уруғлар ўзларини бир халқ (элат) сифатида англай бошлаганлар. Умуман олганда, **XI-XII асрнинг биринчи ярмида элат шаклланишидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган аксарият этник аломатлар ўз маромига етиб ўзбеклар халқ сифатида шаклланган.**

XIII аср бошларида Чингизхон истилоси даврида мўғул қўшинлари таркибида кўп сонли туркий этнослар ҳам кириб келди. XV асрга қадар эса ушбу этносларнинг деярли кўп қисмида маҳаллий аҳоли

билан аралашув жараёни содир бўлди ва улар шаклланган ўзбек элатининг кейинги тараққиётида маълум даражада из қолдирдилар.

Ўзбек адабий тили. “Ўзбек” этноними тўғрисида қарашлар.

Чигатой улуси тилининг ривожланиши ҳамда кейинчалик *Амир Темур ва темурийлар* даврида иқтисодий ва маданий тараққиёт натижасида Мовароуннаҳрда адабий тил такомиллашиб, «туркий» ёки «чигатой» тили деб номланган. Тараққий этган ўзбек адабий тили айниқса *Алишер Навоий* даврида энг юқори нуқтага кўтарилди. Аммо халқнинг жонли тили кўп диалектли бўлиб, адабий тил шаклланишида учта асосий шева - *қарлуқ, қипчоқ* ва *ўғуз* диалектлари асос бўлган. Маълумки, шаклланган ўзбек элатининг Амир Темур ва темурийлар давридаги этник тарихи ва этномаданий тараққиётига барлос, жалойир, қавчин, арлот, қипчоқ каби этник гуруҳлар ҳам фаол таъсир қилган.

Ўзбеклар этник тарихида XV аср охири - XVI асрлар ҳам муҳим давр ҳисобланади. Ушбу босқичда Марказий Осиёга манғит, қўнғирот, найман, уйғур, сарой, катағон, қушчи, дўрмон, кенагас, қирқ, юз, минг, баҳрин ва бошқа Дашти Қипчоқ ўзбек этник гуруҳларининг навбатдаги тўлқини кириб келиши кучайган. Натижада Мовароуннаҳр аҳолисининг этник қиёфасида мўғулий ирқ аломатлари ҳам фаоллашган. Дашти Қипчоқдан икки дарё (Амударё ва Сирдарё) оралиғи ва Хоразмга келиб ўрнашган этник гуруҳлар «ўзбек» номи остида маҳаллий аҳоли этник ранг-баранглигини бирмунча кўпайтирган бўлсалар ҳам, лекин унинг этник таркибини тубдан ўзгартириб юбора олмаганлар. Ушбу этнослар шаклланган ўзбек халқининг таркибига келиб қўшилган навбатдаги этник компонент эди, холос. Улар Мовароуннаҳр ва Хоразм аҳолисининг турмуш тарзига, анъаналарига, маданиятига, ҳўжалик фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатган янги типдаги маданий қатлам ҳосил қилган. Айниқса, Зарафшон водийси ва Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари аҳолиси орасида бу нисбат кучли сезилади. Маҳаллий аҳолига улар «ўзбек» номини беришган ва бу ном Мовароуннаҳр ва унга қўшни вилоятлар аҳолиси учун расмий равишда умумий ном бўлиб қолган. Ўз ўрнида айтиб ўтиш лозимки, ўзбек этнонимининг келиб чиқиши бўйича фанда ҳали хануз яқдил фикр мавжуд эмас. Айрим муаллифлар (*Г.Вамбери*, *Г.Ховорс*, *М.П.Пельо*) Дашти Қипчоқда кўчиб юрган турк-мўғул қабиаларининг бир қисми ўзларини эркин тутганликлари сабабли ўзбек, яъни «ўз-ўзига бек» деб атаган дэсалар, бошқалар (*П.П.Иванов*, *А.Ю.Якубовский*, *Хилда Хукэм*) «ўзбек» этнонимини Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (XIV аср.) номи билан боғлайди, бошқа яна бир гуруҳ олимлар эса (*В.В. Григорев*, *А.А. Семёнов* ва *Б. Аҳмедовлар*) ўзбек номи Оқ Ўрда (Дашти Қипчоқнинг шарқий қисми)да кўчиб юрган турк-мўғул қабиаларига тааллуқли бўлган дэран фикрни билдирадилар.

Темурийлар давлати ўрнида дастлаб XVI аср бошларида вужудга келган Бухоро ва Хива хонликлари ва XVIII аср бошларидан Қўқон хонлигининг вужудга келиши натижасида ягона тарихий маконда

яшаган халқлар сиёсий жиҳатдан турли давлатлар тасарруфига тушиб қолган бўлса-да, бу ҳолат ўзбек элати бирлигига путур етказа олмаган. Сиёсий чэраралар бўлишига қарамасдан уч давлат таркибидаги аҳоли ўзаро доимий этник, иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлар.

Марказий Осиё халқларининг XIX асрнинг охири XX аср бошларидаги тарихий тақдири ва тараққиёт босқичлари чор Россиясининг мустамлакачилиги даври билан боғлиқ. Кейинчалик минтақада Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши билан Марказий Осиёда *миллий-ҳудудий чэрараланиш* ўтказилиб, бешта миллий республикалар ташкил этилди. Маҳаллий халқларнинг миллий тараққиёти давом этаётган бир паллада 1924 йили миллий чэрараланиш ўтказилган. Шу билан шаклланган элатлар тараққий этаётган тарихий макон сунъий равишда бўлиб юборилди. Минтақа халқларининг ассимиляция, консолидация жараёнларига жиддий таъсир ўтказилиши ва кейинчалик «совет халқи номли ягона этник бирликни яратиш ҳақидаги назарияни амалга оширилиши борасидаги олиб борилган сиёсат ҳам ўзбекларнинг миллий-этник қиёфасига, менталитетига раҳна сола олмади. Албатта, кейинчалик минтақада вужудга келган барқарорлик нисбатан ўзбекларнинг этник-маданий тараққиётига сезиларли таъсир ўтказди.

Ўзбекларнинг миллат сифатида ривожланиш жараёни Ўзбекистон мустақилликка эришган санадан бошлаб янгича мазмун касб этди. Тарихий томирларидан куч олган ўзбек халқи маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш-тарзида ўзига хос уйғониш ва янгиланиш палласига қадам қўйди.

Назорат саволлари:

1. Бугунги кунда жаҳонда ўзбекларнинг нуфузи қанча?
2. Ўзбек халқининг энг қадимги аجدодларига қайси қабила, этник бирикмаларни мисол келтириш мумкин?
3. Илк ўрта асрларда юртимиз ҳудудида қандай этногенетик жараёнлар кечди?
4. Ўзбек халқининг тўла равишда шаклланиши қачон ниҳоясига етди?
5. Ўзбек адабий тили қандай шароитда вужудга келди?
6. Ўзбек этноними ҳақида фанда қандай қарашлар мавжуд?
7. Мустақиллик йилларида ўзбек миллати тараққиёти янги босқичга чиққанлигини қандай белгила мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар:

Асосий адабиётлар.

1. Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология. –Т.: ТДПУ, 2008.
2. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси.-Т,: Ўқитувчи, 1994.
3. Жабборов И. Жаҳон халқлари этнологияси.-Т.: Янги аср авлоди, 2005.
4. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.-Т.: Шарқ,2001.

Қўшимча адабиётлар.

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамыз.-Т.: Ўзбекистон, 2017.-488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз.-Т.: Ўзбекистон, 2016-56 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш- юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир.-Т.: Ўзбекистон, 2017.-48 б.
4. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.-Т.: Ўзбекистон, 2017.-184 б.
5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.
6. Асқаров А. Энг қадимги шаҳар.-Т.: 2001.
7. Бобоёров Ғ. Чоқ тарихдан лавҳалар (илк ўрта асрлар).-Т.: 2010.
8. Бўриев О. Манбаларда Шаҳрисабз тавсифи.-Қарши, 2004.
9. Махмудов Қ. Қадимги Туркистон.-Т.: 2011.
10. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари.-Т.: 2008.
11. Мулло Олим Маҳдумхожа. Тарихи Туркистон.-Т.: 1995.
12. Ртвеладзе Э. Цивилизация, государства, культуры Центральной Азии.-Т.: 2005.
13. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар.-Т.: 2007. Elektron ta'lim resurslari.
 1. www.pedagog.uz.
 2. www.ziyouet.uz.
 3. www.history.ru.

Этнология фанидан семинар машғулотлар йўналиши

Ушбу семинар йўналиши давлат таълим стандартлари асосида тайёрланиб, институтнинг Тарих ўқитиш методикаси йўналиши II-курс талабаларига этнология фанидан семинар машғулотларида фойдаланиш учун моълажалланган.

МУҚАДДИМА

Олий таълимнинг тарих ўқитиш методикаси биринчи босқичда моддий манбаларнинг чуқур таҳлил этиш бўйича

кўникманинг ҳосил қилиниши, улардатарихий тафаккурнинг, таҳлилнинг, мушоҳаданинг ва ўективнинг баҳолашнинг муҳим калити ҳисобланади. муаммоли тарзда, назарий ва семинар машғулотлари асосида ўқитилади.

Олий ўқув йурти талабаси назарий олган билимларини семинар машғулотлар орқали мустаҳкамлаб бориши кэрак. Семинар машғулотларига талаба қандай тайёргарлик кўриши кэрак ва бу борада нималарга ётибор бериш кэрак? Семинар машғулотлари қай тарзда ўтказилиши мақсадга мувофиқ?

Семинар-бу тегишли мавзулар бўйича талабаларнинг фаол иштирокида ўтказиладиган гуруҳий машғулотларнинг бир шакли. Талаба семинар машғулотига тайёргарлик кўриш жараёнида қуйидагиларга ётибор бериши зарур:

-берилган мавзу таркибидан ўрин олган, ёритилиши кўзда тутилган масалалар моҳиятига;

-тавсия етилган адабиётларнинг режадаги масалаларни ёритишдаги ўрнига;

-мавзу бўйича маъруза материалларига...

Семинар машғулотларига тайёргарлик давомида талабанинг шу машғулот масалаларини қанчалик ёритиши мезони қандай?

Бизнингча, талабани қанчалик кўп ёзгани эмас, балки қанчалик масалани чуқур тушунгани ва еркин, лўнда қилиб тушунтира олгани муҳим. Машғулотда бошидан охиригача ўқиб бериш талабанинг зўр тайёргарлик кўрганидан далолат бермайди. Ўйлаймизки, семинар машғулотларининг дастлабки кунлариданоқ, талаба ёзиб, тайёрланиб келганини оғзаки, мустақил баён қилишга одатланиши кэрак. Тўғри, масалани ёритилиши дастлабки пайтларда ўқиб бергандек силлиқ, равон чиқмаслиги мумкин, аммо жонли, мустақил, еркин мушоҳадага асосланган ҳолда чиқиши муқаррар.

Талаба семинар машғулоти режасидаги масалани ёзма ёритгандан сўнг айнан ушбу масала билан боғлиқ саволларни ўзи тузиши ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Зеро, ҳар қандай савол заминида маълум маънода билим ётади. Шунингдек, талаба шу семинар машғулоти бўйича мустақил таянч иборалари ҳамда тест саволлари тузиши ҳам билимни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

Тузган саволларингиздан яна гуруҳдошингиз семинар машғулотида режадаги масалани ёритиб бўлгандан кейин ҳам фойдаланиши мумкин. Аниқроғи, курсдошингизга савол билан мурожаат қилишингиз мумкин. Семинар машғулотларига тайёргарликда тарихий, сиёсий терминлар моҳиятини ўрганиш ҳам зарур ҳисобланади. Семинар машғулотлари талабалар томонидан баҳсли ўтказилса, янада есда қоладиган бўлади. Албатта, талаба баҳсли масалалар бўйича ўз фикрини баён қилишга ҳамда уни асослашга ҳаракат қилиши кэрак.

Ўз навбатида талабалар мунозаралар йуритишмаданиятини ҳам эралламоқликлари зарур. Зеро, ҳар бир баҳс-мунозара натижаси

мурасасизликка эмас, ҳақиқатни, масала моҳиятини ёритишга хизмат қилиши кэрак.

Семинар машғулотлар

№	Семинар машғулотлар	Дарс соатлари ҳажми
III семестер		
1.	Этнология фани предмети ва тадқиқот методлари.	2
2.	Этнологиянинг фан сифатида пайдо бўлиши ва даврлаштириш	2
3.	Этнологиянинг назарий муаммолари ва асосий мактаблари.	2
4.	Дунё халқлари ва озбекларнинг анъанавий машғулотлари, хўжалик фаолияти.	2
5.	Этнологияда маданият тушинчаси ва анъанавий моддий ва маънавий маданият.	2
6.	Жаҳон халқлари классификатсияси .	2
7.	Австралия ва Тасмания халқлари	2
8.	Полинезия, Меланезия ва Микронезия халқлари.	2
9.	Ғарбий Осиё халқлари	2
10.	Жанубий ва Жанубий-шарқий Осиё халқлари	2
11.	Шарқий ва Шимолий Осиё халқлари	2
12.	Шимолий Америка халқлари.	2
13.	Марказий Америка халқлари.	2
14.	Жанубий Америка халқлари.	2
15.	Шимолий Африка халқлари..	2
16.	Ғарбий ва Марказий Африка халқлари.	2

17	Шарқий ва Жанубий Африка халқлари.	2
18	Европа халқлари.	2
19	Марказий Осиё халқлари. О'збек халқининг шаклланиш жараёни	2

Жами 38 соат

1,2 -Семинар машғулоти: Этнология фани предмети ва тадқиқот методлари.

Режа

- 1.Этнологиянинг асосий предмети.
2. Этнологияфанининг манбалари ва методлари.
3. Этнологияфаннинг назарий муаммолари.

Тушунчалар таҳлили” технологияси

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- талабалар гуруҳларга (шароитга қараб) ажратилади;
- талабалар машғулотни ўтказишга қўйилган талаб қоидалар билан таништирилади;
- тарқатма материаллар гуруҳ аъзоларига тарқатилади.
- талабалар яқка тартибда ўтилган семинар машғулоти ёки янги семинар машғулоти бўйича тарқатма материалда берилган тушунчалар билан танишадилар;
- талабалар тарқатма материалда семинар машғулоти бўйича берилган тушунчалар ёнига эрлаган (ёки ўзларининг) билимлари асосида (берилган тушунчаларни қандай тушунган бўлсалар шундай) изоҳ ёзадилар (яқка тартибда);
- талаба тарқатма материалда семинар машғулоти бўйича берилган тушунчаларни ўқийди ва жамоа билан биргаликда ҳар бир тушунчага тўғри изоҳни белгилайди ёки экранда ҳар бир тушунчанинг изоҳи берилган слайд орқали (имкони бўлса) таништирилади;
- ҳар бир талаба тўғри жавоб билан белгиланган жавобларнинг фарқларни аниқлайдилар, кэракли тушунчага эра бўладилар, ўз-ўзларини текширадилар, баҳолайдилар, шунингдек билимларини яна бир бор мустақамлайдилар.

“ Этнология фани предмети ”

Тушунчалар	Тушинчалар мазмуни
Қолоқ халқлар	

Замонавий халқлар	
Ижтимоий антропология	
Маданий антропология	
Фольклор манбалари	
Дала тадқиқотлари	
Музей фондлари	
архив манбалари	
Этник бирликка	

Семинар машғулотига оид тест.

11. Этнология фанининг “ тарихий этнологиф” бўлими қандай масалаларни ўрганади?.

- А) Тарих сахнасидан йўқолиб кетган халқлар тарихини.
- В) Халқ тушунчасининг ўзига хос жиҳатларини.
- С) Халқлар этнологиясининг моддий маданияти тарихини.
- Д)Қабилалар турмуши маънавий тарихини.

12. Этнологик методлардан энг муҳими “Дала ёзувлари” тадқиқот усулини олиб борган таниқли тадқиқотчилар.

- А)Г. Морган, М. Маклай.
- В)Э. Дрюкгейм, Ф. Ратцель.
- С)Ж. Фрезер, Э. Тайлор.
- Д)Б. Малиновский, Э.Денисон.

13. Эволюционизм мактаби учун асос солган тадқиқотчи ва унинг асари.

- А) Э. Тайлор. “ Ибтидоий маданият” 1871.
- В)Г. Морган “ Қадимги жамият”1872.
- С)Ф. Ратцель “Антропогеография” 1882.
- Д)М. Глукман “ Неофункционализм” 1932.

14. Этнология фанидаги“халқ” тушунчасиданечта этнологик белги бўлиши лозим?.

- А) 6 та.
- В) 4 та.
- С) 5 та.
- Д) 3 та.

15. Этнология фанининг асосий ўрганиш манбалари қайсилар?.

А) Музей ва архив манбалари, ёзма манбалар.

В) Фақат Архив ҳужжатлари, дала ёзувлари.

С) Фақат Музей ва дала ёзувлари.

Д) Фақат Дала ёзувлари ва ёзма манбалар

16. Америка этнопсихология мактабига қайси тадқиқотчи томонидан асос солинган?.

А) 20 аснинг 30 йилларида Ф. Боас томонидан.

В) 20 ас ўрталарида А. Кардинер томонидан.

С) 19 аснинг охирида Б. Малиновский томонидан.

Д) 19 аснинг ўрталарида М. Мид томонидан.

17. Этнология фанининг “Умумий этнология” бўлими қандай масалаларни ўрганади?

А) Бугунги кунда мавжуд бўлган халқлар тарихини.

В) Халқ тушунчасининг ўзига хос жиҳатларини.

С) Халқлар этнологиясининг моддий маданияти тарихини.

Д) Қабилалар турмуши маънавий тарихини.

18. Америка ирокезлари турмушини тадқиқ этган тадқиқотчи?.

А) Г. Морган

В) Э. Дрюкгейм

С) Ж. Фрезер

Д) Б. Малиновский,

19. Англияда этнология фанини юзага келишига асос солган тадқиқотчи?

А) Э. Тайлор.

В) Г. Морган

С) Ф. Ратцель

Д) М. Глукман

20. Этнология фанидаги “халқ” тушунчасига маъно жиҳатидан тўғри келувчи атамани кўрсатинг?

А) Элат

В) Миллат

С) Уруғ

Д) Қабилла

Фойдаланилган адабиётлар:

Асосий адабиётлар.

5. Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология. –Т.: ТДПУ, 2008.
6. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси.-Т.: Ўқитувчи, 1994.
7. Жабборов И. Жаҳон халқлари этнологияси.-Т.: Янги аср авлоди, 2005.
8. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.-Т.: Шарқ,2001.

Қўшимча адабиётлар.

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамиз.-Т.: Ўзбекистон, 2017.-488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.-Т.: Ўзбекистон, 2016-56 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш- юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир.-Т.: Ўзбекистон, 2017.-48 б.
4. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак.-Т.: Ўзбекистон,2017.-184 б.
5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.
6. Асқаров А.Энг қадимги шаҳар.-Т.: 2001.
7. Бобоёров Ғ. Чоқ тарихдан лавҳалар (илк ўрта асрлар).-Т.: 2010.
8. Бўриев О. Манбаларда Шаҳрисабз тавсифи.-Қарши, 2004.
9. Махмудов Қ. Қадимги Туркистон.-Т.: 2011.
10. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари.-Т.: 2008.
11. Мулло Олим Маҳдумхожа. Тарихи Туркистон.-Т.: 1995.
12. Ртвеладзе Э. ЦивилизацII, государства, культуры Центральной АзII.-Т.: 2005.
13. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар.-Т.: 2007. Elektron ta'lim resurslari.
4. www.pedagog.uz.
5. www.ziyouet.uz.
6. www.history.ru.

2-семинар машғулоти: Этнологиянинг фан сифатида пайдо бўлиши ва давраштириш

Режа:

1. Этнологиянинг тарихи ва турли мактабларда этнологик терминлар.
2. Ёндош фанлар билан алоқалари.
3. Этнологиянинг тарихий ва замонавий соҳалари, истиқболли йўналишлари

ФСМУ технологиясию. Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, еркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, эраланган билимларни таҳлил қилишга, қай даражада эраллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

- | |
|--|
| <p>Ф – Фикрингизни баён етинг.
С – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.
М – Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.
У – Фикрингизни умумлаштиринг.</p> |
|--|

Savol varag'i №1.

Etnologiyaning turli maktablarda eng ko'p qo'llaniladigan etnologik terminlar

Savol varag'i №2

Etnologiya fani qanday yondosh fanlar bilan aloqada bo'ladi

Savol varag'i №3

Etnologiyaning tarixiy va zamonaviy sohalari qaysilar

Семинар машғулотида оид тест.

Бугунги кунда дунёда неча катта нуфузли халқлар мавжуд?

- А) 260 та
- Б) 200 та
- С) 120 та
- Д) 500 та

2. Илк этнологик фактлар қадимги қайси мамлакатларда тўпланган?

- А) Миср, Қадимги Бобил, Эронда.
- Б) Иберия, Шимолий Африка худудида.
- С) Тайланд, Бирма, Индонезия мамлакатларида
- Д) Славян мамлакатлари, Рим салтанати худудида.

3. Қадимги дунё тарихидаги қайси афсоналар қимматли этнологик маълумотлар бэради?

- А) Маҳабҳорат, Рамайна, Одессия
- Б) Илиада, Одессия, Қўқон тарихи,
- С) Бобил минораси, Нуҳ фарзандлари тарихи, Бухоро тарихи
- Д) Қўқон тарихи, Бухоро тарихи

4. Илк ўрта асрларда этнологик маълумотлар берган Византиялик муаллифлар?

- А) П. Кэсарский, Г. Иордан, А. Комина.
- Б) Титмар, Адам Бременский
- С) Геродот, Гомер
- Д) Ибн Хўрдодбех, Ал-Истаҳрий.

5. Илк ўрта асрларда этнологик фактларни илк бор бир таснифга солишга уринган тадқиқотчилар?

- А) П. Мартир, Б. Де Саагун
- Б) Г. Гердер, Э. Тайлор.
- С) Г. Морган, Э. Фрезер.
- Д) Б. Малиновский, Р. Тьюрнвальд.

6. Илк этнологик жамият қачон ва қайси мамлакатда очилди?

- А) 1839 йил Францияда
- Б) 1842 йил АҚШда.
- С) 1846 йил Россияда.
- Д) 1830 йил Германияда

7. Буюк Британияда этнология фани қандай номланади?

- А) Ижтимоий антропология
- Б) Этнография
- С) Маданий антропология
- Д) Халқлар маданиятшунослиги

8. АҚШ этнология мактаби маданий антропология фани учун қайси тадқиқотчи асарлари асос бўлди?

- А) Ф. Боас
- Б) Г.Л. Морган
- С) Э. Фрезер
- Д) Э. Дрюкгем.

9) Ўзбекистон ҳудудида илк бор замонавий шаклдаги этнологик изланишлар олиб борилган илмий марказ номи?.

А) 1895 йил тузилган Археология ҳаваскорлари Туркистон тўғараги

Б) 1921 йил тузилган Туркистон туб аҳолиси маиший турмушини ўрганувчи комиссия.

С) 1870 йилги Генерал губернаторлик илмий комиссияси

Д) 1930 йилги Ўзбекистон этнология экспедицияси.

10. Замонавий этнология фанининг асосий ўрганиш предмети бу...?

А) Маданий ва Индустриал жамиятдаги халқлар турмушини ўрганиш.

Б) Фақат индустриал жамиятдаги цивилизациянинг этнослар турмуши муаммоларини ўрганиш.

С) Фақат қолоқ халқлар турмушини ўрганиш

Д) Фақат уруғ-қабилавий тузилишга эга этнослар ҳаётини тадқиқ этиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

Асосий адабиётлар.

9. Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология. –Т.: ТДПУ, 2008.
10. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси.-Т.: Ўқитувчи, 1994.
11. Жабборов И. Жаҳон халқлари этнологияси.-Т.: Янги аср авлоди, 2005.
12. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.-Т.: Шарқ, 2001.

Қўшимча адабиётлар.

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамыз.-Т.: Ўзбекистон, 2017.-488 б.
 2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз.-Т.: Ўзбекистон, 2016-56 б.
 3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш- юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир.-Т.: Ўзбекистон, 2017.-48 б.
 4. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.-Т.: Ўзбекистон, 2017.-184 б.
 5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.
 6. Асқаров А.Энг қадимги шаҳар.-Т.: 2001.
 7. Бобоёров Ғ. Чоқ тарихидан лавҳалар (илк ўрта асрлар).-Т.: 2010.
 8. Бўриев О. Манбаларда Шаҳрисабз тавсифи.-Қарши, 2004.
 9. Махмудов Қ. Қадимги Туркистон.-Т.: 2011.
 10. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари.-Т.: 2008.
 11. Мулло Олим Махдумхожа. Тарихи Туркистон.-Т.: 1995.
 12. Ртвеладзе Э. Цивилизация, государства, культуры Центральной Азии.-Т.: 2005.
 13. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар.-Т.: 2007.
- Elektron ta'lim resurslari.
7. www.pedagog.uz.
 8. www.ziyounet.uz.
 9. www.history.ru.

Этнологияфанига оид тушунчаларнинг изоҳли луғати

Автохтон - (юнон.)-маҳаллий, жайдари, туб аҳоли маҳаллий ер эгаси бўлган халқ, мамлакатнинг ибтидоий аҳолиси, аборигенлар.

Антропогенез (юнон.) - инсон жисмоний қиёфасининг шаклланиши, меҳнат фаолиятининг шунингдек, жамиятнинг кундалик ривожланиш жараёни. Антропогенез ҳақидаги таълимот антропология тармоғи ҳисобланади.

Антропология (юнон.)-одамнинг келиб чиқиши ва эволюцияси, одамзод ирқларининг пайдо бўлиши, одамнинг тана тузилишидаги нормал фарқ, тафовут, ўзгарувчанлик ҳақидаги фан. Антропологлар одам ҳақида тушунча, одамни ўрганувчи фан одамнинг суяк тузилиши, тери ва сочининг ранги ва бошқа типлари, физиологик, жинсий ва бошқа хусусиятларини ўрганади. Антропология ижтимоий фанларга жуда яқин турадиган биология соҳасидир. Бу фанга доир фикрлар бундан бир неча минг йил илгари пайдо бўлганига қарамай, у фан сифатида фақат XIX асрнинг иккинчи ярмидан шакллана бошлади. Антропологиянинг муҳим соҳаси одам организмнинг тузилиши ва ривожланишига жуда таъсир қиладиган физиологик, биокимёвий ва генетик омилларини ўрганадиган бўлими «Одам биологияси» дэран умумий ном билан XX асрнинг ўрталаридан бошлаб ривожланди. Одамнинг пайдо бўлишида фақат табиат оламининг қонуниятларигина эмас, балки ижтимоий омиллар ҳам муҳим роль ўйнаган. Одам пайдо бўлганидан ҳозирги ҳолатигача унинг бутун ҳаёти ижтимоий жамиятнинг ривожланиши қонунияти билан чамбарчас боғланган. Антропологиянинг фан бўлиб ривожланилишида табиат ва жамият тўғрисидаги фанлар ижобий рол ўйнади. Замонавий фан нуқтаи назаридан айтганда, антропология кўидаги учта катта бўлимдаг иборат: 1) Одам морфологияси; 2) Антропогенез; 3) Ирқшунослик (этник антропология). Морфология одамнинг жисмоний тузилишидаги белгиларнинг ёш, жинс, касб ва ташқи шароитга қараб ўзгаришини тушунтириб бэради. Ирқшунослик одамзод ирқларининг келиб чиқиши даври ва сабабларини уларнинг ер юзига тарқалишини изоҳлаб, этногенез муаммоларини ечишга ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Антропология биология фанининг фақат назарий соҳаси бўлибгина қолмай, амалий аҳамиятга эга бўлган соҳаси ҳамдир. Унинг далилларида кўп соҳаларида масалан, одамнинг жисмоний ўсишини ўрганишда, шунингдек суд экспертизасида фойдаланилади.

Антропологик тип - муайян ҳудудга мансуб одамзотнинг тузулишидаги ирқий турғун белгиларнинг шаклланган мажмуи. Бу атама билан катта ирқлар, уларнинг бўлимлари ҳам ифодаланади.

Генеалогия (юнон.шажара) - ёрдамчи тарих фанлардан бири XVII-XVIII асрларда вужудга келган. Билимларнинг амалий соҳаси, шажаралар тузиш, уруғ ва оилаларнинг келиб чиқиши, айрим шахснинг тарихий ва қариндошлик алоқаларини ўрганади.

Генезис (юнон.) - келиб чиқиш. Этнологияда халқларнинг келиб чиқиши.

Жамоа (ар.) - кишиларнинг қавмига уюшув шакли. Жамоа асосан ибтидоий жамият тузумига хос бўлиб, айрим ҳолларда синфий жамиятда ҳам узоқ вақт сақланиб қолувчи кишилар бирлашмалари шаклларида бири. Жамоа учун ишлаб чиқариш воситалари (қўнча ерга) биргаликда эгалик қилиш, ўз-ўзини идора этиш ҳукуқидан тўла ёки қисман фойдаланиши характерлидир. Жамият тарққиёти жараёнида жамоанинг шакли ва мазмуни ўзгара бэради. Жамоанинг уруғ жамоаси, қишлоқ жамоаси, уй, оила жамоаси, қўшничилик жамоаси ёки ҳудудий жамоа каби кўринишлари мавжуд.

Инициация (лот.) - бағишлаш, ибтидоий даврда ўсмирларни вояга етган эркак ва аёллар сафига ўтказиш маросимию исломда ўғил болалар суннати инициация ҳисобланади.

Инновация (лот.) - янгиланиш, мерос ва анъаналарни авлоддан-авлодга ўтиши натижасида маданиятда вужудга келган янги кўринишлар.

Интеграция (лот.) - тикланиш, тўлдириш, турли халқларнинг бирлашуви, турли этносларнинг бир ҳудудида этник-маданий алоқаларини ўрнатиш жараёни.

Ирқ (ар.) - илдиз, томир, одамларнинг келиб чиқиши, гавда тузилиши ва қиёфаси ўхшаш бўлган тарихан таркиб топган ҳудудий бирлигидир. Кишиларнинг тана тузилиши, ташқи қиёфаси (тери, кўз ва суягининг ранги, соқолининг сийрак ёки қалинлиги, бўй-баста, юз тузилиши, бош суягининг шакли, қон гуруҳи) ва бошқаларига қараб гуруҳ-гуруҳга ажратилади. Жаҳондаги барча халқлар тўртта катта ирқларга бўлинади: европоид (евросиё), монголоид (осиё-америка), негроид ва астролоид (Океания). Булардан ташқари ирқий бирикмалар ҳам мавжуд. Ҳар бир ирқ яна бир қанча майда гуруҳларга ҳам бўлинади.

Ирқлар - *Homo Sapiens* тури ичидаги систематик гуруҳлар. Ҳар бир ирқ ўзига хос ирсий белгилар, мас, кўз, соч ва тери ранги, юз ва бош қутисига биноан бошқа ирқлардан фарқ қилади. Ҳозирги одамлар 3 та экваториал (негроид, австралоид, евросиё), европоид (осиё-америка, монголоид) ёки 5 та (негроид, австралоид, европоид, монголоид, американ оид) йирик ирқларга бўлинади. Ҳар бир ирқ ичида яна кичикроқ ирқ, яъни кенжа ирқ бўлади. Масалан, экваториал ирқ, негр, негрилл, бушмен ирқ, негр, негрилл, бушмен ирқ, австралия ва бошқа ирқларга, европоид ирқ эса Атлантика-Болтиқ, Ҳинд-Ўрта денгизи, ўрта Европа ва Арктика, жанубий Осиё ва бошқаларга ажралади.

Ирқлар палеолитнинг сўнгги даврларида бундан 40-30 минг йил аввал одам ер юзини эгаллаши билан шакллана бошлади. Ўша даврда кўпчилик ирқ белгилари мослашиш хусусиятига эга бўлганлигидан муайян муҳит шароитида табиий танланиш туфайли мустаҳкамланиб борган. Масалан, экваториал ирқда терининг қора ранги ультрабинафша нурлар таъсиридан ҳимояловчи, бурун катагининг кенг бўлиши, нам трўк иқлим шароитида сув буғланишини кучайтирувчи, тананинг узун бўлиши, тана юзасининг тана ҳажмига нисбатан кенгайтириш орқали терморегуляцияни амалга оширувчи восита сифатида вужудга келган.

Барча ирқлар *homo Sapiens* га хос бўлган умумий хусусиятларга эга, уларнинг барчаси биологик ва психик жиҳатдан тэнг бўлиб, эволюцион ривожланишнинг бир хил поғонасида туради. Ҳамма ирқлар маданият ва цивилизация энг юқори даражада ривожланишида бир хил имкониятга эга. Ҳозирги замон фани мавжуд ирқлар бир хил қобилиятга эга эмаслиги, улар эволюциясининг турли босқичларида турганлиги тўғрисидаги ирқчилик ғояларини инкор этади. Одам ирқларни миллат, «тил гуруҳи» тушунчалари билан аралаштириб юбормаслик лозим. Битта миллат таркибида ҳар хил ирқлар ва аксинча битта ирқнинг ўзи турли миллатлар таркибига кириши мумкин.

Конгломерат (лот.) - бирикиш, қушилиш, боғланиш, тўпланган турли тоифа ва элатларнинг уюштирилишидан ташкил топган ижтимоий-сиёсий тузум. (Масалан, кулдорлик, феодализм даврида тузилган йирик давлатлар).

Консолидация (лот.) - мустаҳкамлайман, йириклашув, тил ва маданият жиҳатидан яқин ва қон-қардош бўлган халқларнинг ягона бўлиб бирлашуви, этносларнинг бир-бирига яқинлашиб қўшилиб кетиши.

Магия (юнон.) - сеҳргарлик, одамнинг ўзини ғайри табиий кучлар таъсирида кўрсата олиш қобилятига асосланган иш амаллари.

Маданият (ар.) - инсон қўли ва ақл идроки билан яратилган моддий ва маданий бойликлар. Рус тилида «культура» сўзи аслида лотинча сўз бўлиб, «ишлаб чиқариш», «ясаш», «яратиш» дэран маънони англатади. Маданият тушунчаси тарихий давр (антик маданият), аниқ жамият, элат ва миллати ҳамда фаолияти ёки ҳаётининг ўзига хоссоҳаларини тавсифлаш учун қўлланилади. Маданият моддий ва маданий маданиятга бўлинади. Моддий маданиятга хўжалик қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечаклар, безаклар, таомлар, идиш-товоқлар, турар жойлар ва бошқалар киради. Маънавий маданиятга эса оила-никоҳ муносабатлари, урф-одатлар, маросимлар, эътиқодлар, тасвирий санъат, фолклор кабиларни ўз ичига олади. Моддий ва маънавий маданият бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Маросим (ар.) - диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабатлари билан ўтказиладиган маърака, йиғин: тантаналар билан уюштириладиган расмий йиғин.

Микроэтнос - маҳаллий халқ ёки миллат ичида баъзи жиҳатлари (шеваси, моддий ва маънавий маданияти, диний тасаввурлари) билан ажралиб турган майда этнографик гуруҳлар.

Никоҳ (ар.) - эр-хотинликни шарият йўли билан расмийлаштириш маросими, мазкур маросимда мулла томонидан қиладиган шартнома. Эркак билан аёлнинг ҳуқуқий равишда расмийлаштириладиган оилавий иттифоқи. Эркак билан аёлнинг бир-бирларига ва болаларига нисбатан ҳуқуқийва мажбуриятлар келтириб чиқарувчи оилавий иттифоқи.

Тарихий-этнографик вилоят - маълум ҳудудда жойлашган, узоқ тарихий давр ичида моддий ва маънавий маданиятда умумий хусусиятлар яратган халқлар махсус тарихий-этнографик вилоятларга

бўлинадилар. Моддий маданиятга теварак-атрофдаги табиий-экологик шароитга мослашган меҳнат куроллари, уйлари, уй-рўзғор буюмлари, таомлари, кийим-кечаклари кирса, маънавий маданиятга халқ яратган турли жанрдаги асарлар, халқ амалий безакчилик санъати, пардоз бериш, диний эътиқод, урф-одатлардаги баъзи умумийликлар киради. Масалан, Америка қитъаси энг катта икки тарихий-этнографик вилоят-шимолий Америка ва Лотин Америкасига бўлинади. Этник ва маданий хусусиятлари билан умумий белгиларга эга бўлган кўп халқлар махсус жанубий Осиё тарихий этнографик регион (минтақа)ни ташкил этади. Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақаси ҳам махсус тарихий маданий вилоят ҳисобланади.

Мамлакатимиздаги Фарғона водийси (Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари), жанубий Ўзбекистон (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари)ни ҳам кичик тарихий-этнографик регион-минтақаларга киритиш мумкин. Ҳозирги бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган мамлакатларда тарихий-маданий вилоятлар тобора такомиллашмоқда. Тараққиёт сари одимланаётган мамлакатларда ҳам янги тарихий-маданий вилоятлар вужудга келмоқда, шунингдек Африка, Америка, Австралияда ҳозиргача ибтидоий жамоа босқичи даврида шаклланган тарихий-маданий регион (минтақа)ларнинг кўринишлари сақланиб қолган.

Тиллар классификацияси - жаҳон тилларини турли белгиларига кўра ўрганиб, гуруҳларга ажратиш. Тилларнинг генетик (генеалогик) классификация уларнинг қариндошчилик белгиларига асосланадиган, яъни умумий ўзак тилдан келиб чиққан тилларни ўз ичига олади: ҳинд-европа тиллари, олтой тиллари, урал тиллари оиласи ва бошқалар. Типологик классификация, генетик ёки ҳудудий яқинликдан қатъий назар, тил тузилиши (морфологик фонологик, синтактик, семантик) белгиларнинг ўхшашлигига асосланади. Шунга кўра тиллар изолюцияловчи (аморф, тип) қадимги хитой, ветьнам, йоруба (аглютинацияловчи) (аглютинатив тип) туркий тиллар, кўпгина фин-угор тиллари (флексияловчи) флектив тип (рус тили)га бўлинади. Айрим олимлар инкорпорацияловчи (полисинтетик) тиллари (айри палеосиё тиллари, кавказ тиллар)ни ҳам ажратадилар.

Хўжалик маданий типлар - жаҳон халқларининг ибтидоий жамият даври (қадимги тош, бронза ва темир асрлари)даги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, турлича табиий шароитда жойлашишининг ва мослашиши уларнинг ҳаётида турли типдаги хўжалик-маданиятларни вужудга келтирган эди. Хўжалик-маданий типлар даставвал муайян жамиятда устувор ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир тарихий даврда кишиларнинг теварак-атрофдаги муҳит билан алоқа характерини белгилайди.

Мазкур типлар кишиларнинг машғулорти ва ишлаб чиқариш куроллари, турар-жойлари ва уй-рўзғор жиҳозлари, таомлари ва кийим-кечаклари, транспорт воситалари ва бошқа типларга қараб, муайян жамиятнинг ижтимоий тузумини ҳам аниқлаш мумкин. Маънавий

маданият хусусиятлари, асосан урф-одатларда, тасвирий санъатда, эътиқоди ва фолклорида ёрқин намоён бўлади. Хўжалик-маданий типларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги муайян ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва бир-бирига яқин географик муҳит билан боғлиқ бўлиб, ўзгарувчан характерга эга.

Энг қадимги даврларда пайдо бўлган этносларнинг хўжалик-маданий типли иссиқ трўк ва субтрўк иқлимли ўлкалардаги овчилик, терим-тармачилик ва соҳиллардаги балиқчиликдир. Намли трўк ва субтрўк жойларда иккинчи маданий-хўжалик тип, ички иссиқ иқлимдаги қўл меҳнатли деҳқончилиги тарқалган бўлиб, бунга қисман овчилик-теримчилик ва балиқчилик хўжаликлари ҳам ёрдамчи ҳисобланган. Иқтисодиёт ва техника тараққиётига янги сифат яратган учинчи маданий-хўжалик тПъмотига деҳқончилик билан чорвачилик қўшилиши натижасида пайдо бўлган эди.

Кейинги даврдаги фан-техника тараққиёти бутун жаҳондаги анъанавий хўжалик маданий типларга жиддий ўзгартиришлар киритди. Европа ва Америкадаги энг ривожланган мамлакатларда аҳолининг кўпчилиги индустриал соҳага жалб этилди, анъанага айланиб қолган қишлоқ хўжалиги ўрнига юксак тараққий этган товар деҳқончилиги ва интенсив чорвачилик, плантацияли қишлоқ хўжалиги пайдо бўлган эди. XX-XXI асрнинг бошларида анъанавий хўжалик-маданий типлар барҳам топа бошлади ва сақланиб қолган белгилари янги мазмун билан бойиди.

Цивилизация - инсоният жамияти илгарилама ҳаракатида эришилган даражани ҳамда моддий ва маънавий қадриятларни ўзлаштириш усулини ифодалайдиган тушунча.

Этник антропология ва ирқшунослик - антропологиянинг одамзот ирқларининг келиб чиқиш тарихи, сабаблари ва Ер юзига тарқалиши ҳамда халқларнинг антропологик таркибини ўрганувчи соҳаси. Миллат ва ирқ одамзод турларининг бирлиги, моногенизм ва полигенизм, одамзод гуруҳлари ва унинг таркибан антропологик бир хиллик даражасини аниқлаш, ирқларнинг классификацияси, дунё халқларнинг антропологик таркиби, ирқларнинг ҳозирги даврда тарқалиши ва одамзод бирлиги, ирқий белгиларнинг ўзгарувчанлиги ирқларнинг керишуви каби масалалари устида тадқиқот олиб боради.

Этник бирлик - кишиларнинг қабила, элат миллат ва бошқа бирликларидан иборат бўлган, тарихан таркиби топган алоҳида барқарор ижтимоий гуруҳи. Этник бирлик тушунчаси этнографик жиҳатдан «халқ» маъносини англатади. Кишилар бирлашувининг табиий негизи ҳудуд умумийлиги, шунингдек улар тилининг яқинлиги ва умумийлиги этник бирликнинг вужудга келишига асосий шарт ҳисобланади.

Этник гуруҳ - турмуш ва маданиятнинг айри элементлари (тили, моддий ва маънавий маданиятидаги ўзига хос хусусиятлари, дини ва б.)ни сақлаган. Халқ ёки миллатнинг алоҳида қисми. Этник гуруҳга, одатда, элат ёки миллатнинг бошқа миллий гуруҳлар билан ассимляцияси ёки элатга ўзининг айрим характери белгиларини

сақлаган ҳолда кўшилиши натижасида, шунингдек халқнинг бир қисми асосий этник ҳудуддан узоқ вақт узилиб қолиши миграция жараёнлари, давлат чэараларининг ўзгаришлари вабошқалар, янги табиий-географик шароитга тушиши натижасида хўжалик ва маданиятда ўзига хос хусусиятларгаэга бўлиши билан пайдо бўлади. Янги этник гуруҳнинг ташкил тўшида дин, табақавий гуруҳлар ва бошқалар катта роль ўйнайди.

Этнографик гуруҳ - маълум бир этноснинг (элатнинг ёки миллатнинг ажралмас қисми, унинг таркибидаги бўлинмалардан) бири бўлиб, ўзининг баъзи хусусиятлари билан тил лаҳжаси, хўжалик фаолияти, тумурш тарзининг баъзи томонлари билан фарқ қилган. Этнографик гуруҳ одатда бир қабиланинг, элатнинг ёки миллатнинг иккинчи бир халқ билан аралашиб, бошқа ерга бориб, шу ердаги халқ таркибигакириб, у билан бирга яшаб келиши натижасида вужудга келади.

Этник жараён - этник бирлик (элат) билан унинг таркибига кирган этник гуруҳлар ўртасидаги хўжалик, иқтисодий, маданий алоқаларнинг узлуксиз ривожланиб боришидир. Бу жараён икки хил бўлиниб кетишга ва бирланишга мойилдир.

Этногенетик жараён - бу жараёнда халқнинг илк илдизлари ҳосил бўлади. Бир қанча этник гуруҳлар бир-бирлари билан яқинлашиб, кушилиб боради. Этник гуруҳларнинг ташқи қиёфаси, тили, моддий ва маданий маданияти ҳар хил бўлади. Узоқ давом этган этногенетик жараёнда уларнинг ташқи қиёфасида тилида, моддий ва маънавий маданиятида, феъл-атворида умумийлик ҳосил бўлади. Ўзбек халқининг этногенетик жараёни Қанг давлати доирасида (милоддан аввалги III-милодий V асрнинг ўрталари) ўтган. Кейинги даврларда бу жараён ривожланган.

Этник психология - социал психология бўлимлардан бўлиб, турли миллий, халқ ва этник гуруҳга хос типк психик хусусиятларни ўрганади. Ўз текширишларида муайян тадқиқот объектининг моддий ва маънавий маданияти, ижтимоий ҳаёти, анъаналари, урф-одати, тил хусусияти, диний қарашлари, шунингдек ўзига хос тасаввури, кайфияти, иш-ҳаракатлари тизими ва бошқаларга асосланади. Дастлаб этнография ва антропология фанлари асосида вужудга келгач, кейинчалик ижтимоий психология ва этнография заминида махсус фан сифатида тўлақонли шаклланади.

Этник тарих-маълум бир халқнинг илк аجدодларидан бошланиб, элат шаклланиши, унинг тараққиёт этиш босқичларини ва элатнинг емирилиши даврини ўз ичига олади.

Этногенез (юнон.) - халқларнинг келиб чиқиши, илгари мавжуд бўлган турли этник компонентлар асосида янги этникбирликнинг таркиб тўш жараёни. Этник гуруҳ, халқнинг шаклланиш жараёни узоқ вақт давом этади. Халқларнинг этногенезини ўрганишда улар келиб чиқишининг дастлабки давригина эмас, балки кейинги шаклланиш тарихи ҳам, шунингдек ҳозирги замон этнографик, лингвистик ва

антропологик хусусиятлари ҳам ҳисобга олинади. Бундай мураккаб жараёни аниқлаш, этнография, археология, антропология, тарих, тилшунослик фанлари маълумотларидан фойдаланишни талаб этади, яъни этногенез масаласи фанида комплекс ўрганилади. Этногенез масаласини ўрганиш маданият тарихининг умумий муаммоларини изоҳлаш учун муҳим аҳамиятга моликдир.

Этногеография (лот.) - этнологиянинг бир тармоғи. Ер шари, алоҳида мамлакатлар ва уларнинг ҳудудлари аҳолисининг таркиби ва жойлашишини ўрганади. Шунингдек, этногеография қадимги ва ҳозирги этник бирликларнинг жойлашишни текширади ва шу асосида этник чэрараларни аниқлайди. Этногеографияга этник география ва этник демография киради. Этногеография антропология билан яқин алоқада. Этнография антропогеографиянинг турли мактабларидан фарқ қилиб, этник бирликлар (халқлар, этник гуруҳлар) ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва тарихий режада географик муҳит табиий-географик омилларнинг таъсири ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг етакчи ролини ўрганади.

Этнолингвистика (юнон.) - тилшуносликнинг этнология билан боғлиқ бўлиши. Этнолингвистика халқ одатлари, тасаввурлари, маданияти билан тилнинг ўзаро алоқасива таъсирини ўрганади. Шунингдек тилда акс этган маданий далилларни дини ва махсус тилларни, табуларни, этник ономастикани ва бошқаларни таҳлил қилади.

Этноним (юнон.) - халқларнинг номларини англатувчи атама.

Этнотимика - қабила, халқ ва бошқа этник бирликларни ўрганадиган фан.

Этнос (юнон.) - элат, халқ. Этнологияда уруғ, қабила, элат, халқ, миллат этнос деб юритилади.

Этноцентризм (юнон.) - инсоннинг барча ҳаётий ҳодисаларини ўзи учун намуна деб билган ўз этник гуруҳи қадриятлари юзасидан баҳолашга мойиллиги; ўз ҳаёт тарзини бошқалар ишидан афзал кўриш.

Мундарижа

Кириш.....

1.Модул: Фаннинг моҳияти ва кўпқиррали ижтимоий гуманитар фан сифатида унинг тадқиқот объекти.....

2.Модул: Этнология фани предмети ва тадқиқот методлари, назарий муаммолари ва асосий мактаблари.....

3. Модул : Дунё халқлари ва ўзбекларнинг анъанавий машғулоти, хўжаликфаолияти.....

4. Модул : Этнологияда “маданият” тушунчаси ва анъанавий моддий ҳамда маънавий маданият.....

5.Модул: Жаҳон халқлари классификацияси тамойиллари.....

6.Модул: Австралия ва Океания халқларининг табиий географик шароити, этногенези ва этник тарихи муаммолари.....	
7.Модул:Полинезия,Янги Зеландия, Меланезия, Янги Гвенея, Микронезияхалқлари	
8. Модул.1-мавзу: Ғарбий Осиё халқлари халқлари.....	
8. Модул.2-мавзу: Жанубий Осиё ва Жанубий-Шарқий Осиё халқлари.....	
8.Модул. 3-мавзу: Шарқий ва ШимолийОсиё халқлари.....	
9. Модул.1-мавзу: Шимолий Америка халқлари.....	
9. Модул.2мавзу: Марказий Америка халқлари.....	
9. Модул.3-мавзу: Жанубий Америка халқлари.....	
10. Модул: Европа халқлари этнологияси.....	
11. Модул.1-мавзу: Шимолий Африка халқлари.....	
11. Модул.2-мавзу: Ғарбий ва Марказий Африка халалари.....	
11. Модул.3-мавзу:Шарқий ва Жанубий Африка халқлари.....	
12. Модул: Ўзбек халқи этнологияси.....	
13. Модул: Ўрта Осиё ва Қозоғистонхалқлари.....	
14. Модул: Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.....	
Этнология фанидан семинар машғулотлари ишланмаси.....	

ЗИЁТБЕК ЭСОНОВ
ЭТНОЛОГИЯ

Ўқув-услубий қўлланма